

**Ушбу китобни асл деҳдон отам Жалол  
Носировнинг ёрқин хотирасига бағиш-  
лайман.**

**МУАЛЛИФ**



**Эркин Носиров**

**ЧИФОННИНГ  
СИРИ**

*Қисса ва ҳикоялар*



Тошкент  
Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти  
1990



Муаллифнинг бу китобидан ўрин олган қисса ва ҳикояларнинг мавзуси ранг-баранг, воқеалари қутилмаган, ҳолатлари табиий. Асарлардаги болалар ва уларнинг хатти-ҳаракатлари жонли чиққан, катталарга муносабатлари, уларнинг мушкулларини осон қилишдаги изланишлари ҳам ўқувчи диққатини тортмай қолмайди.

И  $\frac{4803010000--21}{356(04)-90}$  120—90

ISBN 5—633—00564—3

© Эркин Носиров, «Чигоннинг сирини», 1990

## СИРЛИ ОЛАМ САРИ

Инсон дунёга келган кунидан бошлабоқ ўзини табиат қўйида қўради, теварагидаги барча нарсаларга ҳайрат билан боқади. Ўзининг ана шу она табиатнинг бир бўлаги, ажиб ва ҳайратомуз мўъжизаси, шоирона таъбир билан айтадиган бўлсак гўзал табиатнинг гўзал боласи эканлигини сезиб олгунича орадан маълум муддат — кунлар, ойлар, йиллар ўтади. Шундан кейин у онгли меҳнат кучоғига кириб, бор умрини табиат, ватан, башар манфаатига бағишлайди.

Теварагимизни қуршаган борлиқ барчамизга сирли оламдир. Ба-шариятнинг буюк вакиллари унинг кўп сирларини очишган бўлса ҳам бизга ҳамон тилсимотдек туюлаверади. Шунинг учун ҳам бу оламдаги ҳар бир нарса бизда завқ ва ҳайрат уйғотиши табиийдир.

Болалик хотиралари жуда кучли бўлганидан одам уларни умрбод унутолмайди. Улар чиндан ҳам эзгу ва ширин бўлади. Болаликдаги ҳайрат ва завқ ҳам ўзгачадир. Бу ҳиснинг инсонга умрбод йўлдош бўлиб қолиши эса бениҳоя қувонарли ҳодисадир.

Менинг болалик ва ўсмирлик йилларим Андижонда кечган бўлса ҳам бобом (онамнинг отаси) билан унга қарашли бир парчагина ерда бўлиб, кучим етганича қарашардим. Бобомнинг биттаю биттагина отини парвариш қилардим, экин-тикин ишларида катталардан қолишмасликка интилардим. Ойдин кечаларда экинзор чеккасидаги сунада осмонда бамисоли чўғдай ялтираётган юлдузларни санашга уринганларим, чирилдоқларнинг тинимсиз чириллашлари, субҳидамдаги қушлар навоси тонг сабоси очилтирган гуллар, қуёшнинг жилмайиб боқиши, шунда борлиқнинг нақ олтинранг тусда товланиши... Тенгқурларим билан бекинамчоқ, чиллак, пирилдоқ ўйнаганларимиз... Бобомга мингшиб даза айланганларимиз... Буларнинг бари худди кунги кеча юз берганидек ҳамон кўз олдимда турибди.

Ёзувчи Эркин Носировнинг «Чигоннинг сир» китобиши ўқирканман, жўшқин болалик йилларимни беихтиёр эсладим, ўзим мафтун бўлиб қолган қишлоқ манзаралари кўз олдимдан бир-бир ўтди. Гарчи муаллиф Андижонни эмас, балки Тошкент атрофидаги жойларни қаламга олган бўлса ҳам хаёлим беихтиёр ёшликнинг унутилмас йиллари кечган сўлим манзилҳоҳларга учди.

Ўзининг болалик йилларимиз билан ҳозирги йиллар ўртасида ер билан осмонча фарқ борлиги барчага аён. Мен граммофони биринчи марта кўрганимда темирдан одам овози чиқишидан лол қолиб, ҳатто яқинига йўлашга ҳам юрагим дов бермаган, кейинчалик аста-секин яқинига бориб, қўрқа-ниса устидан силайдиган бўлгандим. Ҳозирги космик асрнинг болалари эса, граммофон тугул ундан ҳам мураккаброқ аппаратларни мактаб ва пионер саройларидаги тўғарақларда ўз қўллари билан яратмоқдалар, фазо кемалари парвозини таҳлилдан ўтказмоқдалар, компьютерларни ишлатиб, турли жумбоқларни ҳал қилмоқдалар. Шундай бўлса ҳам уларга табиат гўзалликларидан завқланиш ва ҳайратланиш тўйғуси ҳамиша ҳамроҳ.

Тўшамга кирган асарларни ўқиганингизда ёш замондошларимизга хос бўлган ана шу жиҳатни осонгина пайқаб оласиз. Табиатга,

бунёдкор меҳнатга бўлган меҳру муҳаббат, ўқиш-ўрганишга интилиш, катталарга ҳурмат — уларнинг барчаси бир-бирига яқинлаштириб туради. Ёзувчи улар характерида шаклланаётган янги жиҳатларни илғаб олган ҳолда ишонарли тасвирлашга уринади.

Биз бу ҳолни кўпроқ «Раис бобонинг набиралари» қиссасида сезамиз. Шаҳарлик тенгдош икки ўқувчининг қишлоқда кечган кунлари тасвирида ҳозирги кунлардаги ўсиш-ўзгаришлар нафаси сезилади. Қисса қаҳрамонлари бўлган Музаффар билан Улугбек бошида таътил кунларида қишлоққа келиб, шунчаки дам олиб кетишни ўйлаган бўлсалар ҳам бу ерга келганларидан кейин қайноқ ҳаёт қучоғида бир чеккада қолмайдилар. Янги дўстлар орттирадилар, биргаликда катталар қатори кучлари етганича баъзи бир ишларда, чунончи хашарда қатнашадилар, бобонинг ёнига тушиб оғирини енгил қиладилар, ҳатто каттароқ ишларига ҳам аралашиб кетадилар. Бунда уларнинг кўзлари очила боради, яхши билан ёмоннинг фарқига ета бошлайдилар.

Китобга кирган ҳикояларнинг мавзулари ранг-баранг. Биз унда табиатга, жониворларга меҳр уйғотувчи, ростгўйликка чорловчи, эзгуликни улугловчи ҳикояларни кўрамиз. Буларнинг барида ёзувчи эзгу мақсадда қўлига қалам олганлиги сезилиб туради.

«Чигоннинг сири» ёзувчининг ёш китобхонларга аталган иккинчи тўплами! Бундан анча йиллар муқаддам у адабиётнинг навқирон мухлисларига «Насибахоннинг табассуми» китобини тухфа қилган эди. Табиат гўзаллигини сақлаш, экологик муҳитни соғломлаштириш, осмонимизни беғубор қилиш учун кураш авж олган ҳозирги кунларда инсоннинг табиатга муносабати, унга меҳру муҳаббатини эъозлашга бағишланган ушбу тўплам ҳам ёшларга муносиб совға бўлиши турган гап. Зеро эзгулик йўлидаги ҳар бир иш қалбга қувонч бағишлайди. Биз бу йўлда ёзувчига бундан буён ҳам муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Комил ЯШИН,**

**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**



РАИС БОБОНИНГ  
НАБИРАЛАРИ

*ҚИССА*



БИРИНЧИ БОБ

## КУНЧИҚАРДАН КУНБОТАРГА

Ойим гоҳо телефонда таниш-билишлари билан гап-лашиб қолсалар, қўл қургур ҳеч бўшмайди, уйнинг гани кўчага тўғри келмаслигини биласиз-ку, дердилар. Ушанда, нега бунақа дейишди, уйнинг гани нимага кўчага тўғри келмас экан, деб ҳайрон бўлардим. Энди билсам бунинг тагида бошқа гап бор экан.

Май байрамидан кейинги кунларнинг бирида Чотқол тоғларига қараган эни бўйидан уч барабар чўзинчоқ бўлган уйимиз балконида нопунта қилиб ўтирдик. Пастдаги дарахтлар тинч бўлса ҳам шохларининг учи шабадада сезилар-сезилмай тебранади. Ҳаво салқин ва оромбахш.

— Хўш, — дадам одатларича «бўлди» дегандай ниёгани тўнтариб, шонилмай гап бошладилар, — энди бир маслаҳат, онаси. Бугун-эрта отпуска ҳам бошланади. Иссиққўл томонга юрсакми дейман.

Ойимнинг чехралари ёришиб, кўзлари норлаб кетди.

— Вой, мингга кириг, дадаси. Қўнғимдаги гаши айтдингиз-а.

Дадам илжайиб қўйдилар:

— Дўхтирнинг гани эсимда турувди-да.

Ойим суюниб кетганларидан бошимни силанга тушдилар-да, назаримда менга имо қилиб сўрадилар:

— Қўзихонни ҳам олиб кетамизми?



Бундан яна ҳушёр тортиб, қулогимни динг қилдим.  
Дадам эса пинакларини бузмай:

— Кўрамиз, — дедилар.

Ойимга ўшаб суюниб кетдим. Иссиқкўлга борамиз-зу юрагим қоқ ёрилгудай бўлмасинми! Уни биринчи марта бундан анча йил олдин «Оқ кема» деган фильмдан кўриб севиб қолганман. Ўша кўл денгиздай беноён, соҳиллари кўринмас, сутдай ошноқ кема эса ўртасида шитоб билан сузиб борар, тик соҳилда турган бола эса ундан кўзини узмай канипан отасини изларди. Боланинг ёнида Мўмин ота деган меҳрибон ва ювошигина бобоси ҳам бор эди.

Тирик етим бўлган ўша бола отасига етишолмай ахири ҳалок бўлади. Ўшанда қалбим дарзага келиб, жуда қаттиқ ачинганман.

Мана энди даданинг гапларига қараганда ўша кўлга борармишимиз.

Шуни ўйлаб кўнглим яйраб турганида дадам ойим икковимизни:

— Ҳозирча буни ичларингдан чиқарманглар. Олдиндан ногора чалиш яхши эмас, — деб огоҳлантирдилар.

— Вой, дадаси, ўлибми, — дедилар ойим. — Кейин яна бошимни силадилар: — Уқдинг-а?

«Ҳа» дегандай бошимни қимирлатиб қўйдим.

Ёлғиз фарзанд бўлганимдан дадам билан ойим кичкиналигимдан бери «Кўзиҳон» деб эрқалатишарди. Уч-тўрт йилдан отимни айтиб чақиринса ҳам гоҳо эриб кетганларида «Кўзиҳон» дейишар, тўғрисиини айтсам бу ўзимга ҳам ёқарди.

Дадам нисанда қилмасалар ҳам Иссиқкўлга бормоқчилигимизни ҳеч кимга, ҳаттоки жонажон ўртоғим Улугбекка ҳам айтмоқчимасдим. Нега десангиз бир марта панд еган жойим бор. Бултур бир валдираб роса оғзим куйган. Келиб-келиб кимга керилувдим денг? Сифдошим Жаҳонгирга. Ўша воқеани ҳали-ҳали эсласам ўзимдан ўзим уялиб кетаман.

Дадам бир куни ойимга, эртага ишонгиздан барвақтроқ келсангиз, билет олиб қўйман, Ҳамза театрига борамиз, дедилар. Бу гап қулогимга мойдай ёққанидан ликиллаб қолдим. Театрга ўзим ҳам боришимга қаттиқ ишонганимдан ичимга сиздирилмай Жаҳонгирга айтувдим.

Эртасига оқшомда дадам билан ойим театрга кетишди, мени эса ён қўшишимиз Ваҳоб отага қолдиришди. Ваҳоб ота ёлғиз ўзлари турадилар. Ота билан телеви-

зорда ўшанда Штирлиц ҳақидаги фильмни кўрсак ҳам бари бир анчагача қовоғим очилмади. Жуда алам қилганди-да, ўзиям. Бунинг устига, эртага Жаҳонгир, хўш, театрда нимани кўрдинг, деса нима дейман, деб ваҳимага тушардим...

Жаҳонгир эртасига сўрашга сўради, мен бўлсам яна битта чатоқ иш қилдим: тўғри жавоб қилиш ўрнига умримда биринчи марта ёлгон гапирдим; бошим оғриб қолиб, боролмадим, дедим. Бу гапим беўхшов чиқиб, ўзим ҳам шолғомдай қизариб кетдим. Жаҳонгир эса соддадиллигидан буни найқамеди, ҳалиям боши оғриётган бўлса керак, деб ҳолимга ачинган бўлди.

Ўшанда кетини ўйламай гапирганимдан ҳали-ҳали ўзимни койиб юраман.

Иссиқкўл ҳақида гап айлангандан кейин тинчим бузилди. Уни харитадан топиб, томоша қилдим. Тиён-Шон тоғларининг этагидаги бу кўл анча-мунча катта экан дег. Юзаси 6330 квадрат километр, 1608 метр баландликда тураркан, энг чуқур жойи 668 метр келаркан. География ўқитувчимиз Собира она бу кўлга тааллуқли ажойиб воқеаларни айтиб бердилар. Машҳур рус сайёҳи Николай Пржевальский кўн жойлар қаторида бу кўлни ҳам ўрганган экан, уни жуда севиб қолганидан 1888 йилда оғир бетоб бўлганида, кўл бўйига дафн қилинган, дебди. Иссиқкўл соҳилидаги шаҳарлардан бири Пржевальский номига қўйилган, кўмилган жойи ҳам унга яқинроқда экан.

Энди кундузи ҳам, кечаси ҳам Иссиқкўлни ўйлардим. Бир марта тушимга ҳам кирди. Тушимда десаңгиз саёҳатчиларга аталган онпоқ кемада Иссиқкўлда кетаётганмишмиз, теваарак-атрофимизда катта-кичик қайиқлар сузармиш, тепамизда балиқчи қушлар чарх урармиш...

Бу тушимни ҳам бировга айтмадим.

Кунларимиз шу тариқа ўтар. Иссиқкўл эса хаёлимдан кетмасди.

Ойим айтганларидай Улугбек билан телефонда қисқа кунда қирқ марта гаплашиб турсам ҳам унга Иссиқкўлдан оғиз очмадим. Нима учун деганингизда, дадамнинг гаплари эсимда турарди-да.

Мақтабдаги ўқишимиз охирлаб қолди. Синф раҳбаримиз Зарифа она бошқалар қаторида менга ҳам, таътилда қаерда бўлишингни ота-онангдан сўраб кел, бирор ёққа бормасанг, мактабдаги соғломлаштириш лагерига оламиз, деди. Буни келибоқ ойимга айтувдим,

дадамдан сўрабдилар. Дадам эса, келаси ҳафтада маълум бўлади, дебдилар.

Ойим тез-тез касал бўлиб турадилар, томоқлари ҳадеб оғрийверади. Врачлар Иссиқкўлга бориб даволанишни маслаҳат беришганини дадамга айтгандилар. Уша гап менинг ҳам қулоғимга кирганди. Дадам эса ҳозирда Иссиқкўлга қоғоз топиш ҳаракатида юрардилар. Уша путёвкалардан биттаси ўзимга насиб қилсин-да.

Улуғбек билан телефонда гаплашиб, бир-биримизни еттинчига ўтганимиз билан табрикладик. Кейин таътилда нима қиламиз, қаерга борасан, деб уни айлантирган бўлдим. Ҳозирча номаълум, аниқ бўлса айтаман, деб қўя қолди. Баҳолари ҳақида ҳам оғиз очмади, учрашганда гаплашармиз, деб қутулди.

Одати шунақа, кўп гапирмайди. Ўртоғимни шунинг учун яхши кўраман. Керакли нарсаларни айтади, ўшанда ҳам ўйлаб гапиради.

Улуғбек генерал Собир Раҳимов туғилиб-ўсган Тахтапул мавзейга қўшни Себзор маҳалласидаги тўққиз қаватли уйлардан бирида, худди бизга ўхшаб олтинчи қаватда туради. Эски ҳовлилари ҳам шу жойда бўлган экан. Генералнинг маҳалласи эса уларга яқин, ораси бир қадам. Бултур Улуғбекнинг уйига биринчи марта борганимда генерал болалигида чўмилган Қайковус бўйини кездик, эски уйининг ўрнини, музей қуриладиган жойни ҳам кўрдик. Ёнимизда ўртоғимнинг биздан тўрт яшар кичкина бўлган Дилфуза деган синглиси ҳам бор эди. У тезроқ кинога кирайлик, деб хархаша қила бошлади. Кинотеатр ҳам генерал номига қўйилган экан. Унда «Сеними, шошмай тур»нинг охириги сериясини кўрдик.

Ўртоғимнинг кўнглига келмасин, деб унга индадиму лекин кинотеатр биноси менга ёқмади. Фойеси ҳам кичкина, бир қаватли, пастак, одам ҳам кўп кетмайди. Кўзимни минг ёққа жовдиратсам ҳам кинотеатрда генералнинг бирорта ҳам расмини кўролмадим. Бунинг устига биноси ҳам эски ва кўримсиз экан...

Қайковус суви илгари катта ва ваҳимали бўлганини Улуғбекнинг дадаси Ботир амаким гапириб бергандилар. Тошкентда 1916 йили қўзғолон бўлганида Юнусобод, Ҳасанбой ва Тахтапул одамлари ана шу Қайковус бўйида тўпланишган экан. Ушанда Қайковус устига тушган кўприкда миршаблар оломон йўлини тўсишибди. Аламзада қўзғолончилар эса уларни писанд қилиш-

мабди, ҳаммаларини худди қурбақалардай анҳорга улоқтиришибди. Ўша миршаблардан қайси бири омон қолганини шу чоққача ҳеч ким билмас экан...

Собир Раҳимов эса ана шу ҳайбатли Қайковусда чўмилиб катта бўлган экан. Буни Улугбекка қишлоқда турадиган бобоси гапириб берибди. Бобоси эса генерални билар, уларнинг уйлари илгари бир-бирига жуда яқин бўлган экан. Йўлимиз қишлоққа тушиб қолса бобомнинг ўзлари генерал ҳақида билганларини гапириб берадилар, деганди Улугбек ўша сафар. Генерал ҳарбий формада ва оқ отда маҳаллага кириб келиб, ҳаммани ҳайратда қолдирганини эшитасан.

Бобо билан учрашиб, генерал ҳақидаги ҳикоясини тинглайдиган кунлар қачон келаркин-а?

...Ўтган куни Улугбек телефон қилиб еттинчи синфга ўтганим билан табриклади, мен ҳам уни қутладим. Ўшанда, таътилда нима қиламиз, деб яна кўйнига қўл солдим. Улугбек кўнглида борини очиқ айтиб қўя қолди:

— Уйдагилар ҳозирча бир нима дейишмаяпти. Дилфуза кеча касалхонага тушиб қолди. Чиқсин-чи.

Дилфуза касал бўлиб қолганига ачиниб кетдим. Бориб кўрсам яхши бўларди-да. Буни оймга айтувдим, жуда яхши ўйлабсан, болам, деб суюндилар. Эртасига эса газ плитада Дилфуза жуда яхши кўрадиган сомса қилиб бердилар. Пастимиздаги киоскадан эса Дилфузага расмли журналлар олдим.

Касалхонага ўртоғим икковимизни Феруза холам бошлаб бордилар. Дилфуза бизларни кўриб жуда хурсанд бўлиб кетди. Ўша ерда танишиб олган ўртоқларини кўрсатди. Феруза холам врачлар билан гаплашиб чиқдилар. Кейин ўртоғимнинг уйига қайтдик. Мени эса қўярда-қўймай олиб қолишди. Уйдагилар хавотир олишади, десам ўзлари телефон қилиб, тинчитишди.

Ўша куни роса телевизор кўрдик, кейин алламаҳалгача уёқ-буёқдан гаплашиб ётдик. Икковимизнинг ҳам гапимиз айланиб келиб, таътилни қандай ўтказишга тақалаверарди. Пионерлар лагерига борсакмикин ё туристик саёҳатга? Қани энди кемада Волганинг у бошидан бу бошига бориб келсак ё Каспий денгизида айлансак. Жуда кўп шаҳарларни кўрардик-да.

Самарқанд билан Бухорога борсак ҳам ёмон бўлмайди-ку, бироқ уйдагилар ҳали кичкинасанлар, деб юборишмайди-да. Фарғона, Андижон томонлар ҳам ёмон эмас...

Ўшаларни ўйлаб ётиб, кўзимиз илинганини ҳам сезмабмиз.

...Бир кун кечқурун телевизорда «Маугли» деган фильмни кўриб ўтирдим. Дадам билан ойим кўшни хонада чой ичишарди. Уларнинг гаплари эшитилиб турарди.

— Иккита йўлланма тегадиган бўлди, ойиси. — дедилар дадам. — Учинчисининг иложи топилмади. Болани тинчитиб кетамиз энди.

Ойим пича жим қолдилар. Мушт егандай шумшайдим қолдим, телевизор ҳам кўзимга кўринмас, у бузилиб живир-живир қилаётганга ўхшарди.

— Бир иложи топилар, — дедилар ойим ниҳоят.

«Маугли» ҳам кўнглимга сиғмай ўчириб қўйдим. Нима қиларимни билмайман, қўлимга китоб ҳам олгим келмайди. Бултургидай яна «уйнинг гани кўчага тўғри келмаётганди-да». Иссиққўлни кўриш ҳам nasib қилмайди энди. Кечагина тушларимга кириб юрувди-я. Мана энди у қадамим етмайдиган олис бир жой.

Буёқда Зарифа онам ҳам кутиб турибди. Унга нима жавоб қиламан?

Аразлаганимни билдирмай ўзимни босишга ҳар қанча уринсам ҳам бўлмади. Дилим ғаш, татъим хира. Ламимдан йиглагим келади, бироқ уяламан. Кичкина эмасман-ку, дейман ўзимга ўзим.

Шунақа найтда одамнинг кўзига уйқу келармиди. Уёқдан-буёққа ағдариламан, кўзимни чирт юмаман, бироқ қани уйқу келса! Хаёлим минг ёққа кетади. Ихшиям Улугбекка оғзимдан гулламаганим. Роса шарманда бўларканман.

Хаёлим дадамга кетади. Унга ҳам қийин-да. Иссиққўлга бораман, деганлар кўп бўлса. Йўлланма ҳаммага ҳам етавермайди-ку. Ойимга ўхшаб тез-тез касал бўлиб турадиганларга ажратилса керак-да. Дадам ҳам бултур касалхонада ётиб чиққанлар-ку. Мен бўлсам сонна-соғман. Йўлланма берадиганлар ҳам шуни ўйлашганмикин?

Ўзимни ўзим овутган бўламан. Мактабдаги лагерь ҳам ёмон эмас-ку. Бултур ёзда унда бўлиб зерикмадим, қайтанга ёғочга гул солишни ўргандим. Тўғарак раҳбаримиз бошчилигида дадамга ҳам, ойимга ҳам столга қўйиладиган қаламдон ясадим. Унга юпқа фанер ишлатишни ўргандим. Бунинг нимаси ёмон?

Бир-икки кун ўзимга келолмай юрдим. Бу орада Дилфуза касалхонадан чиқувди, уй ичимиз билан

кўргани бордик. Ана ўшанда Улуғбек икковимизнинг таътил кунларида нима қилишимиз маълум бўлди.

Дилфуза даволаниб чиққан бўлса ҳам врачларнинг маслаҳати билан Шоҳимардондаги санаторийга бориши керак экан. Ёлғиз ўзи боролмайди, онаси бирга бўлади. Дадаси Ботир амаким эса Бухоро билан Самарқандга бир ойга командировкага жўнар эканлар. Дадам билан ойим эса Иссиқкўлга...

— Ҳамма ҳар тарафга тарқаб кетаяпти, — дедилар Ботир амаким чойдан ҳўплаб. — Икки ўртоқ қолаясизлар. Сизлар ҳам зерикмайсизлар — Қозоғистонга юборамиз.

Қозоғистонга! Қулоқларимга ишонайми ё ишонмайми? Буниси ғалати бўлди-ку, дегандай Улуғбекка қарадим. У бўлса ҳамма гапдан хабари бордай сирли кулимсирарди. Шунда Дилфуза сирни очиб қўйса денг:

— Бувамнинг қишлоғига борасизлар.

— Тўғри айтдинг, қизим, — Ботир амаки илиб кетдилар. — Каникулни буванг билан бувинг бағрида ўтказасизлар. Уларнинг қишлоғи Қозоғистонда деса ҳам бўлади. Нақ чегарада туришади-да. Тўғрими, Улуғбек?

Ўртоғим «рост» дегандай енгил бош ирғади.

Дилимнинг бир чеккаси сал ёришгандай бўлди. Бобони кўриб, генерал ҳақидаги хотираларини эшитишни ўзимча орзу қилиб юрардим-да. Ана энди ўша орзум ушалаяпти.

Катталар қишлоқни мақташди. Қовун-тарвузлари ширин, ҳавоси салқин, сут-қатиқлари гирт даво экан.

Катталар гапни бир ерга қўйишди: индинга эрта-лабки салқинда қишлоққа жўнайдиган бўлдик. У уйимизга қарама-қарши томонда — кунботар ёқда экан.

— У қишлоққа бормабсизлар, оламга келмабсизлар, — деди Ботир амаки. — Мана кўрасизлар, қишлоқ ёқиб қолиши турган гап. Сеҳри зўр жой-да. Сувини бир ичган одам қандай бўлса ҳам албатта қайтиб келади.

— Қайтиб келгандан кейин ўзимиз ҳам амакимни йўқлаймиз, — деб қўйдилар дадам. — Кўрмаганимизга ҳам анча бўлди.

Шундан кейин хайр-хўш қилдик...

Улуғбек билан автобус станциясида учрашадиган бўлдик. Троллейбусда ўзим кетавераман, юким оғир эмас, десам ҳам бўлмади. Дадам, бирга бораман, дедилар. Хайрият, ойим эргашмадилар. Ўшанга ҳам хурсанд бўлдим.

— Ўзинга эҳтиёт бўлгин, қўзим, — дедилар ойим хайрлашаётганимизда пешонамдан ўпиб. — Совуқ сув ичма, ёмон болалар билан ўйнама. Эсон-омон қўришайлик, болагинам.

— Сиз ҳам яхши бориб келинг, ойи.

Дадам эса лифт олдида кутиб турардилар.

## И К К И Н Ч И Б О Б

### АВТОБУСДАГИ ҚЎЗИ

Автобусда кўчани кўриб кетмоқчи бўлганимдан деразага тақалиб ўтирдим. Улугбек мендан кейинги ўриндиқдан жой олди, ёнимда эса сочига оқ оралай бошлаган амаки ўтирарди. Унга салом берганимда юзи ёришиб, мулло бўлинг, ўғлим, деб қўйди.

Ҳамма йўловчилар жойларида ўтиришар, бирорта одам ҳам тик турмас, шунинг учун ҳам автобус бундай қараганда бўшроқдай туюларди. Кўнчилик йўловчилар тўрхалта ва сумкаларини тиззаларида олиб ўтиришар, оёқларининг тагида эса бири-бирига кийдирилган челақлар, ўралган қонлар ва бўш яшиқлар кўзга ташларди.

Ташқарини томоша қилиб кетаяшман. Иккита автобус ёнма-ён юрса қанишиб қоладиган Саксон кўчаси ҳам орқада қолиб, Чигатой томонга бурилдик. Йўлда бир-икки тўхтаган бўлсак ҳам автобусга ҳеч ким чиқмади, қайтанга уч-тўртта одам тушиб, жойлар бўшади.

Улугбекка бир-икки қараб қўйдим. У худди кечаси билан китоб ўқибми ё кино кўрибми уйқудан қолгандай мудраб кетарди. Ё атайлаб нича дам олай, деб кўзини юмиб кетаётганмикин? Кимдандир, агар одам автобусда ёки поезда кўзини юмиб кетса яхши дам олади, деб эшитгандим. Шундай хаёлга бориб, ўртоғимнинг тинчини бузгим келмади. Дам олса олаверсин.

Юбилей спорт саройи олдидаги бекатга ҳам етиб келдик. Йўловчилар кўнайишиб қолишган экан автобусга ёпирилиб чиқишди. Ярим қон нарсани икки қўллаб ушлаган чолга жой бердим. Чол, безовта бўлдинг-да, ўғлим, деб қўйди. Улугбек эса бу пайтда қўш тугунли бақалоқ кампирга жой бўшатарди.

Қорача амаки ўрнимга сурилиб, чолга жой берганди, у ўриндиққа чўкди. Шунда беихтиёр чолнинг қошига тикилиб қолдим. Қон негадир кимирлар, унда қан-

дайдир тирик нарса борга ўхшарди. Чол қонни оёғи орасига жойлаштираётганида қаттиқроқ қимирлади-да, заифгина маъраш эшитилди.

Чол билан амаки мийиқларида кулиб қўйишди. Улуғбек ҳам биз томонга аланглаб қолди.

— Етим қўзи олиб кетялман, болам, — деди чол менга қараб. Кейин қоннинг оғзидан бошлаб химариб, қўзининг бошини чиқариб қўйди. — Димиқиб қолма, жонивор.

Қондаги сақичдай қора қўзининг пешонасида қашқаси бор эди. Қўзи қўрқиб-қўрқиб, «қасерга келиб қолдим ўзи» деяётгандай жовдирарди. Чол эса унинг пешонасидан авайлаб силаб қўйди.

— Яхши қилибсиз, оқсоқол, — деди қорача амаки. — Невараларга эрмак бўлади.

Бу гандан суҳбат талаб бўлиб турган чолга жон кирди. Жойида бир қимирлаб қўйиб, тилга кирди:

— Бош қашинга қўл тегмайдиган хозирги пайтда шаҳарга ким тушади дейсиз. Чигатойлик бир кадрдонимнинг фотиҳасига тушувдим, илойим жойи жаннатда бўлсин. Бозорчада гўшт дўкони бор. Ёнидан ўтаётсам қўзининг маъраши эшитилиб қолди. Яқин бориб, гўшт оладиган одамдай қассобга рўбарў бўлдим. У тоғни урса талқон қиладиган барзанги экан. Яна маъраш эшитилди. Қарасам шу қўзи дўконча бурчида ётибди.

— Ука, бу қанақа қўзи? — сўрадим қассобдан.

У нобакор бўлса уялмай-нетмай:

— Дўнни тор келиб, онасини думалатувдим, — деди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бошимга мушт тушгандай бўлди. Қўзи бечора тилка-пора қилинган онасига аза тутиб ётган экан-да. Қассобда меҳр эмас, қаҳр бўлади, деб бежиз айтмаганлар. Азбаройи куфурим ошганидан тилимга сўз келмай қолди. Ахири:

— Қўзини нима қиласиз? — дедим.

Барзанги пинагини бузмай:

— Харидор чиқса пуллаймиз, бўлмаса барра қиламиз, — деди.

Қассобга ичимда минг-минг лаънатлар ўқисам ҳам ўзимни арағ босиб:

— Бўлмаса менга сота қолинг, — дедим-да, айтганини бериб, олдим.

Чол ёнидан рўмолчасини олиб, офтобда қорайган пешонасига қалққан терни артди. Қаттиқ ҳаяжонланганидан афти ҳам бўғриқиб кетганга ўхшарди.



Күзининг мунгли күзлари ҳар қандай одамнинг раҳмини келтирарди. Кечагина онасининг ёнида ўйноқлаб юрганди-да, шўрлик. Қассоб онасининг оёқларини бойлаб, сўяётганида қай аҳволга тушганикин бечора. Зор қақшаб маърагадир?

Шуни ўйларканман кўзим тиниб кетгандай бўлди. Кўзи энди хирагина кўринар ва тобора мендан узоқлашиб бораётганга ўхшарди.

Сал нарсага эзилиб кетадиган одатим бор. Шу пайтгача ҳеч нарсага, ҳатто балконимизга ўрганиб қолишган қаптарларга ҳам озор бермаганман.

...Ўша пайтларда балконимизнинг олди очик эди. Дадам бир куни уста бошлаб келиб, балкони тўсдирадиган бўлдилар. Уста ҳаммаёқни эринмай ўлчади ва бешта деразани қаторасига ўрнатишини айтди.

Балкон тўсилса қаптарлар киролмай қолишадикун. Шуни ўйлаб дадамга:

— Мана шу жойни ёнманглар, қаптарлар кириб туринади. — деб балконнинг чан бурчагини кўрсатдим.

Дадам ҳам, уста амаки ҳам кулиб юборишди.

— Э ўғлим-е, хўн соддасан-да, — дедилар дадам. — Қаптарлар ҳам элик бўлишади. Ўрганган жойларига келишаверади. Деразаларни очиб кўямиз, бемалол учиб киришаверади.

— Шундай, шундай, — уста дадамнинг ёнига кўшилди.

Дадамнинг гаплари тўғри чиқди. Қаптарлар аразлаб кетишади, келишаверди. Улар икки йил балконимиздан қимирлашади. Бироқ олтинчига ўтган кезларимда бирдан ғойиб бўлишди. Сабабини ҳалигача билмайман. Адашиб кетишдими ё ёввойи мушукларга ем бўлишдими — беҳабармиз. Уларга анчагача ачиниб юрдим, бир марта ҳатто секингина йиғлаб ҳам олдим.

Дадам ҳам, ойим ҳам, қаптарларнинг келиб қолишар, деб юнатдилар, кўнгли кўтарилсин, деб турли совғалар олиб беришди. Мен барибир қаптарларим келишини кутардим. Бу воқеани ичимга сиғдирилмай синфдошларимга айтдим. Ўшанда ачинганлар ҳам бўлди, ачинмаганлар ҳам. Саттор деган синфдошим буни ҳатто кулгига олди, эринмасанг Олой бозорини бир айлан, битта-яримта сотмоқчи бўлиб тургандир, деди. Келди деган қилиғи совуқ бола эса, сўйилиб, қозонга тушиб кетган бўлса ҳам керак, деди.

Ўша қаптарларим қайтиб келишмайди, ўрнига иккига кўк қаптар балконимизга ўрганди. Ҳозир уларга

яхши қараяпман. Деразалар доимо очиқ туради, тарелкалари овқатга лиқ тўла, ёнида сув идиш ҳам бор.

Қўзига тикиларканман шуларни ўйладим. Қаптарларимни яхши кўрсам нима қилай? Улар осмонда чарх уриб, қанотларини «пат-пат» урганларини кўрсангиз жуда завқингиз ошади. Қани энди баландлаб-пастлаб ҳар хил ўйинлар кўрсатганларини кинога олиб қўйсам! Кўрганлар мазза қилишарди-да!

Бир вақт қарасам машина жарликка шўнғиб бора-япти. Асфальт йўлдан кетаётган бўлсак ҳам бунақа жойни биринчи кўраётганимдан юрагим орзиқиб кетди.

Қўзига қарасам ўзимга тикилиб турибди. Қани уни ҳам каптарларимга қўшиб, балконимизда боқсам. Пастдаги ариқ чеккаларида ўсган ўтлардан берардим, эргаштириб юриб ўйнатардим. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Эгаси менга бериб қўярмиди. У ҳозирда амаки билан нималарнидир гаплашиб кетар, ўз хаёлларим билан бўлганимдан сўзлари қулогимга ҳам кирмасди.

Автобус юқорига вагиллаб чиқаётганида Улугбек сал олдинга эгилиб, яқинлаб қолдик, бундан кейингисиде тушамиз, деди. Худди шу пайт чол ҳам қимирлаб қолди. Нарн сурилиб турдим. Чол автобус тўхтар-тўхтамас қўзини қоп-мони билан бағрига босганича орқа эшикка юрди. Унга қўш туғунили хотин билан озгинроқ бир бола эргашди.

Қўзининг боши ҳамон очиқ, кўзларини биз томонга жовдиратарди. Шунда унинг кўзларида ёш ҳадқаланаётгандай туюлди. Ё менга шундай кўриндими билмадим.

Ўриндиққа секин чўкдим-да, яна ташқарига қарадим. Бироқ энди чол ҳам, кўнглимдан жой олган етим қўзи ҳам кўринмади.

Биз энди иккала четига участкалар тушган кўчалардан борардик. Уларнинг олдига экилган тол, терак, олчаларнинг каттароқлари ҳам, майдароқлари ҳам бор. Баъзи уйларнинг олдида гулпушталар. Машиналар йўлдан тез-тез ўтиб турганидан бўлса керак дарахтларнинг баргига оқиш чанг қўнганга ўхшайди.

Нихоят ўнг томондаги катта сайхонни кўрдим. Унинг этагида кўм-кўк жўхоризор бор эди. Унга ҳавасим келди. «Қандай яхши-я», дегандай ўртоғимга қарадим. У эса яна қўзини юмиб олган, автобусдаги йўловчилар анча камайганди.

Яна қўзичоқни ўйладим. Гўё у онаси билан шабадада енгил тебранаётган жўхоризорда юрганмиш. Онаси

эса тагин ичкарилаб кетма, адашиб қоласан, бу ўрмонку, дегандай унга қарармиш. Қўзичоқ эса бари бир сакраб-сакраб онасидан йироқлаб кетармиш...

Улугбек «келдик, туш» деганидан кейингина хаёлимни йиғиштириб олдим. Қарасам автобус тўхтабди, одамлар бирин-кетин тушишяпти.

## У Ч И Н Ч И Б О Б

### ҚОЗОҒИСТОН ШАМОЛИ

Соат ўндан ошганидан кун исиброқ қолганди. Ўнг томондан шошилмайроқ борарканмиз, бу қатор кетган участкаларнинг қайси бири бобога қарашли экан, дегандай аланглардим. Улугбек эса бир нима демасди. Ҳадемай уйлар тугаб, катта тутзор бошланди.

Тутларнинг кўпчилиги каллакланган, бироқ қирқилмаганидан гуркираб ётганлари ҳам бор эди. Тўғрига қараб ўттиз-қирқ метрлар наридан йўл тутзорга бурилганини кўриб қолдим. Назаримда ўша йўлга бурилишимиз керак эди.

Бу йўлдан машиналар ҳам бемалол юра оларди. Унга юнқароқ қилиб шағал ташланган, чекка-чеккаларида эса ўтлар ўсганди. Ундан шошилмай борарканмиз аҳён-аҳёнда битта-яримта чумчуқ учиб ўтарди. Ҳаммаёқ тинч, шабада тут барглари енгил шитирлатиб қўярди, холос. Теварак-атрофда ҳеч нима кўринмас, катта кўчадан ўтиб турган катта-кичик машиналарнинг овозлари ҳам иссиқ ҳавода эриб кетаётганга ўхшарди.

Икковимиз ота-оналаримиз тутқизган нарсаларни кўтариб олгандик. Улар оғир бўлмаса ҳам ҳар ҳолда иссиқда одамни терлатмай қўймади. Яқин қолдикми, деб уёқ-буёққа қараб қўяман. Иссиқдан Улугбекнинг юзи ҳам бўғриққандай. Лекин сир бермайди, ердан кўзини узмай бораёпти. Ё менга бирор нимани сюрприз қилмоқчимикин? Индамай-индамай юриб, одамни хурсанд қиладиган одати ҳам бор ўртоғимни.

Хайрият, тутзор тугаб, суви шарқираб оқаётган ариқ олдидан чиқиб қолдик. Унинг сувини тиниқ ҳам, ифлос деб ҳам бўлмасди. Ўртача, устида ёғоч кўприги бор эди. Ариқнинг суви пастроқда оқар, қўлини ювмоқчи бўлган одам кўприкнинг туртиб чиққан ёғочларини бир қўллаб ушлаб, энгашагина муроди ҳосил бўларди.

Ариқ бўйи икки чеккасига зичлаб экилган толлар соясида бўлганидан жуда бизбоп эди. Бу соя ҳар қанақа одамни ўзига чорлар, бунга ўзим ҳам дош беролмай кўприқдан ўтибоқ бурилгандим. Қўлимдаги тўрхалталарни қўйиб, ариқ томонга юрарканман Улугбек тўхтатиб қолди:

— Қўлингни ювгину ичакўрма!

— Нега энди? — дедим чанқамаган бўлсам ҳам ажабланиб.

— Бу ариқдан ичилмайди, экин сугорилади. Одамлар водопровод сувидан ичишади.

Қўлимни ҳам чаймай тўхтаб қолдим. Шунчалар ёмон ва ифлос сув эканми? Унда қўй-сигирлар қаердан ичишаркин?

Буни сўровдим улар ҳам водопровод сувидан ичишини айтди. Кейин эса мени бутунлай ишонтириш мақсадида бўлса керак, бу ердаги хонадонларда водопровод борлигини тушунтирди.

Ростики айтсам бунақа гапни сира ҳам кутмовдим, қишлоқдагилар ариқ сувини ичишади, водопровод фақат шаҳардаги уйлarda бўлади, деб юрардим. Ҳозир эса ўртоғимнинг гапни эшитиб мот бўлгандим ҳисоби. Шу ваддан гапни бошқа ёққа бурдим:

— Бувангнинг уйига яқин қолдимми?

Улугбек бир сўз демай каттақон пайкал чеккасида қад кериб турган кўрганга имо қилди:

— Ҳў ўша болохонали уй.

Болохона нималигини билмайман, десам уят бўлар. Ўзини кўрмаган ва яқинида бўлмасам ҳам ҳарҳолда унча-мунча хабарим бор, чунки китобда ўқигандим. Уйнинг олди очиқ бўлган иккинчи қавати болохона дейилади. Биз турадиган жойда болохоналарни кўрганман, бироқ уларни чинакам болохона деса бўлармикин? Болохонада ёз ойларида турса бўлади. Бироқ мен кўрган болохоналар дарвозахонанинг устига қурилган узунчоқ хона шаклида, уларда турса бўладими ё бўлмайдими — билмайман. Ҳозирда тобора бизга яқин келаётган болохонали уй эса кўпроқ уйнинг устки қаватини эслатар, очиқ томони ҳовлига қараганидан бўлса керак бизга кўринмасди.

Бобонинг кўргонига яқин борсак у иккита ҳовли ўртасига тушган экан. Кўчанинг бошидаги биринчи уйга қўшни бўлганидан олисдан қараганда кейинги уй кўринмасди. Болохонали уй икки тарафдаги бир қаватли уйлар орасида чиндан ҳам эртақлардаги паҳлавон-

лардай қад кериб турарди. Дарвоза ўнг томонда, усти очиқ, ёнида эса бир қаватли, усти шифер билан ёпилган қўш деразали уй кўринарди. Болохонанинг усти оқ тунука билан ёпилган, иккита тарнови эса кўча томонга қараган, тиккага қараб келаётган қуёш эса ҳозирда уларни ҳам ялтиратарди.

Қўш табақали қизил рангга бўялган дарвоза ланг очиқ турарди. Буни кўрганимда, келишимизни билиб, очиб қўйишганимкин, деган хаёлга ҳам бордим. Бироқ чап ва ўнг томондаги қўшбиларнинг дарвозалари ёпиқ эди. Худди уйларида ҳеч ким йўқдай ҳаммаёқ тинч, хатто пашша ҳам учмаётганга ўхшайди. Улугбекка қарасам ҳар маҳалги одатидай кулимсирайди, холос.

Ўртоғим тушмагур жуда ичидан пишган-да, Камгаплиги майлию, юраги ҳам кенглигини айтмайсизми.

Дарвозахонага оёқ қўйишимиз биланоқ юзимга муздай шабада урилди. Остонадан ҳовлининг нариги бошигача қизғиш гишт ётқизилган кенгина йўлка қўнғирсифат туюлаётган кичикроқ дарвозага тақалар, ҳозирда у ҳам ланг очиқ турар ва ораликдан кўм-кўк бедазорнинг узун бўлаги кўзга ташланарди. Шабада хушбўй исларни ўзи билан бирга ўша ёқдан олиб келмоқда эди.

Уйда бир-бирига қарама қарши турган иккита деразани очиб қўйсангиз елвизак ҳосил бўлади. Аллақайси бир кино журналда чет элдаги каттакон стадионни кўргандим. Унинг бир-бирига қарама-қарши тўртта кесма дарвозаси бўлганидан энг жазирама кунларда ҳам шамол гиз-гиз ўтиб тураркан. Ҳозирда юзимга урилиб, сочимни тортқилаётган шабада ҳам иккала дарвозанинг бир-бирига қарши турганидан ҳосил бўлаётганди. Бу бобонинг иши, албатта!

Улугбек овоз бериб, уйдагиларни чақириб ўтирмади-да, менга «ҳозир» дегандай бир қараб қўйиб, чап томондаги айвоннинг цемент зинасидан лип этиб чиқди. Қўлидаги тўрхалталарини деворга тираб, ичкарига қараган ойнаванд эшикни унсиз очиб, ғойиб бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, олди панжарали, шифтига ҳар хил гуллар ишланган ва ўртасида қалдирғоч уяси бўлган айвонни шошилмай томоша қила бошладим.

Айвоннинг ўнг бурчида айланма зина бўлиб, ундан юқорига, болохонага чиқиларди чамамда. У ёғочдан ишланган ва ялтировчи аллақандай рангга бўялганидан бўлса керак, ҳозирда жуда ажиб кўринарди. Икки тарафда тутқичи ҳам бор эди.

Худди шу лаҳзада десангиз ҳавлининг этак томонидан хўрознинг қаттиқ қичқирганидан чўчиб тушдим. Бехос тургандим-да. Унинг кетидан товуқ қақақлади-да, ҳадеганда овози ўчавермади...

— Вой болагинам-е, хўп келибсанлар-да, гиргиттон. — Эшик очилиб Улугбекнинг жуссаси кичикроқ бувиси чиқиб келди. У кўзлари жовдираб мени қидирарди чоғи. — Қанисиз, болажоним? Айвонга чиқинг, салқингина. Иссиқда қолибсизлар-да. Вой айланай, болажонларимдан...

Айвонга тортишибгина чиқдим. Бувим мени бағриларига босиб кўришдилар. Эсимдан чиқаёзганидан шоша-пиша салом бердим. Бувим юз-кўзимдан ўпиб, бошимни силадилар.

Каттагина айвоннинг қоқ ўртасида, чап ёқдаги очиқ турган ойнаванд эшикдан сал тепароқда устига оқ дастурхон солинган хонтахта бор, атрофига гармдори гулли газламадан қилинган кўрпачалар ташланган, чап ёқда иккита оқ ёстиқ устма-уст турарди. Гўё биз келишимизга атайлаб ясатиб қўйилгандай.

Иссиқда терлаб-пишиб келганимиздан юз-қўлимизни ювиб олсак ёмон бўлмасди, дегандай Улугбекка қаровдим, бувим илдамлик қилдилар:

— Болаларим, ёнгоқ тагидаги водопроводга бо-рақолинглар. — Кейин айвон устунидан ҳар биримизга биттадан сочиқ олиб бердилар.

— Ўзимиз ҳам сочиқ олиб келганмиз, — деди Улугбек худди дилимдагини билгандай.

— Майли, кейин ишлатарсизлар.

Айвондан зумда тушиб, йўлқадан ҳовли ўртасидаги азим туп ёнгоқ яқинидаги водопровод томонга юрдик. Ёнгоқ қуюқ соя ташлаган йўлқадан машина юрса ҳам бўларди.

Майкачан бўлиб, водопроводдан мазза қилиб юви-ниб олдик.

Деразанинг ўнг томонида ҳам водопровод крани бор экан кўрмабман. Уни ўртогим кўрсатди:

— Крани пастроқ, фақат овқатга сув олишади.

Айвонга келсак буви дастурхон ясатиб қўйибдилар. Хонтахтада нон, майиз, оқ пашмак, мураббо, катта вазада гилос билан кўксултон, чуқурроқ тахсимчада эса қулупнай бор эди. Бир-биримизга «ўтир-ўтир» қилаётганимизда бувим ичкаридан иккита косача билан чиқиб қолдилар.

— Олдин қатиқ ичиб олинглар, губорни кеткизади. Хў, ўзим гиргиттон бўлай сизлардан...

Қатиқ йўл юриб келган одамга чиндан ҳам яхши бўларкан. Уни хузур қилиб ичиб олдим. Энди нарсага қўл ургим ҳам келмасди... Бувим эса «олинглар-олинглар» деб равиш-рафтор қилиб турардилар.

— Шаҳардай жойдан келгансизлар, олинглар. Ада-ойиларингиз яхши юришибдими? Жуда яхши келибсизлар-да. Чойга қанд ташланглар, қувват бўлади. Болохона бу ердан салқинроқ, бирпас дам оласизлар, чарчоқларингиз тарқайди.

«Иш қилибмизмики, чарчаймиз» деб ўзимча ҳайрон бўлдим. Бувим эса дастурхондаги нарсалардан бир-бир олдимизга суриб, олинглар, енглар, деб қистаб турардилар.

Улугбекка қараб, «турайлик» дегандай имловдим бош ирғади. Буви эса қўлларини бир-бирига жуфтладилар:

— Чойни ҳам тузук-қуруққина ичмадинглар-а, болаларим. Ҳа, майли, оғизларингга ёқадиған бирор нарса қилиб бераман. Буванг ҳам келиб қолар. Омин, қадам етди, бало етмасин, шу уйдан бахт-иқбол аримасин, тинч-омон бўлайлик, ҳаммаларингнинг роҳатингни кўрай.

Ўрнимиздан кўзгалдик.

Улугбек шаҳардан олиб келган нарсаларимизни бувига бир-бир топширганидан кейин айланма зинадан болохонага кўтарилдик. Буви эса бизлардан айлашиб-ўргилиб олиб келган нарсаларимизни жойлаш билан овора эдилар.

Улугбекнинг бувисини худди ўзимнинг бувимдек яхши кўриб қолгандим. Қани энди ҳамма бувилар шунақа мулойим, ширинсўз ва меҳрибон бўлишса! Бизга кўшни уйда турадиган Фотиҳ деган боланинг бувиси бунинг тескараси деса бўлади. Фотиҳ бечорани қаргагани қаргаган. Фотиҳ гоҳо наstdа бизларга қўшилиб, футболми, волейболми ўйнаб қолади. Шунақа пайтларда бувиси уйдан нақ еб қўйгудай бўлиб чиқиб келади-да, набирасини қаргай-қаргай олиб кетади. Фотиҳ бечоранинг шунақа пайтларда боши жуда тушиб кетади, кўзимизга қараёлмайди. Йиғламоқдан бери бўлиб, кетаверади...

Болохонага Улугбек бошлади, кетидан шошилмай кўтарилиб борарканман, ёғоч зиналарни «бир, икки» деб санашга бошладиму бироқ теварак-атрофга чалғиб

ҳисобдан адашиб кетдим. Бироқ бунга ачинмадим, келаси сафар саногига етарман, деб ўзимни овутдим.

Бу ердан теварак-атрофни чиндан ҳам бемалол томоша қилса бўларди. Аммо болохонанинг ўзи зўр эди. Иккинчи қаватнинг ҳаммасини эгаллаган, ўртаси узунасига серкўзли ром билан тўзилган ва ичкари томони бир хилдаги уч хонага бўлинган, ташқари томонига эса катта-катта деразалар ўрнатилган, ҳаммаёғи бир хилда ёруғ эди. Бунинг устига хоналарнинг тутанлигини айтмайеизми. Биридан иккинчисига, ундан эса учинчисига ўтса бўларди. Болохона айвоннинг бошида ҳам, охирида ҳам эшик бўлиб, уёғидан кириб, буюғидан чиқishi мумкин эди.

Ҳаммасидан ҳам болохона гир-гир шамол ва одамнинг уйқусини келтирадиган даражада салқин, оромбахш эди.

Хоналарда сим кровать, стол-стул, китоб жавонлари, сандиқ ва устига кўрна-кўрнача йиғилган тахмон ҳам бор эди. Бу ерда анча-мунча китоблар борлигидан суюниб кетдим. Маъза қилиб ўқиймиз-да. Улар орасида араб ва лотин ёзувида босилган турлича муқовадаги китоблар ҳам кўзга ташланарди. Уларга суқланиб турганимда Улугбек гапириб қолди:

— Булар қадимий шоир ва ёзувчиларнинг китоблари. Бувам ўқиб турадилар.

— Қандай яхши, дедим қойил қолиб.

Болохонанинг панижарали айвони меҳмон кутушига мўлжалланганга ўхшарди. Ҳозирда панижара томонига узун кўрнача ёзилиб, бош томонига иккита ёстиқ устма уст қўйилганди. Бобо шу ерда дам олсалар керак. Ёстиқнинг чап томонида ўртасига кўзойнак қистирилган бир китоб ётар, ёнидаги патшиседа оқ чойнак билан пахта гулли иёла кўзга ташланарди. Бобо шу ерда ёнбошлаб китобхонлик қиларканлар-да.

Буви, дам олинглар, деган бўлсалар хаёлимизга келмас, узоқ-яқинларга тикилишдан бўшамасдик. Ҳаммаёқ яққол кўринар, ҳовлининг этак томонидан то олисдаги бир тўп дарахтларгача чўзилган улкан бедазор денгиздай чайқалар, унга қараган сари тўймасди, одам. Беданоя ўзимизнинг «Пахтакор» стадионига нақ иккита келарди. У чарақлаб турган офтобда ва енгил эсаётган шамолда гоҳ кўм-кўк, гоҳ оч яшил, гоҳ саргимтир тусда товланар, бу эса уни янада ажиб ва сирли кўрсатарди.

Ҳовлидаги катта ва баҳайбат тупли ёнгоқ беданоя-



нинг бир чеккасини тўсиб турса ҳам эсаётган шамолни тўхтатиб қололмасди. Бошқа дарахтлар эса ёнғоқдан анча паст, қатор ва бир текис турганларидан юқоридан яхши кўринарди. Айниқса икки туп гилоснинг қизил-қора, кўксултошнинг кўкимтир-қизил мевалари кўзга яққол ташланарди.

Улуғбек ёнимда барини бирма-бир тушунтириб турарди. Чап томондаги ҳовли ўртоғи Саидга, ўнг томондаги эса Турсун холага тегишли экан. Ўртоғим, Саид, Саид, деб чақирса ҳам ҳовлидан ҳеч ким овоз бермади. Сигирини боққани кетган бўлса керак, деб қўйди Улуғбек. Турсун холанинг уйидан наридаги участкалар кейинги йилларда қурила бошлаган, уларнинг эгалари совхозга турли ёқлардан ишга келинган экан.

Бу ердаги кўчанинг фақат чап томонига тушган, ўнг тараф эса ҳали ўзимиз оралаб келган тутзор эди.

— Қозоғистон бу ердан олисдами? — деб сўрадим Улуғбекдан.

Улуғбек негадир кулиб юборди:

— Юз-кўзимизни Қозоғистон шамоли силаб ўтайти-да, ўртоқ. Ху ўша бир тўп дарахтлар Қозоғистоннинг «Абай» совхозига қарайди. Биз эса нақ чегарада турибмиз. Қозоғистон ҳавосидан нафас олаёнимиз.

— Қўйил, — дедим беихтиёр.

Шамол чиндан ҳам ёқимли, ундан аллақандай хушбўй нарсаларнинг иси келаётганга ўхшарди. Ҳа, шундай. Бу шамол олис-олислардан эсаётганидан унда Қозоғистон чўлларининг тафти ҳам, бепоён кенгликлардаги турли ўт-ўланлар етилиб шинган бугдойлар, долақизгалдоқлар, чучмомалар, ялғизлар, исмалоқлар ва отлари ҳозирча бизларга номаълум доривор гиёҳларнинг ҳам роҳатбахш исларини олиб келаётгандай эди. Шунинг учун ҳам у шаҳардаги уйимизнинг балконидаги шабадага сира ўхшамас, жуда ҳам ёқимли ва тотли эканлиги шундоққина сезилиб турарди.

Ҳовлидан бувининг «Улуғбек, болам, қайдасан?» — деганлари эшитилиши биланоқ ўртоғим пастга отилди. Мен нима қиларимни билмай туриб қолдим. Пастга тушайми ё тушмайми? Балки бувининг ўртоғимга айтидиган гаплари, сўраб-суриштирадиган нарсалари бордир. Халақит берсам бўлмас.

Шуларни ўйлаб турганимда паст томондан яна хўрознинг қаттиқ қичқиргани ва товۇқнинг қақағлашга тушгани эшитилди. Товуқхона қаерда

бўлдийкин, деб чўзилсам ҳам кўролмадим. Улугбек эса қўлида кетмон билан водопровод яқинидан ўтган қулупнай ариги ёнида пайдо бўлди. У қулупнай пайкалларига туташ пуштада картошка кавларди. Зум ўтмай ёнида челақ билан буви пайдо бўлди. Саидларнинг ҳовлисида эса кимдир радио қўйганди тевааракатрофга музика тарала бошлади. Кундузги чорвадорлар учун эшиттириш!

Саид уйига келибди-да, деб ўша ёққа қарасам ҳам ҳеч кимни кўролмадим. Ҳовлидан битта қора ит тилини осилтирганича молхона томонга ўтиб кетди, холос.

— Вой Тўмхонимдан айланай, ўзинг келдингми болагинам?

Қарасам бувим битта қизалоқ билан ялаб-юлқаб кўришаштилар. У қиз ким бўлдийкин? Болохона одам зерикмайдиган жой бўлса ҳам тепада туришни ўзимга эш билмай настга тушдим.

Келган қиз Дилфуза тенги, сочлари қопқора, исми Хулкар бўлиб, бувининг набираларидан, Улугбекка эса амакивачча экан.

Хулкар бувининг бағридан аранг узилиб, менга ҳам, Улугбекка ҳам салом берди. Менга унинг ёқимтойлиги жуда ёқди. Бизга ўхшаб иссиқда келганидан юзи қизаринқираб кетган, бурнига майда томчилар ҳам қалққанди. Қўлида нарсалари солинган кичикроқ сумкаси ҳам бор эди. Балки у ҳам бизга ўхшаб бувига совга-салом олиб келгандир.

У қўшни совхоздан якка ўзи келибди, ота-онаси салом айтишибди. Буви ўзларини қўярга жой тонолмай Хулкарнинг бошини қайта-қайта силаб, айланиб-ўргилардилар.

— Уйим тўлди-я, болажонларим. Қани, юринглар энди, салқинга ўтинглар. — Бувим ҳаммамизни айвон томонга бошладилар.

Улугбек икковимиз яна болохонага чиқиб кетдик. Хулкар эса буви билан настда қолди. У Дилфузага ўхшаб бизга эргашмади. Бу иши кўнглимга ёққанидан нчимда, ақли бор экан, деб қўйдим.

## Т Ҷ Р Т И Н Ч И Б О Б

### ЕНГ ШИМАРИБ

Бувининг «ҳали буванг келсалар ўзлари биладилар» деганлари эсимда турганидан, бир ёққа кетгандирларда, деган хаёлда эдим. Улуғбек бувидан бобони сўрадим ё сўрамадим билмайман. Менга индамади. Ўзим ҳам ҳадеб бировдан сўраб-суриштираверишни ёқтирмайман, ўзи гапирса қулоқ соламан. Дадам шундай таълим берганлар.

Улуғбек бобоси ҳақида менга кўп гапирмаганди. Мақтанчоқлик бўлади, деб ўйласа керак-да. Бироқ каттагина ҳовли оёқ босганимизда кўзимга лов этиб кўрингани, ҳаммаёқ ёғ тушса ялагудек тозалиги, саранжом-саристалиги аввало бобонинг, қолаверса ҳар сўзидан бол томадиган меҳрибон бувининг қанақаликларини яққол кўрсатиб турарди. Яшириб нима ҳам қилай: каникулим бу ерда ўтишини билганимда дилимнинг бир чеккаси хийла ёришган бўлса ҳам уйимга боргандан кейин қишлоқда зерикиб кетсам ҳам керак, деб ўйлагандим. Қишлоқ-шаҳар эмас-да. Унда кинотеатр, стадион, парк, дискотека... деган нарсалар борми, бўлса ҳам узоқми-яқинми ким билади, дейсиз. Улуғбекнинг бобоси генералнинг танишлигидан қатъи назар қанақайкин, сержаҳлмасмикин, «Болалар дунёси»нинг қоровулига ўхшаб ўтган-кетганга ўшқирмасмикин, деб ўйлардим. Буни ўртоғимдан сўрасам кўнглига келади, албатта. Ундан ташкари боришим ёқадими-ёқмайдами... Хуллас, кўп нарсаларга хаёлим кетганди.

Улуғбек билан болохонада «Муштум»нинг охириг сонини биргаликда варақлаётганимизда ҳовлига кимдир отда дукур-дукур-кириб келди. «Бобом келдилар», деб қўйди Улуғбек журналдан бошини кўтармай. Панжарага яқинроқ ётганимдан ҳовлига қарадим. Отда йўлқадан бобо ўтиб борардилар. Эгниларида оқ якак, бошларида дўппи, белларида белбоғ, оёқларида бўзранг этик... Бобо зумда ёнғоқ тагидан ўтиб, ўнгга бурилдилар.

Улуғбек икковимиз пастга тушганимизда Хулкар йўлқадан пастга чопқиллаб кетаётганди. Бобони биздан ҳам кўпроқ соғинган экан-да.

Хулкар бора отни бойлаб чиқиб келаётган бобога ўзини отди. Бобо унинг бошидан силаб-сийпалаб, ўзимнинг оқпар қизим, асал қизим, деб эркалаб келардилар.

Яқин келишганида салом бердик. Бобом алиқ олиб, ўнг қўллари Хулкарнинг бошида бўлганидан чап қўллари билан Улугбек икковимизнинг елкамизга қоқдилар ва ўртоғимга бўлса керак, жуда соғинтирдинг-ку, отам, дедилар.

— Соғинтирганимга ўртоғимни ҳам олиб келдим, — деди Улугбек. Бобом ҳам бўш келмадилар:

— Муҳаммадсиз келганимда нақ изингга қайтардим-да, отам.

Бу гапдан бошим осмонга етгудай бўлди. Бобо отимни биларканлар-а! Мени танимайдилар, деб ўйлаган эканман. Э соддалигим қурсин! Набиралари билан жонанжон ўртоқ бўламану эшитмайдиларми?! Ботир амакидан эшитиб, ўглингни ўртоғи билан жўнатиб юбор, деган бўлсалар керак-да.

Бейхтиёр бобомнинг этикларига кўзим тушди. Боя у бўзранг ва брезентга ўхшаганди. Энди қарасам лимон рангини эслатадиган ағдарма этик экан. Бу ҳам ўзларига ярашиб турарди. Жазирамада оёқлари қизиб кетмасмикин?

Бобом ҳаммамизни галалаштирганларича айвонга олиб чиқдилар. Улугбек икковимиз ёнма-ён ўтирдик. Хулкар эса иинжиларига тиқилди. Бобом унинг бошини силаб уйингдагилар тинчми, оқпар, уларни ҳам олиб келмабсан-да, дедилар. Хулкар уялиб, ўзлари келишадди, деди. Бобом шунда, айланай, ўзимнинг оқпаримдан, дедилар-да, бизлардан ҳол-аҳвол сўрашга тушдилар...

Офтобда кўн юрганларидан бўлса керак бобом жуда қорайган, соч-соқолларига ўхшаб, қошларига ҳам оқ тушган эди. Оғзиларидаги тишлари сийрак соқоллари калта, кўзлари кулиб турар, қарашлари эса ўткир эди. Агар соқоллари бўлмаса борми биринчи кўрган одам бобомни Ботир амакимдан ажратолмасди. Икковлари ҳам қотмадан келишган, бугдойранг, қиррабурун, овозлари ҳам бир-бирлариникидан фарқ қилмасди. Бобом Ботир амакимга ўхшайдиларми ё Ботир амаким бобомгами — билолмасдим. Улар ўртасида фақат ёшларидagina фарқ бор эди. Улугбек эса бобомга ҳам, отасига ҳам сал-пал ўхшар, у кўнроқ Феруза холамга тортганди.

Хонтахтага наинча тегмасин, деб юпқа доқа ташлаб қўйилганди. Улугбек доқани авайлаб олаётганида буви қўлда чойнак билан келдилар.

— Яхши келдингизми, дадаси? Чарчамадингизми?

— Жойида, — дедилар бобом гапни калта қилиб.

— Уйимиз тўлганини кўрдингизми, дадаси? Оҳим

худоба етган экан. — Буви шундан кейин яна ҳовлига тушиб кетдилар.

Бобом «гапинг тўғри» дегандай унсиз бош чайқаб, чойни яқинроқ суриб қайтаришга тушдилар. Дадам ҳам, ойим ҳам уйда чойни қўйишдан олдин қайтаришарди. Бироқ бобомнинг қайтаришлари бошқачароқ, тўғрироғи галатиروқ эди. Чойни қайтараётиб, пиёлани баландроқ кўтарар, шунда чой шаршарадай шиддат билан тушар, чойнакда қайнаб, кўпирар, бироқ бир томчиси ҳам тўкилмасди. Бобом чойни уч марта шундай қайтариб, кейин дам еб тинсин дегандай устига сочиқ ташлаб қўйдилар.

Улугбек икковимиз бунга қизиқсиниб қолгандик, Хулкар эса парво қилмай гилос чўқиларди. Бобом ҳайрон бўлганимизни кўриб тушунтирдилар:

— Чойни яхши чиқиши қайтаришда. Шунда мазаси ҳам, таъми ҳам, ҳиди ҳам бошқача бўлади. Билиб қўйинглар...

Бобом ўртоғим икковимизга бир қултум — бир қултумдан қўйиб бердилар. Чой чиндан ҳам хуштаъм, мазали ва тотли, шу чоққача ичган чойларимнинг бирортасига ўхшамасди.

— Қалай? — дедилар бобом.

— Зўр, — дедим шоша-пиша.

— Шу эсларингдан чиқмасин. Катта йигит бўлиб қолдинглар.

Ерга қарадик. Хулкар бўлса негадир хингиллади. Бобом «акаларингдан кулма» дегандай елкасига уриб қўйдилар, хайриятки, шу топда бувим ҳовли этагидаги ошхона томондан:

— Хулкар! — деб қолдилар.

Хулкар айвондан шоша-пиша кетди.

У ҳаял ўтмай ликобчада кўк пиёз олиб келди. Бобом шундан кейин хонтахта ўртасидаги нарсаларни четга олиб, лаганга жой очдилар.

Туш пайти бўлганини ҳам сезмабмиз.

Бувим лаган кўтариб яқинлашарканлар паловнинг ҳиди гул этиб келди. Палов бошқачароқ, худди қалампир солингандек қип-қизил, орасида сабзи тусини олган картошка бўлаклари ҳам кўринарди. «Картошка палов», деб қўйдим ичимда.

Хулкар ҳаммамизга қошиқ улашди. Бувим кўк пиёздан паловга сепдилар-да:

— Олинглар, болаларим, — дедилар. Кейин бобомга ўғирилдилар. — Сиз бошлаб беринг.

Палов чиндан ҳам ширин эди. Шўшилмай ея бошла-  
дик. Бувим қулупнайдан уч-тўртта олиб, лаганга юма-  
латдилар:

- Қўшиб олинглар, иштаҳани очади.
- Иштаҳани иш очади, онаси, — деб қўйдилар бо-  
бом. — Қулупнай эса ухлатади.
- Ухлатса ҳам майли, олаверинглар. Ош бўлсин.
- Ўзингиз ҳам енг, буви, — деди Хулкар.
- Сизлар есангиз мен егандай, болаларим, олинг-  
лар. — Бувим пиёлаларимизга чой қўйдилар.
- Бувинг тўғри айтади, катта-катта олинглар, —  
деди бобом чойдан ҳўплаб. — Яхши овқат еган одам  
яхши ишлайди. Ҳали кўп ишларни қиламиз, азаматлар.  
Ёш келса ишга, деганлар.

Ора-сира ҳовлига қараб қўяман. Бизга ишлар бор  
экан? Ҳаммаси битганга ўхшайди-ку. Ё ҳовлига сув  
сепиб, супуришмикин? Бунақа ишлар Хулкардан ҳам  
ортмайди.

Қорин тўйганидан бирин-кетин қўл артдик. Бобом  
чойдан яна бир пиёладан ичирдилар-да, икковимизга  
дедилар:

— Энди, азаматлар, пича мизгиб олинглар. Ҳозирча  
офтоб пайзага келган пайт. Ҳовлига чиқманглар,  
ҳарҳолда шаҳарда катта бўлгансизлар, офтоб урмасин.  
Ҳали салқин тушганда гаплашамиз.

Бувим яна дастурхонга фотиҳа ўқидилар. Улугбек  
билан болохонага чиқиб кетдик. Бобом пастда қолдилар.

...Бир маҳал кўзимни очсам болохонада ўзим қолиб-  
ман. Димогимга ниманидир ёқимли ҳиди киради, бирам  
хушбўйки асти қўяверасиз. Мен Улугбек ҳазиллашиб  
ёстигим тагига гул-пул қўйганмикин, деб тимирскилаб  
кўрдим, йўқ. Уёқ-буёққа алангладим. Қарасам бош  
томонимда иккита ҳандалак. Бири сал кўкимтир, ти-  
лим-тилим, иккинчиси сансариқ бўлиб нишганидан  
тўрлари билинмай кетибди. Худди кўк ва сариқ  
беқасам чопон кийиб олишганга ўхшайди.

Ҳандалакларни бирма-бир олиб ҳидладим. Оҳ, оҳ,  
оҳ! Ҳидлаган сари маза қиламан. Одамга шунақанги  
ёқадики... Қайта-қайта ҳидлайман. Бироқ буларни ким  
олиб келди, қачон? Ҳайрон бўлиб уёқ-буёққа қарай-  
ман. Улугбек болохонада ҳам, пастда ҳам кўринмайди.  
Соат неча бўлдийкин? Кун анча оғиб қолибди, дарахт-  
ларнинг соялари жуда узун-узун кўринади. Ҳаво анча  
салқин, майин шабада боягидай ҳузурли эсади. Бир  
керишиб ҳам қўйдим.

Улуғбек тушмагурнинг билдирмай секингина қуён бўлганини кўрмайсизми!

Хандалакларга қарайман, бирма-бир қўлга оламан. Буларни бобом етиштирганмилар? Полизлари қаердайкин? Бу ердан кўринармикин?

Бувим билан Хулқар ёнгоқ тагида ўтиришибди, нимадир қилишаяпти. Икковлари ҳам тескари ўғирилиб олишган. Бўйнимни ҳар қапча чўзиб қарасам ҳам ўртоғимни тополмайман. Ё Саиднинг ёнига чиқиб кетганмикин? Бироқ у ер ҳам жимжит. Ўшаёққа қараб, ҳовлидаги покними, олманими тагида бир хотин назаримда картошка артаётганини кўрдим. Саиднинг онаси бўлса керак. Боя кўрганним қора ит нарироқдаги шафтолининг тагида тилини осилтирганича ётибди. Роса югуриб чарчаб келганга ўхшайди.

Ҳозирда ёлғиз ўзим қолганимдан хижолатда эдим. Роса уйқучи экан дейишса-я. Ўзим ҳам салқин билан шабада ёққанидан роса ухлабман-да. Битта-яримта ҳозир, калла пишдим, деб сўраса ҳам бўлаверади. Улуғбек тушмагур қаёққа кетганийкин? Ҳайрон бўлиб турганимдан хандалаклар ҳам ҳолимга кулишаётганга ўхшашарди. Айниқса, сап-сариги, малла монакка ўхшагани.

Жаҳл қилгандай тескари қаровдим бу ишим ўзимга ҳам наша қилди. Нимага аразлаянман ўзи? Ўртоғим билдирмай настга тушиб кетган бўлса бувисими ё бошқа бировми чақиргандир-да. Ё бўлмаса менга раҳм қилиб, ўртоғим бир тиниқиб олсин, дегандир. Бу ерда тумшайиб ўтиргандан кўра настга тушиб, бувимга боқинганим яхши эмасми? Ўзимбон бирорга иш тониллар. Ҳеч бўлмаса ойим ўргатганларидай идиш-товоқ ювинга қарашарман. Хулқар ҳовли сунурса сув сениб берарман.

Настга тушсам бувим билан Хулқар қулуннайхўрлик қилишаётган экан.

Бувим мени кўрибоқ чақирдилар:

— Кел, қулуннай е, болам. Буни ҳозир синглинг териб чиқди.

Қулуннай егим келса ҳам раҳмат айтдим-да, бувимдан, нима иш қилай, деб сўрадим. Бундан бувим хурсанд бўлганлари шундоққина билиниб турарди. Бироқ бувим мени ишлатгилари келмадими ё меҳмон бола деб аядиларми иш қочмас, болам, дамнингни ол, дедилар. Мен дам олганимни айтдим. Бироқ Улуғбек қаер-

дайкин, деб жонсарак бўлаётганимни пайқаб, кўнглим-даги гаини айтдилар:

— Ўртоғинг буванг билан кетувди ҳозир келиб қолар. Зерикаман десанг анави картошка палакни яхшилаб йиғиштириб, қўйларга ташлаб келақол. Тўмхоним товукларимга қарайди.

Суюниб кетиб, боя Улугбек картошка кавлаган жойга юрдим. Палаклар кун иссиқлигидан сал сўлиқираб қолибди. Яхшилаб тозалаб олгандим, бир қучоқ чиқди.

Қўйхона ҳовлининг этагида, ташқарига қараган мўъжазгина эшикнинг ўнг томонида, ичкарисе иккига бўлинган эди. Ёғоч девор панжара шаклида бўлиб, улар орасидан қўйнинг калласи бемалол чиқар, оёқ тагида эса узунчоқ охур бор эди. Охурнинг икки тарафида иккита челак турар, биттаси бўм-бўш, бошқасидаги сув ярмидан келарди. Ичкарига киришим биланоқ қўйлар бошларини чиқариб, талпиниша бошлади. Айниқса, битта шохдори ёмон ташланар, кучлилигидан панжарани қимирлатарди. Бошқалари эса ювошгина, унчалар галва қилинмасди ҳам.

Палакни охурга ташлаб, сал чекиндик. Унга ҳаммадан олдин шохдор қўй ташланиб, ёнидагиларни аямай сузиб ташлайверарди. Шундай бўлса ҳам бошқа қўйлар бўш келишмас, пайт пойлаб, палакни чимдиб олишар ва бошларини нари тортиб, бемалол кавишарди. Қўйларнинг ҳаммаси олтига бўлиб, бари қора, фақат шохдоригина қашқаси эди.

Қўйлар жуда қизиқ бўларкан. Охурдаги хашак ҳаммасига етади. Булар бўлса бир-бирларини сузинар, таланиб-тортишишар, ҳатто бири ёнидагининг оғзидан тортиб олишга уринарди. Қашқа қўй эса уларнинг ҳаммаларига сира тинчлик бермас, гоҳо катакдан бўйинини ичкарига тортиб, ёнидаги қўйни биқинидан сузиб, четга чиқариб, ўрнига ўтиб оларди. Унинг чақчайган кўкимтир кўзлари қўрқинчли ва совуқ боқарди. Қўйларнинг бошлиғи бўлса керак, деб қўйдим ичимда. Бошқалари ундай қўрқиншарди-да.

Охурдаги палакнинг ҳа-ҳув дегунча баракаси учди. Энди қашқа қўйгина бошини чиқариб, қолган-қутганини ер, бошқалари ўзларини ичкарига олишганди. Қашқа нима қиларини билмай челакларни бир-бир ҳидлаган бўлди-да, менга қараб: — У-умм, — деди. Сув ичкиси келганмикин? Ундай бўлса битта челакда озроқ бўлса ҳам бор-ку, нега ичмайди? Ё тоза сув бер, деганимикин бу? Челакнинг бўшини олдим-да, гир этиб, водо-



проводдан тўлдириб келдим. Сўнгра бошқасини олиб, ичидаги илиб қолган сувини тўкиб ташлаб, уни ҳам тўлатдим.

Хулқар бўлса бу пайтда товукхона олдида ичкаридан кўз узмай ўтирарди.

Егоч панжарага икки қўллаб ёпишганимча ичкарига қарадим. У ерда иккита қўзи бор экан, уларни боя кўрмаганимни қаранг. Уларнинг биттаси қора, биттаси эса ола эди. Иккови ҳам ҳозирда оналарининг бутига бошларини тикқанларича «чап-чап» эмишар, менга парво ҳам қилинмас, оналари эса болаларининг ҳаловатини бузгилари келмаганидан қимир этмай туришарди.

Иккала қўзи ҳам шу пайтда жуда чиройли кўришарди. Ҳозирги дамда буларни ҳар қанча томоша қилсам ҳам зерикмайдиганга ўхшардим.

Қора қўзи қорни тўйдими ё қараб турганимни сездими, ҳар-ҳолда, менга қўзини тикди. Шунда негадир юрагим шув этгандай бўлди. У боя автобусда кўрган қўзига жуда ўхшар, кўзлари худди ўшанинг кўзлари эди.

Қўзилар бир-бирларига жуда ўхшашаркан. Ола қўзининг мен билан иши йўқ эди. Қора қўзи эса ёқимли ва сал кўкимтир кўзларини ўзимга қаратиб тураркан, жингала жуни, чиройли тумшукчаси ва осилиб тушган қулоқчалари илгарилари кўрган қўзиларимга жуда-жуда ўхшаб кетарди.

Ола қўзи ҳам бошини олди-да, мен томонга бир қараб қўйиб ўйноқлашга тушди. У қўйхонанинг у бошидан — бу бошига бориб келаркан ёнига қора қўзи қўшилди. Улар қашқаси бор катта қўйдан сира ҳам чўчишмас, ёнидан бемалол ўтиб кетишаверар, унинг ҳам булар билан сира иши йўқдай эди. Қўзилар шу тариқа ўйноқлаб, анча хумордан чиқишди.

Уларни завқ билан томоша қилиб турарканман қорасига «Қорахон», оласига «Олахон» деб от қўйдим. Очигини айтсам, менга қораси кўпроқ ёқар, шеригига қараганда вазминроқ ва ақллироқ кўринарди. Боқишлари ҳам аллақандай туйғун ва ақлли эди-да.

Қулогимга от дупури кирганидан бошимни кўтариб қарадим. Бобом айвон олдида одан тушдилар, мингашиб келаётган Улугбек эса лип этиб эгарга ўтди.

— Қантариб қўй, — дедилар бобом Улугбекининг кетидан. Буни аниқ-таниқ эшитдим.

Улугбек нақ ўзим кинода кўп кўрган чавандозларга ўхшаб, отда қилт этмай келарди. Қойил-е, ўртоқ, кўз

тегмасин, деб қўйдим ичимда. Ўзиям отда қуббадай ўтирарди-да.

Бир кўнглим Улуғбек яқин келганида қовоғимни уйиб, ўзимни аразлаганга солгим келди. Бироқ шу чоққача бир-биримиздан аразлашмаганимизни эслаб бу фикримдан қайтдим. Нима, уйғотмабсан, деб аразлайманми? Биров эшитса кулмайдами? Ҳозирда эса унга ҳавасим келаётганидан юзим ҳам ёришган, ўзим ҳам отда шундай юрармиканман, деган хаёлда эдим. Улуғбек ҳам хурсанд кўринарди.

Отининг жиловини тортди-да, оёғини узангига тираб сўради:

— Ҳорма, зерикмадингми, ўртоқ?

— Ўзингдан сўрасак, — дедим сир бой бермай.

Улуғбек отдан энгил тушди-да, жилов тагидан ушлаб, отхонага етаклади. Отхона ўнг тарафда эди. Хашпаш дегунча бойлаб чиқди. Бобомнинг «қантариб қўй» деганлари эсимда турганидан буниси қанақа бўларкин, деб қараб турдим. Энди билсам отга хашак бермай шунчаки бойлаб қўйиш қантариш дейиларкан.

От устида икки киши билан анча-мунча жойни айла-ниб келганидан бўлса керак бўйни билан сағриси-нинг баъзи бир жойлари терлаганди. Улуғбек отнинг айил-ни сал бўлди-ю, лекин эгарини олмади. Отга раҳмим келганидан дедим:

— Терлаб кетибди-ку, эгарини олмайсанми?

Улуғбек одатича кулимсиради:

— Сал хомсан-да, ўртоқ, буёғини билмайсан. Сал тери қотиши керак. Кейин оламиз.

Улуғбек отнинг тумшугини бир силаб, буёққа чиқди. Кейин кафтини кафтига уриб, чангини қоққан бўлди. Шунда секингина бўлса ҳам, барибир, сўрадим.

— Бир ёққа бориб келдингларми?

Улуғбек ташқаридаги бедапоя томонни имлаб:

— Ўшаёқни айланиб келдик, — деди. Хулқар сим-катак олдидан қимирламай товукларни томоша қиларди. Улуғбек «юр-юр» қилмаганида борми ўзим ҳам уларни томоша қилмоқчийдим.

Бобом тайинлаганлариданми ё ўзининг хоҳиши биланми Улуғбек мени айвон томонга бошлади. Йўлда қўлимизни чайиб олдик.

Бобом «отам-отам» қилиб, икковимизни тўғрилари-га ўтқаздилар. Офтобда айланиб келганларидан қорайган юзларига тер томчилари қалққан, оқ сариқдан келган ўртоғим эса сал қизаринқираган кўринарди.

Бобомнинг оқ белбоғлари ҳозир қўлларида, ўзларини гоҳо елпиб кўярдилар. Улуғбек негадир тиззасининг кўзини бир-икки ишқалади.

— Қалай? — дедилар бобом менга. — Зерикмадингми, отам?

Нима дейшни билмай дабдурустан:

— Қўйларга қарадим, — дедиму бироқ ўйламай гапирганимдан тилимни тишлаб қолдим. Аслида қўйларни томоша қилдим, десам бўларди.

Гапим бобомга ёққанидан бўлса керак:

— Жуда яхши қилибсан-да, отам. Энди ўртоғинг билан ҳар куни қўйларга ҳам, отга ҳам қарайсан. Хулқар қизим товуқларини бировга ишонмайди. Мана, ўртоғингга ҳозир бедапояни кўрсатиб келдим. Уни ҳам сенларга топшираман, бригадирлик қиласанлар.

Бобом энгашиб, оқ чойнақдан ўзларига бир қултум чой қуйдилар. Фурсатдан фойдаланиб, Улуғбекка қарадим. У бош бармоғини орқасига қайириб, «во» деб қўйди. Бундан чиқди буёғи жуда зўр бўларкан-да.

— Ҳар куни, — бобом чойдан хўплаб гап бошладилар, — менга ўхшаб барвақт турасизлар-да, бедапояни отда бир айланиб келасизлар. Бригадир дегани шунақа қилади. Кун найзага келганда салқинда дам олинглар, жазирамада юрманглар. Кечки салқинда майли яна иш қилаверинглар. Ҳозир икковинг хомсанлар, дала ҳавоси сенларни ҳам хўп пиштади ҳали...

Бобом чойнакни нари суриб ёстиққа ёнбошладилар. Улуғбек ёстиқни менга яқинроқ суриб, «чўзил» дегандай имлади. Мен, йўқ, дегандай қилдим. Ҳали болохонада кўрган ҳандалакларнинг ҳиди димоғимдан кетмаганидан бобом, қовунполиздан ҳам гапирармикинлар, деб кутдим. Шунда ўртоғим жонимга оро кирди.

— Чайлага ҳам борамизми? — деб сўраб қолди у бобомдан.

Қанақа чайла, дегандай ўртоғимга қарадим. Улуғбек бўлса бобомдан кўзини узмай саволига жавоб кутарди.

Бобом мийиқларида сал кулиб қўйдилар.

— Чайлага ҳам борасизлар, машоққа ҳам чиқасизлар, отам. Ҳозир қаёққа қарасанг иш. Мингта одам келса ҳам иш топилади. Қани энди, шахарликларнинг ҳаммалари далага келишса. Оғиримиз хўп энгил бўларди-да.

Фақат ўзимми десам ўртоғим ҳам бобомнинг «машоққа ҳам чиқасизлар», деганларига тушунмаган экан.

— Машоқ нима?— деб сўраб қолди.

Бобом, негадир бошларини сарак-сарак қилдилар:

— Ҳаммамизни ер боқади, болаларим. Арпа-бугдой нишди, эрта-индин унга ўроқ тушади. Илгарилари комбайн йўқлигида ғаллани қўлда ўриб олардик, битта ҳам бошоқ нобуд бўлмасди. Ҳозир комбайнда ўрилади. Комбайн ёмон эмас, донни донга, сомонини сомонга ажратиб беради. Бироқ бошоқларнинг бир қисми ерда қолиб кетади. Ўрилган жойни эса анғиз дейилади. Ўша анғизда қолган бошоқларни комбайндан кейин териб олинади. Ўша машоқ териш дегани. Болохонага чиқиб, бедапояни ёнлаб қарасаларинг олисдан сарғиш ерлар кўринади. Ўша бизга қўшни Қозоғистон бугдойзорлари. Қозоқ оғайниларимиз комбайн тушишидан олдин бизга хабар беришади. Ўшанда қўли бўшроқлар машоққа чиқишади. Бунинг фойдаси катта. Уларга ҳам, бизларга ҳам.

Мен индамасам ҳам Улуғбек сўради:

— Ўша машоқни кейин нима қиламиз?

Бобом селкиллаб кулдилар:

— Хўп соддасан-да, болагинам, шаҳарда ўсгансан-да. Машоқнинг донини ажратиб оламиз. Дон эса ризқи рўз, рўзгорда ҳамма нарсанинг боши. Эрта кўкламда бувинг уни ундириб, сенга ҳам, бошқаларга ҳам сумалак пиширади. Ҳар куни бир кафтдан дон бериб турсанг товуқ ҳам, қўй ҳам тирсиллаб кетади. Сўлқилдоқ нонлар ҳам доннинг зўридан бўлади, отам. Ўзинг яхши кўрадиган норин ҳам...

Бундан икки ойми, уч ойми олдин уйда ҳолвайтарга ўхшаган ширин нарса еганим эсимга тушди. Ўшани Феруза холам Улуғбекдан бериб юборгандилар. Уни ҳолвайтар экан, деганимда ойим роса кулиб, буни сумалак, дейдилар, жиннивой, дегандилар. Бобом ҳозирда ўшани айтаётганларини фаҳмладим.

Бобом ўринларидан турдилар-да, бўйниларидаги белбоғларини белларига бойлаб дедилар:

— Энди, отам, секингина бориб, отнинг эгарини олиб қўй, тери қотгандир. Олдига озгина қуруқ беда ташла, лекин сув берма. Ўзим суғораман.

Улуғбекка қўшилиб, ўрнимдан қўзғолдик. Бобом буни кўриб, тайинлаган бўлдилар:

— От ювош бўлса ҳам эҳтиёт бўлинглар, бош томондан боринглар.

Улуғбек боя ўзи бўшатган айилни ечиб, эгар-жабдуқни олди. Сўнгра отнинг бўйнидан тортиб, сағриси-

гача енгил шапатилашга тушди. Мен отга яқинлашишга чўчир, бериқроқда туриб, томоша қилардим. Улугбек, келавер, индамайди, деганидан кейин кўрқа-писа яқинлаб, «ювош-ювош», деб қўлимни бўйнига текиздим. бир-икки силадим. От индамай турарди, ҳатто мен томонга қайрилиб ҳам қарамади.

Улугбек отни шапатилаб бўлди-да, девор тагидаги бедадан ярим боғ олиб, охурга ташлади. От курт-курт қилиб, ейишга тушаркан бизга қараб, «рахмат-рахмат» дегандай тумшугини силкиб-силкиб қўйди. Шунда унинг бинафшаранг кўзлари ялтираб кетгандай бўлди.

От чиндан ҳам келишган, гавдаси ўртача, уни семиз ҳам, ориқ ҳам деб бўлмасди. Оёқлари узун ва бақувватлигидан ҳар қандай отни қувиб етадиганга ўхшарди. Ўнг томонга текис таралган ёли ҳам, топ-тоза думи ҳам қопқора.

Унга қайта-қайта тикиларканман хаёлимдаги қандайдир бир отга ўхшатардим. У қайси от экан? Ўйлай-ўйлай ахири топдим: Буянга ўхшарди. «Жасур кишилар» фильмидаги чавандоз йиғит Васянинг ўзи парварнишлаган. Буяни эсингиздами? Бераҳм тренерни тўнқиб-тўнқиб устидан отган Буян. Ўша Буян гарчи жийрон бўлса ҳам қаршимдаги зулукдек отга жуда ҳам ўхшар, фақат бошқа рангга киргандай эди...

Ташқаридан кимдир:

— Раис бува, бормисиз? — деб чақириб қолди. Улугбек буни эшитибоқ ўша томонга югурди...

## Б Е Ш И Н Ч И Б О Б

### ЖУМБОҚ

Қишлоқ офтобида анча-мунча қорайиб, ўзимни энди бақувват тортгандай сезардим. Бувим айтганларидай Улугбекнинг ҳам менга ўхшаб бир қават териси куйди. Бу ерга ўрганиб қолганимиздан энди бош-яланг юрардик, шаҳардан олиб келган оқ, гирди катта қалпоғимиз устунда турар, гоҳо бувимнинг ўзлари койиб, кийдирмасалар ўзимизча қўл чўзмасдик.

Энди қора отдан чўчимайман, уни ўзимники қилиб олдим ҳисоби. Бобом эгар ураётганларига зехи солиб туриб, эгарлашни ҳам ўрганиб олдим. Сира қийин жойи йўқ экан, фақат айилни маҳкамроқ тортиш керак. Бўлмаса отга минаётганда эгар оғиб кетади.

Ҳар куни эрталаб бобом билан баравар турамиз. Юз-қўлимизни ювганимиздан кейин бувим пишириб берган сутни нонга тўғраб еймиз, бир-икки пиёладан чой ичамиз. Сутни ҳар куни Саиднинг ойиси хадича холам чиқариб турадилар.

Биринчи қиладиган ишимиз — бедапояни отда бир кўздан кечириш. Олдинига бобом меҳмонлигимни ҳурмат қилиб, мени отга мингаштириб бедапояни шошилмай айлантirdилар, атрофида сув тўлиб оқаётган ариқларни, ундаги тўғонларни кўрсатдилар. Ариқлардаги сув экинзорларни оралаб, пастликда яна бир-бирларига қўшилиб, Қозоғистонга ўтиб кетадиган Келес жилгасига тушар, у эса Чордара сув омборига туташаркан. Чордара эса Сирдарёдан сув олади, ёгингарчиликда суви кўпайиб яна унга қайтади. Сирдарёнинг суви эса Орол денгизига бориб қуйилади. Бундан чиқди бедапоя теварагидаги ариқларнинг суви тежаб ишлатилса бошқа ариқларнинг сувига қўшилиб, тўппа-тўғри Орол денгизига тушаркан-да. Орол денгизи эса ҳозирда сувга жуда муҳтож. Ҳамма уни сақлаб қолиш ҳаракатига тушган. Биз ҳам унга ҳиссамизни қўшсак ёмон бўлмайди. Бироқ қандай қилиб? Бунга бобомнинг ўзлари жавоб бердилар. Сувнинг ҳар томчиси бамисоли гавҳар, болам, дедилар бобом. Қаерда сув бекорга оқиб ётганини кўрсанг зумда чорасини кўр. Тўғонга нарса тикилиб қолган бўлса очиб юбор. Бўлмаса уволига қоламиз.

Улуғбекни айлантириб келганларида ҳам шуни тайинлаган эканлар. Икковимиз отга миниб бедапояга чиққанимизда теварак-атрофни зийраклик билан кузатиб борардик. Эрталабки салқинда юришга нима етсин! Денгизга ўхшаган кўм-кўк бедапоя субхидам шабада-сида енгил чайқалади, офтоб эса эндигина чарақлай бошлаганидан ҳаммаёқ бошқача кўринади, уни соғиниб қолишган қушлар емиш излаб теварак-атрофда чарх уришади, турлича рангдаги капалаклар шудрингда нам бўлган қанотларини қуритишаётгандай қўнган жойларида қимир этишмайди, отнинг оёғи теккан ўт-ўланлардан учган томчилар худди олмосдай ялтираб кетади. Бедапоя тепасида чумчуқлар, олақанотлар ва қалдирғочлар гўё тез учар ўйнашаётганга ўхшайди. Тинчгина қулоқ солсангиз чумчуқнинг «чирқ-чирқи» ҳам, қалдирғочнинг «вижир-вижири» ҳам қулоғингизга чалинади...

Чигирткалар ва бошқа ҳашаротларнинг чириллаш-

ларини айтмайсизми. Отда улар чириллаётган жойга яқинлашгудай бўлсак бир нафас жим қолишарди-да, сўнгра яна келган жойидан бошлашарди. Биз уларга маҳлиё бўлиб, шошилмай ўтиб борамиз.

Айвон шипининг бурчагида қалдирғоч уяси бўлиб, беш-олтита боласи бор эди. Гоҳо бедапоя қалдирғочлари нақ тепамиздан ўтиб қолишаркан айвонимизга уя қурган қўш қалдирғочни танигандай бўлардим. Қалдирғоч уяси айвон ҳуснини бузиб турса ҳам ҳеч ким тегмасди. Бобом ҳам, бувим ҳам қалдирғочли уй хосиятли бўлади, дегандилар.

Билмаган одам, бедапояни ҳар куни айланишнинг нима кераги бор, жойида тураверади, нима, уни ўғри олармиди, дейди. Ўзим ҳам олдинга тушунмай ҳар хил хаёлларга борганман. Энди унча-мунча тушиниб олдим. Бу бедапоя унча-мунча бедапоялардан эмас. Унинг қанақалигини бобом айтиб берганлар. Илгари мана шу бедапоянинг ўрнига ҳар йили ҳар хил экинлар экилаверириб, дорилар солинаверириб, ернинг мазаси қочириб, ҳосил бермай қўйибди. Бобом шундан кейин совхоз катталари билан гаплашиб, шу ўн гектар ерни менга ижарага беринглар, бедапоя қиламан, бир кафт ҳам дори солмай ерни асл ҳолига қайтараман, деб ваъда берибдилар. Илгари ўзлари бу ерда кўп йил раис бўлганларидан қайси ер қанақалигини биладилар. Совхоз катталари ўшанда, раис бува, бир ўзингиз қийналиб қолмайсизми, ёрдамчиларингиз борми, дейишибди. Бобом нима кўп — набираларим кўп, ҳаммаси менга ёрдамчи, бари ёпирилиб келса борми иш топиб беролмай қола-сизлар, дебдилар.

Бобом шунда Улуғбекни ҳам, Хулкарни ҳам, мени ҳам кўзда тутганлар-да. Мана энди биз ҳам бобомнинг ёнларига кириб, бедапояни парвариш қилаяпмиз.

Бу ердагилар Улуғбек қаторида мени ҳам, раис буванинг невараси, дейишади. Қўшнимиз Саид ҳам шу қаторда эди.

Бедапояга одамнинг ҳаваси келарди. Унга бобомнинг ўзлари уруғ сочганларидан қалин ва қуюқ бўлиб кўқарган, вақтида суғорилиб турганидан тез кўтариларди. Ҳар куни ундан хабар олиб турганимиздан атрофида нималар борлигини ҳам айтиб бераолардик.

Ҳар куни бедапояни ўнг томонидан бошлаб айланиб чиқишга одатланганмиз. Шунда биринчи дуч келаётганимиз кичикроқ бошқа тутзор. У бедапояга худди уч бурчак сингари санчилиб кирган.

Биринчи кузатув пунктимиз шу. Уни синчиклаб кўздан кечирамиз, бирорта мол-ҳол кириб қолмаганига ишонганимиздан кейин яна йўлга тушамиз. Бедапояга мол тутзордан сездирмай ўтади-да. Ундан кейин сабзавот пункти келади. Пунктнинг тахта деворидан бедапоя томонга эшик бор. У ерда ишлайдиганлар кун жуда исиб кетган пайтларда бедапояни ёқалаб ўтган ариқ бўйида салқинлашади, кечки салқин тушганда шолча ташлаб ёнбошлашади. Бир марта бедапоянинг супадан каттароқ жойининг бедаси эзгиланиб, кунпаякун бўлиб ётганини кўрганмиз. Ушанда бобомга айтувдик, тезда бориб, ўша жойга сув таранглар, бедаси ўнгланиб кетади, дедилар. Улугбек билан бориб, озгина сув очиб келдик. Ҳайрият, беда шундан кейин ўнгланиб кетди.

Пунктдан нарида совхоз узумзори, ёзда пленкаси олиб қўйиладиган иссиқхона, оқланган деворлари олисдан ҳам кўриниб турадиган ферма келади. Шундан кейин дўнгликка бир-бир кўтариламиз. Бу ердан тева-рак-атроф нақ кафтдагидай кўриниб туради. Ҳар бир нарсга эрталабки тиниқликда атайлаб ўзини ўзи кўз-кўз қилаётганга ўхшайди. Ҳатто ўнг тарафдаги тепаликка бирдай сочилгандай туюлган асалари уялари ҳам. Бир марта уларни атайлаб санаганман: йигирма тўртта экан. Уларга Толиб билан дадаси Костя амаки қараб туришаркан. Костя амаки Улугбекнинг дадаси билан бирга ўқиган, ҳозир совхозда бухгалтерлик қиларкан. ўғли Толиб эса (асли оти Анатолий) қўшнимиз Саид билан бирга ўқиркан. Буни менга Улугбек гапириб берди.

Улугбек билан икки кун айландик-да, кейин навбатчилиқка ўтдик. Бир кун у ўзи айланиб чиқади, бир кун мен. Бу бобомга ҳам хуш келганидан маъқулладилар. Улугбек айлангани кетганида уйда бобом билан бувимга қарашаман. Кейин Улугбек ёнимга қўшилади.

Илгарилари бедапояни айланганимда кўп нарсаларни кўрмай ўтиб кетаверган эканман. Энди шошилмай борарканман илгари ўзим пайқаманган нарсаларни кўриб ҳайратга тушардим. Узумзорда бобомга ўхшаб оппоқ яқтакда юрадиган Халил ота, ферма дарвозаси олдидаги сут ташийдиган цистернали машина, Саиднинг уватга арқонлаб қўйган сигири, мен айланиб юрган пайтда Москвага нақ бедапоя устидан учиб ўтадиган самолёт ҳам кўзимга негадир бошқача ва ажиб кўринарди. Бедапоя-чи? У кўк денгиздай мавжланиб



ётар, эсаётган майин шабада эса димоққа турли гиёҳларнинг бири-биридан ёқимли исларини уфурарди.

Бугун менинг навбатим бўлганидан от бошини чапга бурмасам ҳам ўзи энсизгина йўлга тушиб олиб, шошилмай кетаверди. Ястанган бедапояга суқланиб қарайман. Шабадада енгил чайқалишаётган бедалар шошилмай кўтарилаётган қуёшга салом бераётгандай бир-бир эгилишади. Уларнинг бўйлари назаримда анча ўсгандай. Буни, айниқса, дўнглик яқинида ўсган қўшғумай ёнига етганда яққолроқ сездим. Қўшғумай кўм-кўк бедаларни писанд қилмаётганга ва қани, мард бўлсаларинг менга етиб оларинг, деб жадал ўсаётгандай туюларди.

«Хе, сен найновни қарая», деб қўйдим ичимда.

Бедапоя дўнгликда чап томонга бурилади, Толибларнинг якка қўргонига яқинлашганидан кейин яна чапга қайрилади. Ўша ердан болохонали ховлимиз жуда аён кўринади.

Ана шу ерга келганда ҳам жиндай тўхтаб, теварак-атрофни томоша қиламан. Бугун ҳам қўлимни пешонамга қўйиб, бедапояга бошдан-оёқ разм соларқанман ичида иккита одам юргандай кўринди.

Отнинг бошини ўша ёққа бурдим. Улар кимлар бўлди экан? Бедапояда нима қилиб юришибди?

Яқинроқ борсам икки киши қора ипдан тўқилган каттакон тўрни икки томонидан ушлаганларича судраб келишар, олдинроқда жунлари узун, қўнғир тусдаги шалпангқулоқ ит бир нима қидиргандай бўлиб бедапояни искаб санқирди. «Беданабозлар» кўнглимдан ўтказдим. Бобом бир марта улар тўр судраб бедана овлашларини гапириб бергандилар.

Исковуч ит отни кўриб вовуллашга тушди. Беданабозлар ҳам мени кўриб, қаёқдан пайдо бўлди бу, дегандай хўмрайишди.

— Ассалому алайкум, — дедим уларга.

Овчиларнинг шляпа кийгани «ваалайкум» деб миянглади. Эскириб кетган дўппилиги эса индамай чўнтагидан носқовоқ олиб, кафтига озгина тўкди-да, кўзига кун тушаётганидан сўл ёққа жиндай ўтирилиб, тилининг тагига отди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсизлар? — деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. — Нима, адашдингларми?...

Шунда юрагим ҳам бехосдан дуқуллаб кетганини сездим.

Овчилар, бу қанақаси бўлди, дегандай бир-бирлари-

га ажабланиб қарашди. Шляпали овчи шунда мийиғида беўхшовроқ кулган бўлди-да, менга тик қараб:

— Бедана овляяпмиз, тирмизак, кўрмаяпсанми? — деди. Кейин шоша-пиша қўшиб қўйди: — Йўлингдан қолма!

— Ҳа-ҳа, — деди дўппили найнови. — Бедана тўпми ўжи...

Унинг гапидан кулиб юборишимга сал қолди. Бу ерга беданалар энди уёқ-буёқдан битта-иккита учиб келиб, аранг ўрганишаётган бўлсаю, булар тутаман деб юришса. Шуям иш бўлдию! Ҳаммасидан ҳам уларнинг қўполлигини айтмайсизми! Худди бедапоя ўзлариникидай, йўлингдан қолма, деб дўқ уришди: Бундан чиқди бедапоя бобомга тегишлилигини билишмас экан-да.

— Бу ерга адашиб кирибсизлар, бобом билсалар уришадилар. Тезроқ кетинглар!

Овчилар бунақа гапни кутмаганларидан довдираб қолишди. Носвой чеккан овчининг ранги ўчгандай бўлиб, тескари қаради. Шляпали киши эса кўзи пирпираб сўради:

— Буванг ким ўзи?

— Раис бува.

Бу гапдан икковлари ҳам бўшашиб қолишди. Бобомдан ҳам кўрқишмас экан-а. Буни икковлари ҳам тўрларини шоша-пиша йиғиштиришга тушганларидан сездим. Искович ит ҳам бедапояни искамай улар олдида уймалашарди.

Кулиб юборишдан ўзимни аранг босганимча отнинг бошини бурдим.

Овчилар бедана тутишдан умидларини узиб ва бобомга рўбарў келишга чўчиганларидан тезроқ чеккага чиқишга интилишарди. Мен Саиднинг сигири арқонланган томонга кетарканман овчилар келган йўлимдан дўнгликка қараб боришарди.

Бобом, бедапоядаги овчиларни қандай чиқариб юборганимни эшитганларида кулиб, оббо, дангасалар-е, ишдан қочиб, бедана тутишмоқчи бўлибдилар-да, деб қўйдилар.

Овчилар илгари шу совхозда ишлаб, ҳозирда қўшни совхозга ўтиб кетишган кишилар экан. Уларни Саид ҳам таниркан — билганларини айтиб берди. Дўппилиги илгари фермада қоровул, шляпалиги эса гаражда ишларкан, Иккови ҳам бедана деса ўзларини томдан ташлайдиган одамлар, деди у.

Саид билан жуда ҳам иноқлашиб кетдим, Улуғбекка

ўхшаб орамиздан қил ўтмайди. Уни Улуғбек ҳам яхши кўради. Ўзиям жуда камсуқум, вазмин, эртадан-кечгача тиним нималигини билмай ойисининг жонини киритадиган бола эди. Гоҳо унинг қилаётган ишларини кўриб, жуда ношуд эканман-да, деб ўзимдан ўзим уялиб кетардим. Мана ўзингиз кўринг. Саид азонда туриб, онаси соғиб берган сутни қабул пунктига элтиб топширар, кейин сигирини арқонлаб келар, ҳовли ишларига қарашар, чой қайнатиб, овқат ҳам қилаверарди. Ойиси тез-тез оғриб турар, унга қарашмаса бўлмасди-да. Дадасъ эса барвақт ишига кетиб, қоронғи тушганда келарди.

Меҳнаткашлиги учун Саидни бобом ҳам яхши кўрардилар ва ҳар сафар уни жонини койитиб ишлайди, барака топсин, олгани олтин бўлсин, деб дуо қилардилар. Уйдаги барча иш-юмушлар Саид бечоранинг зиммасида бўлганидан уни оилани тебратиб туради, деса ҳам бўларди.

Саиднинг иши бошидан ошиб ётганига қарамай гоҳо бобомга қарашиб ҳам тураркан. У биз келганимиздан кейин ҳам бобомнинг у-бу юмушига қарашмоқчи бўлди. Бироқ бобом, раҳмат, болам, шаҳардан — ўртоқларинг чиқиб, ўзимдан тиниб қолдим, қайтанга булар сенга қарашишади, деб ундан миннатдор бўлдилар. Бобомнинг айтганларини қилиб Саидга у-бу ишларда қарашиб турибмиз.

Бедапояни айланиб келаётганимда Саид яқинроқдаги катта пайкалдан сигирига ўт юлаётган бўларди. Бригадир Носир ака, ўтни ўшандан юлинглар, экинларни печак босиб кетаяпти, деган экан-да. Саид печак юлишнинг ҳадисини олганидан ҳаш-паш дегунча анчамунча юлиб қўярди-да, кейин замбилғалтагида (уни ўзи ясаб олган, бобом кўмаклашган эканлар) ташишга тушарди. Энди Улуғбек икковимиз ҳам Саиднинг ёнига кириб, уйдаги қўй-қўзиларга ўт юлардик.

Саид билан ҳар куни шу тариқа кўришамиз. У биздан ҳар сафар: «Хўш, бедапояда «чп» йўқми», деб сўраб қўяди. Борини айтамыз. У катталардай пешонасига қалққан терларини кўрсаткич бармоғи билан сидириб ташлайди-да, астойдил қулоқ солади. Мен овчиларни ҳайдаб юборганимни айтганимда кулиб, роса хумордан чиқди.

Ўшандан бир кун олдин Саид пешиндан кейин магазинга ёгга чиққанида ўша овчиларни кўрган экан. Овчилар ундан, уйингнинг олдида катта бедапоя бор-

миш, беданаси кўпми, деб сўрашибди. Саид энсаси қотганидан ўша бекорчиларга, бедана ҳозир дорига ҳам топилмай турибди, дебди. Бу гап беданабозларга ёқмаганидан ёмон ўшшайишган экан.

Бедапояни айланиб келишимга бир соатча вақт кетади. Бобом айтганларидай, айниқса, ариқларга кўз-қулоқ бўлиб бораман, тўғонга нарса тикилиб қолганини кўрсам очиб юбораман. Бедапоя теварагидаги ариқларда йигирма битта тўғон бор, ҳаммасини бир-бир кўздан ўтказмасам кўнглим жойига тушмайди. Икки марта бедапояга сув тошиб ётганини кўриб, беркитиб кўйдим, бедага тушган ола сигирни чеккага чиқариб, толга бойладим. Қорни шишишига сал қолган экан. Кейин билсам у Рашид амаки деган шофёрнинг сигири экан, қозигини суғуриб бедапояга тушибди.

Шаҳардалигимда кун ҳадеганда кеч бўлавермас, жуда узайиб кетганга ўхшарди. Бу ерда эса кўз очиб-юмгунимизча кеч бўлиб қолар, иш кўплигидан кун қандай ўтганини ҳам сезмасдик. Бошлаган ишимиз чала қолса гоҳо хафа ҳам бўлардик. Кечки салқинда қўйларни олиб чиқиб, уватда ўтлатганимизда кун худди қиздирилган чилдирмадай бўлиб ботаётганида яна жиндай тура қолса нима бўларкин, қўйлар мазза қилишарди-да, деб афсусланардим. Хулқар, ота-онасини соғинган бўлса керак, бир ҳафтача биз билан турди-да, сўнгра уйига қайтди. Мен ҳам Иссиқкўлда дам олишаётган ота-онамни соғина бошладим. Аммо бировга ломим демадим. Бу ерда сира ҳам зерикмаётган эдим-да. Зерикишга қўлимиз ҳам тегмасди. Бобом билан бувим уни қилинглар, буни қилинглар, деб буюришмасам ҳам иш оёғимиз остидан чиқа қоларди. Ўзингиз айтинг, ҳовлингизда турли мевалар етилиб турган бўлса нима қиласиз? Терасиз.

Улуғбек икковимиз бувимга ҳар куни қулупнай, ўрик, гилос териб берамиз. Бувим, вой, ўзимнинг дастёрларимдан айланай, деб хурсанд бўладилар, кейин қулупнай билан гилосдан қиём қайнатишга тушадилар, ўрикни қишда дорининг ўрнини босади, жонивор, деб ёйиб қўядилар. Сархилларини эса қўни-қўшниларга улашадилар. Шафтолини ҳам.

Саиддан жуда хурсанд бўлган бир жойим бор. У пайкалда ўт юлаётганимизда доривор ўтларни авайлашни ўргатди. Улуғбек ҳам уларни яхши билмас экан менга ўхшаб ажратадиган бўлиб олди. Менга, айниқса, офтоб уришидан сақлайдиган итузум ёқиб қолди, са-

риғимас, бинафшаранги. Сал нордонроқ бўларкану бироқ еган сари егингиз келаверади... Етилиб пишганининг доналари қорайиб кетаркан.

Бобомнинг ҳовлисида дарахтлар кўп эди. Ҳар биридан икки тупдан эккан эканлар. Енғоқ ҳам, гилос ҳам, кўксултон ҳам, беҳи, бодом, ҳаттоки хурмо ҳам икки тупдан эди. Шафтолилар эса ўн тупга яқинроқ, олдинма-кейин пишадиган навлар. Саиднинг уйидаги мевали дарахтлар ҳам иккитадан бўлиб, ярмидан кўпи майдароқ кўринарди. Бунга ҳайрон бўлганимда Саид, буларни бобомдан ўрганиб пайванд қилганман, деди. Кейин Улуғбек икковимизга куртак ва искана пайвандларини бирма-бир кўрсатди.

Пайвандларга чиндан ҳавасим келди. Айниқса, бодом ҳақида айтганларини эшитганимда бобом икковларининг топқирлиқларига чиндан қойил қолдим.

... Бобомнинг бодоми ҳам, Саиднинг бодоми ҳам ўтқазганларидан кейин яхшигина бўй чўзибди, учинчи йили қийғос гуллабди-ю, бироқ битта ҳам мева қилмабди. Бодом эрта гуллайдиган дарахт эмасми, баҳорги аёзлар гулини уриб кетаркан.

Бобом бултур қишда Саидни чақириб, бодом тагига қорни шиббала, шунда мева қилади, дебдилар. Ўзлари ҳам ёққан қорни тўдалаб, бодом тагига ташлайверибдилар. Қиш тўгаб, кунлар исий бошлаганидан кейин қор ҳам қолмабди. Шундан кейин бобом шу кўчада турадиган шофёр Рашид амакига шаҳардан қайтишда муз олиб келишни айтибдилар. Рашид амаки ярим машина муз олиб келган экан бодомлар тагини сал-пал кавлаб кўмишибди-да, устига тупроқ ташлашибди...

Бунда ҳикмат катта экан. Муз бодомнинг илдизини совутиб турганидан танасига сув кечроқ югуриб, бошқа дарахтлар билан баравар гулларкан.

Бобомнинг бодомлари ҳам, Саиднинг бодомлари ҳам ён-веридаги бошқа дарахтлардан қолишмас, устидаги шигил мевалари кўзни оларди, Саид бизга бу гапларни айтиб бераркан, бодом танасини меҳр билан силаб қўйди.

Саид қўли бўш қолди дегунча китоб ўқиганидан кўп нарсани биларди. Арифметикани беш қўлдай биларди десам ишонаверинг. Улуғбек икковимиз арифметикага бирдаймиз, «беш» эмас, «яхши»га ўқиганмиз. Унга ҳушимиз унчалар баландмас. Бироқ Саид туфайли арифметикага қизиқиб қолдик. Бунга унинг арифметик жумбоқлари сабабчи бўлди.

Ўтган куни учовимиз ишларимиздан қутулиб, ховли этагидаги толлар соясида ўтирганимизда Саид битта ўйин айтиб қолди. Олдинига унча нарво қилмадим, чунки жуда оддий туюлди-да.

— Бу арифметик топишмоққа ўхшайди, — деди Саид. — Оддий жумбоқ. Зеҳн солиб турсангизлар тезда мағзини чақиб оласизлар. Балки, ўзларингиз ҳам биларсиз.

— Қани, айтиб кўр-чи, — деди Улуғбек. — Балки билармиз.

— Ўзларингча хоҳлаган бир сонни — ўнними, юзними, мингними ўйлайсизлар, бироқ менга айтмайсизлар. Мен уни топаман.

— Қизиқ-ку, — дедим ажабланиб.

— Ўйладингларми?

— Ўйладик, — дедик Улуғбек билан олдинмакейн. Ўзим ичимда 25 ни ўйладим.

— Ўйлаган бўлсанглар унга яна ўшанча қўшинглар.

— Қўшдик.

— Жуда яхши, энди унга ўн қўшинглар. Бўлдими?

— Бўлди.

— Жуда жойида. Энди ҳосил бўлган йиғиндини иккига бўлинглар.

— Бўлдик.

— Бу иш ҳам битган бўлса ўшандан илгари ўйлаган сонларингни олиб ташланглар.

— Олиб ташладик.

— Беш қолдими?

— Тўппа-тўғри, — Улуғбекда ҳам, менда ҳам беш қолганди. Қойил! Қандай топдийкин, деб ўйлаб турганимда хаёлимга ялт этиб бир нарса келди. Боя, ўшанга ўн қўшинглар, девди-ку. Ушанинг ярми! Оббо тушмагур-е! Соддалигимиздан фойдаланганини қаранг. Оппасон нарса экан-ку, шунга қойил бўлиб ўтирибмиз. Икки карра икки — тўрт дегандай-да.

Саид авзойимдан жумбоқ тагига етганимни билиб турса ҳам менга «жим», дегандай имлаб қўйди. Улуғбек кўзларини қисганича ўйга ботганди.

— Яна топасанми, Улуғбек?

— Айт-чи, қанча қўшай?

Ўшанча. Кейин йигирма қўшиб, иккига бўлиб, олдинги сонингни олиб ташлайсан.

Улуғбек ичида ҳисоблаб турганида Саидга иккала

панжамни ёзиб кўрсатувдим, у «тўғри» дегандай бош ирғаб қўйди. Шу пайт Улуғбек ҳам бошини кўтарди.

— Қолгани ўн, — дедим Саидга оғиз очирмай.

Улуғбек, сен қаёқдан биласан, дегандай менга хайрон бўлиб қаради-да, бирдан ўзи ҳам тушуниб қолиб кулворди:

— Оппа-осон экану тушунмаганимни қара-я!

— Яна ўйлайсанми? — сўради Саид.

— Йўқ, — деди Улуғбек қатъий, — бу ўйнинг кичкиналарга боп экан. Сал қийинроғи бўлса майли.

— Бўпти. — Саид шундан кейин лип этиб турди-да, «мен ҳозир» деганича уйига чопқиллаб кетди. Зум ўтмай дафтар-қалам билан келди.

— Буниси мураккаброк, — деди у дафтар-қаламни менга узатаркан. — Авваламбор кўзим тушмаслиги учун беш-олти метр нарига бориб, тескари ўтирасиз. Дафтарга уч хонали хоҳлаган сонингизни ёзасиз. Масалан, 520 ёки 892. Нима кўп — уч хонали сон кўп. Кейин ўшанинг тескарисини ёзасиз. Масалан, 912 нинг тескарисини 219 бўлади. Ўшанинг каттасидан кичигини олиб ташлайсиз. Мен бўлсам сизга жойимда туриб қанча қолганини айтиб бераман. Келишдикми?

— Келишдик, — дедим бу жумбоқнинг қанақалигига тушунмаган бўлсам ҳам.

Беш метрча нарига бориб. Саидга тескарироқ ўтирдим-да, дафтарга 312 ни ёздим. Тескарисини 213 бўлди. Тезда айирдим. 99 қолди. Қани топармикин?

— Бўлди, топавер.

— Бир нарсани айтиш хаёлимдан чиқибди, — деди Саид. — Менга қолдиқнинг охири сонини айтсангиз бўлди уёғини топиб бераман.

Ёзганимга қараб айтдим:

— Тўққиз.

Саид оғзимдан чиқмасиданок ёкамга ёпиштирди:

— Тўқсон тўққиз.

Тўғриси айтсам, нафасим ичимга тушиб кетди. Зўр экан-ку. Буни қаёқдан биларкин? Қани, яна ишлай-чи, топармикин?

Дафтарга бир йўла учта уч хонали сонни ёзиб, тескарисидан олиб ташладим-да, кейин Саидга овоз бердим:

— Охири 5!

— 495!

— Охири 1!

— 891!

- Охири ноль!
- Ҳаммаси ноль!

Саиднинг топқирлигидан қойил бўлган Улуғбек қўлимдан дафтарни тортиб олгандай бўлиб, ўйлаганларини ёза кетди. Унга халал бермадим. Ўзим билан ўзим овора бўлганимдан бу янги жумбоқнинг тагига етишга ҳаракат қилардим.

- Бу пайтда Улуғбекнинг овози ҳам эшитилиб қолди:
- Охири 6!
- 396.

Хаёлимга нимадир келдию яна зумда ғойиб бўлди. Нима қиларимни билмай ердан чўп олдим-да, тўғри келган уч хонали сонни ерга чизиб, тескарисидан айирдим. Нағижаси — 891.

Қизиқ! Яна биттасини ишладим: 396 қолди. Буниси ғалатироқ. Синчиклаб бундай разм солсам қолдиқнинг ўртасидаги сон нукул тўққиз келяпти. Охириги сон билан биринчи сон қўшилса ҳам тўққиз чиқаяпти. Ана буниси аломат! Топдим ҳисоб!

- Охири етти! — деди Улуғбек.
- 297! — жавоб қилди Саид.

Энди сира шак-шубҳам қолмади. Буёгини ўзим топаверсам ҳам бўлади.

- Охири 8!
- 198, — дедим Саидга оғиз очирмай.

Назаримда Саид ҳам бу жумбоқнинг сирини билганимдан хурсанд эди. Улуғбек эса менга бир қараб қўйди-да, яна ёзишга тушди.

Ҳовлидаги дарахтларнинг биридан қизилиштоннинг «тақ-таки» эшитила бошлади. Бедапоядан эсаётган енгил шабада ариқ бўйларидаги сийрак ўтларни тебратарди. Катта йўл томондан автобуснинг бўғиқ гувуллаши қулоққа чалинди.

Улуғбек дафтарга ёзиб-чизар, бироқ натижасини бизга айтмас, жумбоқ тагига етишга астойдил тиришарди. Саид бўлса кулимсираб ўтирар, назаримда унда бунақа нарсалар серобга ўхшарди.



## ОЛТИНЧИ БОБ

### МАШОҚ ВА УЛОҚ

Қишлоққа мослашиб кетганимдан бу ернинг ўзига яраша нуқси урганини ҳам сезардим. Энди Улуғбек икковимизни кўрган одам бу ерлик болалардан ажратолмасди. Олда юриш, қўй боқиш, ўтоқ қилиш, лой қориб, гишт қуйишни ҳам ўринлатар, бобом нима иш буюрсалар тап тортмасдик.

Саиднинг тарғили жуда серсут бўлганидан сут-қатиғи икки хонадонга етиб-ортарди. Сарийёғ, сузма, қурут деган нарсалар ҳам узилмасди. Ҳатто сутнинг ортиқчасини Саид ҳар куни барвақт қабул пунктига топшириб келар, гоҳо мен ёки Улуғбек бирга борардик.

Шаҳарда биз ҳамма нарсани магазиндан олсак, бу ерда деҳқончилик эди. Сарийёғни ҳам шу ерда тайёрлашаркан. Унинг ҳам йўлини билиб олдим.

Бир куни Улуғбек икковимиз болохонадан қарасак Саид икки қўллаб қув пишаяпти. Қув дегани узунчоқ ва ингичкароқ бочкага ўхшайди. Унга бир челақдан кўпроқ кетади. Дастасининг учига плюсга ўхшаган парраги бўлади. Қувни қўш қўллаб пишмасангиз кучингиз етмайди.

Қатиқ қувда пишилаверганидан суюлиб, ахири ёғи юзага чиқабошлайди. Ўша ёғ юзага қалқигани сари олиб турилади. Кейин тоғорага совуқ сув қўйилса ёғ қотиб, сарийёғга айланади.

Қувда қолган суюқ қатиқ айроннинг ўзгинаси бўлади. Салкам бир косасини кўзни чирт юмиб сибириб олсангиз борми кечгача томоғингиз қақрамай юраверасиз.

Қатиқни оппоқ халтага солиб, дарахтга илсангиз зардоби пасдаги идишга тўпланади-да, ўзи сузма бўлиб қолади. Бувим, зардоб ҳам, сузма ҳам кони шифо, дейдилар. Сузмани кўпроқ тузлаб, ёнғоқдай-ёнғоқдай думалоқлаб, салқинда қуритсангиз шўртанггина қурут бўлади. Битта қурутни оғизга солиб қўйсангиз аста-секин ўзи эриб кетади ва иштахангизни карнай қилиб юборади. Қиш кунлари қурутдан қуртава қилиб ичилса ҳам жуда фойдали бўлади.

Оғизни ҳам шу ерга келиб едим. Куни кеча қўшнимиз Туреунбой амакининг уйидан оғиз чиқди. Оғиз янги болалаган сигир сутидан пишириларкан.

Бобом айтганларидай, хабар келиб, эрталабки салқинда машоқ тергани бордик. Улуғбек, Саид ва мени бобомнинг ўзлари олиб бордилар. Машоқзор анчамунча олисда бўлганидан у ерга бизни каллаи саҳарлаб бобомнинг Шомирза ака деган шогирдлари ўзининг «Жигулиси» да элтиб қўйди.

Машоқ теришда одам зийрак бўлмаса қийналаркан, тўғриси анча овора бўларкан. Бундай қарасангиз буғдойи комбайнда ўриб олинган анғизда ҳеч нима йўқдай туюлади. Ҳаммаёқ шип-шийдам. Бироқ яқин атрофга зеҳн солсангиз комбайнга илинмай ё сирғилиб тушиб қолган бошоқларни бирин-кетин кўраверасиз. Ўша бошоқларни йиғиштириб олсангиз машоқ терган бўласиз.

Бобом ҳар биримизга биттадан шакар қоп улашиб, шуни тўлдирсанглар бўлди, дедилар. Войбў, буни қачон тўлдирамиз, деб юрагим орқамга тортди. Менимча, Улуғбек ҳам шундай қўйга тушган бўлса керак. Фақат Саидга сир бой бермай машоқ теришга тушиб кетганди.

Салқинда иш бошлаганимиз ёмон бўлмади. Биз бир-биримиздан нарида сочилиброқ машоқ терардик. Бобом ҳам ҳаракатга тушгандилар.

Офтоб кўтарилгани сари роса қизиб кетармиз, деб ўйлагандим. Бироқ ундай бўлмади. Анғиз дўнгликда бўлганидан шамол ўтиб турар, бундан иссиқ унчалар сезилмасди ҳам. Биздан икки юз-уч юз метр нарида ҳам машоқчилар кўринар, чамамда кўпчилиги бизга ўхшаган болалар эди.

Қопимиз сал-пал тўлганида биз томонга саман отли киши кела бошлади. Бошида оқ кигиз қалпоқ, соқол-мўйловли эди. У отининг бошини бобом томонга буриб, зумда пастга тушди-да, бобом билан кучоқлаша кетди. Биз томонга эса:

— Харманглар-ов, жигиттер! — деб қўйди.

— Саламет бўлингиз! — деб жавоб қилди Саид. Кейин бизга, бобомнинг ўртоқлари Бойбўсин жеке, ота авлодимиздан, деди.

Биз бош кўтармай ишлардик. Белим зирқираб кетса секин-секин силаб қўяман. Гоҳо Улуғбек қаддини ростлайди. Саид эса дам энгашиб, дам ўтириб машоқ тергани терган, бели огримайди ҳам. Ўрганиб кетган-да.

Бойбўсин жеке бобом билан бир оз гаплашиб турди-да, кейин отига миниб жўнади. Бобом шундан кейин бизга, буёққа келларинг, деб имо қилдилар. Қопимиз-

ни судраб яқинлашарканмиз, анғиздаги кичикроқ мешга кўзим тушди. Ёнида оқ рўмолга ўралган нимадир бор эди.

— Қани, азаматлар, жиндай нафасни ростланглар, — дедилар бобом мешни яқинроқ суриб. — Томоқларинг ҳам қақрагандир. — Кейин кунга тескари бўлиб чордана қурдилар. — Ўтиринглар, Бойбўсин ўртоғим йўқлаб, қимиз олиб келибди. Омон бўлгур, хўп оқибатли-да.

Рўмолдаги заранг коса билан яхна гўшт экан. Бобом пичоқлари билан гўштни тўграб, олинглар, дедилар-да, ўзлари мешни еча бошладилар.

Саид косачани ушлаб турди. Қимиз мешдан қулқиллаб тушарди.

— Қани, отам, ўзинг бошла.

Саид эса косачани бобомга тутди:

— Ўзингиздан бўлсин, бува.

Бобом мешни Саидга тутқаздилар-да, косачани олиб:

— Ҳа, майли, шифо бўлсин, — деб симирдилар.

Саид косачани менга узатувди, ўзинг ич, деб олмадим.

Қимизни биринчи ичишим эди. Унгача Улуғбек ҳам, ўзим ҳам яхна гўшtdан олиб, эрмак қилиб турдик. Гўшт жуда ширинлигидан чайнамай ютса ҳам бўларди.

Қимиз отнинг сутидан қилинганидан айрондан нордонроқ бўларкану зумда одамни терлатаркан. Жиндай бўғриқтиришини айтмайсизми. Томирларга ўт югургандай туюлиб, баданим қизиётганга ўхшайди. Ё менга шундай кўриндимикин?

Бобом бир косачадан бошқа бермай мешнинг оғзини маҳкамлаб қўйдилар. Яна машоқ теришга тушдик.

Ишимиз энди дурустроқ кетарди. Қопимиз ҳадемай қаппайиброқ қолди. Қимизнинг таъсиридан бўлса керак, ҳар биримиз жадалроқ ишлардик, анғиздан сира ҳам бош кўтаргимиз келмасди...

... «Жигули»нинг чўзиқ сигнали эшитилди. Бош кўтариб қарасам ўзимизни олиб келган музранг «Жигули» анғиздан дадил ўрмалаяпти. Филдирагимга тикон киради, деб қўрқмайди ҳам.

Машина ёнгинамизда тўхтади. Бобом Шомирза акага ҳам қимиздан қуйиб бердилар. Шомирза ака, яхши қимиз экан, деб яна ичдилар. Кейин қопларимизни устидан босиб, сал пучайтирган бўлиб, юкхонага жойладилар...

Машоқ териб кун тиккага келиб қолганини сезмаб-миз ҳам. Машинада кетарканмиз бобом бойбўсин жеке билан «минг» йилдан бери ўртоқликларини, ёшликда бирга улоқ чопишганларини, Сирдарё, Чордара, Жилға томонлардаги улоқлардан совринлар олишганини гапириб бердилар. Ошналари тўйга айтиб кетибди. Афғонистонда жанг қилиб келган ўртанча набирасини уйлантираётган экан.

— Тўйга сенларни ҳам олиб бораман, — дедилар бобом биз томонга қайрилиб қараб.

— Улоқ ҳам бўладими? — сўради Улугбек юраги чапак чалиб.

— Қозоғистондаги бирорта тўй улоқсиз бўлмайди. отам. Зўр томоша бўлади.

Бундан ўзим ҳам суюниб кетдим. Улоқни унча-мунча эшитгандим, бир марта телевизорда кўргандим ҳам. Бироқ телевизорда кўриш бошқаю, буёқда кўриш бошқа.

— Ўлап ҳам зўр бўлади, — деб қўйди Шомирза ака. — Бултур Жилғадаги бир тўйда роса маза қилганман.

— Ўзинг ҳам қўшилдингми? — сўрадилар бобом. — Унча-мунча билардинг-ку.

— Э, қаёқда дейсиз. — Ангиздан катта йўлга чиқаётганимиздан Шомирза ака машинани сал тўхтатди. — Мендан зўрлар ҳам. оғиз очишолмай қолди. Биттаси тугатмасиданоқ бошқаси илиб кетади.

Шомирза ака ўзича эшитган ўланларини эслаётгандай бошини чайқаб-чайқаб қўяр, назаримда яна ҳузурини сураётгандай эди. Бобом эса унга илжайиб қўйдилар.

Жимликдан фойдаланиб, Саиддан секингина, ўлан яхши бўладими, деб сўровдим у қўли билан «зўр» дегандай қилди. Бундан севинчим яна тошди. Қозоғистонга бораман, улоқни кўриб, ўланни эшитаман, деб суюнар, ҳозирги дамда ўзимга етар одам бу дунёда топилмайдигандай эди... Энди бобом билан Шомирза аканинг нималарни гапириб кетишаётганлари ҳам қулоғимга кирмас, бутун хаёлим Қозоғистонда бўлганидан ўзимни чеккасини кўз илғамас қирларида юргандай сезар, кўз олдимдан эса ола, саман, қора, оқ ва бошқа ранглардаги бири-биридан учқур отлар тўдаси тинимсиз ўтаётгандай, улардаги чавандозлар қамчинларини тишлаганларича олдинга сал эгилиб боришаётгандай туюларди. Худди кинолардагидай учишади-я! Балки кинолардаги отликларни ҳам ўшаёқда суратга

олишгандир? Шаҳарда кенг-қўлам жойлар йўқ-ку. Ҳалқа йўл бўйидаги дадам бир марта байрамда олиб борган ипподром ҳам унчалик катта эмас. Қирлар қаёқдаю, ипподром қайда...

Бувим машоғимиздан жуда хурсанд бўлдилар. Товуқларим ҳам, қўйларим ҳам маза қиладиган бўлди, деб ўзларини қўярга жой тополмай қолдилар. Бизлардан роса айланиб-ўргилдилар, бошларимиздан силаб, пешонамиздан ўпдилар. Саиднинг ойиси ҳам жуда хурсанд бўлибди. Буни ўзи айтди.

Биз машоқда юрганимизда Бойбўсин тоғанинг овулидан одам келиб, тўйга хабарлаб кетибди. Саиднинг дадаси Бекпўлат амаки ўша хабарчининг машинасига битта қўй босиб юборибдилар. Бу ердагиларнинг одати шунақа, тўйга айтиб келган одамдан тўёна бериб юборишади.

Бобом билан Бекпўлат амаки тўйга боришни гаплашиб олишди. Эртага кечки салқинда автобусда жўнайдиган бўлдик. «Тошкент-Абай» автобуси Бойбўсин тоғанинг овулини ёнлаб ўтаркан...

Улугбек икковимизнинг энди оғимиз олти, қўлимиз етти бўлиб, тўйга боришга ҳозирлик кўрардик. Бувим қийналиб қолмасинлар, деб отга ҳам, қўйларга ҳам ўт юлиб, беда ўрдик. Тўйхонада ётиб қолишимиз керак бўлганидан уйдаги ишларни битириб кетмасак бўлмасди-да.

Тўйга бобом боролмайдиган бўлдилар. Уйга битта ўртоқлари келиб қолди. У кўзимга жуда таниш кўринар, бироқ қаерда учратганимни сира эслаёлмасдим.

Улугбек ҳам эслаёлмади, биринчи кўришим, дегандай елкасини қисиб қўя қолди. Бироқ чолнинг қиёфаси танишлиги менга сира ҳам тинчлик бермасди. Уни кўрганим рост, бироқ қаерда, қачон?

Ўйлай-ўйлай ахири топдим: автобусда, шаҳардан келаётганимизда! Чигатой бекатидан автобусга қўзи кўтариб чиқиб, ёнидаги амаки билан гаплашиб келган эди. Эслаганимдан ҳозир жуда ҳам суюниб кетдим-да, бувим чой дамлаганларида чойнакни, ўзим олиб бораман, деб Улугбекнинг қўлидан тортиб олдим.

Айвон томонга борарканман «амаки мени танирмикинлар ё танимасмикинлар», деган хаёлда эдим. Боя салом берганимда кулиб алик олгандилар. Шундай бўлса ҳам айвонга кўтарилганимдан кейин яна салом бердим. Амаки алик олдилару яна бобом билан гаплашавердилар, менга қиё боқмадилар ҳам. Менга сал

алам қилгандай туюлди. Ўзимни қандай таништира-  
микин? Ё индамай кетаверайми? Улар томон яқинлаб,  
чойнакни бобомнинг олдиларига қўярканман, таваккал  
қилдим:

— Қўзингиз катта бўлиб қолдим, амаки?

Шунда амаки ялт этиб қарадилар-да, илжайиб қўл  
чўздилар:

— Э, болам, танимаганимни қара-я, кексалик-  
да. Ўзинг яхшимисан, буванг дуосини олаяпсанми?  
Умринг узок бўлсин ишқилиб. — Кейин бобомга қараб  
деди: — Раис, неваранг билан яқинда машинада бирга  
келувдик, яхши бола экан.

Кутилмаган бу мақтовдан қизаринқираб ерга  
қаровдим бобом:

— Менда ёмон невара бўлмайти, — деб кулдилар.

— Буларни ҳовлигаям, қовунполизгаям олиб бор,  
ўртоқ, — деди амаки, — бир ўйнаб келишсин.

— Албатта, фурсати билан олиб бораман. Бугун  
Қозоғистонга кетишяпти, келишсин бир гап бўлар. —  
Бобом менга қарадилар. — Бири шақар, бири асал хан-  
далакларни мана шу амакинг юбориб туради. Мана  
энди қовунполизига ҳам чақираяпти. Бориб бир ўйнаб  
келасизлар, бўптами?

— Бўпти, — дедим хурсанд бўлиб.

Тўлаган амаки (исми шундай эди) бобомни меҳмон-  
га айтиб келган эканлар. Бугун уйларига тенгқурлари  
йиғилишадиган бўлишибди. Бобом ёшлиқдан бирга  
ўсган ўртоқларининг юзидан ўтолмай биз билан борол-  
май қолдилар ва узрларини Бекпўлат амакига тушун-  
тирдилар. Тўйга Бекпўлат амаки бошчилигида ўзимиз  
кетдик.

...Шаҳардан ўзимиз келган автобустга тушиб, бир оз  
юрганимиздан кейин дўнгликдаги бекатда тушиб,  
Қозоғистон автобусига ўтирдик. Унда бир соатми-бир  
ярим соатчами юрдик. Ойнадан ястаниб ётган ва ҳоси-  
лининг кўпчилиги ўриб олинган буғдойзорларни томо-  
ша қилиб кетаётганимдан зерикиш хаёлимга ҳам кел-  
мади. Бекпўлат амакининг ёнида ўтирганимдан гоҳо  
ундан ўзимга нотаниш кўринган дарахтлар ва ўт-ўлан-  
ларни сўраб қўяман. «Анави қора тол, анави қайрағоч,  
анави чалов, анави қўй яхши қўрадиган изен», деб  
қўяди Бекпўлат амаки. «Зап қўй боқадиган жойлар  
экан», дейман ичимда. Автобус эса тиним билмай уча-  
ди. Тўхтайдиган жойлари ҳам бир-биридан жуда узок  
кўринади...

Автобус вағиллаб бир дўнгликка кўтарилиб, тўхтади. Ўша ерда тушдик. Бу ерда автобус бекати эканлигини кўрсатувчи айвонсифат уйчадан бўлак ҳеч нарса кўринмасди.

— Энди буёғига оёқнинг пича чигилини ёзамиз, — деди Бекпўлат амаки. Кейин тўғридаги тепаликка имо қилди. — Ўшандан ошиб олсак тўйхонага етамиз.

Салтин-сувай бўлганимиздан, тепаликка қараб югурмоқчи бўлгандик, Бекпўлат амаки тўхтатдилар, секин кетаверсак чарчамаймиз, бўлмаса салга ҳаллослаб қоласизлар, дедилар. Тўғри-да, шошилиб нима ҳам қилдик, тўйхона қочиб кетармиди?

Бекатдан тепаликка ёлғизоёқ йўл тушган экан, ўшандан юридик. Бекпўлат амакининг айтишларича Бойбўсин жеке бизга қўшни «Абай» совхозида жуда кўп йил ферма мудирини бўлибдилар, ҳозирда бобомга ўхшаб пенсияда эканлар. Биз келган жой ўша совхознинг чорвалари боқиладиган яйлови бўлиб, тепалик ортида чўпонлар ўтовлари тикилган, тўй ҳам ўша ерда ўтаркан. Жекининг Арзонқул деган ўртанча набираси ёшлигидан йилқига қизиқар, отасига қўшилиб, уюрларни у қирдан бунисига ҳайдар, армиядан қайтиши биланоқ яна йилқичилар сафига қўшилган экан. Улоқни ҳам яхши чопади, деб қўйдилар Бекпўлат амаки.

Бу орада тепаликка ҳам анча кўтарилиб қолдик. Улуғбек ҳам менга ўхшаб, ўтовлар қаердайкин, дегандай бўйнини чўзиб-чўзиб қарар, бироқ ҳозирча теварагидаги паст-баланд қирлардан бошқа нарсалар кўзга чалинмасди. Фақат олис-олислардагина гимирлаётган нималардир кўзга ташланиб қоларди. Шунда Саид кўлини пешонасига тираб тикилди-да, тўйга олисдан келишаётган кўноқлар, деб қўйди.

Тепалик чўққисига чиққанимиздан кейин этагидаги пастроқ иккита дўнглик орасида тикилган ўтовлар яққол кўринди. Икки томонга бир хил ораликда тикилганидан жуда чиройли туришар, чеккаларига қурилган ўчоқлардан кўкиш тутунлар юқорига ўрларди. Ҳар бир ўтов олдида одамлар уймаланишар, теварақатрофда эса камида эллик-олтмиш от ўтлаб юрарди.

— Отлар тушовлаб қўйилган, — деди Саид Улуғбек икковимизга. — Ўтлаб юришаверади, узоққа кетишмайди. Қўноқларнинг отлари бўлса керак. Устида эгарлари ҳам бор.

Овулга яқинлаб қолганимизда оқ кўйлакли бир

бола бизларни кўрдию, чопқиллаганича кела бошлади. Бекпўлат амаки билан Саид кўз уриштириб олишди.

— Уртоғинг жуда соғиниб қолибди-ку, — деди Бекпўлат амаки ўғлиги. — Югуришини қара.

Саид индамаса ҳам юришини сал тезлатгандай бўлди. Унга қараб биз ҳам. Орадаги масофа эса тобора қисқариб борарди. Ниҳоят тўқнашдик.

Бола биз қатори экан, балки бир ёш каттадир ё кичкинадир. Саид у билан ялашиб-юлқашиб кўришганидан кейин бизларни таништирди. Исми Сарсен, куёвнинг кенжа укаси бўларкан.

Сарсен қопқора бўлиб, фақат кўзларигина шўх чақнар, сочи қаттиқ ва тик, ўзи эса қотмадан келган ва жуда чайир кўринарди. Буни кўриш анида қўлининг қаттиқлигидан билиб олдим.

У бизни оқ кигиз қопланган учинчи ўтовга бошлади. Бойбўсин жеке, ҳар биримиз билан қуюқ сўрашдилар. Бекпўлат амаки бобомнинг узларини айтдилар. Бойбўсин жеке шунда амакига:

— Супра қақдиға алип келесин, умитпағин ширақ, — деб қўйдилар.

Амаки хўп-хўп, деб қутулди.

Ўтовда беш-олтита меҳмон бўлиб, улар ҳам бизга ўхшаб яқин-йироқдан келганлар эди. Дастурхонда ўзимизнинг қатламага ўхшаган юшқароқ нонлар, айниқса, бўғирсоқ кўп эди. Қанд-қурс, ҳолва, пашмак ҳам кўринарди. Бир пиёла чой ичмасимизданоқ сопол товоқда яримроқ қилиб шўрва тортилди. У серпиез ва жуда мазали эди.

Ўтовга кўз югуртирдим. У панжарали ёғочдан тикилган, устидан оқ кигиз ёпилиб, ҳозирда ён томонлари очиб қўйилганидан тўрт тарафдан шамол ўтиб турарди. Керагаларга (панжара ёғоч шундай дейиларкан) сочиқ, рўмол, ичи нарсали тўрхалталар илинган, биттасида эса дўмбира кўринарди. Дўмбира бобомнинг болохонасида кўрганим дуторнинг ярмича келар, кўриниши ҳам сал бошқачароқ эди.

Дўмбирани томоша қиларканман, унга Бекпўлат амаким ҳам бир-икки қараб қўйгандай бўлдилар. Чалсалар керак-да, кўнглимдан ўтказдим беихтиёр, балки ўлан ҳам айтарлар.

Кўноқлар билан Бекпўлат амаким гаплашиб ўтирдилар. Улар бу йил об-ҳаво яхши келганидан, қирда ўт кўплиги, чорва мазза қилаётганлиги, қўй арзон бўлишидан гапиришди. Чўққисоқол, юзи чувакдан келган



ва кўзлари кичкина қўноқ Чордарада сув кўплиги, ортиқча сув Сирдарёдан Оролга оқаётганини айтиб қолди.

Бундан қулоғимиз баттар динг бўлди. Бобом беда-пояни ёнлаган ариқларнинг суви Келес ариқдан Чордарага боришини айтганлари эсимга тушганди.

— Оролга оқаётгани яхши-я, бироқ етаётганмикин, — деди сарғишроқдан келган меҳмон. — Орол бечора Аму билан Сирнинг суви йўл-йўлакай тўкилиб-сочилиб борганидан шу қўйга тушди-ку.

Бекпўлат амаким пиёладаги чойидан бир ҳўплаб, жавоб қилди:

— Газетадаги гапларга қараганда оз бўлса-ям ета-япти. Ўзингиз билгандай хаста Оролни тузатишга ҳамма барабар киришган. Ҳукумат тегишли қарор ҳам чиқарди. Буёғи энди ўзимизда қолди. Бор сувни тежаб-тергаб ишлатсак, ортиқча сувларни оқсоқол айтганларидай ўша ёққа буриб юборсак Оролга жон кириб, беш-ўн йилда ўнгланиб кетса ажабмас.

Сарғишдан келган меҳмон қайтадан жойлашиб ўтириб олди-да, амакимга юзланди:

— Тўғри, ҳозир Оролни ўнглашга ҳамма барабар киришган. Бироқ бир нарсага сира тушунмайман. «Оролни сақлайлик», деб турли жойларда катта-катта йиғилишлар бўлаяпти, ақлли-ақлли гаплар айтилаяпти. Аммо бундан Оролнинг суви кўпаймаяпти, гап кўпаяяпти, беҳуда ҳаражатлар бўлаяпти. Ўша йиғилишларга кетган пуллар Оролнинг ўзига сарфланса сувига оз бўлсаям сув қўшилармиди, дейман-да. Ё бўлмаса...

Ичкарига катта лаганларда овқат олиб кирилганидан меҳмоннинг гапи бўлиниб қолди. Ўртадан жой очилиб, лаганлар қўйилди. Лаганлардаги шилпилдоқ устига анча-мунча гўшт уйилган, янги сузилганидан ҳовури чиқиб турарди.

— Қани, бесбармоққа қарангдар, қўнақдар, — деди овқат олиб кирган киши. — Орол ўзимизники, хеш яққа қашпайди, кейин сўйласаберасиздер.

Бекпўлат амаким ёнларидан пичоқ олиб, гўштни тўғрашга тушдилар-да, каттароқ сўнғакни чўққисоқол чолнинг олдига, табарруксиз, деб суриб қўйдилар. Бошқа қўноқлар қаторида бизларга ҳам кичикрок бўлса ҳам биттадан устихон тегди.

— Орол ҳам каттароқ бесбармоққа зор-да, ҳозир, — деди сарғишдан келган меҳмон. — Қани энди, иккала

дарё лиммо-лим оқсаю, шўрликнинг чанқоғини бира тўла қондирса.

— Омон бўлсак ўша кунларни ҳам кўрамиз, иним, — деди чўққисоқол чол. — Кўпдан қуён қочиб қутулмас, деганлар. Орол қўлимиздаги нарса-ку. Пешонасини кўпчилик бўлиб силасак ўнгланиб кетади.

— Тўғри-тўғри, — дейишди гапга қулоқ солиб ўтирган гирдиғумдан келган, кўк бахмал дўпшили киши. — Илойим, айтганингиз келсин, отам.

— Қани, овқатга қаранглар, — деди Бекпўлат амаким. — Олинглар, тўй устига тўй бўлсин.

Қўноқлар бесбармоққа қўл узатишди. Бесбармоқ ўзимизнинг шилпилдоққа ўхшаб жуда хушхўр овқат бўларкан. Битта хамир, битта гўшт қўшиб олинавергандан кейин қорин ҳам тўйиб қоларкан. Мендан кейин Улуғбек ҳам «бўлдим» дегандай қўл артди. Фақат Саидгина отасига қўшилиб унча-мунча чимдиб турарди. Баъзилар эса сўнгра тозалашарди.

Ўтов эшигида Сарсен кўриниб, буёққа чиқинглар, дегандай имлади. Саидни секингина туртиб, уни кўрсатдим. Саид, ҳозир, дегандай унга бош ирғади-да, сўнгра дадаси томонга эгилиб, қулоғига ниманидир шивирлади. Бекпўлат амаки шундан кейин бизга чўққисоқолли чолдан рухсат олиб бердилар.

Ташқарига чиқдик. Тўйхонада энди боягидан одам анчагина кўпайиб қолган, биздан юқорироқдаги ялангликда ҳам қўноқлар кўзга чалинарди. Сарсен бизни бекорга ташқарига чақирмаган экан. У ўланчи қизлар жам бўлишаётган ўтовни кўрсатди. У рўбарўмиздаги учинчи ўтов бўлиб, теварагида биздан кичикроқ қиз болалар уймаланишар, баъзилари олисдан келган келинни кўриш ниятида бўлса керак, ичкарига мўралаб-мўралаб қўйишарди.

Сарсендан ўлан айтишиш қанақа бўлишини сўровдим, эринмай тушунтирди. Яна бир оздан кейин ёшяланглар келиннинг дугоналари ўтиришган ўтов атрофида ўлан бошлашаркан. Уларга ичкаридагилар жавоб қилишаркан. Бунда енгиб чиққан томонга тегишли совга-салом бериларкан. Шундан кейин куёв томондан энг табаррук оқсоқол барчани катта дастурхонга таклиф қиларкан ва ашула, ўйин, қизиқчилик то эрта-лабгача бўларкан.

Субҳидамда эса бизга ўхшаб, ош тортилиб, сўнгра улоқ бериларкан. Улоқни белгиланган маррага келтириб ташлаган чавандоз эса тикилган совринни оларкан.

Ана тамошаю мана тамоша! Буларни эшитиб, менга ўхшаб Улуғбекнинг кўзи ҳам ёнғудай бўларди.

Ўзимиз сезмай қизларнинг ўтовига яқин бордик. Қарасак келган одам жой топиб, чўкаяпти. Биз ҳам секингина қатордан жой олдик. Сарсен эса, мен шу ердан, деб қаёққадир ғойиб бўлди. Битта-яримта қақириб қолган бўлса керак, дедим ичимда.

Бу орада кун қизаринқираб ботди. Олисроққа ўрнатилган движок гуриллаб, ўтовларга ўрнатилган лампочкалар ҳам, кўпчиликка мўлжалланган майдондаги бири-биридан катта лампочкалар ёниб, теварак-атроф чарогон бўлиб кетди. Кимдир, уйнинг нурга тўлсин-е, чироқ, деб қўйди. Йигитлар пешма-пеш келиб турганларидан уларнинг қалин даврасида қолдик.

Ўтовдан келиннинг янгаси бўлса керак кексароқ аёл чиқиб, йигитларга кўз югуртирди-да, қизларимиз зеркишаяпти, тезроқ бошлайлик, дегандай бўлди. Бунга йигитлар, розимиз, дегандай чапак чалиб юборишди. Аёл хурсанд бўлиб кетганидан лаб-лунжини йиғиштиролмай, совғаларингни тайёрлайверинглар, деди-да, ичкарига кирди. Йигитлар бир гувиллаб қўйишди.

Кувёнинг ўртоқларидан бир йигит олдинда пайдо бўлди-да, ўтирганларга қараб:

— «Қиздарай»дан бошлаймиз, — деб огоҳлантирди-да, кимгадир, сен бошлайсан, дегандай имо қилди. У ўзини четга олар-олмас ўртароқдан ўша йигит ўлан бошлади:

Алатавнинг астиндан  
Қоян қашти, қиздарай.  
Ол қоянға жеталмай  
Қарним ашти, алвай.

Йигитлар, бопадинг, деб қийқиришди. Уларнинг овозлари босилар-босилмас ичкаридан бир қизнинг овози кўнғироқдай жаранглади:

Ол қоянни тутмаған  
Алпамишдай жигитай.  
Биздинг қиздар мисали,  
Сар буркитдай, алвай.

Энди қизлар ҳам ўланчини олқишлаганларидан теварак-атрофни кўтариб ташлагудай бўларди. Қиз томоннинг жавоби зўр бўлганидан унга ҳамма қойил

қолар, бунга қийқирмасликнинг ҳам иложи йўқ эди. Йигит томоннинг ўланчилари бунга тезда жавоб қилмасалар бўлмасди. Ниҳоят кимнингдир чийилдоқ овози янгради:

Қоян қувиб жегеним,  
Қўйнинг эти, қиздарай,  
Сувсинимни қандирган  
Қизнинг бети, алвай.

Яна чапак, қийқирик. Ўтовни қуршаганлар тўлқинланишади. «Бўш келма, оғайни, қизларнинг совғасини олмасак бўлмайди!» — деб қўйди кимдир ҳайқириб.

Ўтов тевараги тобора қалинлашиб борарди. Ичкаридаги қизлар ҳам кўп куттиришмасди. Атроф сал тинчиши билан жавоб қилишар ва бу билан йигитларни довдиратиб қўйишарди.

Ўлан айтиш нақ икки соатга чўзилди, икки соатгача қийқирик, гувиллаш ва олқишлар овулни бошга кўтаргудай бўлди. Ахири келин томон баланд келди шекилли, қий-чувлар анчагача тинмади. Йигитлардан бири айтган жавоб унча ўхшамовди чапаклар ҳам ола-була чиқди. Бу уларнинг енгилгани аломати эди.

Келиннинг янгаси ўтов эшигида қолиблар командасининг бошлиғидай қад керди. Ёнида бошига укпар қадалган тақияли ва оқ либосли иккита қиз. Улар келиннинг яқин дугоналари эди. Бу орада куёвнинг тоғаси Бойбўсин жеке ҳам қаердандир пайдо бўлди. У ўтовга яқин келаркан аёллар унинг ҳурматини қилиб, енгил таъзим бажо айлашди. Тоға уларнинг пешонасидан бирма-бир ўпиб, қўлидаги совғали оқ тугунни тутқазди. Аёллар раҳмат айтишди.

— Қани, қўнақтар, — деди Бойбўсин жеке ҳаммага қарата, — қиздарга раҳмет айтиб, майданга журунгиз.

— Куяв келсин, куяв, — чувиллашди ўтовдаги қизлар.

Куёв ҳам яқин орада турган экан бир жўраси билан ўтовга бош суқди-да, бир оз қолиб кетди. Қизлар тинимсиз чувиллашарди. Улар таомил бўйича келин учун куёвдан суюнчи олишарди. Куёв ёнида борини уларга улашарди.

Ҳамма куёв-келиң бошчилигида наридаги ялангликка қараб юрди. У ерда бирорта ҳам стол-стул йўқ, ерга айлана қилиб жой солинган, меҳмонларнинг ҳаммалари

ерда чордана қуриб ўтиришлари керак эди. Ҳатто куёв билан келин ҳам. Йўл-йўл қизғиш матодан қилинган узун-узун дастурхонда турли емишлар ва қимиз ичиладиган косачалар бор эди.

Ўртага ёғоч қадалиб катта лампочкалар ўрнатилган, ўнг томонда вокал-чолғу ансамбли қатнашчилари шай туришар, улар ҳам келин-куёвга ўхшаб, миллий кийимда эдилар. Даврада икки юз-уч юз одам бўлса ҳам бирор жойда микрофон кўринмасди.

Тўйни боя биз билан ўтовда ўтирган чўққи соқолли чол очиб, ёшларга бахт-иқбол тилади, гапини бағрингиз қирларимиздай очик, бир-бирингизга меҳру муҳаббатингиз қуёшдай кучли, умрингиз офтоб нуридай узун бўлсин, ўғлингиз ўн чоқли, қизларингиз мунчоқли бўлсин, деб тугатганида ҳамма қарсак чалиб юборди, куёв билан келин эса ўрнларидан туриб оқсоқолга таъзим қилишди.

Ансамбль қатнашчилари шуни кутиб туришган экан, тантанали маршни бошлаб юборишди, кейин ўртага ёш-яланглар бирин-кетин туша бошлашди. Ашула, ўйин авжига чиқди...

Бекпўлат амаким ҳам бало экан. Тўй яримлаганда ўртага тушиб, ёшларни ўзбекистондан келган (яъни бизлар) меҳмонлар номидан табрикладилар. Шунда чекка-чеккадан «ўзларидан бўлсин», «эшитайлик», деган овозлар келди. Кимдир «лип» этиб ўртага чиқди-да, боя ўтовда кўрганим дўмбирани амакимнинг қўлига тутқазди. Амаким «хўп» дегандай дўмбирани қўлга олдилар-да, тезгина созлаб, «Оқ шунқор» ва «Ўн олти қиз» деган ашулаларини айтиб бериб, йиғилганларни жуда қойил қолдирдилар. Овозлари жуда ёқимли ва баланд экан. Хурсанд бўлганимиздан роса чапак чалдик...

...Бояги ўтовга қайтганимизда ой ботаётган, тўйхонадаги шовқин ҳали-ҳамон тинмаган, назаримда тева-ракдаги кенг яйловлару юлдузлар чаманига айланган осмон ҳам бедор, меҳмонларга қўшилиб хурсандчилик қилаётганга ўхшарди. Ҳозиргина эшитган бир-биридан шўх қўшиқлар қулоғимдан кетмас, вужудим тўлқинланар, олган таассуротларим чексиз эди. Кўзим қандай илинганини ҳам сезмабман...

Эртасига каллаи саҳарлаб, ош тортилди. У тугартугамас улоқ берилди. Улоқни юқори томондаги дўнглик ортидаги бедапоямизга камида ўн баравар келадиган сайхонликда чопишдик.

Улоқни биринчи кўришим эди. Сарсен бизларни сайхонлик чеккасидаги юк машинасининг кузовига чиқариб қўйди. Бекпўлат амаким эса биз уйғонмасимизданоқ туриб, қайтиб кетибдилар. Зарур ишлари бор экан. Сарсенга улоқдан кейин кузатиб қўйишни таяинлабдилар.

Юк машинаси турган жойга калласи олинган қора такани олдига ўнгариб олган Бойбўсин жеке келди-да, отлиқлар ғуж бўлишини кутди. Кейин улоқ келтириб ташланадиган марра шу ерлигини, совринга ов милтиги, битта той ва қўй берилишини тушунтирди.

Отлар кечагидан ҳам кўпайганга ўхшарди. Улоқчилар бу ўйин тезроқ бошланишини кутишар, отлар жойида тинч турмай ўйноқлар, Бойбўсин жеке эса улоқни маррага ҳалол келтирган чавандоз олишини эринмай тушунтирарди.

Жеке отининг бошини тўғрига бурди-да, қамчини билан отлиқларга, қани кетдик, дегандай имо қилди. У отини йўрттириб, бир километрча узоқлашди. Сарсеннинг айтишича, ўнгарган улоғини ўша ерга ташларкан. Улоқчиларнинг зўри эса уни ердан узиши ва бошқаларга бермай тақсимлаб, биз турган ерга эсон-омон олиб келса совринга эга бўларкан.

Бойбўсин жеке улоқни ташлаб келди-да, яқинимиздан кетмай отида айланиб юрди. Улоқчилар олисда уймаланишар, отлар бир жойда айланаётганларидан улар устида чанг ўйнар, олисдан гўё шаҳардаги от ўйинга ўхшаб кетарди.

Олисдаги отлар тўдаси бирдан чап томонга чўзила бошлади. Улоқни кимдир ердан узиб, тақимига босди-ёв, деб қўйди Сарсен. Улоқни олган ўша чавандоз энди тўдадан чиқиб кетишга ва отининг бошини марра сари буришга ҳаракат қилар, бироқ тўрт тарафидан қуршаган бошқалар бунга имкон беришмас, ҳаммалари такани тортиб олиш пайида эдилар.

Улоқчилар марра бу ёқда қолиб, тескари томонга илгарилаб кетишганидан у ерда нималар бўлаётганини билолмасдик. Фақат бир оздан кейингина отлар боши биз томонга бурилгандай бўлиб, бари қуюндай ёпирилиб кела бошлади. Олдинда оқ отли кимдир елар, унинг ўнг тақимидаги улоқ қорайиб кўринарди. От югуриклигидан бошқалардан олдинга ўтиб олган, эгаси бошини сал эгиб, нималарнидир шивирлаётганга ўхшарди. Ундан беш-олти метр орқада елаётган отлиқлар қамчинларини ўйнатиб, етиб олишга уринишарди.

Оқ от эгасини шарманда қилмай маррага етиб келди, устидаги бошини оқ чорси билан танғиб олган ингичка мўйловли йигит улоқни жамоатга кўрсатиб туриб, машинага яқин жойга ташлади. Зумда теварак-атрофни от босиб кетди. Бойбўсин жеке қамчинини баланд кўтариб, жим бўлинглар, деган ишорани қилдилар-да, ал, балам, қутти бўлсин, деб яп-янги қўшоғизни бошини танғиган йигитга иргитдилар. Йигит чаққонлик билан милтиқни илиб олди.

Бойбўсин жеке энгашиб, ердан улоқни олдилар-да, ўнгариб яна сайхонлик ўртасига кетдилар...

Чанг-тўзон яна узоқлашди. Отлар тўдаси қуюқлашиб турди-да, бирдан ўнг томонга чўзила бошлади. Кўп ўтмай отлиқлар худди булутдай биз томонга ёпирилиб кела бошлади. Олдинда иккита от бошқаларга еткизмай баравар чопиб келар, уларнинг устидаги кишилар иккала томонга — бири ўнгга, бири эса чапга жуда оғиб кетишган, улоқ эса ўртада муаллақ келаётган эди.

— Ётиб тортишашти, — деди Сарсен. — Бунақада отлар икки томонга кетолмай баравар чопишаверади.

Улоқнинг олдинги оёқларидан икки қўллаб ушлаб, қамчинларини тишлаб олишган отлиқлар ёнимиздан ҳув ўтиб кетишди. Улар маррага баравар келишган бўлса ҳам ҳисобга ўтмас экан. Икковларининг ҳам отлари роса учқур бўлганидан бошқаларга еткизмас, улоқчилар ҳам бир-бирларидан қолишмасди чоғи. Отлар сайхонликнинг нариги бошига қараб кетишар, бири саман, бири тўриқ эди.

Ярим соатлардан кейин яна қий-чув бўлиб қолди. Энди тўриқ отли улоқчи чап томонимиздан маррага ўқдай учиб келар, бошқалар унга етиб олишга уринишарди. От эса эгасига панд бермай маррани кўзлаб келарди. Томошабинлар хурсандликларидан қийқириб юборишди.

Бойбўсин жеке совринга аталган оқ тойчоқнинг тизгинини ғолиб чиққан улоқчига тутқизди-да, қучоқлаб пешонасидан ўпди. Теварак-атрофдан томошабинларнинг «яша», «умринг узоқ бўлсин, Мўлдабек», «Той яхши кунларингга ярасин», деган овозлари эшитилди. Мўлдабек ака эса рўмолчаси билан терини артаркан, теварак-атрофига эгилиб қуллуқ қиларди.

Улоқчилар Бойбўсин жекега эрганиб, яна нари кетишди.

Совринга аталган қўй учун кураш анчага чўзилди. Улоқчилар тўдаси дам нари кетар, дам яқин келар, гоҳ

чап, гоҳ ўнг ёққа булутдай ёйилиб кетишарди. Кун эса тобора қизиб келарди. Улоқчи отларнинг ҳам кўпи терлаб, кўпириб кетган, буни яқин келганларида кўргандик. Уларнинг орасида чарчаганлари бўлса ҳам бордир.

Қўйни оладиган азамат ҳадеганда чиқавермади. Тўда қуюқлигидан бўлса керак улоқни олиб чиқишнинг ўзи бўлмасди-да.

Орадан ярим соатдан кўпроқ ўтганидан кейин улоқчилар тўдаси яна ўнг томонга силжиб қолди. Унинг учи нотекис жойга уриб кетган сувдай уёқдан-буёққа биланглар, ёйилиб чопаётган улоқчилар унга етиб олишга ҳаракат қилганларидан отларини қичишарди, қамчинларини ишга солишарди. Ниҳоят иккита отлиқ узилиб чиқиб, ётиб тортишганларича биздан анча наридан ўтиб кетишди.

Яна қий-чув кўтарилди.

Ётиб тортишаётганларга биров яқин келолмас, отлари ҳам гўё маслаҳатлашгандай барабар учишарди. Улар анча четлаб кетганларидан кейин теварақларидаги отларнинг таъсирида бўлса керак яна йўлларини ўзгартириб, биз турган томонга кела бошладилар. Бойбўсин жеке отда бўлсалар ҳам совринга аталган қўйнинг арқонидан ушлаб олган эдилар. Қўш отлиқ маррага яқинлашганларида жеке қамчинли қўлларини баланд кўтариб, барча улоқчиларга: «Тўхтанглар!» — дедилар.

Икки томонда елаётган улоқчилар отларининг бошини тортишди. Қўш отнинг ҳам чопиши секинлашиб, эгалари қаддиларини ўнглашди, бироқ улоқни қўлдан чиқаришмасди.

— Адамдар! — деди Бойбўсин жеке овозини баланд қилиб. — Минав жигиттердинг экевн ҳам зўр экен. Сиздер кўнсенглар ўси қўйди экевига тартиндим!

Ҳамма чапак чалиб юборди.

— Улақди ҳам экевингга сийлиқ этдим!

Томошабинлар яна гувранишди. Бойбўсин жеке қўйнинг арқонини ўнг томондаги йигитга тутқазиб, пешонасидан силаб, ўпдилар. Кейин шеригини. Шунда яна чапак чалиб юбордик.

Ғолиб чиққан йигитларни ёр-биродарлари табриклай кетишди.

— Қўй билан улоқ нима бўлади энди? — сўради Улуғбек Сарсендан.

— Ўзлари билишади, — деди Сарсен. — Ҳозир шунини маслаҳат қилишади.



Қарасам кун тиккага келиб қолибди. Улоқчилар бир-бирларига нималарнидир тушунтирганларича тарқалиша бошлади. Биз ҳам қишлоғимизга қайтмасак бўлмасди. Сарсенинг эса бизга сира жавоб бергиси йўқ, ҳеч бўлмаса кечгача қолинглар, деб тиқилинч қиларди. Ундан аранг узр сўраб, автобус бекати томонга юрарканмиз, Бойбўсин тоғам рўпарамиздан чиқиб қолдилар-да, бобомга салом айтиб қўйишимизни тайинладилар.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### ҲАШАР

Бу ерликларнинг ҳаммалари Толиб дейишадиган Анатолий Сидоркин ҳақида Саид билан Улуғбек анчамунча гапларни айтишган бўлса ҳам ўзини учратолмай юрардим. Бедапояни ҳар айланганда олисдан якка кўрғонига қараб, асаларилари ва дарахтларини томоша қилсам ўзи бирор марта олдидан чиқмаганди.

Бобом дурадгорликда унча-мунча одамга гап бермай юрсалар темир-терсак масаласида Толибнинг отасига биров етолмас экан. Бировнинг радио, телевизори, холодильникни ё сепаратори бузилса ўшанга чопаркан. Шу сабабдан бўлса керак, уни «бухгалтер-уста» дейишаркан. Костя амакини бобом ёшлигидан Қосимжон деганларидан бошқалар ҳам шу номга ўрганиб кетган экан.

Толиб ва дадаси Қосимжон амаки билан бобомдан сал нарида турадиган қўшни Рашид амакининг уйидаги ҳашарда танишдим. Қозоғистондаги тўйдан келганимиздан кейин бир-икки кун ўтар-ўтмас бобом нонушта пайтида, бугун Рашидникида ҳашар, эскироқ кийиниб олинглар, дедилар. Кейин бувимга, Рашиднинг хотини кеча касалхонага тушиб қолди, ҳашарчиларнинг иссиқ-совуғидан хабар оласан, деб тайинладилар. Бувим, бундан хабарим бор, ҳаракатимни қилиб қўйганман, хотиржам бўлинг дедилар.

Бобом дурадгорлик асбоблари турадиган ертўлага тушиб, ёғоч ва темир андава, бир ўрам арқон ва иккита челақ олиб чиқдилар. Уларни Улуғбек билан бўлашиб кўтариб олдик. Саид барвақтроқ сопол товоқда қаймоқ олиб чиққанди. У ҳашарга айтилганмикин? Шуни ўйлаб турганимда бобом худди кўнглимдагини билган-

дай, Саид ҳам боради, отасига айтганман, дедилар. Бундан фақат ўзимнинг эмас, Улуғбекнинг ҳам юзи ёришиб кетгандай бўлди.

Ҳашар нималигини эшитгандим-у, бироқ унда энди қатнашаётганимдан юрагим чапак чаларди. Тошкентда зилзила бўлиб, эски уйлар вайрон бўлганида мамлакатимизнинг ҳаммаёғидан қардошларимиз ҳашарга келиб, бизларга бири-бирдан кўркам ва ажойиб бинолар қуриб беришганини ҳамма билади-ку. Ўзимиз турадиган тўққиз қаватли уйни ҳам москвалик ҳашарчилар қуриб беришган экан. Биздан сал наридаги беш қаватли гиштин уйни свердловскиликлар битказишган, деворида ёзуви бор. Украиналик, қозоғистонлик, белоруссиялик ҳашарчилар қурган чиройли иморатларни ҳам кўрганман. Бир марта ҳашардан гап кетганида, дадам, ҳашар — дўстлик ва иноқлик белгиси, дегандилар. Ҳозир ўша гап эсимга тушиб, қишлоқликлар ҳам жуда аҳил экан, деб хурсанд бўлдим.

Рашид амаки Арманистонда хизмат қилаётган ўғлига атаб ҳовлисида иморат бошлаган, бугун томига лўмбоз босилиши керак экан. Бобом шунинг учун эскироқ кийиниб олинглар, дебдилар.

— Қани кетдик, болаларим, — дедилар бобом. Кейин бувимга ўгирилдилар: — Сен ҳам ҳаяллама!

— Ўлибманми. Кетларингданок чиқаман, — дедилар бувим.

Рашид амакининг уйи олдида тўкилган тупроқ уюми олисдан ҳам кўриниб турарди. Улуғбек икковимиз бувимнинг тошшириқлари билан кўча бошидаги магазинга борганимизда деворлари кўтарилиб, усти ёпилмаган бу чала иморатга кўзим тушганди-ю, бироқ кимники, деб сўрамагандим. Мана энди ўшанга ҳашарга боряпмиз.

Узоқдан кўриниб турадиган тупроқ уюми ҳозирда ерга ётқизилиб, лой қорилган, серсомонлигидан сарикроққа ўхшарди. Лойхонага ботган кетмоннинг сопи қаққайиб турар, ташқарида ҳеч ким кўринмасди. Шунга қарамай бобом кимгадир:

— Баракалла, азамат, сени шунинг учун яхши кўраман-да! — дедилар.

У ёқ-буёққа лапанглаб, томдаги ўсмирга кўзим тушди. Ўсмир бобомга шоша-пиша салом берди, Улуғбекка ҳам, менга ҳам бошини қимирлатиб қўйди. У том тепасидаги бир-бирига маҳкамланган йўғон ёғочга ниманидир ўрнатарди.

«Толиб шу бўлса керак», — деб қўйдим ичимда. Унинг руслиги аён сезилиб турса ҳам ўзбекларга ўхшаб кетадиган нимасидир бор эди. Шундай бўлса ҳам Улуғбекдан, Толиб шуми, деб сўровдим, «ҳа» дегандай бош ирғади.

Толибга пастдан қараганимиздан бўйи баландроқ кўринарди. Бобомнинг овозларини эшитиб, ичкаридан Рашид амаки югургилаб чиқди-да, эгилиб-букилганича сўрашди, бизларга ҳам қўл берди. Ичкарига қадам қўярканмиз, ўртароқдаги қалин шохли олча тагида гаплашиб туришган бир тўп кишиларни кўрдик. Улар ҳам бобом томонга кела бошлашди.

Рашид амаки қоп-қора, ўрта бўй, гирдигумдан келган, афти эса ҳинд кино артисти Раж Капурга ўхшаброқ кетар, мўйлови ҳам ўзига ярашиб тушганди. Унинг ҳушчақчақ ва кўнглида кири йўқ одамлиги шундоққина билиниб турар, ўзига яраша файзи ҳам бор эди.

— Меҳмон болаларни ҳам бошлаб келибсиз-да, бува, — деди Рашид амаки бизларга имо қилиб. — Чарчатиб қўймаймизми?

— Булар сен билан мендан кўп иш қилишади, жиян, — дедилар бобом. — Мана биттаси ҳалитдан томга чиқиб олибди-ку.

Рашид амаки шарақлаб кулди. Шу лаҳзада ҳовлига қўлида хурмача билан Саид кириб келди.

— Ана яна биттаси келди. Булар бизни «бўл-бўл» қилиб, довдиратиб қўйишмаса бўлгани, раис тоға, — деди афтидан Толибга ўхшаб кетадиган малла киши.

— Кўзингни очиб ишлайсан-да, Қосимжон, — унга жавоб қилди новчадан келган амаки. — Бўлмаса довдираб, четга чиқиб кетаверасан.

Яна кулги кўтарилди. Саид эса бундан гангиганидан жойида тўхтаб қолган, яқин келишини ҳам, келмасини ҳам билмасди. Рашид амаки зийраклик қилиб турган экан, бориб қўлидан нарсасини олди-да, бошини силаб қўйди.

Бувам вақтни бой бермай иш тақсимлашга тушдилар:

— Рашидвой, лойни бошлабсан, серсомон. Томга ўзим чиқаман, яна битта андава ҳам олиб келганман. Талабгор борми?

Рашид амаки питиллаб қолди:

— Э раис бува, ўлибмизми сизни ишлатиб? Шу ерда «хай-хайлаб» турсангиз бўлди. Томга Турғунбой билан Содик чиқишади. Лойга ўзим тушаман.

Бобом бунга кўнмадилар:

— Ҳалитдан мени қарига чиқариб қўйсанглар буёғи нима бўлади, жиян? Арракашликка унча-мунча яраб турамин. Ешликнинг охири, қариликнинг боши, деганларидай бугун Қосимжон билан арра тортишсам, дейман. Унинг қулочи узун. Нима дединг, ота ўғил?

— Жон-жон дейман, амаки.

— Раҳмат, болам. Унда Комилжон ҳам томга чиқади, Ҳайитвой ҳам. Лой етказиб туришади. Кейин том томонга қараб, Толибга ҳайқирдилар. — Ҳой, «тақ-туқ» инг тугадими? Нима қиляяпсан ўзи?

— Бўлди, бува, тайёр. — Толиб шундан кейин нарвондан илдам пастга тушиб келди-да, яна «салом» дегандай бош ирғади. Бизлар эса қўл олишдик.

— Амаки, — деди Қосимжон амаки. — Лойни Толибнинг ўзи тортаверади. Кучи кўп. Ташиб турилса бўлгани.

Бобом таажжубда қарадилар.

— Толиб ҳозир «тақ-туқ» қилиб, электр блок ўрнатиб тушди. Челақ илинса бас, томга электрни ўзи тортиб беради. Кнопка босилади, холос.

Бобом бундан жуда суюниб кетдилар-да, Толибнинг бошини сийпалаб қўйдилар:

— Э, балли, буёғини ҳам илмий қилибсизлар-да. Қани, бошладик, бўлмаса.

Бува, Қосимжон амаки, Комил, Ҳайитвой акалар томга чиқишди, бошқалар пастда қолишди. Биз олиб келган челақлардан бошқа яна уч-тўртта челақ ҳам бор экан. Рашид амаки лойхонага тушдилар.

Лойхона билан том ораси яқин бўлганидан лойни Турсунбой амаки ташир, Улугбек билан Саид ҳам қарашади. Мен бўлсам челақларга лой ёпишиб қолмасин, деб тагига оз-оздан сув қуйиб турардим. Толиб эса томда кнопка босиб, пастдаги лойни зумда тортиб оларди. Комил ва Ҳайитвой акалар лойни олиб, бобом билан Қосимжон амакига етказиб беришар, улар эса андавада қалин қилиб суваб келишарди. Лўмбоз босиш дегани шу эди.

Иш қизиб борарди. Томдан бобомнинг: «Чаққон-чаққон бўлақолинглар, азаматлар!» деган овозлари келиб турар, бундан янада тезроқ ишлашга уринардик. Ҳамма оғир иш қилар, фақат менгина арзимаган иш билан вақтимни беҳуда ўтказаётганга ўхшардим. Челақка сув қуйиб туриш ҳам иш бўптими? Буни Саиднинг укаси Бахтиёр ҳам эплайверади.

Бир оз ишлаганимиздан кейин ўрнимга Улуғбекни қўйиб, лой ташишга ўтдим. Шунда бувим қўлларида нимадир билан лойхонага яқин келдилар-да, Рашид амакимдан келинойимнинг сихатини сўрадилар, ило-йим, тезроқ тузалиб келсин, дедилар. Рашид амаки бувимга жавоб қилиб, тўғри ошхонага ўтаверинг, ҳамма-си тайёр, дедилар.

Бувим шундан кейин ичкари кирдилар.

Томга камида қирқ-эллик челақ лой узатган бўлсак ҳам назаримда лойхонанинг тахи бузилмагандай эди. Рашид амаким кетмонни ўйнатиб турганларидан юз-кўзларига лой сачраган, бундан лой ташиётганлар ҳам қуруқ қолишмаганди. Улуғбек билан Саиднинг ҳам у ер-бу ерига лой теккан, бундан фақат ўзим билан Толибгина холи эдим. Ўзимга ҳам лой тегишини жуда-жуда хоҳлардим. Нега дейсизми? Ўшанда ҳашарчига сал ўхшардим-да.

Ишимиз қизиб борса ҳам томоғимиз қақрамас, кун эса тобора баландларди. Рашид амаким чарчадиларми ё бошқа бир иш чиқиб қолдими, ҳайтовур кетмонини Турсунбой амакига топшириб, четга чиқдилар. Турсунбой амаки шимининг почасини баландроқ қайириб лойга тушди-да, қани, бўлақолинглар, азаматлар, деб бизларни шошира бошлади. Толиб Саидни томга имлаб чақириб, кнопка босишни унга топширди-да, пастга тушиб, лой таший бошлади.

Рашид амаки ичкаридан тезда чиқиб, икки челақлаб лой ташишга тушдилар. Мен бу амакининг гавдалари кичкина бўлса ҳам чарчамасликларига қойил бўлардим. Чаккаларидан тер қуйиб турса ҳам бир сидириб ташлардилар-да, яна писанд қилмай ишлайверардилар.

Толибни Саидга ўхшаб ёқтириб қолдим. У ҳам жонини койитиб ишлар, онда-сондагина гапирар, ўзини одмироқ тутарди. Лой ташиётганда Улуғбек иккови-мизни аяб, челақнинг каттароғини ўзи кўтаришга ё бўлмаса бизга кичикроқ челақни тўғри қилишга уринарди. Ичимда бу ишдан хурсанд бўлдим. Яхши бола экан. Жонқуярлигидан шундай қилаяпти-да. Буни гарчи сезиб турсам ҳам сир бой бермасликка ҳаракат қилардим.

Лойли челақка илгак соларканман қулоғимга жаз музикаси чалингандай бўлди. У тобора баландлаб ва яқинлаб келарди. Ташқарига чиққанимда қарасам магнитофонли бир найнов бола кўчанинг нариги бошидан биз томонга келаяпти. Ингичкароқ тизимчага бой-

ланган каттагина қора мушукни етаклаб олганди. Мушук етовга ўрганмаганидан қутулиб кетиш пайида ўзини уёқдан-бўёққа урар, ерни тимдалаб пихиллар, бола эса бундан хурсанд бўлар ва тизимчани тортиб, мушукка тинчлик бермасди.

Бола бизга яқинроқ келаркан, сочи ўсиб, қулоғини яширганини кўрдим. Магнитофони қулоқни йиртгудай вағиллар, бола бу бошқаларга ёқадими-йўқми хаёлига келтирмасди ҳам. Фақат лойхонага бараварлашганида магнитофоннинг қулоғини бураб, овозини сал пасайтирди-да, Турсунбой акага:

— Салют! — деб қўйди-да, Толибга бўлса керак, кўзини қисиб қаради.

Мушуги эса бу пайтда иккала оёғини олдинга тираб ётиб олганди.

— Салютингдан ўргилдим сени, — деди Турсунбой амаки. — Мушукни нега қийнаёсан, хумпар?

— Қайта тарбияляпман, — деди бола иршайиб. — Уйда битта коса билан иккита пиёлани синдирди.

— Афсус-афсус, — деди Турсунбой амаки, — менга қолса ўша коса билан пиёлани сенинг бошингга уриб синдирардим, ишёқмас!

Бола хафа бўлиш ўрнига ҳиринглади. Жиғини-пинни эмасмикин, ишқилиб? Толиб унга писанд қилмади. Бобом пастда бўлаётган гапларни эшитиб турган эканлар томдан овоз бердилар:

— Беш-ўн челақ лой ташисанг анча ақлинг кирарди сен туюқсизни!

Бола буни ҳам писанд қилмагандай деди:

— Соғлигим кўтармайди!

— Қўшга қўшса тортадию, соғлиғи кўтармасмиш! — деди Комил ака жаҳли чиқиб. — Тезроқ йўқол, бўлмаса гувала билан тушуриб қоламан!

Бола яна ҳиринглаб, мушугини судраганича қочди.

Иш орасида Толибдан, у ким, деб сўровдим, ҳали айтиб бераман, деди. Турсунбой амаки эса челақларимизга лой солиб бераркан ўзича хуноб бўларди:

— Бу сўлоқмонни бир иш қилганини кўрмадим-а! Эрталабдан кечгача лақиллагани лақиллаган. Ҳе, сендақа текинхўрдан ўргилдим!

— Отасининг боласи-да, — деб қўйди Рашид амаки. — Олма олмадан узоққа тушмайди-ку.

Яна ишга тушиб кетдик. Кун тиккароққа келганда пича дам олдик. Олча тагидаги думалоқ столга нон, гилос, қанд-курс қўйилганди. Катта пиёлада асал ҳам

бор эди. Рашид амаким челақда яхна чой қилиб келдилар... Жуда мазза бўлар экан.

— Ишнинг ярмичаси бўлди, — дедилар бобом. Яна бир зўр берамиз-да, қолганини кечки салқинда битирамиз.

— Амаки, энди томга чиқманг, буёғини ўзимиз эплаймиз, — деди Толибнинг дадаси бувамга ачинган бўлиб.

Бобом эса кўнмагандай бош чайқадилар:

— Ҳайр қилсанг бутун қил, деган гап бор. Бир ишни бошлагандан кейин охирига етказиш керак. — Бобом чойтарини хўплаб, қўзғалдилар.

Соат ўн иккиларгача ишладик. Иссиқ энди мия қайнатгудай эди. Катталар уёқда турсин, бизлар ҳам чарчагандик. Шунда ҳам бобом томдан тушишларини кутиб, сўнг юз-қўлимизни ювдик.

Бувим катталарга олча тагига, бизларга эса супага жой қилган эканлар. Кўрпачаларга ўзимизни таппатаппа ташладик. Бошқалардан камроқ ишлаган бўлсам ҳам ҳозирги дамда роса чарчаганимдан супага ёпишиб кетсам, сира турмасам, дердим. Супанинг бошқа томонларида Саид, Улуғбек ва Толиб ҳам ўзимга ўхшаб, ер бағирлаб ётишарди. Бувим эса, роса чарчадинглар-а, қўзиларим, энди дам олинглар, деб атрофимизда гиргиттоғ бўлардилар.

Ташқаридан кимнингдир: «Абдурашид бормилар?» — деган ингичкароқ овози эшитилгандай бўлди. Бошимни кўтариб, кўча эшик томонга қарасам похол шляпали, бақалоқроқ, қорни дўмпайган, ялпоқ юзли киши биз томон келаяпти. Катталар жойларидан қимирлашмади, фақат Рашид амакигина, келаверинг, келаверинг, деди-да, лип этиб туриб, нарироқдаги курсини ёнига сурди.

— Ассалому алайкум, кўрганимиз кўришганимиз, — деди шляпали киши андак таъзим қилиб. — Сира безовта бўлманглар, бир нафасга кирдим. — Кейин Толибнинг дадасига қаради: — Сизни директор йўқлаётган экан. Идорага тез борармишсиз.

— Ҳашарда бўлишимни айтувдим-ку, — деди Толибнинг дадаси. — Нима гап экан?

— Ревизор келибди, — шляпали кишининг овози титраб чиққандай бўлди-да, негадир биз томонга хавотирли қараб қўйди.

— Келса келар, — дедилар бувам. У ҳам бизга ўхшаган одам. — Бирпас ўтир, нафасингни ростла.

Қайнананг суйган экан овқатга етиб келдинг. Ўтирақол.

Шляпали киши ортиқча ноз қилмай бошидагини олчанинг айрисига қистирди-да, даврага қўшилди. Рашид амаки эса зипиллаганларича ошхона томонга кетдилар.

Турсунбой амаки келган киши билан ҳазиллашган бўлиб: «Иссиқда харом ўлишингга сал қолибди, ма, томоғингни хўллаб ол», деб, чой тутдилар. У киши эса, сен қурумсоқдан ҳам чой ортаркан-а, девди енгил қулги кўтарилди. Биз ҳам сал-пал илжайган бўлдик. Рашид амаки меҳмонга шўрва келтиргандилар аския бўлиниб қолди.

Саиднинг айтишича, бу амакининг исми Соқи амаки бўлиб, кўчанинг нариги бошида тураркан, пунктда ишларкан. Боя кўчада мушук сургаб юрган Бакир деган шумтака унга жиян бўларкан.

Соқи амаки шўрвани қошиқ бу ёқда қолиб, косадан хўплаб ича бошлади. Бобом эса уни ора-сира гапга солардилар:

— Уша текширувчини ўзинг кўрдингми?

— Кўрдим. Кўзойнакли ўрта яшар, биз қатори одам.

— Хомлик қилибсан-да, ука. Ушанга бугалтиримиз Муллажон аканинг шогирди десанг қайтиб кетаверарди.

Хамма кулиб юборди. Соқи амаки эса гап нимадалигига тушунолмай кўзини пирпиратарди.

— Э, сен кейинроқ келгансан-а, билмайсан, — дедилар бобом. — Илгари колхозимизда Муллажон бугалтир деган бўларди. Кўп яхши одам эди раҳматлик. Ақлиям тошига яраша эди. Чўт қоққанда сайратиб юборарди, азамат. Кўзини дафтардан узмасдию қўли чўтга бориб келаверарди. Буни кўрган одам беш кетмай қолмасди. Мен унинг калласини комбинат дердим. Уйғотиб сўрасангиз ҳам алмисоқдаги нарсаларни шартта-шартта айтиб бераверарди-да.

Муллажон райондаги бугалтирларнинг сардори эди. Бир тийинни у ёққа ҳам ўтказмасди, бу ёққа ҳам. Ревизорлар текширгани келиб, офарин, деб кетишаверарди-да. Қани ишидан битта қийиқ топишса! Шундан кейин улар, бекорга овора бўлмайлик, деб колхозимизни айланиб ўтишадиган бўлишди. То ер қимирлаган йилгача колхозимизга бирорта ревизор йўламади. Уша йили колхоз совхозга айланадиган бўлдию, Бурнашев деган битта текширувчи келиб, Муллажоннинг ишини



товуқдай титкилашга тушди. Уч кун ётдими ё тўрт кунми, эсимда йўқ. Кейин текширганларини акт қилиб ёзибди. Муллажонга, нима гап десам, қўявер, кейин кўрасан, деб писанд қилмайди. Хуллас, ўша Бурнашев актини ёзиб, Муллажонга кўрсатган экан у текширувчининг ишидан қийиқ топиб, патини тўзитиб юборибди. Бурнашев чалароқ ўқиган эканми, гап шу ерда қолсин, ака, деб кунботарда хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнаворибди.

— Жуда ғалати иш бўлган экан, — деди Соқи амаки сўлжайиб.

— Қосимжон ўша Муллажоннинг шогирди-да. Булар бор жойда қинғир одам тириклик қилолмайди. Арслон бор жойда қашқирга йўл бўлсин, укам.

Толибнинг дадасига ўтирганлар «қойил» дегандай қарашди. Қосим амаки бўлса қизаринқираб ўрнидан тураркан бобомга деди:

— Жуда ошириб юбордингиз, бува. Ҳозир танқид-бопроқ бўлиб турибмиз. Мана текширувчи ҳам келибди-ку.

Бобом яна бўш келмадилар:

— У сенимас иш ёқмасларни текширгани келган.

Яна кулги кўтарилди. Соқи амаки ўрнидан кўзголиб, олча айрисадаги шляпасига қўл чўзди.

Қосим амаки узр сўрагандай қўлларини кўксиларига кўйдилар:

— Қайтиб келгунимча ўғлимни ишлатиб турасизлар-да, энди.

— Шунисига ҳам катта раҳмат, Қосимжон, — деди Рашид амаки.

Бобом эса гапни бошқача қилдилар:

— Қосим, майли, ишингга боравер, бироқ ўрнингга Соқини олиб қоламиз. Йўлда Ҳакимжонга айтсанг ўзи тушунади. Сал ёғини олмасак қорин кўйиб қолибди.

Турсунбой амакига бобонинг гапи жуда наша қилганидан тиззасига уриб кулди. Соқи амаки нима дейишини билмай аланглаб тураркан Комилжан амаки бошлаб қолдилар:

— Ё жиянига ўхшаб бунинг ҳам соғлиғи кўтармасмикин?

Яна қаҳқаҳа кўтарилди. Соқи амаки гапнинг тагига тушунмай:

— Майлию, пунктда қидириб қолишади-да, — деб гўлдиради.

Бобом эса унга қатъий гапирдилар:

— Ярим кунга пункт сенсиз ёпилиб қотмайди. Югуриб коржомангни илиб чиқ, укам. Ҳадеб чап бера-верма, тобуткашмиз-а.

Соқи амаки чап беролмаслигига кўзи етганидан кейин бўшашибгина:

— Майли, бува, сиз нима десангиз шу... — деб қўя қолди.

— Сенку ўзимизникисан, — дедилар бобом, — қараб тургин ўша текширувчингни ҳам ишга соламиз. Қишлоғимизнинг сувини ичганидан кейин бир терлаб кетсин-да!

— Яшанг, бува, бунақаларни бопланг, — деди шу пайтгача индамай ўтирган Ҳайитвой ака. Унга бобомнинг гаплари жуда ҳам хуш келганлиги очиқ сезилиб турарди.

Бобом, Қосим ва Соқи амакилар бирга чиқиб кетишди. Бошқалар ҳам пича мизғиб олгани уйларига тарқалишди. Бизлар эса супада қолдик.

Тузуккина чарчаганимдан кўзим сал илингандай бўлди. Одам жонини койитиброқ ишласа уйқуси ҳам тезроқ келақолишини шунда билдим.

Биз то соат тўртларгача, бобом айтганларидай салқин тушгунича супада дам олиб ётдик. Дунёдаги ҳамма гаплардан гаплашдик ҳисоби. Нима китоблар ўқиганимизу шу кеча-кундузда нималар қилаётганимиз ҳам қолмади. Толибга Жилгадаги улоққа борганимизни ҳам айтиб бердик. Уланларнинг эсимда қолганларини айтиб берувдим мазза қилиб қулди.

Толиб яхши бола экан. Улугбек билан Саид уни сенсираб гапиришар, менинг эса бунга тилим бормасди. У ҳам мени сизларди-да.

Электр блокни отаси билан бирга ясаган экан. Бундай қарасангиз унинг сира қийин жойи йўқдай кўринарди. Қалинроқ ва узунлиги икки метрча келадиган тахтага электр мотор ўрнатилган, қайиши эса блокка туташтирилганидан уни ҳаракатга келтирарди. Мотор челақни юқорига тортиб берар, пастга эса ўз оғирлиги билан тушиб кетаверарди.

Агар ана шу оддий қурилма бўлмаса борми челақни юқорига қўлда тортишга тўғри келарди.

Толибга асалариларини бедапояни айланганимда кўриб турганимни айтдим. Шундан кейин у асалариларининг ўзига яраша ҳаёти ҳақида гапириб берди. Мен бўлсам асални чой қилиб ичишни яхши кўрардим у асалари нималигини дурустроқ билмасдим. Толибнинг

гапларини эшитарканман тиним билмас асалариларга меҳрим жўшиб борарди. Биз, одамларни деб йил — ўн икки ой тиним билишмас экан-а! Нектар излаб, уясидан ўн беш-йигирма километр радиусдаги жойларни айланиб келишаркан. Келганда асалари инига тўғри кириб кетавермай иккита соқчи асаларининг текширувидан ўтаркан. Мабодо оёғигами ё қанотигами бирорта ноке-рак, бадбўй нарса илаштириб келса калласи кетаркан.

Асаларидан бир йилда икки марта асал олинаркан. Бу ажойиб жонивор дўстни чақмас, бироқ озор берганларни чақар, бунда ўзи ҳам ўларкан.

Асали эса минг хил дардга даволигини эса айтмасам ҳам бўлади!

— Бобомнинг ўртадаги ерни бедапоя қилганлари асалариларга ҳам мазза бўлди-да, — деди Толиб. — Беда гулининг нектари зўр бўлади. Янтоқ гули ҳам зўр. Дов-дарахтларнинг сермева бўлишида асалари бечораларнинг хизмати жуда катта. Энди — Толиб Саид билан Улуғбекка қаради. — Икковингга ҳам асалари боқтираман. Бу йил асалари қутиларимиз олтигага қўпаяди. Сенларга бир қутидан бераман. Боқишни ўзим ўргатаман. Сиз келиб қарашиб турасиз.

Толиб бу гапни менга қарата айтаётган эди. Бундан хурсанд бўлдим, албатта. Шунинг учун унинг ҳимматига «рахмат» деб қўйдим.

...Яна ҳамма жам бўлиб, иш бошладик. Соқи амаки эскироқ кийиниб келдилар. Бобом томга Ҳайитвой амакини чақирганларидан Соқи амаки бизларга қўшилиб лой ташидилар. Лойхонага Рашид амаки тушиб, кетмонни ҳеч кимга бермадилар. Мен томда кнопка босиб турдим. Кейин навбатни Саидга бердим. У эса Улуғбекка...

Иш буёғига тез кетди. Соқи амаки челақда лой ташишга ўрганмаганлариданми ё хомликлариданми тез-тез чарчаб қолардилар. Турсунбой амаки эса сал ихчам тортсанг зиён қилмайди, тезроқ-тезроқ ишла, деб тегишардилар. Соқи амаки бўлса, юракнинг мазаси йўқроқ ошна, бўлмаса тўрт челақлаб таширдим, дедилар. Турсунбой амаки эса, қиз аммага, ўғил тоғага ўхшайди, жиянингнинг ҳам юраги чатоқроқ, дедилар. Соқи амаки бунга жавоб қилмай, маъюсланиб бошларини чайқаб қўйдилар...

Ҳашар кун ботарга яқин тугади. Буни бувам томни четлаб келиб, бўлди қилинглар, деганларидан кейин булдим. Ўшанда челақни илгакка солаётгандим.

Бирин-кетин ювинишга тушдик. Толиб томга чиқиб,

қурилмани бир-бирдан ажратишга тушди. Унга Саид қарашди.

Очигини айтсам хашар эртароқ тугаб қолганига ачингандай бўлдим. Одам ишга энди қизиқиб киришганида кўрмайсизми энди. Теварак-атрофга салқин тушиб, муздек шабада юриб қолганидан яйраб-ййраб ишлаётгандик-да. Ҳатто Соқи амаки ҳам ҳаракатга тушиб қолган, Турсунбой амаки ҳам бундан хурсанд бўлганидан шекилли ортиқча тегишмай қўйганди.

Бирин-кетин юз-кўлимизни юваётганимизда Толибининг дадаси кириб келди-да:

— Ялписига ҳорманглар энди, — деб қўйди.

— Ўзлари ҳормасинлар, — жавоб қилди Рашид амаки, — ревизор қани?

Қосим амаки хиёл илжайди:

— Иши зарурроқ экан қайтиб кетди.

— Э, аттанг, — дедилар юз-кўзларини белбоғларига артаётган бобом, — чап берибди-да. Бўлмаса Соқиға ўхшаб, бир харом терини чиқарардик.

Яна кулги кетди. Бувим эса бу пайтда ошхонада палов сузар, унинг хушбўй ва иштаҳани очувчи ҳиди димоғимизга уриларди...

## САККИЗИНЧИ БОБ

### ҚАЛАМТАРОШ

Ҳашарда Толиб бизга асалариларини кўрсатишга ваъда берган, биз ҳам уйдаги ишлардан кўлимиз сал бўшаши билан борадиган, Саид эса йўл бошлайдиган бўлганди. Бироқ унинг гапи кўчага тўғри келмай майда-чуйда бўлса ҳам иш чиқиб, боролмай қолдик.

Беда иккинчи ўримга келиб қолганидан бувам биздан кейин ҳам отга миниб бир бошдан айланиб келардилар. Ҳайҳотдай ҳовлида бувимнинг ўзлари ёлғиз бўлганларидан қарашмасак бўлмасди. Қўйхона товуқхонани тозалаш, ҳовлига сув сениб супуриш, ўт юлиш... Одам қиламан, деса иш топиларкан. Ажаб, шаҳарда қиладиган ишимиз йўқлигидан спорт майдончасида кунни кеч қилардик. Бу ерда эса шаҳардан олиб келган китобларимизни ўқишга ҳам гоҳо қўл тегмасди.

Дарахтларга ўрмалаб мева теришни айтмайсизми. Бизни айниқса ўрик довдиратиб қўйганди. Улуғбек икковимиз терар, бувим эса саралаб, туршак соларди-

лар. Қулупнай билан гилосдан эса қиём пиширар, биз бўлсак банкаларнинг оғзини ёпишда қарашардик.

— Ёз меваси — қишда даво, — дердилар бувим. — Ҳали шафтолилардан ҳам анча-мунчасини банкага жойлаймиз. Қишда мазза қиласизлар, қўзиларим.

Гоҳо Улугбек икковимиз бувимга бир бекат наридаги магазиндан гугурт, ёғ, ун, совун ва бошқа нарсаларни олиб келамиз. Ораси яқин бўлганидан автобус кутмай шундоққина бориб кела қоламиз. Кечки салқинда эса қўйларни уватда боққани олиб чиқамиз. Саиднинг ҳам бешта қўйи бор. У ҳам қўйларини ҳайдаб чиқади. Қўйлар бир-бирларига аралашиб кетиб, анча-мунча ўтлашса ҳам кун ботарга ҳайдаб келганимизда уйлари-ни сира адаштиришмайди.

Қўй боқишга чиққанимизда гоҳо Бахтиёр бизларга эргашиб қолади. Йўқ демаймиз. Бироқ қўйлар экинларга тушмасин, деб қайиргани югуриб қолсак бизларга етолмай ҳиқиллайди. Ушандай пайтларда қўлидан етаклаб оламан. У мен билан жуда иноқ. Бунинг ўзига яраша сабаби бор.

Тунов куни Улугбек бувимга картошка кавлаб берди, ўзим қулупнай тердим. Ушанда кун найзага келиб қолганди. Қўйлар салқинда жимгина ётишар, товуклар эса гоҳо қақоғлаб қўйишар, ҳовлидаги дарахтларда чумчуқларнинг «чирқ-чирқи» қулоққа чалинарди. Бувим ошхона тарафда уймалашардилар.

Бир маҳал ҳовлига Бахтиёр кириб келди. У гилосни жуда яхши кўради, қулупнайга унча ҳуши йўқ. Қўлида доимо кичкина қизил челақча бўлади. Ҳар чиққанида ўшани гилосга тўлдириб бераман.

— Ке, Бахтиёр, бу ёққа ке, — дедим унга. — Саид тўқайдан келдими?

— Жўқ, — деди у. — Дилос бий.

Оббо, Бахтиёр-е! Жуда ширин гапирди-да. Унга зўрлаб битта катта қулупнай едирдим. Емайман, дегандай бошини сарак-сарак қилувди, бўлмаса гилос бермайман, дедим. Шундан кейин оғзини аранг очди...

Бахтиёрнинг челақчасини гилосга тўлдираётганимда кўчадан: «Шара-бара! Бутилка олиб, сурнай бераман!» — деган овоз келди. Бахтиёр буни эшитганида гилос ҳам эсидан чиқиб, кўчага чопди.

Бувим Бахтиёрни кўрган эканлар қўлларида пишган тухум билан уни қидириб қолдилар. Мен «шара-бара»ни эшитиб, кўчага югурганини айтдим. Шунда бувим Улугбек икковимизга тайинладилар:

— Ертўлага тушинглар-да, минг йилдан бери чанг босиб ётган шишаларни «шара-бара»га беринглар. Ичида ёг шишалар ҳам бор. Жойни бекорга банд қилиб ётибди. — Кейин тухумни менга тутқаздилар. — Буни Бахтиёрга бер. Ҳар чиққанида бу Эркатоининг битта тухум ейдиган одати бор. Сенларга эса қуймоқ қилиб бераман.

— Хўп, бувижон.

Бахтиёрнинг ярми тўлган челагини айвон чеккасига кўйдим-да, Улугбек билан ертўлага тушиб, ўнтадан кўпроқ бўш шиша олиб чиқдик. Уларни жуда чанг босиб кетганидан ювмаса бўлмасди. Ташқаридаги ариққа солиб, ювгандик сал шишага ўхшаган бўлди.

Биз шиша ювиш билан овора бўлганда «шара-бара»чи анча нарига, ҳашар қилган жойимизга яқинлаб қолибди. Бир отли аравасининг теварагиги болалар гуж бўлган, мўйловли амаки эса улардан нарса олиб нарса бермоқда эди. Бахтиёрнинг қўлида битта шиша, араванинг уёгидан-буёғига ўтса ҳам мўйловли киши каттароқ болалар билан овора бўлганидан унга кўзи тушмасди.

Араванинг бир чеккасида каттароқ фанер чемодан бўлиб, қопқоғи очиқ турар, унда болаларбоп лойхуштак, қизил, кўк, сариқ ранларга бўялган ва пуфланган-пуфланмаган шарлар, темир сурнайлар, зар қоғоздан ясалган ингичка резинкали коптоклар ва яна алланималар бор эди. Чағир кўзли, қопқора мўйлови пастроққа осилган миқти аравакаш эса болалар олиб чиққан шишаларни синчиклаб текшириб, арава тубидаги қопига жойларди-да, кейин пуфакми ё хуштакми олиб берарди.

Биз ҳозиргина ювилганидан ялтираётган шишаларни кўтариб борганимизда аравакашнинг кўзлари ёниб кетгандай бўлди. Уларнинг барини олди, фақат биттасининг озгина жойи учган экан қайтармоқчи бўлди. Бизга керакмас, дегандик, майли, деб барибир қопига солиб кўйди-да, хўш, нима берай, деди. Биз, нима берасиз, деб сўрадик. Аравакаш шундан кейин, учта шар, битта лой хуштак ва кичикроқ резина копток берди.

Бахтиёрнинг шишаси эса ўтмади: учи синиқ экан. Бундан у йиглашга тушувди биз, буларнинг ҳаммасини сенга олдик, деб аранг овутдик.

Чиндан ҳам Бахтиёрга атаб олгандик-да.

Бахтиёр жуда хурсанд бўлди. Кўчанинг нариги чеккасига ўтиб, шарларни унга тутқиздим, сурнайни чалиб

кўрсатдим. Улугбек резина коптокни ерга уриб ўйнашга тушди. Бироқ шу пайтда аравакаш негадир мени чақириб қолди. Яқин бордим.

— Сен боп битта нарса бор, — деди аравакаш чап кўзини қисиб. Кейин чўнтагидан нимадир чиқарди. У ёғоч сопли, буклаб ёпиладиган каттагина қаламтарош эди. Ёпиладиган жойида ялтироқ ҳалқачаси кўринарди. — Буни эскироқ кийимга алишаман, этик бўлса ҳам майли. Олиб чиқ.

Қаламтарошдан кўзимни узмай туравердим.

Аравакаш қизиқсиниб қолганимни сезди шекилли тирноғининг учи билан қаламтарошни очди. Шунда қаламтарошнинг эгма пичоғи офтобда кўзни олгудай ялтираб кетди. У киноларда кўрганим қадимий аскарларнинг эгма қиличларини эслатарди.

Бу орада Улугбек ҳам етиб келди. Бахтиёр эса қўлида шарларининг ипидан маҳкам ушлаганича берган тухумимни артиб ейишга тушган, биз билан иши ҳам йўқ эди. Қаламтарош Улугбекка ҳам ёққанга ўхшарди. Шундай бўлса ҳам олишга кўнглим чопмасди.

— У нимага ишлатилади? — сўради Улугбек аравакашдан.

— Буни боғбон қаламтароши, дейдилар. Дарахтларни пайванд қилганда иш беради. Қовун сўйсанг, картошка, олма артсанг ҳам бўлаверади, жиян. Бўлақолларинг, шошиб турибман.

Улугбек «олмаймиз» дегандай бир қадам орқага чекинди. Мен ҳам. Аравакаш эса биздан умидини узиб бошқа болаларга қаради. Улар эса иши битганларидан энди аравани қуруқ томоша қилишарди.

Аравакаш қаламтарошни ёнига солди-да, болаларга, четланинглар, деб отига қамчи босди. Тинчгина турган от қамчи текканидан аравани силтаб, кўзгатди...

Шунда нимадир «тап» этдими ё менга шундай туюлди-билмайман.

Бахтиёр ҳамон кун тиғида турганидан уни сояроққа етакладим. Улугбек тухумнинг қолганини яхшилаб артиб, қўлига берди. Аравакаш атрофидаги болалар энди тўзиб, уй-уйларига кириб кетишган, кўчада учовимиздан бошқа одам кўринмасди. Аравакаш эса отини лўкиллатганича олислаб борар, ҳар замон-ҳар замонда «Шара-бара!» деб ҳайқириб кўярди.

Уйга қайтишдан олдин hozиргина арава турган жойга беихтиёр қарарканман нимадир ялт этгандай бўлди. Кўзим худди офтобда ялтираётган ойна синиғига туш-

гандай қамашиб кетди. Бундан ҳайрон бўлиб қаровдим, яна ялтироқ нарсани кўрдим. Қизиқсинишим ортиб, бу нима бўлдийкин, дегандай яқинроқ бордим. Қарасам ҳозиргина аравакаш бизларга кўз-кўз қилиб қизиқтирган қаламтарош йўл чеккасидаги ажриқ орасида ётибди!

Зумда аравакаш томонга қарадим. У юз метрча нарига бориб қолганди.

Нима қиларимни билмай Улуғбекни имлаб чақирдим. У ҳам тезгина кела қолди.

Ерга эгилиб, қаламтарошни олишни ҳам, олмасликни ҳам билмасдик? Аравакашни чақирсак эшитармикин? Кетидан югуриб, элтиб берсакмикин?

Ҳардамхаёл бўлиб турганимизда қаршидаги уйдан пакана киши чиқиб келди. У жуда қилтириқ, башараси гижимланган қоғозга ўхшар, ранги ҳам кўримсиз ва заҳил эди.

Улуғбек икковимиз унга шоша-пиша салом бердик. Пакана киши саломимизга алик олиш ўрнига саросимада турганимизни сезганидан бўлса керак:

— Нима гап? — деди.

Худди ўғирлик устида қўлга тушган одам аҳволида бўлганимиздан пакана амакига бор гапни айтиб бердим. У кўзини қаламтарошдан узмай гапимни эшитди-да, энгашиб қўлига олди. Кейин пуфлаб, пичогини очди. Дамини эса тирноғига текизиб кўрди.

— Кескир экан, — деб қўйди пакана киши суюнгандай.

Ноқулай аҳволдан қутулганимизга ичимда хурсанд эдим. Пакана киши гўё кўнглимдан ўтаётган нарсаларни сезгандай бизга қаради:

— Бировнинг нарсасига кўз олайтирмаганларинг яхши. Мен ўша ёққа кетаяпман, бериб қўяман.

У қаламтарошни ёпиб, чўнтагига урди-да, икковимизга, яшанглар, доим шундай бўлинглар, дея йўлга тушди. Кетидан қараганча қолавердик.

Аравакаш эса анча-мунча олислаб қолган, овози ҳам аранг келарди.

Бахтиёр биздан олдин ҳовлига югуриб қолди. Ичкарига кирсак бобом ҳам эндигина келиб турган эканлар. Бахтиёр бобомнинг бўйниларидан кучиб, «ачом-ачом» қилар, бобом эса, отам катта бола бўлиб қолибсан-ку, тўйингни қилсак ҳам бўларкан, дердилар. Бахтиёр эса биз олиб берган нарсаларни бобомга кўрсатар ва хурсандлигидан кулгани кулганди.



Бу орада Бахтиёрнинг қизил шаригининг ипи қўлидан чиқиб кетиб, шар олча шохига кириб қолди. Бахтиёр шунда хархаша қилишга тушувди, Улуғбек зумда олиб берди. Бобом Бахтиёрни яна ўйнатишга тушдилар.

— Отамни жуда ҳам хурсанд қилибсизлар-да, азаматларим, — дедилар бобом. — Учта шар, сурнай, қопток. Вой-бў, жуда кўпайиб кетибди-ку, отам. Буларни йўқотиб қўймайсанми?

— Жўқ, — деди Бахтиёр. — Жўқотмайди.

— Оббо, сен-е! Жуда пишиқ бола чиқдинг-ку.

Бобом Бахтиёрни ҳовлига қўйиб юбордилар-да, бизга қарадилар. Улуғбек мен билан кўз уриштириб, кўчада бўлган воқеани бобомга бошдан-оёқ айтиб берди.

— Ўша пакана қайси уйдан чиқди?

Улуғбек ўзича тушунтирган бўлди. Бобом шундан кейин ўйлаб қолдилар.

— Соқиникига келган, — дедилар бобом бир нафас жимликдан кейин. — Ўша пакана Қиём калта бўлади. Яқинда пунктга тарозибон бўлиб келган. Айтганларинг яхши бўлди. Бўпти, бувингга қарашинглар, дам олинглар.

Пайтдан фойдаланиб, Бахтиёрнинг челагини тўлатиб бердим. Улуғбек қўйга ўт юлишга тушди. Бобом эса айвонда ёнбошладилар. Бахтиёр эса ҳовлида ўйнаб юрарди.

Гилос тераяпману бутун хаёлим яна бояги пакана кишига кетди. Унинг кўзи бежо аланг-жаланглиги сира ҳам кўнглимга ўтиришмасди. Нега бунақа қилади? Одамнинг кўзига тик боқмайди. Қаламтарошни эгасига берган бўлса яхши-я, мабодо эсидан чиқса-чи? Унда аравакаш буни бизлардан кўриб, домонгир бўлиб юрмайдими?

Кўнглимга келган бу гапларни Улуғбекка айтүвдим, аравакашга бергандир, ўлибдими кап-катта одам ёлгон гапириб, деди. Бундан кўнглим сал жойига тушса ҳам шубҳаларим барибир тарқалмади. Нимаики иш қилсам ёғоч сопли ўша эгма қаламтарош сира хаёлимдан кетмасди.

Бувим чой дамловдилар айвонга олиб чиқиб, бобомнинг бош томонларига секингина қўйдим. Бобомнинг кўзлари юмуқ, авзойиларидан сал хомушроқ кўринадилар. Менга кўзларини очиб қарамадилар ҳам. Пинакка кетган бўлсалар керак-да. Мен ҳам тинчликларини бузмай оёқ учида тушиб кетдим.

Бобом нимадан хафа эканлар, бирор нарса бўлди-

микин? Бедапояқу, жойида турибди, тинч. Бугун эрта билан айланиб келганимда кўзимга шунақа кўринганди. Ё ўт-бетлари оғриётганмикин? Унда доктор чақириш керак. Бу ернинг поликлиникаси қаердайкин? Мабодо касал бўлсалар докторни қандай чақирамиз? Уйда телефон йўқ-ку?

Хаёлимга минг хил нарсалар келса ҳам hozирча ичимдагини сиртимга чиқармадим. Хатто Улуғбекка ҳам айтмадим. Билиб-билиб ишимни қилавердим.

Бобомнинг хомушликлари сири ҳаммамиз айвонга тўпланганимизда маълум бўлди. Ҳакимжон деган шогирдлари касалхонага тушиб қолибди. Жигари шишиб кетибди. Бобом Ҳакимжон амакини жуда яхши кўрарканлар. Буни ўзларининг гапларидан билиб олдим.

— Иш қизиган пайтда Ҳакимжоннинг касалхонага тушиб қолгани чакки бўлди-да, онаси, — дедилар бобом бувимга. — Бечоранинг жигари шишганмиш. Эрта-индин пунктни мол босади. Ишнинг тепасида ўзи турганида яхши бўларди-да.

— Вой, ўлмасам, — дедилар бувим хангу-манг бўлиб. — Кечагина юрувди-ку. Қайси касалхонада экан?

— Янги ТошМИда экан, эртага ўтиб келамиз. Тезроқ тузалиб, болаларига бош бўлсин.

Бобом яна ёнбошлаб, кўзларини юмдилар. Бувим, турунг, овқатдан бир-иккита олинг, десалар ҳам унамадилар, ўзларинг олаверинглар, қорним тўқ, дедилар.

Тўғри-да, яхши кўрган шогирдлари касал бўлиб қолади-ю, бобомдан овқат ўтармиди.

Секингина дастурхон ёнидан сирғила қолдик. Бобом дам олмасалар бўлмасди.

Орадан ярим соат ўтдимиз ё бир соатми билмайман болохонада китоб ўқиб ётганимизда кўчадан кимдир бобомни чақирди. Улуғбек «ҳозир» деганича зинадан пастга югурди. Мен, «ким бўлдийкин?» — деб пастга мўраладим. Пастда милиция формасидаги бир киши турарди. Погонидидаги кичикроқ юлдузлари нечталигини яхши илғаёлмадим. Ё иккита, ё учта.

Улуғбек бобомни айтиб чиқди. Бобом у кишини ичкарига судрадилар. Меҳмон жиндай тархашлик қилса ҳам кирди. Икковлари шундан кейин айвонда нималарнидир гаплашиб ўтиришди. Орамиз анча-мунча — биз баландда, улар пастда бўлганларидан гўнғир-гўнғир қилишаётганлари қулоғимизга кирар-

ди-ю, бироқ нималарни гапиришаётганини илғаёлмасдик.

Бошқаларнинг гапига қулоқ солишдан ёмони йўқ-да, дунёда.

Улуғбекдан милиция формасидаги кишининг кимлигини сўрасам билмади, шу ернинг участкавойи бўлса керак, деб қўя қолди. Бобомда бирор иши ё маслаҳати бордир-да, деб ўйладим. Ахир бобомни кўп одам сўраб келади-ку. Шунда десангиз бобомни яна бир киши йўқлаб келди. У ким денг? Толибнинг дадаси. Қосим амаки бобом билан келишиб қўйган экан шекилли тўппа-тўғри, раис бува, бормисиз, деб кириб келаверди.

Меҳмонларга бувим қараб турдилар. Бизларни бевозта қилишмади. Бобом тайинлаб қўйган бўлсалар керак-да.

Меҳмонлар алламаҳалгача гурунглашиб ўтиришди. Гоҳо уларнинг шарақлаб кулганлари эшитилар, гоҳо гўнғиллашлари пасайиб кетарди.

Меҳмонларнинг ҳурматини қилиб, пастга телевизор кўргани тушмадик ҳам. Саиднинг эса негадир дараги бўлмади. Тўқайдан чарчаб келиб, таппа ташлагандир-да. Бўлмаса овоз берарди. Бир-икки мўраласам ҳам қораси кўринмади. Ховлида гоҳо Бахтиёр, Хадича хола кўриниб қолишарди. Саиддан эса дарак йўқ эди.

Улуғбек билан биринчи космонавт Юрий Гагаринни гаплашиб ётиб, ухлаб қолдик. Тушимга биздан қаламтарошни олган пакана киши кирибди. У нуқул қаламтарошни дастрўмолига ўраб-ўраб, чўнтагига солармиш. Олиб, бизга кўз-кўз қилиб, яна солармиш. Аравақаш эса унга мўлтираб қарармишу қаламтарошимни бер, демасмиш...

Эртасига эрталаб тушимни Улуғбекка айтсам қулиб қўя қолди. Кўп ўйлаганингдан тушингга кирган, деди. Тўғри, кеча роса ўйлаганим рост. Бундан чиқди, одам бир нарсани кўп ўйласа, албатта тушида кўраркан-да?

## Т Ў Қ Қ И З И Н Ч И Б О Б

### ПУНКТДА ИШЛАЯПМИЗ

Участковой билан Толибнинг дадаси уйимизга бекорга келишмаган экан: қишлоғимизга ўғри оралабди! Буни бобомдан эшитдик.

«Фалончининг қўйи, писмадончининг сигири

йўқолибди», деган гаплар қулогимизга кирмаганидан бу гапни эшитганимизда, бу қанақа ўғри экан, деб ҳайрон ҳам бўлдик. Бундан чиқди у жуда бошқача, қўлга осонликча тушмайдиган уста ўғри экан-да. Бобомнинг, уни қўплашиб тутмасак бўлмайди, бунда сизлар ёрдам берасизлар, деганлари ҳам бежиз эмасди назаримда.

Бобом бу гапни пунктга бориб ишлашимиздан бир кун олдин, ёнғоқ тагида дам олиб ўтирганимизда Улуғбек икковимизга сирли қилиб айтдилар. Кейин, ҳозирча бировга дамнинг чиқарманглар, нима қилиш кераклигини ўзим айтаман, деб оғзимни маҳкамлаб қўйдилар.

Ушанда жосуслар ва ўғрилар ҳақида ўқиган китобларим ва қўрган киноларимни эсладим. Ёмон ниятли одамлар қанчалик усталик билан иш кўришмасин ахири қўлга тушишарди. Улар қолдирган излар арзимасдек туюлган хатолари бунда иш берарди-да.

Мана энди Улуғбек икковимиз ҳам ўғри тутишда қатнашарканмиз. У қанақа ўғри экан ўзи? Қуроли борми ё йўқми? Шериклари-чи? Милиционерлар қаерда бўлишаркин? Вақтида етиб келишармикин?

Шуларни ўйлайверганимдан бошим ғувиллаб кетди. Салқин тушганда қўйларни Саиднинг сигири боқиладиган жойга ҳайдаб бораётганимизда ҳам хаёлим минг ёққа кетарди. Улуғбек эса негадир парвойи палак кўринар, бобом боя айтган гапни гўё унутиб юборганга ўхшарди.

Хашар қуни Толиб билан кечга яқин, салқин тушганда тўқайда (қамиш-қиёқлари йўқ бўлса ҳам экинзорлар оралиғидаги жой шундай аталарди) кўришиб туришни келишган бўлсак ҳам қораси кўринмади. Тўқайда Саиднинг ёлғиз ўзи қўйлари билан сигирини ўтлатиб қўйиб, ажриқда китоб ўқиб ётарди. Ёнида велосипеди. Биз ҳам қўйларимизни ёйиб ёнига чўзилдик.

Саид «Милиция сержанти» деган китобни ўқиётган экан. Бизни кўзи қиймаганидан китобига чўп қистириб, аранг бошини кўтарди. Жуда қизиқ жойига келган бўлса керак.

— Қизиқми? — сўради Улуғбек Саид билан қўли шарқанмиз.

Саид жавоб ўрнига бош бармоғини қайирди. Бу эса унинг «зўр», дегани эди.

— Унда биз ҳам ўқиймиз.

— Албатта. Бугун-эрта иш берадиган китоб.

Ялт этиб Улуғбекка қарадим. Саид ҳам ҳамма гапдан хабари бордай сирли илжайди-да, эртага учаламиз пунктда ишлаймиз, деди.

Ана холос! Бобом бизларга айтмаган сирни Саид қаёқдан биларкин? Ё дадаси айтганмикин? Бундан чиқди биз ўйлаган ўғри пунктда экан-да? Ҳозир Саиддан буни очиқ сўрасам айтармикин ё айтмасмикин? Менимча ҳозирча сабр қилганим маъқул, ўзи айтса бошқа гап.

Саид худди безовта бўлаётганимни сезгандай тилга кирди:

— Совхоз директори бобом билан дадамга пунктдагиларга ёрдам беришни айтибди. Эртадан бошлаб, пунктга кўп ҳосил чиқаркан. У ерда эса одам оз, яшиқлар етишмайди. Уч-тўрт кун бориб қарашмасак бўлмасмиш. Қолган гапни участкавой амаки тушунтираркан.

Хайрият-е, деб анча енгил тортдим. Улуғбек эса ўзини чалғитиш учун китоб варақлашга тушганди. Мен индамай қўя қолдим-да, на қиларимни билмай ёнгинамдаги олдинги филдираги осмонга қараб ётган велосипедни беихтиёр ушладим.

Шунда хаёлимга бир нарса келиб қолди.

— Ўтган сафар арифметик жумбоқ айтувдинг, — дедим Саидга. — Энди мен велосипед жумбоғи айтсам.

— Қани, қани, — Саид чордана қуриб олди.

— Сен ҳам ўйла, — дедим Улуғбекка. — Масалан, қишлоқ йўлидами, одам сийрак яшайдиган саҳродами велосипедда кетаяпсан. Бирдан иккита филдиракка миҳми, тиконми кириб, дами чиқиб кетди. Нима қиласан? Запас камеранг йўқ.

— Дарров ямайман.

— Ямашга елиминг ҳам, резинка ямоғинг ҳам йўқ.

— Унда битта-яримтадан сўрайман, — деди Улуғбек.

— Ҳеч кимда йўқ.

— Унда велосипедни етаклаб кетавераман, — деди Саид.

— Мен ҳам, — деди Улуғбек.

— Бунинг йўли оппа-осон — икки қатим ип. Тешилган жойни тортиб туриб, тагидан ўраб бойласанг камер яна бут-бутун бўлади.

Саид ҳам, Улуғбек ҳам бараварига кулиб юборишди:

— Осон экан-ку.

Шу пайт қулогимга от дупури чалинди. Ҳаммамиз

қайрилиб қарасак бедапоя томондан отда кимдир келаяпти. Бошида шапкаси бор, оти қорага ўхшайди.

— Участковой, — деди Саид. — Бобомнинг отида келаяпти.

Саиднинг кўзи ўткир-да. Олисдан бобомнинг отини таниганини қаранг. Оббо, тушмагур-е.

Хаммамиз ўрнимиздан турдик. Участковой отни ўйнатиб келар, ўзиям уста чавандозга ўхшарди. «Балки кавалерияда хизмат қилгандир», ўйладим ичимда. Ўзиям отда қуйиб қўйгандай ўтирарди-да.

— Ассалому алайкум! — дедик нақ солдатлардай бараварига.

— Ваалайкум ассалом, мулла бўлинглар, — участковой отнинг бошини тортди. — Мол боқаяпсизларми, ҳа яшанглар. — Кейин отдан илдам тушди-да, хаммамиз билан бир-бир сўрашди. — Раис бувадан сўрасам сизларни шу ерда, дедилар. Отларини миниб келавердим. — Участковой мулойим илжайди.

— Яхши қилибсиз, — деди Саид. — Биз билан дам олинг.

— Раҳмат, укаларим, дами кейин оламиз. Ҳозир шошилиброқ турибман. Ўзи сизлар билан бир гаплашмоқчи бўлиб юрувдим. — У овозини сал пасайтиргандай бўлди. — Ҳозир бир нарсани текшираяпмиз. Бунда сизлар ҳам қарашасизлар. Гап шундаки, сабзаот пунктидаги айрим кимсалар ҳақида сигнал бор. Бироқ конкрет факт йўқ. Бизга шуни аниқлашда ёрдам бера-сизлар.

Буни эшитганда хаммамизнинг қулоғимиз динг бўлди. Участковой амаки эса рўмолчаси билан юз-кўзини артиб олди-да, буёғини шошилмай тушунтирди:

— Эртадан бошлаб пунктдагиларга қарашасизлар. Яшиқ қоқасизлар, помидор, пиёз, карам саралайсизлар. У ердагилар нима иш буюришса хўп, деб бажараверинглар. Бироқ ниҳоятда сезгир бўлинглар. Биз пунктга келиб, мол оладиганларнинг ҳаммаси ҳам ўғри, дёлмаймиз, бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Аммо шолининг ичида қурмаги бўлганидай кўпчиликнинг нонини туя қилиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Бирор нарса сезгудай бўлсанглар ўзимга айтинглар. Лекин ваҳима кўтарманглар. Мен ўша атрофда бўламан, сизларни топиб оламан. Келишдикми?

— Келишдик, — деди Саид.

— Юкка келган машиналарга, уларнинг шофёрларига эътибор беринглар. Шубҳали машинани сезсанг-

лар номерина эслаб қолинглар. Уёғини ўзимиз эплаймиз. Лекин яна айтаман: пунктдагиларга сир берманглар. — Шу пайт участкавой амаки ерда ётган китобни кўриб, қўлга олди. — Буни ўқияпсизларми? Яхши китоб, одамнинг кўзини очадиган китоб.

— Биздан бошқалар ҳам бўлишадими? — сўради Улуғбек нимадандир хавотирлангандай.

— Пунктда ишчилар бор, албатта. Эрта ё индинга Толиб ҳам сизларга қўшилади. Дадасига тайинланганман.

Участковой амаки отга минаркан яна тайинлади:

— Жуда эҳтиёт бўлинглар, йигитлар, битта-яримтани чўчитиб қўйманглар. Келишдикми?

— Келишдик, — дедим ўртоқларимдан эпчиллик қилиб.

Участковой амаки бедапоянинг юқорисига қараб кетди. Бобом ўша ёқда бўлсалар керак-да.

Учовимиз қолганимиздан кейин пунктда эртага ўзимизни қандай тутишдан гаплашдик. Буни дадасидан эшитибди.

Қиём аканинг асли касби мол доктори бўлиб, бундан беш-олти йил бурун қўшни колхоз фермасида ишларкан. Ўлгудай нўноқ доктор бўлганидан касал бўлган молларни даволашни билмай акт қилиб, сўйдираверибди. Институтда чала ўқиган экан-да. Фермада мол камайиб кетаверибди. Доктор шўрлик ҳеч нарсани билмас экан-да. Катта-кичikka майна бўлиб, жуда мазаси қочибди. Бошлиқлар шундан кейин уни молбоқарликка тушириб қўйишган экан бутундай зимзиё бўлиб кетибди. Мана энди пунктда тарозибонлик қилаётган экан.

— Соқи амакига қариндош-париндош эмасми? — сўради Улуғбек. — Тунов кунни ўшаникидан чиқиб келаётганини кўрувдик.

— Унисини билмадим. Лекин икковлари судрашиб юрганларини кўрганман.

Мен Улуғбек қаламтарош воқеасини валдираб қўярмикин, деб чўчиб турдим. Ҳайрият айтмади. Айтса ҳам бўлаверарди-ю, бироқ ҳозир мавриди эмасди-да. Ичимда ўртоғимдан хурсанд бўлдим.

Қарасам қўйлар кун ботардаги помидор пайкалига яқинлаб қолибди. Туриб югуриб кетдим. Саиднинг қўйларини ҳам қайтардим. Қайтиб келганимда Саид мук тушганича китоб ўқир, Улуғбек эса велосипедда ажриқзорни айланиб юарди...

Участковой амаки нимаси биландир кинодаги Штирлицга ўхшаб кетарди. Босиқлиги ҳам, қарашлари ҳам, кўриниши ҳам. Бунақа одам ҳар қандай ёмоннинг таъзирини беради. Штирлиц ҳам кинода душманларни роса боплайди-ку. Бу амаки ҳам қишлоқдаги эгрларни боплаётган бўлса керак. Мана, пунктдаги ўғривойларни қўлга туширишга киришибди-ку. Бизларга ишонганидан ёрдам сўраяпти. Унга ёрдам берсак ўғривойлар узоққа боришолмайди, қўлга тушиб, шарманда бўлишади.

Пунктдаги ўғривойлар ким бўлдийкин? Улар ишни қандай олиб боришаркин? Қўйлар ва сигирдан кўз узмай ўтирарканман шуларни ўйлардим. Улуғбек эса велосипедни соғиниб қолганидан тушай демас, Саид эса китобга берилиб кетган, унга халал беришни истамасдим. Тортиб кетган бўлса керак-да. Яхши китоб шунақа бўлади ўзи. Ундан ўзим ҳам албатта ўқийман.

Эртага пунктда қандай иш бошларканмиз?

... Мана эрта ҳам келди. Бобом нонуштадан кейин Улуғбек икковимизни эргаштириб пунктга олиб бордилар. Саид сигирини тинчитиб ўзи борадиган бўлганди. Толиб ҳам участковой амаки айтганларидай бугун ё эрта пунктда кўриниши керак эди.

Бедапояни айланиб юрганимизда пунктнинг орқа томонидан ўтаверганимиздан у анча таниш бўлиб қолганди. Энди унга кўча тарафдан бориб, эрталабдан кечгача ланг очиқ турадиган қўшдарвозасидан кирдик. Бобом қоровул ота билан ҳазилкаш эканлар жуда хушчақчақ сўрашдилар. Қоровул чол бизларни яхши кутиб олди, аскарларни олиб келибсиз, хурсандмиз, деб миннатдор бўлди.

Пункт мудирини Ҳаким амаки касалхонада бўлганларидан бобом бизни бухгалтер опага топширдилар. Бу орада лип этиб тарозибон Қиём ака ҳам пайдо бўлди. Бизларни кўриб, ўтирадиган будкасидан чиқиб келган экан. Бобом билан эгилиб-букилиб сўрашаркан Улуғбек икковимизга қараб-қараб қўйди-да, номигагина бош қимирлатди. Кўриниши нимадандир хавотир олаётганга ва безовтага ўхшарди.

Қиём аканинг будкаси кираверишда чап томондаги пастакроқ иморатларнинг олдинроғида, усти шиферли бостирма тагида эди. У ерда тарозининг машиналар бемалол сиғадиган тахта поли қимирлаб турарди. Олди айвонли бир қаватли иморатларда пункт ходимлари ишлашарди.



Бухгалтер опа элликларга борган қорача аёл эди. У бобомга раҳмат айтди-да, бизларни бўш яшиқ кўтариб бораётган Соқи амакига рўбарў қилди. Соқи амаки бобомга қўлини кўксига босганича салом бериб иршайди. Бу пайтда дарвозадан битта юк машинаси кириб келувди Қиём ака будкасига чопди.

Бобом бухгалтер опага, Ҳакимжонни сўраб қўйинглар, деб хайрлашдилар. Соқи амаки бизларни пунктинг юқори томонига бошлади.

Пунктда иккита каттагина омборхона бўлиб, бири-бирига қарама-қарши тушган, ўртада эса асфальтланган каттагина майдон бор эди. Ҳар бир омборхонада иккитадан катта эшиқ бўлиб, бири ҳамиша очиқ турар, шундан ичкарига тўкилган нарсалар чала-ярим қўзга ташланарди. Бедапояга чегарадош томонда баландлиги икки метрча келадиган тахта девор бор, ўртароққа эса узунчоқ қилиб айвон қурилган, ҳозирда олдида калтакулта тахталар уюми бор эди.

— Хўп яхши келибсизлар-да, жиянларим, — деди Соқи ака тахтачалар уюми олдида тўхтаб. — Энди мана шу салқингина айвонда ўтириб, яшиқ қоқасизлар. Бу жуда осон иш. Тезда ўрганиб оласизлар. Мен ҳозир... — Соқи амаки қўлидаги яшиқни ерга қўйиб, чап томондаги омборхонага юрди...

Уёқ-буёққа кўз югуртирдим. Боя дарвозадан кириб келган машина тарозидан чиқиб, ўнг томондаги омбор эшигига қўндаланг бўлган, чамаси ён бортидан ичкаридагилар унга юк ортишарди. Машина ёнлаб турганидан номери кўринмас, шофёри ҳам чамамда ичкарида эди.

Ҳаял ўтмай Соқи амаки иккита болга билан челақда мих кўтариб келди-да, бизга кўрсатиб, яшиқ қоқишга тушди. Чиндан ҳам бу осон иш экан, тезда ўрганиб олдик.

— Сизларга норма йўқ, — деди Соқи амаки. — Кучларинг келганча ишлайверинглар. — Лекин қўлга эҳтиёт бўлинглар. Тагин Раис бувадан балога қолмай.

Яшиқ қоқишга тушдик. Иккита-учтасидан кейин қўлим ҳам келиша бошлади. Соқи амаки ишимизни бирпас кузатиб турдилар-да, дуруст-дуруст, деганлари-ча нари кетдилар.

Пунктга машиналар кириб-чиқиб турарди. Бири мол билан келса, бошқаси юк оларди. Соқи амаки ҳовлида айланиб юрар, шофёрлар билан гаплашар, омборларга кириб чиқар, гоҳо эса Қиём ака ўтирадиган будкада ўтириб қоларди.

Пунктга келган баъзи машиналар юк олмай қуруқ қайтарди.

Ўнг томондаги омборга ёни билан турган машина бир оздан кейин бизга яқинроқ жойдан вағиллаганча ўтиб, тарози томонга бурилди. Шунда беихтиёр номерига кўзим тушди: 79—21—ТНЛ. Устига карам баланд қилиб ортилганидан оғир чайқалиб, қисирлаб ва гижирлаб борарди. «Юкниям роса ортибди-да, деб қўйдим ўзимча. — Камида беш тонна келар».

Улуғбек ҳам машинага бир қараб қўйдию, ишини қилаверди.

Бу боя келганимизда тарозига кирган машина бўлиб, энди бостирмага бош томондан тўғри бўлгани бурилаётган эди. Шунда ҳожати бўлмаса ҳам унга негадир яна бир қараб қўйдим. Ажаб, бошқа машиналарга унча эътибор бермагандим. Бу машинага эса нақ бирорта сеҳри бордай қарагим келаверарди. Номери ҳам хотирамга ўрнашиб қолди: 79—21—ТНЛ.

Бобом яна келармикинлар? Ё яқин-атрофда бирорта ошналари билан гаплашиб турганмикинлар? Уёқ-буёққа алангладим. Йўқ. Кўринмайдилар.

Улуғбек ишга жуда берилиб кетганидан бошини кўтармасди. Ундан орқада қолмай деб ўзим ҳам зўр бердим. Қоққан яшиқларимиз ҳам кўпайиб борар, уларни бир чеккага чиройли қилиб, тахлаб борардик.

Хаёлим яна қаламтарошга кетди. Қиём ака уни эгасига бериб қўйганмикин? Буни қандай сўрасак бўларкин? Майли, ҳозирча индамаймиз, балки ўзи айтиб қолар. Келганимизда бизни ҳар ҳолда танигандир.

Қоровул ота чойнак ва пиёла кўтариб келдилар-да:

— Чарчамадингларми, болаларим? — дедилар. Биз, йўқ, дегандик, манавини эрмак қилиб туринглар, деб чойнак-пиёлани ерга қўйдилар. Кейин икки қўлларини белларига қўйганларича ўнг томондаги омборга кетдилар.

Қоровул ота бувамдан каттароқ кўринар, чўкки соқолларининг оқи сероб, овозлари ҳам гижирлаброқ чиқарди. Эгниларида эса оқ яқтак-иштон. Белларида қўшбелбоғ. Бошларини маҳкам танғиб олганларини айтмайсизми. Бу ишлари бобомни жуда ҳам эслатарди.

Карам ортган машина дарвозадан чиқиб кетиши билан ташқаридан бошқа юкли машина вазмин чайқалганича вағиллаб кириб, тарозига кўндаланг бўлди. Шофёрнинг ёнида худди қоровул отага ўхшаган битта чол ўтирарди. У кабинани очиб, пастга тушди-да, тарозибон

билан нималарнидир гаплашиб, биз томонга кела бошлади.

Биз яшик қоқаётган айвон жуда узунчоқ бўлганидан ярмидан кўп жойи бўш турарди. Машина тарозидан чиқиб, биз томонга келди-да, орқасини айвоннинг нариги бурчига тўғри қилди. Унга қопларда картошка ортилган экан. Соқи амаки иккита ишчини бошлаб келди-да, шофёр билан қопларни ўша бурчакка ағдарди. Қоровул отага ўхшаган чол эса назаримда картошкани пунктга топширгани келганди.

Шофёр билан ота бўшаган қопларни машинага ортиб қайтиб кетишди. Шундан бир нафас ўтмай Саид пайдо бўлди. Билсак уйда ойисига қарашиб сал ушланиб қолибди.

Соқи амаки Саидга тўкилган картошкани саралашни, йирик-йирикларини биз қоққан яшикларга солишни буюрди. Саид томоғи қақраброқ келган экан чойдан бир пиёла ичиб, ишга киришди. У битта яшикни бизга ўхшаб тагига қўйиб олганди.

Эрталаб уйдан чиқаётганимизда бувим, тушликка албатта келинлар, овқат қилиб қўяман, деб тайинлагандилар. Пешин бўлишига эса ҳали бор эди. Саид эса гўё уйга бормаيدигандай рўмолда нимадир олиб келибди. Адашмасам нонга ўхшарди.

Саид кечикиб келганини ювмоқчи бўлгандай жадал ишлаб, хаш-паш дегунча тўрт-беш яшикни тўлатиб қўйди. Биздан нарида ўтирганидан гапга солмасдиқ, фақат болгаларимизнинг «тақ-туқи»гина эшитиларди. Соқи амаки юборган кишилар эса Саид тўлдирган яшикларни ўнг томондаги омборхонага ташиб туришарди.

Кун тиккароққа келганда Соқи амаки, чанқов босди қилинлар, деб битта асати қовун ташлаб кетдилар.

Мен ҳам, Улуғбек ҳам қанча яшик қоққанимизни санаб борардик. Ҳисоб учун керак бўлади-да. Саид ҳам ичида ҳисоб қилаётган бўлса ажаб эмасди. Бобом, қанча иш қилдинглар, деб сўраб қолсалар уялмаймиз.

Яшик қоқаяпману қовунга қараб-қараб қўяман. Эртанги қовунлар орасига асатига етадигани йўқ, дегандилар бобом. Ҳандалак билан деярли баравар чиқаркан-да. Хушбўйлигини айтмайсизми! Унга ҳар қараганимда ҳиди димоғимга атайлаб кираётгандай бўларди.

Учовимизда ҳам қовунни сўядиган нарса йўқ эди. Уёқ-буёққа аланглаётувдик ногихон Соқи амаки кўришиб қолди. Улуғбек менга секингина, Соқи амакини имлаб, пичоқларини сўраймиз, деди.

Бироқ биз оғиз жуфтламасимизданоқ ўнг томондаги омбордан Қиём амаки чиқиб, пилдираганича кела бошлади. Соқи амакига қўли билан, тўхтанг-тўхтанг, ишорасини қилганидан у ҳам ўша томонга бақрайганича турарди.

— Амаки қовун сўйишга пичоқ беринг, — деди Улуғбек фурсатдан фойдаланиб.

Соқи амаки чўнтагининг устидан пайпаслаб кўрди-да:

— Ҳозир, укам, ҳозир, — деди. Қиём ака рўбарў бўлганидан кейин эса унга қаради:

— Қаламтарошни бериб туринг, болалар қовун сўйишин.

Шунда Қиём аканинг вужуди баттар кичрайиб кетгандай бўлди. Ранги бўзрайиб, аранг гўлдиради:

— Уйда қолганга ўхшайди...

Соқи амаки эса ажабланди:

— Ё тавба, ҳозиргина кўз-кўз қилувдингиз-ку.

Қиём ака ўлганининг кунидан шимининг чўнтагига қўл суқиб, сўлжайди:

— Буни қаранг-а, чўнтакнинг бурчагида турган экан.

Соқи амаки қаламтарошни бир пуфлади-да, тирноғининг учи билан пичоғини очди. Шунда офтобда яна кўзни олғудай ярақлаб кетди.

Бу ўша ўзимиз кўрган қаламтарошнинг ўзгинаси эди.

Улуғбек ҳам қаламтарошга тикилганича қолганди.

Қиём ака Соқи амакига, тез боринг, деб будка томонга йўрғалади. Соқи амаки, ҳозир-ҳозир, деб қовуннинг думини олиб, тезда тиликлаб ташлади-да, икки тилимини олиб ўша ёққа жўнади.

Ўнг қўлларидаги очиқ қаламтарош ҳар офтоб тушганида ярақ-ярақ қиларди.

Иштахамиз бўғилди. Саид эса бу гапдан беҳабар бўлганидан битта тиликнинг сувини оқизиб ейишга тушганди. Улуғбек қовунга қўл урмайдиганга ўхшар, бир нимадан аразлагандай тумшайиброқ қолганди. Мен ҳам негадир бир хил бўлиб кетганимдан ҳозир қовун ҳам кўзимга кўринмас, хаёлим ҳар қаёққа кетганди...

Пунктда икки кун ишловдик, тахта уюмининг баракаси учиб, ҳаммаёқни яшиқ босиб кетди. Шундан кейин сабзавотларни саралашга ўтдик. Ёнимизга Толиб қўшилганидан кейин бағримиз бутун бўлиб, ишлар бизга бакор келмай қолди.

Ўйём акадан ҳаммамизнинг ҳафсаламиз пир бўлганди. Қап-қатта одам кўзини бақрайтириб, лақиллатаман деса ўласизми, қуясизми. Бировнинг нарсасига кўз олайтирманглар десаю ўзи тескарисини қилса. Бу қандай бўлди энди, қанақа қолипга сиғади? Унинг мушукдай унсиз юришини, қутилмаган жойдан лоп этиб чиқиб қолишини айтмайсизми? Қадам товуши сира чиқмас, гўё пахтанинг устида юраётганга ўхшарди. Ҳар сафар яқинимизга келганида зимдан қараб, сўнг чап томондаги омборда ғойиб бўларди. Уни омбордан қандай чиқиб кетганини ҳам қўпинча сезмай қолардик. Шунақа устомон одам эди-да. Иложи бўлса тулкини ҳам доғда қолдирарди.

Ўйём ака юкли машиналарни кўпинча ўнг томондаги омборга йўллар, чап ёқдаги омбордан эса камдан-кам машина юк оларди. Ўнг томондаги омборда сараланган сабзавотларни ишчилар яшиқларда ва қопларда ўша ёққа ташишарди. Ўйём ака эса машиналар йўқ пайтда будкасидан чиқмай нималарнидир ёзиб-чизиб ўтираверарди. Бунақа пайтларда будкадан фақат калласигина кўринарди.

Пунктдаги ишларга Соқи амаки бош-қош эдилар. Ўйём ака бирор нарса бўлса Соқи амакини чақириб айтарди. Шундан кейин Соқи амаки машинани тегишли омборга йўллаб, керакли юкни орттирарди.

Толиб бир-икки кун кўринмаганига сабаб бор экан. Бўстонликдаги холасининг ўғли армиядан қайтган экан ойиси билан табриклагани бориб, икки кун қолиб кетибди. Холасининг ўғли армиядан бир қиз билан бошлашиб келган экан бир йўла тўйни ўтқазиб, қўяқолишибди.

Қоровул ота бизга жуда меҳрибон бўлиб, ҳолимиздан хабар олиб кетар, чой-пой келтирарди. Бобом айтиб қўйган бўлсалар керак-да. Гоҳо пунктда қозон қайнаб қолар, шунда бизларни тушликка юбормай

олиб қолишар, Соқи амаки косада шўрва берардилар. Шунақа пайтларда ундан арақ ҳиди гупиллаб келарди.

Соқи амаки бақалоқ, Қиём ака эса роса оч қолган одамдай ориқ, тумшуғи тулкисифат, овози чийиллаб чиқар, гапи ростлигини ҳам, ёлгонлигини ҳам билиб бўлмасди. Қаламтарош воқеасини Саид билан Толибга айтиб берганимда тумшуғи тулкисифатлигини яширолмадим. Ўртоқларим гапларимдан ҳам кулишди, ҳам жаҳллари чиқди...

Бобом тунов куни Улуғбек икковимизга тулки ҳақида эртақ айтиб бергандилар. Ҳозир ўша эсимга тушиб қолди.

Тулки, изим қолади, ҳеч йўлдан ўтмас экан. Мабодо ўтишга мажбур бўлса ҳам изини думи билан супуриб кетаркан.

Тулки бир куни кўчани кесиб ўтаётган экан каттагина тангабалиққа кўзи тушибди. Қизик, дебди ўзига ўзи. Бу ерга яқинроқда сой-пой йўқ, балиқ қаердан келиб қолдийкин? Бир балоси бор. Буни текширмаса бўлмайди.

Қорни ўлгудай оч бўлиб, балиқнинг мойини оқизиб егиси келса ҳам ўзини босиб, уёқ-буёққа аланглабди. Қараса олисроқдаги бир дарахт тагида бўри дам олиб ётган экан. Йўлини ўша ёққа солибди...

Бўри ҳам эрталабдан бери оч бўлганидан бирорта егулик топишнинг иложини қилолмай турган экан. Тулкини кўриб, сал дили ёришибди. Бирор ўлжаси бўлса тортиб оламан, деб хаёл қилибди. Тулки эса бўрига яқинлашиб, тиржайиб, салом берибди:

— Ассалому алайкўм, хўжайин. Табриклайман, илойим дунё тургунча туринг. Мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин!

Бўри бундан ҳайрон бўлибди. Қанақа мартаба? Тулки нималар деяпти ўзи?

— Нималарни валдираяпсан? — дебди бўри бетоқат бўлиб.

Тулки эса бидиллаб кетибди:

— Э, ҳали хабарингиз йўқми, хўжайин? Мен тўғри тўқайдан келаяпман. Катта мажлис бўлди. Унда арслон кексалиги учун пенсияга чиқаришларини илтимос қилди. Ўрнига кимни сайлаш ҳақида роса тортишув бўлди. Кўпчилик, тўқайни бўридан бошқаси эплаёлмайди, деганидан кейин сизни сайлаб юборишди. Мени

сизга юборишди: юринг, ишни олинг. Ҳамма сизга мунтазир, тақсир!

Бўрига бу янгилик ёққанидан оғзининг таноби қочибди. У тулкига, тўқайни эплай олармиқинман, дебди.

— Эплайсиз, хўжайин, эплайсиз, — дебди тулки. — Сизда тажриба катта. Жониворларниям, тўқайниям мирдан сиригача биласиз. Ҳамма сизни ҳурмат қилади.

Бўри офтобдаги сарёгдай эриб, тулкининг олдига тушибди.

Тулки эса бўрини балиқ ётган жойга бошлабди. Яқин қолганларида яна бидиллабди:

— Энди, хўжайин, яна бир хушxabар. Тўқайдаги мажлисда сув ҳайвонларидан ўрдак билан қурбақа ҳам бор эди. Улар ҳам йигин қилиб, сизни ўзларига бошлиқликка сайлашганмиш. Мабодо, битта-яримта вакили илтимос қилиб келса йўқ деманг. Иккила ишни бемалол қилаверасиз. Ойлиги ҳам мўмайгина бўлади. Бунинг устига ҳали бақувватсиз.

Бўри бундан баттар шишибди.

Икковлари гап билан бўлиб, балиқ ётган жойга келишибди. Шунда тулки балиқни бўрига кўрсатибди:

— Айтмадимми, хўжайин! Ана сув ҳайвонларининг вакили. Сизни излаб роса чарчаганга ўхшайди. Розиман, деб хурсанд қилиб юборинг бечорани. Шерикларига тезроқ хабар берсин.

Бўри, ҳа, дарвоқе, деб лапанглаганича балиққа яқинлашиб, тумшугини чўзиб, розиман, демасиданоқ «шақ» ётган овоз чиқиб, қопқон бўйнидан ёмон қисибди. Бўри шўрлик бу азобга дош беролмай инграшга тушибди.

— Хафа бўлманг, Бўривой, — дебди Тулки. — Пеншонангиз шўр экан. Хайр, жонингиз жаннатда бўлсин!

Тулки балиқни тишлаб кетаверибди. Бўри эса додлаганича қолаверибди.

Қиём ака ҳам тулкига ўхшаб, бировни доғда қолдириб қочса ажаб эмас-да. Бунақа алдоқчининг қўлидан ҳамма нарса келади. Бўлмаса касби мол дўхтири бўлган одам пунктда тарозибонлик қиладими?

Пунктда катталарга қараша бошлаганимдан кейин телевизорда берилган битта кино эсимга тушди. Уни ўртоқларим ҳам кўришган экан. Ўшанда ҳам сабзавот пунктидаги олғирлар фош қилинади. Пунктга вагон-вагон мол келади. Иккита омборчи бор, бири ичкиликхўр, бири тўғри одам. Бироқ ичкиликхўрнинг ҳам-

ма ҳужжатлари жойида, тўғри, омборчининг қогозлари эса чалкаш. Терговчиларнинг жуда бошлари қотади. Ахири пунктдаги ўғривойларнинг сири очилади. Улар тўғри омборчининг фаромушхотирлигидан ва бўш-баёвлигидан фойдаланиб, ўзларининг қинғир ишларини унга ағдариб юришган экан.

Бу ерда ҳам шунга ўхшаш бирор кор-ҳол бўлмаётганмикин? Участковой амаки бизда айрим сигналлар бор, деганда шуларни кўзда тутмаганмикин?

Икки кун ўтмаёқ баъзи бир нарсалар аён бўла бошлади. Қиём ака гоҳо будкасидан сира чиқмас, юк келтирган ё юк олиб кетадиган машиналарга яқин йўламасди. Бироқ биз биринчи кун кўрган 79 — 21 номерли машина кўринди дегунча будкасидан учиб чиқардида, шофёр ёки ёнида келган киши билан четроқда пичирлашиб оларди. Ўша машинага юк ортилаётганида шофёри ёнидан жилмас, Соқи амаки бизларни нариги омборга бошлаб, арзимас ишларни буюрардилар.

Бу фақат мени эмас, ўртоқларимни ҳам шубҳалантира бошлади.

Бир марта қизиқ иш бўлди. Биз кўзимиз тагига олиб юрган машина келди-да, чап томондаги омборга кўндаланг бўлди, Соқи амаки эса ҳаммамизни қаршидаги омборга ўтказиб, карам саралатдилар. Ўшанда иккита ёмон карамни нарироқдаги тўдага ташлаб келай, деб чиқдим. Ёмон карамлар тўдаси омборнинг бедапоя томонини тўсиб турган тахта деворга яқин эди.

Қўлимдаги карамни тўдага улоқтирмоқчи бўлиб турганимда тахтадевор ортидан кимнингдир овози эшитилди:

— Бори шу, ака, қолганини кейин оласиз.

— Бунақада ошимиз пишмайди, акаси. Борини беравер, — деди кимдир ингичкароқ овозда.

Юрагим «шиғ» этиб, жойимда қотдим. Қиём аканинг чийилдоқ овозини таниб қолгандим. Ялт этиб будкасига қарасам кўринмайди. Нима қиларимни билмай қўлимда карам билан изимга қайтдим. Оёқ-қўлларимгача бўшашиб кетди.

Билсам хато қилибман, жойимда тураверсам бўлмасмиди, қолган гапларини ҳам эшитардим. Ўзимни ўзим койиб изимга қайтдим. Оҳиста юрганимдан девор ортидагилар қадамимни эшитишмади чоғи қулоғимга уларнинг гўнғир-гўнғири чалина бошлади:

— Икки тоннадан мўлроқ сархил картошка ажратиб қўйганман. Ортиб устига карам босинг. Буёғи ка-



рам бўлиб кетаверади. Ҳисоб-китобни эртага қиламиз. Хўжайинга айтиб қўй, гаплашадиган гап бор.

Бу Қиём аканинг овози эди. Юрагим баттар уриб кетди. Шофёр жавоб қилиш ўрнига негадир йўталишга тушди. Шунда секингина карамларни бир-бир улоқтирдим-да, биров чақирмасаям овозимни баландлатиб, ҳозир бораман, деб қўйдим. Девор ортидагилар қандай аҳволга тушишаркин, деб атайлаб шундай қилдим. Қарасам Саид овозимни эшитиб, нима гап, деб мен турган томонга аланглаяпти. Девор ортидан эса сигарета чекаётганидан бўлса керак йўтала-йўтала гирдиғум ва хумқалла шофёр чиқиб келди. У мен томонга қарамасдан машинаси томонга лапанглаб кета бошлади. Қиём ака эса кўринмади. Ўзини бир четга олган бўлса керак ҳадеганда кўринавермади.

«Қани, буюғи нима бўларкин», деб шофёрни ҳам, Қиём акани ҳам кўздан қочирмадим. Қиём ака чорак соатлардан кейин ҳовлида пайдо бўлди-да, пилдираганича будкасига кириб кетди. Машина эса бояғидай омбор эшигига ёни билан турарди. «Тагига картошка ортишаяпти, устига карам». Шерикларимга айтайми ё айтмайми? Мабодо айтсам ҳаммалари ҳаракатга тушиб қолишади, баравар кузатиша бошлайди, унда ўғривойларни чўчитиб юборамиз-ку. Шунини ўйлаб, кузатувимни ўзимча охирига етказмоқчи бўлдим, шерикларимга кейинроқ, ҳали кетаётганимда айтарман, дедим. Улар ҳам ўзларича керакли нарсаларни кўз тагига олиб юришгандир? Бари эс-хушли болалар-ку. Кинолардагига ўхшаб, оператив кенгаш қилганимизда гаплашиб олармиз. Ҳозир олдиндан чанг чиқариб қулги бўлмай.

Карам саралашдан кейин Соқи амакининг гапи билан пиёз боғларини нариги уюм ёнига тахлашга киришдик. Ҳар замон-ҳар замонда кузатувимдаги машинага қараб қўяман. Шофёри ёнидан сира ҳам нари жилмайди. Зерикканиданми ё безовталаниб, жонсарак бўлаётганиданми ичкарига қаради, баллонларни тепиб кўради, дарвоза, будка, бизлар томонга зимдан қарайди.

Орадан қанча вақт ўтди билмайман. Қўлма-қўл қилиб, пиёзни ҳам бўлдик. Қиладиган иш ҳам қолмади ҳисоб. Қўлларимизни қоқа-суқа омборхона олдига чиқиб, тўдалашиб турганимизда Соқи амаки келдиларда, укаларим, бугун кўп ишлаб юбординглар, энди уйлариңгга кетақолсанглар ҳам бўлади, дедилар.

Бу гап ҳаммамизга мойдай ёқди. Ювингани водо-

провод томонга юрарканмиз атайлаб орқароқда қолдим. Водопровод крани тарозига яқинроқ жойдалиги жуда қўл келарди-да. Бахтимга шу пайтда машина ҳам тириллаб жойидан қўзгалди. У тарозига тўғри бўлиш учун биз турган жойдан албатта ўтарди.

Толиб юз-қўлини ювишга киришганидан машина тарозига чиқди. Тарози тахтаси машина оғирлигидан оҳиста лопилларди. Биз тепароқда турганимиздан машина бортидаги оппоқ, салгина кўкимтир карамлар аниқ кўринарди. Оббо, олғирлар-е! Карам асосан биз ҳозиргина ишлаган омборхонада сақланар, қаршидаги омборхонада эса картошкадан бошқа нарса бўлмасди. Номига бўлса ҳам озроқ сақлаб қўйилган экан-да.

Шофёр машинадан тушиб, ташқари томондан Қиём акага рўбарў бўлди. Тарозибон қондаси шунақами ё бизлар эшитсин, деб атайлаб қилдими овозини бандлатиб шофёрдан сўради:

— Карам ордингми, ука?

— Шундай, шундай, ака, — деди шофёрнинг овози негадир сал титраб.

— Ҳозир тортамыз!

Қиём ака тарозисини ишга солди шекилли яна овози эшитилди:

— Уч тоннага сал етмайди, устига озроқ ташланглар!

Тарозибон нимани ташлаб қўяқолинглар, деяпти? Уёқ-буёққа қарасам салгина нарида деворга тақаб карам тўкилган экан. Ярим машина атрофида келади. Шофёр ўшанга қараб юрди. Қиём ака эса будкадан чиқиб бизга юзланди:

— Укажонлар, анави карамдан машинага ўн беш-ийгирмата ташланглар, салгина етишмаяпти. Омборга бориб овора бўлиб юрмасин. Шофёр ҳам миқтилигига қарамай чаққон чиқиб қолди. Биз иккитадан карам олиб машинага ташласак у анча наридан улоқтирарди. Қиём ака будкасида тарозисидан кўзини узмай турарди чамаси. У то, бўлди қилларинг, дегунча машинага карам ортавердик.

Қиём ака шофёрнинг қўлига қоғоз берганди у бошлиқларга қўл қўйдиргани бўлса керак ичкарига кирди. Қани энди шу пайтда участковой амаки ё бобом келиб қолсалар! Қиём ака билан шофёрни жиноят устида шаппа ушлардик. Сирлари очилиб, шарманда бўлишарди. Ўзимиз бир иш қилишга ҳаққимиз йўқ. Участковой

амаки фақатгина кўз-қулоқ бўлиб юришни айтгандилар, холос.

Шерикларимнинг машинага эътибор беришмаётганлари жаҳлимни чиқарар, ўзимча хуноб бўлардим. Водопроводда ювинаяпману дарвоза томонга қарайман, қани энди мўъжиза юз берса, дейман. Аммо мўъжизадан дарак йўқ, мен кутган одамларнинг қоралари ҳам кўринмасди.

Бу пайтда шофёр ҳам ичкаридан чиқиб, кабинага ўтирди-да, эшигини тарақлатиб ёпди. Шунда юрагим зиркираб кетди. «Куппа-кундуз кун деҳқонлар минг машаққатлар билан етиштирган уч тоннага яқин картошкани ўғирлаб кетаяпти-я! Ҳозирда уни тўхтатиш кўлимдан келмаслигини айтмайсизми. Наҳотки, шунчалар ожиз бўлсак! Ўша дамда азбаройи алам қилганидан йиғлашга ҳам тайёр эдим.

Машина гувиллаб жойидан кўзгалди-да, лапанглаганича дарвозадан чиқиб кетди. Ҳозирда кетидан югуришга ҳам тайёр эдим...

Кун ботишига ҳали бор эди. Дарвозадан юрмай орқа томондаги тахтадевор эшигидан бедапоя томонга чиқдик. Толиб уйига судради, асал бераман, электр қурилмаларимни кўрсатаман, деди. Саид эса, сигирдан хабар оламан, қўйларни ёймасам бўлмайди, деб кўнмади. Улуғбек икковимиз ёнига қўшилдик, бошқа кун борамиз, деб аранг кўндирдик.

Толиб биз билан хайрлашди-да, бедапоянинг юқориси билан уйига жўнади. Биз эса тутзор юқорисидан ўтган сўқмоққа бурилдик. Бу ердан уйимизга тезроқ етардик.

## Ў Н Б И Р И Н Ч И Б О Б

### ШОШИЛИНЧ КЕНГАШ

Тўқайга бориб, қўйларимизни ёйгунимизча Улуғбекка ҳам Саидга ҳам пунктда ўзим сезган нарсадан оғиз очмадим. Аввалига уларнинг ўзлари нима дейишаркин, деб кутдим. Изқуварликка барабар киришганимиздан кейин билганларимизни ўртага ташлаб, аниқланган нарсаларни муҳокама қилиб, буёғига нима қилишни келишиб олишимиз керак-да.

Саиднинг сигири ҳам, қўйлар ҳам бизларни пойлаб,

очроқ қолишган экан бош кўтармай ўтлашар, экинга тушиб, қайтариб келишга овора қилишмасди.

Хали Толиб уйга судраганида Саид унамаганига бошқа сабаб ҳам бор экан. Буни тўқайга келгандан кейин билдим. У молларни ёйиб, бир жойга жам бўлганимиздан кейин Улуғбек икковимизга, энди оператив кенгашни бошласак ҳам бўлар, деди.

Кўзим ярқ этиб очилиб кетди. Оббо, Саид-а! Пунктда шерикларимдан ўринсиз хафа бўлиб юрган эканман-да. Мен фақат ўзим куйиб-пишаяпман, деб адашган эканман. Саид эса гўё кўнглимдан ўтаётган нарсаларни билгандай менга кулимсираб қаради. Шу топда унинг кўзлари ҳам кулаётганга ўхшарди.

— Участковой амакининг топширигини қандай ба-жараётганимизни гапласак, — деди Саид. — Оператив кенгаш очик. Рухсат берсанглар ўзим бошласам. — Бошлайвер, — деди Улуғбек, — лекин чўзма, қаймоғини гапир.

— Қаймоғи... — Саид яна кулимсираб қўйди. — Тарозибон Қиём акани яхшилаб текшириш керак. Ўзиниям, тарозисини ҳам. Деҳқонларнинг топширган хосилларини тарозидан уради, деган гапларни эшитувдим. Пунктда ишлаганимизда бунга ишонгандай бўлдим. Биринчи кун ишлаганимизда машинада картошка топширгани келган чол эсинглардами? Картош-касини биз яшик қоқаётган айвон бурчагига уйиб кетганди. Ўша қирқ қоп картошка келтирган экан. Ҳар бир қопи камида етмиш кило. Қирқ қопи икки тоннаю саккиз юз кило бўлади. Қиём аканинг тарозисиди ўша икки тоннаю тўрт юз кило чиққанмиш. Тўрт юз кило қаёққа кетди? Ўша чол буни хуноб бўлиб гапирганини эшитганлар бор.

— Ундан бошқаларни ҳам қақшатган бўлса керак? — деди Улуғбек.

— Ана шунинг учун ҳам текшириш керак. Ўшанда бошқа нарсалар ҳам маълум бўлади. Менинг фикрим шу.

Улуғбек навбат ўзига келганини билиб гап бошлади:

— Пунктдаги тартиб менга мутлақо ёқмади. Келган сабзавотларни тез-тез шаҳарликларга жўнатишни ўйлашмайди. Помидор, пиёз, карамларни саралаётган бўлсак ҳам айниб қолаяпти. Бир марта Соқи амакига буларни шаҳарликларга жўнатмайсизларми, десам, қўявер, йигиб туриб, фермадаги молларга бериб юборамиз, дейди. Ҳайрон бўлиб қолдим. Бунда бир бало бор.

— Гапинг тўғри, — деди Саид. — Айниган сабзавотларни илгари фермага оширишаркан. Энди бу номерлари ўтмаётганга ўхшайди. Дадам бир айтувди. Бир тонна мол беришаркан-да, икки-уч тоннага қогоз олишаркан.

— Топган йўллари қаранг, кўзбўямачиликнинг ўзгинаси-ку. Буёқда ҳам шунақа ишлар бўлар экан-да, — деди Улуғбек хайрон бўлиб.

— Қинғирликнинг йўли кўп. «Милиция сержанти»ни кечагина ўқиб бўлдим. Ушанда ҳам кўп нарса айтилган. Бераман, ўқиб чиқасанлар. Бор гапинг шуми?

— Шунча нарса нобуд бўлаётганига одам ачинади-да, — деб қўйди Улуғбек. — Маҳалламиздаги дўконда эса бунақа нарсалар кам бўлганидан одамлар бозорга боришади. Буни телевизорда ҳам кўрсатишади. Ё гапим нотўғрими? Улуғбек менга қаради. — Сен ҳам билсанг керак?

— Биладан, Олой бозорига яқин тураман-ку, — дедим ўртоғимнинг гапини маъқуллаб. — Дадам билан тоҳо бозор қилгани чиққанимизда магазиндан яхши нарса тополмай бозордан оламиз. Магазинда борлари ҳам яхши бўлмайди, одамга ёқмайди.

Саид гўё мажлисни бошқараётгандай ўнг қўлини кўтарди:

— Оғайнилар, масаладан четга чиқиб кетманглар-да. Ҳозир участкавой амакининг топширигини бажаришимизни гаплашаймиз. Шаҳардаги дўконларга мол жўнатиш — катталарнинг иши. Биз ўзимиз сезган камчиликларни айтиб қўйсақ бўлгани. Чорасини ўзлари кўришади. Қани, Муҳаммад, гапинг борми?

— Бор, пунктда ўғривойлар уя қуриб олишган экан. Мана бугун битта ўғрини қўлдан чиқариб юбордик. Ҳалиям алам қилаяпти.

— Тушунтириброқ гапир. Қанақа ўғрини? — Улуғбек питирчилаб қолди. Саид ҳам кўзини узмай турарди.

— Машиналик ўғрини-да. Ҳаммамизнинг кўзимизни бақрайтириб туриб машинасига икки тоннадан кўпроқ сархил картошка ортиб кетди. Водопроводдан қўл юваётганимизда тарозига келган машина. Устига ўн беш-йигирмата карам ташлаб бердик. Номери ҳам эсимда турибди: 79 — 21 ТНЛ. Тарозибонга пора ҳам берди.

— Ростданми? — Саиднинг кўзи ўйнаб кетди.

Мен тахтадевор ортида Қиём ака билан шофёр бир-

бирларига нима деганларини гапириб бердим. Ёнимдан ҳеч нарса қўшмай борини айтдим. Улуғбек ҳам, Саид ҳам бақрайиб қолишди.

— Нега пунктда айтмадинг? — деди Улуғбек. — Ушлаб қолардик.

— Атайлаб айтмадим, — дедим мен. — Балки адашгаётгандирман, деган хаёлга бордим. Шофёр билан тарозибонни чўчитиб юбормаслик ҳам керак-да.

— Тўғри қилгансан, — деди Саид. — Участковой амакининг топшириғини тўғри тушунгансан. Ўша шофёр ўғирлаган икки тонна картошкаси билан узоққа боролмайди. Мабодо пунктда ғалва кўтарсак шофёр қўлга тушардию, шаҳардаги шериклари четда қолиб кетаверарди. Ўғрини ҳамма шериклари билан қўлга туширган яхши.

— Шерикларини қандай биламиз? — сўради Улуғбек.

— У катталарнинг иши. Машина номерининг маълумлиги катта гап. Бу гапни участковой амаки билса бўлди. Менимча машина—калаванинг учи. Уёғи бошқаларга бориб тақалса керак.

— Боя Толибдан айтиб юборсак бўларкан-да, — деди Улуғбек, — Дадаси орқали участковойга етказарди.

— Уёқ-буёққа чошиб юришимизнинг кераги йўқ, — деди Саид, — участковой амакининг ўзи бизларни топиб олади. — Шундан кейин ўрнидан турдида, бедапоя томонга кетаётган сигирини қайтаргани чопди.

— Овинг яхши бўпти, — деди Улуғбек. — Мен чирietган нарсаларга махлиё бўлиб, пайқаманганимни қара.

— Ўзим ҳам уларнинг гапини эшитиб қолмаганимда пайқамасдим. Ушанда юрагим дукуллаб кетганини бир кўрсанг. Одам уёққа ҳам, буёққа ҳам кетолмай қоларкан.

— Толиб сездимикин?

— Билмадим.

— У бир нарсанинг ҳисобини олиб юрибди. Пунктдагиларга қарашаётганимиз учун бизга ҳақ тўлашлари керак экан. Дадаси айтибди. Биздан нечта яшик қоққанимизни сўради. Саид ҳам неча яшик сабзавот саралаганимизни айтиб берди.

— Ноқулай бўлмасмикин?

— Мен ҳам шунақа десам қоидаси бор, бўлмаса

цулимизни ўзларига ёзиб олишади, дейди. Илгари бирикки марта шунақа бўлганида гап эшитишгай экан. Толиб бу ишни охирига етказамиз, деяпти.

— Бобом хафа бўлмасмикинлар?

— Ҳали бор гапларни бобомга айтамыз. Улардан бемаслаҳат қилмаймыз.

Саид ҳаллослаб келиб, ёнимизга чўкканди буни айтдик. У ҳам гапимизга қўшилди.

Кун қизариб ботаётган пайтда уйга қайтдик. Саиднинг сигири роса ўтлаганидан қорни катталашган, елини сутга тўлгандай тирсилларди. Фақат қўйларгина тўйдим нималигини билмай йўл-йўлакай ўт чимдиб келишарди...

... Бобом от қашлаётган эканлар бизни кўриб, отхонадан ҳовлига чиқдилар. Қўлларида темир қашлогич бор эди. Улугбек қўйхонанинг эшигини яхшилаб ёпди-да, иллагини солди. Шундан кейин бобом томонга юрдик.

— Ҳорманглар, азаматларим? — дедилар бобом. — Чарчамаянчисизларми, ишқилиб?

— Йўғ-е, — дедим уялинқираб. — Нега чарчарканмиз?

— Унда яхши. Ҳозир айна ерга урса кўкка сапчийдиган вақтларинг. Ишқилиб чарчаманглар. Ҳали участкавой сўраётувди: пункт тинчми ишқилиб?

«Сен айт», дегандай Улугбекка қарадим. У эса «ўзинг айт» дегандай имо қилди. Бобом эса икковимиз бир-биримизга ташлаётганимиздан кулиб юбордилар:

— Бўлди, бўлди, тушундим. Пунктдаги ишлар чалкаш. Бошдан-оёқ бир тартибга солмаса бўлмайди. Бириккита нобон одамлар ўралашиб қолган.

— Уларни ўғривой деса ҳам бўлади, — деди Улугбек. — Молни машинаси билан ўғирлашаркан.

— Ие, ие, қизиқ гап бўлди-ку. Қани, тушунтириб-роқ гапир-чи.

— Ўзинг гапир, — деди Улугбек менга.

Шундан кейин бор гапни айтиб бердим. Соқи амакидан арақ ҳиди гупиллаб келиши ҳам эсимга тушиб қолувди уни ҳам яширмадим.

Бобом соқолларини ямлаганча туриб қолдилар-да, кейин шошилмай дедилар:

— Гап буёқдалигини энди тушундим. Соқи бадбахтни ичкилик билан ўраб ташлаган экан-да, бу маккор. Оббо, лаънати-е! Барибир узоққа боролмайди!

Бувим айвонга дастурхон ёзган эканлар, келинлар, деб қолдилар. Ҳаммамиз қўлимизни ювиб айвон сари юрарканмиз бобом икковимизнинг бошимизни силаб қўйдилар:

— Эгри билан тўғрини вақтида пайқаганларинг кўп яхши. Халқ қинғир ишининг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деб бекорга айтмаган. Мана, кўрдинларми, Ҳақимжон касалхонага тушиши билан пунктдаги қинғирлар ғимирлаб қолишган. У бўлса бунақа ишларга йўл қўймасди, ҳарҳолда виждонли одам. Э, нафс қурсин, нафс. У одамни минг балоларга дучор қилади!

— Участковой амаки қачон келади, бува? — дедим секингина.

— Ҳали кўрувдим, унга ҳам анча-мунча нарса маълум экан. Хотирларинг жам бўлсин, ҳаммаси жойида бўлади.

— Ўша машинанинг номерини айтиб қўйиш керак эди-да.

— Айтамиз болам, айтамиз. Машина қаёққа борарди, дейсан. Шу атрофда ўралашишади-да. Мана кўрасан, пунктга ўғирлик мол олгани яна келади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлар.

Айвонга яқинлаб қолганимиздан бувим гапимизни чала-ярим эшитардилар. Шунинг учун нимани гаплашаяписизлар, деб сўрагандилар бобом, ўзимизни гапларни, деб қўя қолдилар. Бувим бошқа қизиқмадилар.

Овқатдан кейин, бобом, дам оллариинг, болаларим, чарчагансизлар, деб болохонага чиқиб кетдилар, биз бўлсак телевизордан хоккей кўрдик. Саид ҳам чиқди. У «Милиция сержанти» китобини олиб чиққанди. Ўрнига ўқиб туришга «Соҳибчангал»ни бердим.

Анчагача кўзимга уйқу келмади. Бояғи юк машинаси сира кўз олдимдан кетмасди. Шофёри ҳозир нима қилаётганикин? Ўғирлик молни қаерга туширганикин, кимга сотганикин? Қиём ака, хўжайин, дегани ким бўлди? Тўда бошлиғимикин? Улар анча-мунча бўлса керак.

Улуғбек ёнимда хур-хур ухларди. Уёқ-буёғимга ағдариламан, юзимни ёстиқнинг муздакроқ жойига қўйиб ётаман. Қани уйқум келса! Нуқул хаёл олиб қочади. Ё участковой амаки ўша машинанинг изидан тушиб, шофёрни қўлга олганмикин? Балки шерик-периклари билан ҳозир сўроқ қилаётгандир? Ундай бўлса эртага пунктга хабари етар?



... Кеч ётганимдан бўлса керакми ё кам ухлаганимданми бошим оғриброқ турдим. Тушим ҳам алоғ-чалоғ бўлди. Нималарни кўрмадим, дейсиз. Тушимда участкавой амаки ҳар биримизга биттадан тўппонча тутқизиб, пунктнинг тўрт томонига қўйганмиш. Шофёр билан «хўжайин»ни пунктнинг ўзида қўлга туширамиз, сергак бўласизлар, уларнинг қуроли бор, дермиш. Қиём ака йўқмиш, қочиб кетганмиш, Соқи амаки бўлса ичиб олганидан гандираклаб юрганмиш, менда айб йўқ, деб валдирармиш...

Нима туш кўрганимни Улугбекка ҳам, Саидга ҳам айтмадим. Устимдан кулишмасин, дедим-да. Йккови, қалай, яхши ухладингми, деб сўраганида, дуруст, деб қўя қолдим.

Уйдан чиқиб, пунктга қараб, сал юрмасимизданоқ орқамиздан оқ «Жигули» этиб келиб, ёнгинамизда «гийқ» этиб тўхтади. Шофёри, ҳорманглар, йигитлар, деб бошини чиқарди. Қарасам участкавой амаки, енгичалта оқ қўйлақда бизга илжайиб турибди.

Шошиб қолиб, сўраша кетдик. У ҳаммамиз билан қўл олишганидан кейин биздан ҳеч нарса сўрамади, фақат «79 — 21 ТНЛ»лиги тўғрими, деб кўз қисди.

— Тўғри, тўғри...

— Ўтиринглар, элтиб қўяман.

— Раҳмат, раҳмат.

— Омон бўлинглар, йигитлар! — «Жигули» шундан кейин олдинга ўқдай уча кетди.

Участковойни кўрганимиз яхши бўлди, бироқ у билан кўпроқ гаплашмаганимизга ачиниб қолдим. Иши кўплигидан шошилиб турган бўлса бордир. Балки кейинроқ гаплашар. Холироқ жойда гаплашсак борми унга албатта кеча тўқайда оператив кенгаш ўтказганимизни ҳам айтиб берган бўлардик, албатта.

— Участковой амаки шу ерда турадими? — сўрадим Саиддан. — Ажойиб одам экан. Нақ Штирлицнинг ўзи.

— Ажойибликка ажойиб, — жавоб қилди Саид. — Мактабимизга ҳам келиб, тез-тез суҳбатлар ўтказиб туради. Соқи амакининг тунов кун, соғлигим тўғри келмайди, деган жиянини ҳам тартибга чақирган.

— Ҳеч тартибга тушганга ўхшамайди-ку, — деди Улугбек.

— Илгари бундан ҳам баттар эди, текканга тегиб, тегмаганга кесак отарди. Ўзидан кичкиналарга кун

бермасди. Бир марта қўшнисининг уйига ўт қўйворишига сал қолган.

— Қандай қилиб? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Кичкина болалар билан ўт ёқиш ўйнабди. Катталар ишда бўлганда. Хайрият, Соқи амаки келиб қолиб, аранг ўчирибди. Бўлмаса ҳаммаёқ ёниб кетаркан.

— Тоғасининг гапига кирмайдими?

— Бир нима деса ҳингиллаб қолади. Ўша куни кўрдинг-ку. Ҳозир эрмаги мушук билан кучук. Ё унисини етаклайди, ё бунисини. Тоғаси ураман, деб бир-икки қувлаган ҳам дейишади.

— Ўқийдими ўзи?

— Номига ўқийди, бир кун борса уч кун йўқолиб кетади. Ундан ҳамма безор, фақат участкавойдан хайиқади.

Гап билан бўлиб, пунктга етиб қолганимизни ҳам сезмабмиз. Қоровул ота темир дарвозани ланг очиб қўйиб, сув сепаетган эканлар Саид челаққа ёнишди. Ота ҳарчанд унамасалар ҳам ахири олди...

Ҳали барвақт бўлганидан бирорта ҳам машина ҳовлида кўринмасди. Соқи амаки чап томондаги омборхона эшиги олдида турарди. Бизни кўриб, салом, дегандай қўл кўтарди. Будка бўш, ичкаридаги идорада бошлиқлар борми-йўқми билмадик.

Кўплашиб юриб, то тарозининг олдигача яхшилаб сув сепиб бергандик қоровул ота, икки дунёда кам бўлманглар, деб дуо қилди. Пунктнинг уч-тўртта ишчиси тўғридаги айвонда папирос тутатишиб ўтиришарди. Уларнинг олдига боргимиз келмади. Соқи амаки нима иш қилишимизни айтишини кутдик.

— Қиёмжон келмаяпти-да, — деб қўйди қоровул ота ниҳоят. — Ҳаммадан олдин кўринадиган одам бугун дараги йўқ.

Бу гап қулоғимга ўқдай кирди. Наҳотки, тушимда кўрганим ўнг келса? Шу пайт ичкаридан бухгалтер хотин чиқиб, қоровул отадан тарозибонни сўровди ота унга ҳам бизга ҳозиргина айтган гапини қайтарди.

Бухгалтер хотин бир нима демай ичкарига кирди.

Соқи амаки парвою палак кўринарди. У яқинимизга келиб, ўнгдаги омборга боринглар, помидор билан картошка саралайсизлар, деди-да, папирос чекишаётганлар томонга йўналди.

Омборхона томонга беш-ўн қадам босмовдик ҳамки қоровул отанинг: « Ҳай-ҳай, тўхта, бадбахт! » — дегани эшитилди. Ўша томонга қайрилиб қарасак...

Каттагина олапар думини хода қилган қора мушукни қувиб келарди. Мушук итдан қочиб кутулиб кетишга ҳарчанд уринмасин бўйнидаги чилвири имкон бермас, чунки нариги учи итнинг бўйнида эди. Ит бир нимадан жони оғриётгандай тинимсиз ғиншир ва бунга ғўе мушук сабабчидай унга ташланарди. Мушукнинг баттар ўтакаси ёрилиб, оёқларига зўр берарди.

Иккови ёнимиздан ғув этиб ўтиб кетди.

Саид кучукни таниб қолганидан кетидан югурди. Мушук бу пайтда тахта деворга яқинлаб қолганидан кутулиб кетиш пайида ўзини юқорига отдию, бироқ чилвир тортилиб пастга тушди. Ит унга етиб олди.

Итга қолса мушукни ғажиб ташлағудай эди. Бироқ мушук белини букчайтирди-да, қаттиқ пихилловди ит чўчиб орқага тисарилгандай бўлди. Саид шу пайтда уларга яқинлаб чилвирнинг ўртасидан ушладида, бир-бир тортиб, мушукни ўзига яқинлаштирди. Мушук тўрттала оёғи билан ерни тимдалаб келарди. У энди пихилламай қўйган, орага Саид тушганидан кўнгли тинчигандай кўринарди. Саид шунда унинг бўйинини чилвирдан бўшатганди зумда тахта девордан ошиб, ғойиб бўлди.

Ит Саидни таниганидан индамади. У қўшниси Насим аканинг ити экан. Шундай бўлса ҳам ҳамон тинчимас, негадир ғиншигани ғиншиганди.

Яқин борарканмиз итнинг думида нимадир ялтирагандай бўлди.

— Думига қара, бир нима ялтираяпти, — деди Улуғбек.

Чиндан ҳам итнинг думи танасига туташган жойида бир нима ялтирарди. Саид итнинг бўйнидан маҳкам ушлаб, ўша ялтироқ нарсани олди. У офтобга кир ёйганда ишлатиладиган қисқич экан. Қисқичнинг пружинаси кучли бўлганидан итнинг жонини оғритаётган ва бунда мушукни айбдор санаб уни беаёв қуваётган экан.

Ит бечора тинчиди қўйди.

Қоровул ота келиб, бор гапни билганидан кейин Соқи амакига ўшқирди:

— Шумтака жиянинг одам бўлмади-бўлмадида. Уни жониворларнинг уволи тутади — мана кўрасан. Итни ечиб юбор, уйига кетсин. Чилвирни менга бер, қўлимга тушса ўзини бойлайман.

Соқи амаки қоровулга бир нима демай қизарганча нари кетди. Биз омборхонага юрдик. У соя-

салқин, оператив кенгаш ўтказишга жуда боп эди. Бироқ кенгаш ўтказишнинг ҳозирда ҳожати йўқ, ҳамма ишлар ўз мароми билан кетарди.

Толиб пунктга ярим соатча кечикиб келди-да, қизиқ бир нарсани айтиб берди. Йўлда Соқи амакининг жияни Бакирни кўрибди. Қишлоқ фельдшери Салим ака башарасига кўкдори суртиб ташлаганидан таниб бўлмасмиш. Нима бўлди, деб сўраса индамабди. Қараса ҳаммаёғи тимдаланганмиш. Мушук билан қопга тушувдингми, деса тескари қарабди.

Энди ҳаммаси тушунарли эди. Бакир биз ўша кунни кўрган мушугини роса судраб азоб берган бўлса ҳам ўчини олган. Бугун итга маташтирганида башарасини тимдалаган бўлса ажаб эмас. Бунга роса кулгимиз келса ҳам Соқи амакига сездирмадик. Ўзи кейинроқ бўлса ҳам билгани маъкулроқ. Хайрият, қоровул ота ҳам уни чилвирга бойлашдан кутулибди. Тимдаланган башараси уч-тўрт кунда тузалмаса керак. Бечора бунақа башара билан кўчага қандай чиқади? Чатоқ бўлибди. На чора, ўзидан кўрсин.

Соат ўндан бошлаб, юкли-юксиз машиналар кела бошлади. Бир маҳал қарасам будкадан Қиём аканинг боши кўринаяпти. Ўзимча, хайрият, деб қўйдим. Бироқ у будкасидан деярли чиқмас, гўё бошқалар билан иши йўқдай эди. Бир ниманинг ҳидини билганмикин? Соқи амаки билан ҳам гаплашмасди ҳисоби. Машиналар юкини туширишга Соқи амаки ҳар кунгидай бошчилик қилар, юксиз келганларига қаердан нима ортишни кўрсатар ва бунга одам ажратарди.

Бир маҳал биз мол саралаётган омборхона эшигига бир машина кўндаланг бўлиб, шофёри ичкарига кириб келди. У кечаги гирдиғумдан келган «ўғривой» шофёр эди. Шофёр бизларга индамай Соқи амакини сўради, йўқлигини билганидан кейин ташқарига чиқиб кетди.

Фақат мен эмас, шерикларимнинг ҳам кўнгли тўқ бўлганидан бу машина билан ишимиз бўлмади. Ўзимизча уёқ-буёқдан гаплашиб, ишимизни қилавердик. Орадан бир пиёла чой ичгунча ҳам вақт ўтмай машина вағиллаб жойидан жилди. Назаримда нариги омбор томонга кетди. Дам ўтмай ўрнига бошқа машина келиб тўхтади. У қизил лавлаги олиб келган экан.

Толиб билан кечаги гапларни шивирлашиб олганимиздан ўзи ҳам бизга ўхшаб сир бой бермаслик пайида эди. Ҳатто ҳовлига чиққанимизда ҳам будка томонга қарамасдик. 79 — 21 номерли машина эса нариги ом-

бордан юк олаётганини узоқдан кўриб қолдим. Бироқ нима ортгани билан ишим бўлмади. Бўйни тузоқда бўлганидан кейин буёғи барибир эмасми. Узоққа кетолмайди-ку.

Пешинга яқин ҳовлидаги айвонда қоровул ота дамлаган чойни ҳўплаб ўтирганимизда кўк «Жигули» дарвозадан кириб келди-да, ундан қора кўзойнакли бақалоқ киши тушди. Соқи амаки уни кўрасолиб, лапанглаб қолди. Будқадан Қиём ака ҳам чиқиб келди. Сўнгра учовлари тарози томонга бир-бир кетишди. Соқи амаки уч-тўрт қадам ташлаганидан кейин негадир шошилиб, идорага кирди...

Қора кўзойнакли киши келганида 79 — 21 номерли машинанинг қораси ўчган, бошқа иккита машина нарига омбордан қўри оларди. Қиём ака келган кишига эгилиб-букилганича нималарнидир уқдирар, у эса парво қилмас, ахён-ахёндагина бошини салгина қимирлатиб кўярди. «Хўжайин» шу бўлса керак, — дедим ичимда. Унинг ўзини такаббуруна ва нописанд тутуши, бошқаларга парвойи палаклиги, босайми-босмайми, деб юриши ҳам шуни кўрсатиб турарди. У пунктда кўп бўлмади, изига қайтди...

«79 — 21» номерли машина пешиндан кейин яна юкка келди. Нима ортди, нима олди хабаримиз бўлмади. Кейин бошқа кўрмадик. Эртасига ҳам келмади, индинига ҳам. Қиём ака ҳам машина билан бирга гумдон бўлганга ўхшарди. Энди ўрнида бошқа тарозибон ишлар, у анчагина ёш, хушмуомила ва эпчил эди. Соқи амакидан Қиём акани сўрасак, тоби қочганмиш, даволанаяпти, деб қўя қолди. Уни бошқа айлантирмадик.

Хафтанинг охирида ҳаммамизни идорага чақириб, ведемостга қўл қўйдириб, ишлаган ҳақимизни беришди. «Олмаймиз», десак ҳам бўлмади. Бухгалтер опа, нега олмайсизлар, ишлаган ҳалол пулларингиз, ёрдам берганларингизга катта раҳмат, дедилар... Икки ҳафтада қирқ сўм ишлабмиз. Толибга биздан сал камроқ беришди, бир кун кеч келганди-да.

... Улдуғбек ҳам, мен ҳам ишлаган пулимизни бобом билан бувимга бердик. Олдин икковлари ҳам бизни, олганларинг олтин бўлсин, яхшиликларингга буюрсин, деб дуо қилишди, кейин эса, ҳукуматдан оладиган пенсиямиз ўзимизга етиб ортади, бу пулни асраб қўйинглар, китоб-дафтарларингга ишлатинглар, деб қайтаришди. Биз яна олмадик. Бувим шундан кейин асраб қўядиган бўлдилар.

Бобом пунктдаги янгиликлардан хабардор эканлар бизга сал учини чиқардилар. Шаҳарда олғирларнинг катта тўдаси қўлга тушибди. Қиём аканинг ўшаларга тегишли жойи бор экан сўроқ бераётганмиш. 79 — 21 номерли машинанинг шофёри ҳам ёнидамиш. Буни участкавой амаким айтибдилар, йигитларга ўзим бир йўлиқаман, дебдилар.

## Ў Н И К Қ И Н Ч И Б О Б

### БИНАФШАРАНГ БУЛУТЛАР

Пункт мудирини Ҳаким аканинг соғлиғи ёмонлашганидан докторлар ишлашга рухсат бермай курортга юборишибди. Ёши ҳам ўтиброк қолганидан катта-кичик билан маслаҳатлашиб, пенсияга чиқаришларини сўраб ариза берибди. Унинг ўрнига ҳам янги одам келди. У ҳам тарозибонга ўхшаб ишчан ва чаққон, ёши ҳали ўттизларга ҳам бормаган Маҳмуджон деган йигит эди. Ёши етганидан бўлса керак бухгалтер опа ҳам кексалик гаштини суришга отланди.

Энди пунктга келган одам уни таниёлмасди. Қиём аканинг будкаси бузиб ташланиб, ўрнига ойнаванд айвонча қурилди, ўзидан бошқа одамнинг кўзи тушмайдиган тарозиси электрон тарози билан алмаштирилди. У машинанинг граммгача аниқ кўрсатар, бу ҳамманинг кўз ўнгида эди. Шаҳардан икки машина комсомоллар келиб, пунктни чинни чироқдай қилиб тозалашди, айниган моллар йўқотилди, борлари аниқ ҳисобга олиниб, шаҳардаги магазинларга жўнатилди. Усталар эса иккита оғборхонага совутиш қурилмаларини ўрнатишга киришдилар. Шунда бир кило ҳам сабзавот айниб қолмас экан.

Соқи амаки уч-тўрт марта сўроқ бериб, аранг қутулиб келганидан жуда сиполашиб қолган, ичкилик деган нарсанинг яқинига йўламасди. У бир куни тимдаланган юзи анча-мунча тузалиб қолган жияни Бакирни олдига солиб келди-да, бизларга, сизлар билан баббаравар ишлайди, бўлмаса қунини кўрсатаман, деб очик айтди. Бакир индамас бўлиб қолган, фақат гап сўрасаккина жавоб берар, бошқа пайтда ишдан бош қўтармасди. Унинг ювош тортиб қолганига ишонгимиз келмасди. Бироқ анча-мунча ўзгариб қолганини кўзимиз

билан кўриб турганимиздан кейин ишонмай иложимиз қанча.

Пунктнинг тахта девори қулатилиб, сатҳи анча кенгайди. У ерда қурувчилар иш бошлашди. Мева-сабзавот экинлари кўпайиши сабабли бу ерда консерва цехи ҳам бўларкан.

Сабзавотларни саралаш ишидан ҳам қутулдик. Мол олгани келганлар тўғри далага боришар, ўша ерда керагини машиналарига ортиб пунктга фақат торттириш ва ҳужжат олишгагина киришарди. Юк тушириш ва қайта ортиш деган нарсалар тугади.

Совхоз директори Муҳаммаджон ака пунктга келиб, «ҳорма, бор бўл» қилдилар, кейин бешовимизни тўплаб, далада помидор пишиб, ҳаммани шошириб қўяётганини, иложи борича теришда қарашимизни илтимос қилдилар. Биз, бобом биладилар, девдик. Раис бува билан гаплашганман, майли кучлари етганча қарашисин, деб кўндилар, деган гапни айтди...

Мана бир ҳафтадирки, Носир аканинг бригадасида ишляпмиз. Қизариб пишган помидорларни челақка териб, яшиқларга авайлаб жойлаймиз. Эрта салқинда иш жуда яхши кетади. Помидорлар ҳам худди бизни кутгандай қулиб туришади. Челагимиз ҳам дарров тўла қолади. Кун қизиб кетганида дам оламиз. Бригадир амаки ҳар биримизга аяганларидан озроқ норма белгилайдилар. Биз бўлсак, катталардан қолишмасликка тиришамиз.

Бакирнинг башараси тузалиб қолди. Мушук тирнагани битиши қийин бўларкан. Юзида тирноқ излари қолганидан Бакир бечора юзимизга қараёлмайди, биз бўлсак кўнглини кўтарамиз, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, бирорта изи қолмайди, деймиз. Илгариги қилиқларини эсига солиб, ярасини тирнамаймиз. Буни билганидан ҳаммамизга ёқадиган ишлар қилишга уринади.

Бобом бедапояни сенокосилкада ўрдираяптилар. Ўрта ўрим беда жуда зўр бўлади, беданинг бор кучи ўшанга йиғилади, дейишади. Шунданмикин ўзлари қимирламай иш тепасида турибдилар. Шундай бўлса ҳам кунига бир-икки марта бизлардан хабар оладилар. Ўшанда яхши ишлаётганимизни кўриб, хурсанд бўлганларидан, ҳа, ўзимнинг болаларимдан ўргилай, деб қўядилар. Бобом Толиб, Саид ва Бакирни ҳам «неварам», дейдилар. Уларни ҳам бошқалар «Раис буванинг неваралари» дейишади.

Биз терган помидорларни кўпинча Рашид амаки

машинасида олиб кетади. Ўшандан иморат битиб қолдими, ўглингиз қачон келадилар, деб сўраб турамиз. Рашид амаки биз хашар қилгандан кейин Хайитвой амаки билан бўш пайтларида томини тунукага мослаб ёпаётган экан. Озроқ иши қолибди. Ўгли Ржаббой ака эса бир-ҳафта ўн кунларда келиб қоларкан. Ундан, ҳозир Термизда турибмиз, деган телеграмма келибди.

— Унда яна бир хашар қиларканмиз-да, — деди Толиб. — Чақирмасангиз ҳам борамиз.

— Менинг нормам турибди ҳали, — деди Бакир. — Бажармасам уйқум келмайди.

— Яшанглар, жигарларим, яшанглар, — деди Рашид амаки. — Шу гапларинг учун ҳам катта раҳмат. Бошим осмонга етди. Аканг келган куни тўй бошлаймиз. Ҳаммаси ичида.

Рашид амаки ҳар сафаргидай машина бортига лип этиб чиқдилар. Биз яшиқларни қўлма-қўллаб узатиб турдик. Ўзлари бир чеккадан чиройли қилиб жойладилар...

Бригадир Носир ака беш гектарли помидор пайкалига биздан бошқаларни киритмайдилар, буни «Раис буванинг набиралари»га берганман, дейдилар. Пайкални ўзимизники қилиб олганмиз. Пайхон қилмай бир бошдан помидорнинг қизарганларини авайлаб терамиз. Ишимиздан ҳозирча хафа одам йўқ.

Бакир ҳеч китоб ўқимас экан бизга қўшилганидан кейин қизиқиб қолди. Саид унга «Милиция сержанти»ни берганди икки кундаёқ туширди. Кейин «Соҳибчангал»ни узатдим. У беш-олтита китоб ўқиб қўйди.

Пайкалга уастковой амаки келиб, хабар олиб кетди. Биз уни «Жигули» машинасидан танидик. Машина пайкал тепасида тўхтаб, ундан эгаси чиққанида Бакирнинг ранги ўчиб, негадир титрай бошлади. Буни яқинроқда турганимдан дарров сездим-да, кўнглини жойига туширдим:

— Участковой амаки, шунчаки хабар олгани келган. Сенга индамайдилар, мана кўрасан, биз билан ишлаётганингдан хурсанд бўладилар. Юр, бориб кўришамиз.

Участковой амаки, ўзим бораман, дегандай имо қилдилар-да, шошилмай кела бошладилар. Қўлларида иккита қовун бор эди.

— Ҳорманглар, йигитлар! Мана бу ишларинг зўр бўлибди, қойил! — Кейин ҳар биримиз билан қўл



олишдилар. — Сизлардан бир хабар олай, дедим. Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди.

— Ўзингиз яхши юрибсизми? Чарчамаяпсизми? Соғлигингиз яхшими?

Штирлиц амаки «яхши-яхши», дедилар-да, Бакирининг елкасига қоқдилар:

— Мана шу ишингдан хурсандман, укам. Энди булардан сира ажралмагин. Айрилганни бўри ер, деган гап бор.

Бакир қизаринқираганича ердан бошини кўтармасди. Ҳозирда кўнглидан нималар ўтаётганикин?

Қовунни бизга Тўлаган бобо бериб юборибдилар ва салом ҳам айтибдилар. Участковой амакига «ўтиринг-ўтиринг» қилсак унамадилар, борадиган жойларим бор, дедилар. Айланадиган территориялари катта бўлса керак-да.

Хайрлашгани қўл узатганларида Толиб бирдан питиллаб қолди:

— Пайқамаганимизни қаранг-а, табриклаймиз, ўртоқ старший лейтенант!

Бир-биримизга қарадик. Участковой амаки оқ формада, погонларидаги юлдузлари ёнига биттаси кўшилган экан. Илгари аҳамият бермаганимиздан унвонлари битта ошганини пайқамаганимизни кўрмайсизми. Яхшиям Толиб бор экан!

— Биз ҳам табриклаймиз! — дедик олдинма-кейин.

— Раҳмат, раҳмат, укаларим. Сизларга ҳам омад тилайман.

«Штирлиц» амакини машина ёнигача кузатиб бордик.

Бакир ҳам олислаб бораётган кўк машинага ҳавас билан қарарди...

Бедапоянинг ўрилган бедаси офтобда қуригандан кейин машинада йиғиштириб олинди. Бобом шундан кейин ўзлари сув тараб қўйдилар. Бизларни бу ишга аралаштирмадилар.

Помидор жуда серҳосил бўлар экан. Бир бошдан териб, охирига етмасимиздан буёғи яна қизариб, тайёр бўлиб тураверарди. Сира кети кўринмайдигандай қайнаб чиқаверади. Биз неча марталаб териб, машинада жўнатсак ҳам худди қўл текизилмагандай ҳосили шигил эди.

Пайқалимизга совхоз директори ҳам, партком Козим ака ҳам келиб кетишди. Ишлаётганларингиздан хурсандмиз, бироқ узилиб қолманглар, офтоб уришидан

сақланинлар, деб тайинлашди. Биз офтобга ўрганиб кетганимизни, у жуда ёқаётганини айтувдик кулишди. Ўзлари ҳам дала офтобига ўрганиб кетганларидан кўркмай юришадида. Бобом ҳам шунақалар, иссиқ мияни қайнатгудай бўлса ҳам тап тортмай отда юраве-радилар.

Ишлаётган жойимиз Толибнинг уйига яқин бўлганидан гоҳо тушликни ўша ерда қилардик. Онаси Виктория холани бу ерликлар Василага дейишар, ўзи ҳам бунга ўрганиб кетгани. Василага хола ҳар сафар борганимизда, уйим тўлди, деб хурсанд бўлар ва топган-тутгани билан сийларди. Кун иссиқ, деб кўнмасак ҳам барибир қувват бўлади, деб сутга асал солиб ичирарди.

Бир марта Толиб ҳовлисидаги тангадек офтоб ўтказмайдиган садақайрағоч тагида ўтирганимизда биринчи фазокор Юрий Гагариндан гап бошлаб қолди. Гагариннинг биринчи бўлиб коинотда сайр қилганини майда бола ҳам билади. У ер куррасини бор-йўғи бир соатда айланиб чиққан. Фазо кемасида албатта. Кемасининг номи, адашмасам «Восток». У коинотга парвоз қилганида биз туғилмаган бўлсак ҳам биламиз, китоблардан ўқиганмиз.

Толиб Гагарин ҳақида билганларини айтиб бердида, кейин ўртага битта жумбоқ ташлади:

— Гагарин нимадан ўлган?

Ҳаммамиз мўм тишлаб қолдик. Тўғри-да, нимадан ўлган? Буни билмаслигим аниқ-таниқ. Бироқ дадамданми ё физика ўқитувчимиз Соли Ходиевичданми, Гагарин авиация ҳалокатида ҳалок бўлган, деган гапни эшитувдим. Лекин қачон ва қанақа самолётда, нима ҳалокат бўлганини билмайман.

Секин Улуғбекка қарадим. У пешонасини тириштирганича ўйга ботган, Саид билан Бакирдан ҳам садо чиқмасди. Толиб эса ҳаммамизни ўз ҳолимизга қўйиб, индамай жавоб кутарди.

— Қачонлигини билмайману лекин авиация ҳалокатида ўлган, деб эшитганман, — дедим пича кутиб.

— Бу менинг ҳам қулоғимга кирган, — деди Улуғбек. — Бироқ аниқ билмайман.

Бакир эса нафасини ичига ютди.

— Буни ўзим ҳам эшитганман, — деди Толиб. — Бироқ очигини айтсам ишонгим келмасди. Мана, ўларинг ўйлаб кўринлар: шундай уста фазокор авиация ҳалокатининг қурбони бўлса? Парашютда ташласа

бўларди-ку? Нега унақа қилмаган? Фазокорлар парашюта ташлашнинг устаси бўлишади. Тўғрими?

— Тўғри, — деди Улуғбек шоша-пиша.

— Нега биринчи фазокоримизни сақлаб қололмадик, деб кўп ўйлардим. Мактабдаги муаллимлардан ҳам, дадамдан ҳам шуни сўраб, жонларига тегардим. Улар Гагарин ҳақидаги китобларни ўқишни маслаҳат беришарди. Тониб ўқирдим саволимга жавоб тополмасдим.

— Гагарин неча ёшида ўлган ўзи? — сўради Бакир негадир қизариб.

— 1967 йил 27 мартда, ўттиз уч ёшида, — деди Толиб. — Газеталарда «авиация ҳалокати»дан бошқа нарса айтилмаган, китобларда ҳам.

— Сабабини ахири топдингми? — сўради Саид. — Топган бўлсанг бизларга ҳам айт билиб олайлик.

— Шошилма, ҳаммасини билан оласан, — деди Толиб. — Мен бу ерда бошқа бир нарсани айтмоқчиман. Гагариннинг ўлими ҳақидаги бор гаплар негадир нақ йиғирма йил сир сақланди. Математика ўқитувчимиз Саида опа ҳам саволимга жавоб бераман, деб кўп нарсаларни роса титкилади-да, ахири топди. Кейин менга айтиб берди. Журналдаги мақолани топиб ўқидим.

— Бизга ҳам айт.

— Гагарин Сергей Серегин деган шериги билан икки кишилик ҳарбий самолётни сақлаб қоламан, деб ҳалок бўлган экан. Москва яқинидаги бир қишлоқ атрофида учаётганларида оғир бир машқни бажаришибди. Ўшанда осмонда булут олти юз метр баландликда экан, ерни яхши кўролмай самолётни шўнғитишибди, ўнглашда икки секундга кечикишибди. Самолёт қайинларнинг учини қиличдай қирқиб, ерга санчилибди-да, портлаб кетибди. Бор гап шу. (Ҳозир сизларга ўшанинг суратини кўрсатаман.)

Толиб ичкаридан оқ муқовали қалин журнал олиб чиқди. Номи «Наука и жизнь» эди. Ўшанда қишлоқ яқинидаги учи қирқилган дарахтларнинг сурати, портлашдан ҳосил бўлган катта чуқур ва Гагарин билан Серегинга ўрнатилган ҳайкал тасвири бор эди.

— Ҳа, яна бир гап, — деди Толиб, — самолёт икки секундда юз эллик метр пастларкан. Ана шу икки секунд уларнинг бошига етган.

Ҳаммамиз беихтиёр хомуш тортиб қолдик. Шундай улуғ ва жаҳонга таниқли одам шериги билан

икки секунд туфайли ҳалоқ бўлса-я. Биз эса гоҳо соатлару кунларнинг қадрига етмаймиз, вақтимизни беҳуда ўтказамиз. Шунини ўйлаб, ўзимдан ўзим уялиб кетдим.

— Раҳмат, оғайни, — дедим Толибнинг қўлини қисиб. — Кўзимизни каттароқ очиб қўйдинг. Шу пайтгача буёғини билмай юраверган эканмиз.

Гапимга бошқалар ҳам қўшилишди...

Бир ҳафта ҳа-ҳув дегунча ўтиб кетди. Помидор пайкали қилт этмай турар, кўрган одам, ҳосили терилмабди, дейиши турган гап эди.

... Рашид амаки терган помидоримизни кун ботарга яқин олиб кетди. Бўш яшиқларни бир ерга тахлаб қўйдик-да, уй-уйимизга тарқалдик. Толиб Бакир билан бирга кетди. Биз учовимиз қўйларимизни кечки салқинда пича ёймасак бўлмасди. Помидор териш орасида бир кучоқдан ўт юлиб қўйгандик. Ўшаларни кўтариб йўлга тушдик.

Уйга борсак ҳовли тўла меҳмон. Улуғбекнинг дадаси, ойиси, синглиси, дадам билан ойим, яна бир меҳмон хола. Ўтти қўйхона олдига ташладигу айвонга югурдик. Улуғбекнинг ойиси билан ойим айвондан шошапиша тушиб келишарди. Соғинишиб қолганимиздан бағриларида чикқимиз келмасди...

Бобом ҳаял ўтмай келдилар. Саиднинг отаси билан онаси ҳам чиқишди. Биз Дилфуза билан Бахтиёрни олиб, болохонага чиқиб кетдик. Катталар пастда роса чакчақлашишди...

Эртасига ота-оналаримиз икковимизни шаҳарга олиб кетмоқчи бўлишди. Улуғбек билан кечаси гапни бир жойга қўйганимиздан ўзимиздан гап сўрашларини кутдик.

— Иккови ҳам катта йигит бўлиб қолишган, — дедилар бобом ниҳоят, — Ўзларидан сўраб кўринглар. Кетаман, дейишса йўлларини тўсмайман.

Бобом жуда тўғри гапирадилар-да. Бу ерда қолиш-қолмаслик ўзимизнинг ихтиёримизда-ку. Нега энди дала ҳавосига энди ўрганганимизда шаҳарга кетарканмиз? Саид, Толиб, Бакир биздан хафа бўлишмайдими? Пайкалдаги ўзимиз авайлаб тераётган помидорларнинг ҳоли нима кечади? Носир амакига август охиригача қишлоқдан қимирламаймиз, деб ваъда берувдик-ку? Энди ёлгончи бўламизми?

— Кетамизми, Улуғбек? — деди дадаси, — Шаҳарни соғинмадингми? Бу ерда зерикмадингми?

Улуғбек «йўқ» дегандай бош чайқади. Бундан она-си хайрон бўлиб, ялт этиб бобомга қаради.

— Болани ўз ҳолига қўйинг, келин, — дедилар бобом. — Энди ўзига келаяпти. Ўртоғи билан анча-мунча иш қилди. Сизларга пул-мул ҳам ишлаб қўйди.

— Булар ойлик олишаяпти, — дедилар бовим. — Аргамчига қил қувват, дейдилар. Ўзларининг корига яратасизлар.

Қатталар бир-бирларига қарашди. Дадам, кетасанми-қоласанми, девдилар. Қоламан, дедим.

Бобом Улуғбек икковимизнинг бошимизни силаб:

— Баракалла, азаматларим, — дедилар.

Ҳозир қишлоқдан кетолмасдик, битмаган чала-чул-па ишларимиз кўп эди. Бобомни ташлаб кетишга сира кўзимиз қиймасди. Кўпроқ иш билан бўлиб, суҳбатларини яхши ололмагандик-да, Генерал Раҳимов ҳақидаги хотираларининг тахи бузилмай турар, бир марта сўраганимизда, ишлардан сал қутулиб олайлик ҳаммасини айтиб бераман, дегандилар. Шаҳардан атайлаб келганимда буларни эшитмай кетавераманми? Ундан ташқари бобом машҳур артист Шукур Бурхонов билан ҳам қалин бўлган эканлар. Етмишга кирганларида ҳамқишлоқларига дастурхон солганларида давра роса қизиган, ашула-аскиялар бўлган, Шукур Бурхонов ҳам ўртага чиқиб, «Бой ила хизматчи»дан Гофирнинг машҳур монологини ўқиб, ҳамманинг олқишини олибди. Буни Бекпўлат амаки айтиб берди. Рашид амаки эса ўшанда Шукур акага бақа бўлиб қолган экан...

— Бобода иш кўп деганди Бекпўлат ака. — Тўхтасин Жалилов деган «Тоҳир-Зухра»нинг музикасини ёзган композитор ҳам яхши ошнаси эди. Танбурни қойил қиларди раҳматлик. Бир марта танбур чалганида булбул учиб келган. Галма-гал олишган. Бунақа тортишишни биринчи кўрганимиздан ҳаммамиз лол бўлганмиз. Бир сафар булбул наво қилса сўнгра Тўхтасин ака танбурни сайратарди. Ўшанда булбул енгилганидан танбурнинг қулогига қўнганди...

Оқсоқолнинг ўзлариям гоҳо дуторни қўлга олади-лар. Бир эшитинглар-а, маза қиласиз...

Бобомнинг дутор чалганларини эшитмай қайга борамиз? Тўлаган отанинг қовунполизига ҳам бормасак бўлмайди. Ваъда берганмиз. Бакир ҳам, бир боринглар, деб ҳиқиллаб юрибди. Хўп, деганмиз. Қўлимиз сал бўнсаа бориб қарашамиз. Биз боп хашарлик иш топи-

лар. Тўпимизга олганимиздан кейин ташлаб қўймаймиз-да.

Хуллас, бу ерда ҳали ишимиз кўп. Дадаларимиз ва ойиларимиз қолишса уларга ҳам иш топилади. Афсуски, бунинг иложи йўқ; ишга тушишлари керак...

Катталар шаҳарга қайтиш тарадудини бошлашди. Дилфуза, қоламан, деб хархаша қила бошлади, ойиси, эса, бу ерда нима иш қилардинг, халақит берасан, халос, дегандай уришиб берди. У эса барибир ҳиқиллашини қўймади. Бувим шунда, ёнимда юради. Хулқар бугун-эрта келиб қолса бирга ўйнашади, деб ўртага гушдилар.

Ойиси кўнишга мажбур бўлди, бироқ жуда кўп нарсани қулоғига қуйди. Дилфуза, айниб қолмасинлар, деганиданми барига хўп-хўп деб тураверди.

Кун тобора кўтарилиб келарди. Қўлимни пешонамга қўйиб осмонга қарасам шимол томондан увадасимон булутни шамол қувиб келаётгандай туюлди. У қаердан пайдо бўлдийкин? Осмон ҳар куни беғубор бўлардику. Ё бу шунчаки ўткинчи булутмикин? Офтоб булутни ялтираётганидан у тусин ўзгартириб, дам оқиш, дам бинафшарангга кираётганга ўхшарди. Ё менга шундай кўринаётганмикин? Ажаб...

Улуғбек, далага кетайлик, дегандай ёнимда турарди. Бобом бу сафар ҳам оғиримизни енгил қилдилар: — Борақолларинг, азаматларим, ўртоқларинг кутиб қолишмасин. Лекин эҳтиёт бўлинглар!

Ота-оналаримиз билан тезгина хайрлашдик-да, ҳовли этагига учдик. Помидор терадиган челақларимиз ўша ерда эди.



ҲИҚОЯЛАР



## ИЛОННИНГ МЕХРИ

— Тирик жон борки мехрга мухтож, қўзичоғим. Қўнғиз боласини «оппоғим», типратикан эса «юмшоғим», деркан. Буни ардоқлаганидан айтади-да.

Жониворлар ҳақида ривоятлар бисёр. Анча-мунчасини эшитгансан, биласан. Ҳозир сенга эртақ эмас, бошимдан ўтган бир воқеани айтиб бераман.

— Тўққиз-ўн яшар пайтим. Мактабда ўқисам ҳам ўлгудай ўйинқароқман. Кўчадан бери келмасам, дейман. Ўзимга ўхшаган ўртоқларим билан қундуз қуни ҳам беркинмачоқ ўйнайман, дов-дарахтларга тирмашман. Э, ўша пайтларда кўп ҳунарлар кўрсатганман.

Уйимиз Эски шаҳарда, ҳозирги Октябрь бозорига туташ Сақичмон маҳалласида эди. Ёзда далага кўчиб кетардик, бизга ўхшаганлар мактабда қишдагина ўқирди. Кўктерақ қишлоғига яқинроқ жойда дала ҳовлимиз бўларди.

Кўклам келди дегунча дала ҳовлида иш бошланади. Наврўз шарафига сумалак, ҳалим қилинарди, далага қўш чиқарди. Биз бўлсак ток очиб, ер чошиб, экин экардик. Ўзи ердан қор кетиши билан деҳқоннинг ҳаловати бузилади, то кеч кузаккача тинмайди. Биз ҳам олдиниға далага қатнаб ишлардик. Қунлар исиши билан бутунлай кўчиб, қишга яқин қайтардик.

Дала ҳовлимизнинг кўпчилик қисми тоқзор бўлганидан ишдан бошимиз чиқмас, кучимиз етмаса қарин-



дошларни хашарга айтардик. Ишқомларнинг пая-бағазларини икки-уч йилда янгилаб турмаса бўлмайди, кўпчилиги чириydi. Боғни айлантириб тол экканимиздан пая ўзимиздан чиқарди. Орта кўни-кўшниларга улашардик.

...Ўша йили кўклам эртароқ келди. Дала ҳовлидаги ишларга ҳам барвақтроқ киришдик. Дадам иккита акам билан мени ҳам дала ҳовлига бошладилар. Ўшанда кичик амакимнинг Соли деган ўғли бизга эргашиди, Боришни ўзи хоҳладими ё отасидан дадам сўраб олдиларми — билмайман. Ўзим Соли бирга бо-раётганидан хурсанд эдим.

Дала ҳовлида қумғонда чой қайнатиб ичдик, кейин ишга тушдик. Дадам акаларим билан тоқ очиб, наваларни тараб, бойлашадиган, Соли икковимиз бир ҳафта бурун қирқиб, ташлаб қўйилган пая-бағазларнинг пўстлоғини шиладиган бўлдик. Дадам шаҳардан, томоқ қақраганда ичамиз, деб бир ҳурмача қатиқ кўтариб келгандилар. Йўлда азбаройи асраганларидан акаларимга ҳам ишонмагандилар. Ўшани ўртадаги ишқомнинг биринчи поясига осдилар. Ҳурмача ўтириб, пўстлоқ шилаётган жойимиздан яққол кўрниб турар, оралиқ ҳам узоқ эмасди.

Тоқ новдалари пўстлоқ билан бойланади. Сал сўлитилган ёки сувда турган пўстлоқ навдани маҳкам тутади. Қирқилган пая-бағазнинг пўстлоғи уч-тўрт кундан кейин жуда енгил шилинади, суви сал қочади-да. Тажрибали соҳибкорлар доимо шунақа қилишади.

Катталар олдинига бизга пича қарашишди-да, шилган пўстлоқларини белларига қистириб, тоқ очиб, навда тарашга тушишди. Улар энди нариги бошга анча илгарилаб кетишганди. Соли икковимиз ишга бошида астойдил киришсак ҳам кўп ўтмай совидик. Зерикдик шекилли, бир-биримизга майда кесак отиб, тегажаклик қилдик, ҳингиллашдик... Катталарнинг овозлари яқинроқдан эшитилиб қолгудай бўлса майнавозчиликни йиғиштириб, иш бошлардик. Ишламасак бўлмаса. Катталар чақириб, «пўстлоқ, пая-бағаз» дейишса бараварига югурардик.

Пўстлоқ шилавергандан кейин бош бармоқ тирноғи зирқираб кетади, унга зўр келади-да. Ўшанақа пайтларда ичимда, бир бало қилиб, шаҳарда қолсам ўлармидим, дейман. Маҳаллада тенгқурларим билан ўйнаб юрган бўлардим-а. Назаримда ўша топда ўзимга ўхшаб

нима қилишини билмаётган Содиининг кўнглидан ҳам шунақа нарсалар ўтарди.

Жиндай дам оладиган бўлди. Кесак отиш ҳам жонга тегди. Копток бўлганда ҳам бошқа гап эди. Полками ё бошқа нарсами ўйнардик. Чилдиримиз шаҳарда қолган. Олиб келганимизда ҳам барибир катталар бизни бемалол ўйнатиб қўйишмасди. Ҳар нафас ғанимат бўлиб турган пайтда ким ҳам бизни бўш қўярди дейсиз.

Чуқур бир эснадим. Соли юк кўтариб елкалари қотиб қолган одамдай қўлларини ёзиб керишди. Нима қилсак бўларкин? Икковимизнинг бошимиз қотган, ҳаёлимизга эса дурустроқ бир нима келмасди.

Хайриятки, катталар нарида бўлганларидан бекор ўтирганимизни пайқашмасди. Поя уюми ҳам бизни бир оз пана қилиб турарди-да.

Соли шилган пўстлоқларини яқинроқ суриб, ён-бошлаб олди.

— Жуда зерикаяпман, — деди у. — Ке, эртақ айтиш ўйнаймиз.

Гапи менга ёқди:

— Майли, бошлаш сендан. Айтиб бўлгунигча ўйлаб оламан-да.

Солига бу гапим наша қилди:

— Жуда олдинг-ку. Билганингни айтасан-да, янги-сини тўқирмидинг?

Мен ҳам бўш келмадим:

— Тўқийманми-ўқийманми — ўзимнинг ишим. Сен билладиганни айтмайман-да.

Соли ичида, анча-мунча эртақ билладиганга ўхшайсан-ку, дегандай хавотирли қараб қўйди. Кейин бошини кўтариб, эртагини бошлади:

— Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, қадимги замонда бир подшо ўтган экан. Ўша подшонинг биттагина ажойиб...

Солининг бирдан ранги қув ўчиб, дами ичига тушди. Кўзи нимагадир тикилганича қолган, тили эса сўзга келмасди.

— Тинчликми, нимага бақраясан?

Соли кўзи ола-кула ҳолда аранг гўлдиради:

— И-и-илон...

— Илон? Қанақа илон? — ўзимнинг ҳам эхонам чиқиб кетди.

Солида мажол қолмаган, кўзини аранг пирспиратарди. У қараётган томонга ўтирилганимда эгим жимирла-

шиб кетди. Беш-олти қадам нарида қоп-қора илон ўрмалаб кетарди.

Ўрнимдан қандай туриб кетганимни ҳам билмайман. Илон кўришни ким ўйлабди, дейсиз. «Қўрққанга кўша кўринар», деган гап бор. Қўрганимиз бир кулчага етар-етмас чиפור илон бўлса ҳам ўшанда нақ кичкина аждардай туюлганди-да. Э, одам қўрққанда нималар бўлмайди.

Ўзим билан бўлиб, Солига қарамабман. У ҳам туриб олганди. Бир-биримизга термулиб турар, нарига қочишни ҳам, жойимизга ўтиришни ҳам билмасдик. Лекин бир нарсани — тиззаларим қалт-қалт қилаётганини аниқ сезардим.

Шу пайтда дадам анча наридан:

— Пўстлоқ обкелларинг! — деб қолдилар.

Икковимизга жон кирганидан барабар пўстлоққа ёпишдик. Илон бу пайтда кўздан йўқолган, инигами ё бошқа бирор ёққами уриб кетганди. Шунда ҳам барибир хавотирда эдик. Солининг ҳам юраги пўкиллаб турарди чоғи.

Шилга пўстлогимга қарасам кам. Ўшани ликиллатиб олиб борсам дадамдан гап эшитаман. Бир йўлини топмасам бўлмайди. Ўйлаб-ўйлаб ахири Солига ялиндим:

— Жон ўртоқ, сен ташлаб келақол, илонни ўзим пойлаб тураман.

Соли ўзимни мард кўрсатишга уринаётганимни сезиб турса ҳам сир бермади:

— Майли, зув этиб ташлаб келаман-да, кейин бирга ўлдираимиз.

— Нега?

— Илонни кўрганда ўлдириш керак. Бўлмаса чақади.

Тирноғимгача музлаб кетди, қани нафасим чиқса. Э, мардлик қилмай кетай. Дир-дир титраганимча каттароқ пояни олдим. Илон келса соламан-да. Қарасам нарида яримта пишиқ гишт ётибди...

Соли пўстлоқни бағрига босганича чошиб кетди. Пояни маҳкам ушлаганча уёқ-буёғимни аланглайман. Илон кўринмайди. Барибир тинчимайман. Яқинроқдан лоп этиб чиқиб қолса-я, деб хавотирга тушаман. Чақса тил тортмай ўламан-ку.

Хаёлимга бир-биридан дахшатли нарсалар келарди.

Соли тезгина қайта қолди. Югурганиданми

ё ҳаяжонланганиданми юзи бўғриқиб кетган, ҳарс-ҳарс қиларди.

— Илон кўрганимизни уларга айтмадим, — деди у нафасини аранг ростлаб. — Ўлдириб, кейин айта-миз. Ўшанда раҳмат дейишади.

Солининг гапида жон бор эди. У тезгина битта пояни қўлига олди. Шундан кейин пўстлоқ шилиш буюқда қолиб, илоннинг изига тушдик.

Илон қорасини кўрсатмас, қаёққадир гумдон бўлганди.

Ҳаммаёқни тит-пит қилсак ҳам тополмадик. Ёзги уй, айвон, ошхона атрофларини қараб чиқсак ҳам тополмадик. Ҳовлида тўнкарилган декча турарди. Поянинг учи билан кўтариб қарадик. Йўқ.

Нима қилдик, қаердан қидирамиз? Ё қўшни томонга ўтиб кетганмикин?

Ҳафсаламиз пир бўлганича жойимизга юрувдик декча яқинидаги қуриган райҳон тагида нимадир гимирлагандай бўлди. Поямга ёпишиб, Солига имо қилдим. У ҳам фаҳмлади. У ўнгдан, мен чапдан райҳонга яқинлаша бошладик. Райҳон тагидаги илонмикин ё бошқа нарсамикин? Пояларимиз учи билан райҳонни сал қайиргандик... Нима десам бўларкин? Жуда ғалати аҳволда қолдим, мисоли баданимни чумоли босгандай бўлди. Бироқ бу қўрққанимдан эмас, асло! Сизга айтсам, райҳон тагида қимирлаган нарса илон эмас, унинг... болачалари экан... Тўртта ё бешта. Илон кўкламда бола-лайди-да.

Ўша пайтгача илон болаларини кўрмагандим. Соли ҳам менга ўхшаган экан. Ҳамма нарсанинг, ҳатто газанданинг боласи ширин бўлади. Илон гарчи хунук махлуқ бўлса ҳам болалари ўша топда кўзимизга жуда чиройли кўринди.

Улар гимир-гимир қилишар, бироқ райҳон тагидан юқорига, ҳовлига чиқишмасди. Онаси гўё уларга, шу ердан қимирламанглар, деб тайинлаб кетгандай. Ҳали кўрганимиз буларнинг онаси эканлиги турган гап. Ҳозир болаларига овқат излаб юрган бўлса керак.

Шунда Соли мени яна чалғитди. Илгарироқ фаҳмлаганимда борми ўлсам ҳам гапига кирмасдим.

— Менга қара, — деди у, — илончаларни декча тагига қамаймиз. Кўра-миз, онаси топармикин ё топмасмикин?

Соли, нима дейсан, дегандай оғзимга тикилиб турар-

ди. Ростини айтсам ўшанда ўзим ҳам болалигимга бориб, ўртоғимнинг гапига қизиқиб қолган эканман.

— Майли, — дедим ахири, — лекин ўлдирмай-миз. Етим қолишмасин.

Ҳозир қиладиган ишимиз илонга қаттиқ озорлигини хаёлимизга ҳам келтирмабмиз. Соли декчани оёғи билан яқинроққа сурди, кейин яқинроқда ётган чўлтоқ супурги билан илончаларни бир-бир тўдалади. Икковлашиб декчани илончалар устига авайлаб ёпдик.

Иш битди. Энди буёғи нима бўларкин, кўрайлик-чи, деб айвонга чиқиб турдик.

Орадан кўп ўтмади. Она илон юраги болалари қамаб қўйилганини сездими ҳарҳолда зумда қаёқдандир пайдо бўлди. Буни райҳон туплари қимирлай бошлаганидан пайқадик. Ўша ерда илоннинг дам боши, дам думи кўришиб қоларди. У ҳозирда болаларини тополмай ўзини ҳар ёққа урарди.

Соли икковимиз сал хавотирда бўлсак ҳам маҳкам турардик. Ҳозирда дунё кўзига тор бўлган илон жон аччиғида ҳар нима қилиши, ҳатто бизларга сапчиши ҳам мумкин эди-да.

Илон ниҳоят райҳон тагидан чиқди. Декча томонга ўрмалаб, бир метрча қолганда ерга бошини қапиштирганича қотди. Нега бунақа қилдийкин? Болаларимнинг изидан тўғри келаяпманми, деб ўзини синаб кўраётганмикин? Билмадим. Ҳарқалай бир нафасдан кейин декчага ўрмалай бошлади. Тепасига чиқди, атрофида айланди. Кейин танаси билан декчани чулғаганича ётаверди. Кўзлари бир томонга қараса ҳам дарди дунёси қоронғилигидан ҳеч нимани кўрмасди ҳисоби. У юм-юм йиғлаётганга ўхшар, кўзлари офтобда бамисоли олмосдай ялтираб кетарди-да.

Илон яна декча теварагида жон-жаҳди билан айлана бошлади. Энди уни тўхтатиб қоладиган қуч топилмайдиганга ўхшарди.

Жойимизда қимирламай турганимиздан илон қанча чарх урганини билмайман. Тинкаси куридимиз ё болаларини кўришдан умидини бутунлай уздимиз тўхтади. Сўнгра биз пўстлоқ шилган томонга жон-жаҳди билан ўрмалаб кетди. Илон очиқ жойдан кетар, ҳозирда ўзини ўйламасди ҳам. У қатиқли ҳурмача илинган ишқомга чирмашди...

Буниси қанақа бўлди? Наҳотки илон қатиқ ичиб, ташналигини босмоқчи бўлса? Йўқ, ҳозирда бутун ву-

жуди ёниб, алангаи оташ бўлса ҳам қатиқ ичиш хаёлига келмас. Қатиққа заҳар солмоқчи?

«Ўйчи ўйини ўйлагунча таваккалчи ишини битади», деганларидек илон бошини хурмачага тикиб ишни қилди. Соли ҳам унга қараб турганидан:

— Хурмачага заҳар солди! — деб юборди.

Шундагина илоннинг дилини ёмон оғритганимизни ва биздан ўчини олаётганини тушундим.

Илон олдидаги айбимизни ювмасак бўлмасди.

— Жон ўртоқ, — дедим Солига, — мен қараб турман, — декчани ағдариб қўй. Болаларини топсин.

Соли ҳам қилмишимиздан афсусланиб турган экан лип этиб, декчани ағдариб келди. Илончалар энди офтобда ғимир-ғимир ўйнашарди.

Она илон бу пайтда ишкомдан пастга ўрмалади.

У тезроқ қайтаётганини кўриб турардик. Болаларининг иси димоғига кирдими ё дили бир нимани сезди-ми — билмадим. Зумда болачалари ўйноқлашаётган жойга етиб, ҳаммасини бағрига босганча кулча бўлиб олди.

Бизнинг ҳам дилимиз ёришди. Унинг аранг топган оромини бузишни истамасдик. Болаларини топганидан юраги қоқ ёрилиб, эс-ҳушини йўқотган бўлса ҳам ажаб эмас-да.

Бахтиёр она-болаларга ҳавас билан тикилардик. Буларнинг тинчини қайси азамат буза олади? Назаримда илон болаларини қучоқлаб, ҳиқ-ҳиқ йиғлаётганга, илончалар эса, йиғламанг, ойижон, биргамиз-ку, деб юпатишаётганга ўхшарди. Ўшанда ўзим ҳам бир хил бўлиб кетдимов.

Соли биқинимга сал туртгандай бўлди. Илон яна қимирлаб қолди. У болаларини райҳон томонга бошлаб, кўздан пана қилди.

Буёғи нима бўларкин? Илон болалари билан шу ерда қолармикин ё бошқа ёққа кетармикин? Бу ёғи унинг ихтиёрида. Энди ўзига ҳам, болаларига ҳам тегмаймиз. Бемалол юришаверсин, хоҳлаган жойларига боришсин.

Соли яна туртди. «Нима» дегандай қарадим. У индамай қўли билан хурмачали ишкомни кўрсатди.

Илон яна ишкомга ўрмалаб чиқарди. Нима қиларкин унда?

Илон бу сафар хурмачага бошини суқмади. У хурмача боғичини искаётганга ўхшар, боши сал-пал тебраниб турарди.

«Тап» этган овоздан чўчиб тушдик. Боғичи узилган хурмача пастга тушиб синганди. Илон эса тепада уёқ-буёққа алангларди. Кейин кўринмай қолди.

Айвонда тек туравердик. Ахири пастга тушиб, жойимизга шшилмай бордик. Хурмача синиб, қатиқ атрофга сочилибди. Илон заҳри тушганидан қатиқ саргайган, баъзи жойлари қорайиб кетганди.

Девор тагидаги калта сопли кетмон билан чуқурча қазиб, хурмача синиқларини ва қатиқни сидириб кўмдик. Новда тарашаётган катталар ваҳимали бошланиб, кети некбинлик билан тугаган бу воқеадан беҳабар эдилар.

Одам айниқса болалигида бир нарсадан қаттиқ таъсирланса умр бўйи унутолмайди. Орадан етмиш йил ўтганига қарамай, ўзим ҳам бу нарсани ҳамон эслаб келаман. Худди кеча юз бергандай кўз олдимда турибди. Илон хурмачани атайлаб синдирганини ўйласам чинакамига қойил бўламан. Бундан ортиқ олижаноблик бўладими?

— Буни катталар билишдими ё билишмадими?

Бобо мийиғида қулди:

— Салдан кейин пўстлоқ шилишга тушсак ҳам юрагимиз така-пука эди. Шунда бор гапни айтишга аҳд қилдик.

...Дадам бўлган воқеани диққат билан эшитдиларда, акаларимга оғиз очирмай:

— Буни умрбод унутмагин! — дедилар.

Бор гап шу.

Муҳаммад бобо олис-олисларга нигоҳ ташлади. Ҳозирда кўзига нималар кўринаётганикин? Эҳтимол, бошидан ўтган яна бир ажойиб воқеани эслаётгандир?

## ЧИҒОННИНГ СИРИ

Бу ердаги уйлар сочма ҳолда бўлганидан гужумга ўхшайди. Адабиёт ўқитувчимиз Сожида опа шундай деганлар. Гужумда узум зич бўлмайди-да. Маҳмуд билан Эргашнинг ҳовлилари якка-якка, биз эса тўрт хонадон бир жойдамиз. Раҳмат ота, Умар амаки ва Яхши хола бизга қўшни. Ҳовлиларимиз бир-бирига туташ. Қаттиқроқ гапирсак ҳамма эшитаверади.

Эргашнинг уйи кунботар тарафда, Маҳмуд эса сал юқорирокда, шимол томонда туради. Бошқа ҳамқишлоқларимизнинг уйлари ҳам бир-биридан унчалар узоқ

эмас. Кўча эшигимиздан Исмоил амаки билан Тоир тоғанинг кўрғонлари бирдай кўринади.

Бир-биридан кўркам уйлар қурадиган уста Бегмат уйимиздан девор бошлаб, Эргаш билан Маҳмуднинг ҳовлисига етказса борми ажойиб учбурчак ҳосил бўларди. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Нега деганда девор олишнинг ўзи бўлмайди, ундан кейин катталарнинг айтишларича яқин йилларда қишлоғимизда яккам-дукам уйлар қолмасмиш, ҳамма катта йўл бўйига тушаётган янги уйлارга кўчармиш...

Ўқишлар тугаб, каникулга чиққанимиздан эрталабдан кечгача бўшмиш, ихтиёр ўзимизда. Олтинчига яхши баҳолар билан кўчганимиздан юзимиз ёруғ. Катталар колхоз даласидан бери келишмайди, биз ҳам тинч турмаймиш: уйдагиларга қарашамиз, мол боқамиз, ўт юламиз... Мана, ўзимни айтсам, бувимга уй юмушларида қарашаман, нима десалар бажараман. Бўлди энди, болам, кўзингни боқиб келақол, деганларидан кейин ташқаридаги баҳайбат ёнғоғимиз тагига бораман-да, кўлимни карнай қилиб: «Эргаш, Маҳмуд, кетаяпман!» — деб ҳайқираман. Оралиқ узок бўлмаганидан иккови ҳам овоз бериша қолишади. Шунақа пайтларда гоҳо Яхши холанинг мендан анча кичик, эндигина иккинчига ўтган Хусан деган набираси, мен ҳам бораман, деб эргашиб қолади. Олдинига индамай елка қисаман. Бунинг сабаби бор. Биринчидан, Хусан футбол билан волейболга ярамайди. Иккинчидан, ёмон аразчи, сал нарсага тумшайиб қолаверади.

Мен доим Эргаш ва Маҳмуд билан юрганимдан катталар бизни «Уч оғайни ботирлар» дейишади. Ўзимиз ҳам жуда иноқмиз-да. Ҳатто ўқийдиган китобларимиз ҳам ўртада. «Робинзон Крузо»ни ҳам, «Гулливернинг саёҳатлари»ни ҳам биргаликда ўқиганмиш.

Иссиқ авжига чиққан пайтларда Эргаш билан Маҳмуднинг уйлари орқасидан ўтган анҳорда чўмиламиш, бироқ кунчиқар ёқдаги Тожибой тоғанинг томорқасига туташ катта ҳовузга шўнғишга ёшлик қиламиш. Унда катталар чўмилишади. Бир марта ҳовуз бўйида ўтирганимизда тракторчи Раҳим новча югуриб келиб унга калла ташлаган. Сувда анча кўринмай кетганда жуда хавотир олганмиш.

Шу ерлик бўлганимиздан теварак-атрофни яхши биламиш. Эргашларнинг ўнг томонидаги олмазорни ҳам, Маҳмудларнинг кўрғони яқинидан бошланадиган бедапояни ҳам, ҳовлимиздаги дов-дарахтларни ҳам кўлдан



чиқарганмиз ҳисоб. Бу ерда биз тепасига чиқолмаган уचाгина дарахт қолган. Биттаси боғимиздаги оқ ўрик, иккинчиси Яхши холанинг силлиқ ўсган мирза тераги, учинчиси Эргашларнинг ташқарисидаги улкан садақайрағоч. Бундан ҳозирча хафа эмасмиз. Каттароқ бўлганимизда барибир чиқамиз, деб ўзимизни юпатамиз.

Айтмоқчи, бир сафар Хусанни ўйинга кўшиб, катталардан бекорга дашном эшитганмиз. Ушанда ҳовуз бўйидан олмазорга пойга ўйновдик. Старт олиб, финишга ўқдай учиб кетаётганимизда Хусан орқада қолиб, ариллашга тушди. Олмазорда ишлаётган Зоир ва Расул оталар бизни, нега ўзларингдан кичкина болани йиғлатасанлар, деб койишди. Бор гапни айтиб, ўзимизни оқлашга тушдик. Отахонлар, бирга ўйланглар, бир-бирларингни хафа қилманглар, аҳил бўлинглар, деб насиҳат қилишди.

Чилдир, полка деган ўйинлардан чиққанмиз. Кўпроқ волейбол, футбол, чимхоккей ўйнаймиз. Чигон бунга жуда боп жой-да. Бўш қолдик дегунча ўшанга чопиб, дам олиб, хуш кўрган ўйинларимизни ўйнаймиз. Бу жойнинг ўзига яраша сири бор.

Чигонимизни билмасангиз керак. Тарихи ўзига яраша. Хўжайини ўзимиз бўлганимиздан кейин биламизда. Чигон — ҳар қанча мақтаса бўладиган жой, худди бизга атаб яратилгандай. Аслида уни ҳамқишлоқларимиз яратишган. Бедапоя қоровули Али отанинг бунга меҳнати кўп сингибди. Буни бизга катталар айтишган.

Урушдан бир йил олдин биз чўмилиб турадиган анҳор қазилиб, суви айқириб оқадиган Золариққа уланибди. Анҳор ўшанда ерлар нотекис бўлганидан Эргаш билан Маҳмуднинг уйларидан орқароқдан айланиб ўтиб, ўзига яраша учбурчак ҳосил қилибди. Ана шу учбурчакда бир гектардан мўлроқ жой бор. Унда экин қилиш машаққатлигини билган ҳамқишлоқларимиз турли-туман кўчатлар ўтқазиб, сўлим гўшага айлантиришибди. Чигон деганимиз ўша бўлади. Унга дастлаб Али ота қараб турган эканлар.

Уруш бошланиб, чигон қаровсиз қолади, Али ота ҳам бошқалар қатори урушга кетибдилар. Дарахтлар парвариш топмай ишдан чиқа бошлабди. Шунда урушдан қўлтиқтаёқда келган биология муаллими Самадов дарсдан бўш пайтларда ўқувчиларни Чигонга олиб бориб, дарахтларга қарабди. Ўша ўқувчилар орасида ҳозирда Қишлоқ хўжалик институтида ишлайдиган Ўроз домла ҳам бор экан.

Уруш тугагандан кейин Чигонга яна Али отанинг ўзи қарай бошлабди.

Мана қирқ йилдан ошибдики, ҳамқишлоқларимиз чигонни кўз қорачигидай асраб келишади. Биз ҳам эсимизни танибмизки унга ўйнагани борамиз. Ҳар сафар мазза қилиб, яйраб келамиз. Азбаройи салқинлигидан унча-мунча истироҳат боғларидан қолишмайди, Ўроз домла эса уни қишлоғимизнинг «Ботаника боғи», дейдилар. Ботаника боғида эса ўсимликларнинг ҳамма тури бўлади. Бизнинг Чигонда эса... Мана масалан, унинг ялпизини емабсиз оламга келмабсиз. Наъматагичи? Меваси қайнатмасини бир ичсангиз мазза қиласиз. Маймунжонини еган сари егингиз келаверади...

Баҳорда Чигонда қўзиқоринлар потиллаб чиқади. Отқулоқ, исмалоқ, баргизубни ҳам ўша ердан териб келамиз. Бувим улардан ошга соладиган хушхўр нарсалар қиладилар. Эргашни бир марта офтоб урганида ойиси итузумнинг шарбати билан тузатган. Итузумнинг сариғи ҳам, бинафшаранги ҳам Чигонда сероб.

Чигонни катталар, табаррук жой, дейишади. Далада ишлаганлар шу ерда салқинлашади, бригада аъзоларининг йиғилишлари у ердаги садақайрағоч тагида бўлади, наврўз байрамида эса катта-кичик шу ерда кечгача ўйин-кулги қилади.

Бу ердаги қумушранг жийдалар шунақанги хушбўй ис таратишадики, асти қўяверасиз. Тепароқда бири-биридан қолишмайдиган олтита азим туп ёнғоқ, бу ернинг султонларимиз, дегандай савлат тўкишган. Оқ, қора, самбит, мажнунтоллар, сариқ ва қора олхўрилар, тоғолча, олча ва бошқа мевали дарахтлар ҳам ким ўзар ўйнашаётганга ўхшайди. Ўриклар эса бир чеккада алоҳида ўсишган. Ўртада эса кичикроқ тутзор бор. Унга кирсангиз анграйиб қоласиз. Эртапишар марварид тутдан тортиб, балх ва шотут ҳам шу ерда.

Кўклам ва кузакда чигонда хашар қилганимизда майда кўчатларни авайлаб кўчириб, талабгорларга тарқатамиз. Дарахтларнинг ортиқча ва қуриган шохларини қирқамиз, ёшларига шакл берамиз. Ўшандай пайтларда Али ота билан Ўроз домла ёнимизда бўлиб, тегишли маслаҳатлар бериб туришади.

Чигонда дарахтларга чирмашиб кетган аймақи узумлар ҳам бор. Оқ, қора кишмиш, тоғ узум, катталиги ёнғоқдай келадиган Каттақўрғон нави ҳам бор. Ўроз домла бу ердаги битта навни чуқур ўрганиб, калтагидан кўпайтириб, китобга ҳам киритганлар. Мабодо, «Тар-

нов» деган оқ узумни дастурхонда кўриб қолсангиз бизнинг Чигондан олиб, кўпайтирилган, деяверинг. «Ўзбекистон узумлари» деган китобда ўша узумнинг рангли сурати ҳам бор. Жуда чиройли чиққан.

Бу ер нақ ўрмонга ўхшайди, қушларнинг чуғурчуғури сира тинмайди. Чумчуқлар садақайрағочни макон қилиб олишган, майна, олақанот, саъва, қизилиштонлар дарахтдан-дарахтга учишади. Булбуллар эса наъматакзорда чах-чах қилишади. Гоҳо гурурлаши, бойўғелининг чиёвлаши ҳам эшитилади. Маҳмуднинг бобоси Муҳиддин ота, чигонда укки ҳам бор, бироқ кундузи кўринмайди, кечаси овга чиқади, дегандилар. Уни ҳозирча кўрганимиз йўқ. Бироқ бедана билан чуғурчуқни ҳар қадамда учратамиз. Бедапоя беданаларнинг кони, чуғурчуқлар эса гала-гала бўлиб учишади.

Бедана тариққа, чуғурчиқ узумга ўч бўлади. Бу ерликлар узумни чуғурчиқдан асраш йўлини билишади: газа тутишади. Газа дегани йўғон қора ипдан тўқилади, волейболнинг тўрига ўхшаб иккита ёғочга тортиб қўйилади, лекин салқироқ туради. Чуғурчиқ беданага ўхшаб, пастлаб учадиган қуш. Узумзорга яқинлашганида янада пастлашиб, ўзини газага уради. Гоҳо газага беданалар ҳам ўралишиб қолади.

Али отанинг айтишларича пастроқдаги ҳозирда бир бўлаги қолган тўқайда илгари ёввойи ўрдак билан қирғовул ҳам бўлган экан. Телевизорда тез-тез кўрсатиб туриладиган ва тобора кичрайиб бораётган Орол денгизига ўхшаб, тўқайнинг ҳам чораги қолган. Бизга қўшни «Дўстлик» колхозида кичикроқ қўл бор, бироқ у ҳам ихчамлашиб қолганмиш. Буни мактабимиздаги мажлисда айтишди. Ўша колхоз болалари кўлни асровчи группа тузишибди. Группа аъзолари кўлни кузатишар ва ортиқча сувларни унга буришаркан.

Биз Чигонимизни асраб қолсак бўлгани. Али ота, тўқайни ҳам сақлаймиз, буздирмаймиз, деяптилар.

Кўкламда Чигонда хашар қилганимизда Али ота, бригадир Манноп ака ва мактабимиз директори Машраб Холиқович нималарнидир узоқ гаплашишди. Билсак уни колхоздан мактаб ўқувчилари ихтиёрига бутунлай олиб беришни маслаҳат қилишибди.

Ҳар сафар Чигонга йўл олганимизда Али отага албатта дуч келамиз. Ота зулукдай қора отда юрадилар. Етмишлардан ошганларига қарамай соч-соқоллари қоп-қора, қотма ва чайир кўринадилар. Отда чавандоз-

лардай еладилар. От ҳам ўзларига ўрганган, бойламасалар ҳам ёнларидан кетмайди.

Али ота ёшликларида зўр улоқчи бўлган эканлар, жуда ном чиқарган эканлар. Айниқса улоқни тўдадан олиб чиқишда отага биров етолмаскан. Ота тақимлаган улоқни минг уринса ҳам биров тортиб ололмасди, дейишади қатталар.

Ҳозир ота улоқ чопмайдилар, ёшларга йўл берганлар. Бироқ улоқни эшитсалар сира қолмайдилар, тамоша қилиб келадилар. Ёш улоқчилар отадан маслаҳат сўраб туришади.

Али ота доимо оқ яктада юрганларидан узоқдан кўрибоқ таниб оламиз.

...Бувимдан жавоб тегиши биланоқ кўча эшикка чиқиб: «Эргаш, Маҳмуд, кетаяпман!» — деб ҳайқирдим-да, қўзичоғимни етаклаб йўлга тушдим. Ҳусан негадир кўринмади. Бирор ёққа кетган бўлса керак-да.

Кучугим Бароқвой кетимда келарди. У қўзичоғим билан жуда иноқ. Эргашнинг қора улоқчаси, Маҳмуднинг бузоқчаси бор, оласи борлигидан эркалаб, Олахон, деймиз. Чигонга борганда уларни бир чеккада, ажриқорда боқамиз, дов-дарахтларга йўлатмаймиз.

Эргаш овозимни эшитибоқ кўчага чиқиб олган экан. Улоқчаси тизимчасини судраганича қўзичоғимга яқинлашди. Бароқвой саломлашгандай вовуллади.

Эргашга қўл ташлаб, Маҳмуднинг уйи томонга юрдик. Улоқча, қўзичоқ ва Бароқвой олдинда ирғишлаб боришарди. Улар ўйноқлаётганларини кўриб ҳавасимиз келарди.

Маҳмуд бузоқчасини ўтлатиб турган экан. Ёнида бизга нотаниш бир бола. Шаҳарликка ўхшайди. Сочи ўсинқираган, эғнида енги калта погонли қўйлак, кўк шими жинсига ўхшаб кетади. Қариндош-париндоши бўлса керак, дедим ичимда. Тахминим тўғри экан.

— Қани, оғайнилар, шаҳарлик меҳмон билан танишиб кўйинглари-чи, — деди Маҳмуд даб-дурустан. — Исми Саттор, тоғамнинг кенжа ўғли. Бизга ўхшаб бешинчини битирган. Лекин коптокни зўр тепади. Келажакнинг Абдураимови.

Мақтов Сатторга ёқди шекилли сал тиржайганича бизга қўл узатди.

— Салом!

— Салом, — навбати билан кўришдик. Маҳмуд отимизни айтиб турди.

— Кетдикми?

— Кетдик.

Жиндай юрмасимиздан рўбарўмиздан қора отини ўйнатганича Али ота чиқиб қолди. Бараварига салом бердик. Ота бундан суюниб кетиб, дуо қилдилар:

— Ваалайкум ассалом, бахтли бўлинглар, чи-роқларим! Чиғонга бораёйсизларми? Балли, балли. Мехмон болани айлантинглар!

Саттор Али отанинг кетидан қараб қолди. Кейин мендан:

— Бу ота раисмилар? — деб сўради.

Кулиб юборишимга сал қолди. Энди жавоб қиламан деганимда Маҳмуд илдамлик қилди:

— Бедапоянинг қоровули бўладилар, мироблик ҳам қиладилар.

Бедапоя бошланадиган жойга чиқиб қолгандик. У қаршимизда денгиздай ястаниб ётар, чеккаси кўринмас, устида эса катта-кичик қушлар айланиб юрарди. Ўзи ҳам одамни ҳайратга соларди-да. Оҳиста учиб-қўниб юрган оқ, қора ва холдор капалакларни айтмайсизми. Уларни бир-бир тутиб олгингиз келади. Қалдирғочлар вижир-вижир қилганларича чарх уришар, чумчуқлар пир-пир учишар ва олисламай шўнғишар, чигиртками ё бошқа ҳашаротнимй кўриб қолишарди-да.

Тўқай томондан ёпирилиб келаётган чуғурчиқлар тўдаси Тожибой тоғанинг боғига бурилди. Беданалар кўринишмас, уларнинг «битбилдиқ»лари эшитилмасди ҳам. Ўзларини панага олиб ётишгандир-да. Уларни биров безовта қилмаса ўзларича учишмайди.

— Чиғонимиз ҳам бедапоядан қолишмайди, — деди Эргаш. — Унга ҳам Али ота кўз-қулоқ бўлиб турадилар. Жуда сирли жой.

— Дарахтларига қушлари ҳам муносиб-да, — деб қўйдим кези келганида.

Саттор буларни эшитиб шошиб қолди:

— Бургут ҳам борми?

Кулгим келса ҳам ўзимни босдим.

— Бир вақтлари бўлса бўлгандиру ҳозир йўқ, — дедим унга. — Бургут тоғ ва чўлларда бўлади. Чиғонда бургутнинг укалари бор. Масалан, укки билан бойўғли. Лекин кундузи ўзларини кўрсатишмайди, овозлари ҳам чиқмайди.

— Лайлак билан турналар ҳам Чиғонимизга кўниб ўтишса зўр бўларди-да, — деб қўйди Эргаш орзуга

берилиб. — Ё улар кенг-кўлам жойларни ёқтиришармикин?

— Ёқтиришганда қандай, — деди Маҳмуд. — Кўлни кўришса албатта тушишади.

— Турна билан лайлакни ҳайвонот богида кўрганман, — деди Саттор. — Буёқда ҳам кўрсам жон дердим.

— Мен ҳам, — Эргаш ёнига қўшилди.

Маҳмуд бузоқчасини етаклаб олганидан улоқча билан қўзичоқ ёнидан жилишмасди. Бароқвой эса улар сал чеккага чиқишгудай бўлишса вовуллаб қайиранди.

Менга Сатторнинг ҳозирда ҳарбий нарсадан ҳайратга тушаётгани ёқарди. Чигондан гап кетганда у ерда дўлана, хурмо ва бодом борлигини атайлаб айтмадим. Унга сюрприз бўлсин, дедим-да.

Нихоят етиб ҳам келдик. Маҳмуд ўти қалин жойни топиб, бузоқчасини арқонлади. Улоқча билан қўзичоқни ёнида қолдирдик. Шундай бўлса ҳам Бароқвойга тайинладим:

— Улоқча билан қўзичоқни кўриқлайсан. Бир нима бўлса вовуллаб хабар берасан. Биз Чигонда бўламиз.

Бароқвой «хўп» дегандай думини ликиллатди.

Чигонни ўнг томондан, анҳор ёқалаб айланадиган бўлдик.

Сатторга анча-мунча мевали ва мевасиз дарахтлар таниш экан. У номини эшитгану ўзини кўрмаган дарахтлар олдида мафтун бўлганидан туриб қоларди. Самбит тол олдида шундай бўлди. Унинг навдасидан чиройли стуллар, саватлар тўқилишини, ўзи хушбўй ис таратишини айтиб бердик. Кейин қора, оқ мажнун толларни ҳам кўрсатдик.

— Бу ерда теракнинг беш хили бор, — деди Эргаш. — Уларни ҳам кўрсатамиз.

— Ҳў, — деб қўйди Саттор. — Бой экансизлару қойилман-е!

— Ҳали кўп қойил бўласиз, — дедим унга. — Бу ерда дўлана, хурмо, бодом ҳам бор!

Аймоқи узумлар олдидан ўтаётганимизда Сатторнинг ўзига уздирдик. У узум чирмашган теракка чиқиб, икки бош тоғузум узиб тушди. Ўзиям асал бўлиб кетган экан.

Саттор Чигонга қойил бўлса ҳам ҳар қалай биздан:

— Бунга ҳалиги ота қоровулмилар? — деб сўради.

Бараварига кулиб юборувдик Сатторнинг ҳайрати баттар ошди.

— Бу ерда ўзимиз қоровул, ўзимиз хўжайин, —

деди Маҳмуд. — Илгари бу ер колхозники эди. Наврӯз байрамига йиғилганимизда раис ота уни тантана билан мактаб ўқувчиларига топширдилар. Шартнома ҳам шу ерда имзоланди.

— Жуда зўр-ку.

— Зўр бўлганда қандай. Ўшанда сўзлаганлар, бу сўлим жой бизлардан сизга совга. Унга меҳр қўйинглар. Ватанга муҳаббат табиатга муҳаббатдан бошланади, дейишди.

— Авайлашга арзийдиган жой экан.

Сатторни садақайрағоч тагига бошлаб, жиндай дам олдик. Қушлар бир-бирларига навбат бермай сайрашарди. Дарахтлардан полапонларнинг «чий-чий»лари ҳам қулоққа чалинарди.

Олисида милтиқ отилса ҳам қушлар безовта бўлишмади. Саттор бундан хайрон бўлиб бизга қаради.

— Анҳорнинг нариги томонида колхоз хирмони бор, — деди Эргаш. — Чумчуқ ё чуғурчиқ яқинлашганга ўхшайди. Қоровул пахтаванд ўқ отиб чўчитаяпти. Қушларнинг бирортаси ҳам нобуд бўлмайди.

— Пионер ва комсомолга ўтадиганларни аввало шу ерга олиб келамиз, — деди Маҳмуд. — Дарахтларни парвариш қиламиз, қушларни кўпайтирамиз, деб ваъда берадилар.

Сатторни яна хурсанд қилгим келди:

— Мактабингизга кўчат керак бўлса тўғри келаверасиз. Лекин яхшилаб қарайсизлар. Шартимиз шу.

Саттор миннатдор бўлди. Шу пайт Бароқвойнинг қаттиқ-қаттиқ вовуллагани эшитилди. Безовталаниб ўрнимдан турувдим Маҳмуд, ўзим бораман, бемалол айланаверинглар, деди. Бузоқчасидан ҳар қалай хавотирда эди-да.

Яна Чифон оралаб кетдик.

## ХАЗИНА

Ростини айтсам куркани гира-шира билардим у лекин ўзини кўрмагандим. Ҳозир эса уйда боқаман. Бунга кутубхоначимиз Нафиса опа сабабчи. Қандай қилиб дейсизми? Мана эшитинг.

Нафиса опамнинг маслаҳатлари билан мактабимиз кутубхонасидаги анча-мунча китобларни ўқиганман. «Робинзон Крузо», «Капитан Грант болалари», «Сирли орол», «Хазиналар ороли»... «Ўн беш ёшли капитан»ни

эса икки марта ўқиганман, ўртоғим Дилшод ҳам. «Бошсиз чавандоз»ни ҳам завқ билан туширганман.

Менга бу китобдаги Морис билан Зеб жуда ёқади. Морисга довюракликда биров тенглашолмаса Зеб зўр овчи. Дадам бир марта, овчининг зўри арслон отади, дегандилар. Зеб эса арслон отмайди, балки... ёввойи курка овлайди.

Курка ҳам илгари ўрдак, ғоз, қирғовулларга ўхшаб ёввойи бўлган экан-да. Тўқайларда ҳозир ҳам яшармикин? Ўзи қанақа, турнадайми ё кичкинами? Лекин товукдан катталikka катта.

Шу-шу курка хаёлимдан кетмай қолди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ёввойи куркалар бормикин ё бари қўлда боқилармикин? Яшамаса керак. Бор бўлса телевизорда кўрардим.

Ўзим уй ҳайвонларига жуда қизиқаман. Ҳозир ўнта товугимиз, тўртта қўйимиз бор. Бувим икковимиз боқамиз, тўғрироғи бунда бувимга қарашаман. Тухум кўпайиб кетса қўни-қўшниларга улашамиз. Улар ҳам бизни қуруқ қўйишмайди: сут-қатиқ чиқариб туришади. Бувим, қўни-қўшнилардан қўймасин ҳамма нарсамиз ўртада, дейдилар. Яхшироқ овқат қилсалар ўртоқларини айтиб чиқиб, чақчақлашиб ўтирадилар. Уларнинг иноқликларига ҳавасим келади.

Нариги маҳаллада турадиган Азиза деган синфдошимнинг бувиси Гулсум хола курка боқади, деб эшитувдим. Кўкламда куркаларини ариқ бўйига ёйиб ўтирганини мактабдан келаётганимда бир кўрувдим. Ўшанда яқинроқ бормаганимни қаранг. Куркалар товуклардай гиёҳларни чўқилаб юришганди. Иложини топсам бир бориб кўраман.

Товукхона ҳовлининг пастроғида, ўнг томонда, қўйхона эса унинг рўбарўсида. Икковини ҳам дадам қурганлар, мен ёнларида қарашиб, у-буни узатиб турганман. Дадам курка жўжа олиб берсалар қаерда боқамиз? Алоҳида жой қиламизми ё товуклар билан бирга туришаверадимми? Курка товукларни чўқиб ташламасмикин?

Бувимдан, курка қанақа жонивор, деб сўрасам, жуда беозор бўлади, ювош, товукдан бўлак тургани маъқул, дедилар. Куркахона қуриладиган жойни ҳам ўзимча мўлжаллаб қўйдим. Шундан кейин дадамга, курка олиб беринг, деб тиқилинч қила бошладим. Дадам, бўпти, ўғлим, сен боқасан, дейсану мен йўлингни тўсаманми, дедилар. Бундан хурсанд бўлдим.



Уйимизга курка келгунича ўзини бир кўрсам ёмон бўлмасди-да. Бунинг учун бир нарсани баҳона қилиб, Азизанинг уйига бормасам бўлмайди. Шунда бувим жонимга оро кирдилар. Қўлимга ёғ идиш бериб, магазинга бориб кел, дедилар. Бундан жуда суюниб кетдим. Азиза магазиннинг орқасидаги кўчада туради-да. Дилшод эса ундан сал берида. Магазиндан чиқиб, Дилшодни оламану бирга куркаларни кўриб чиқамиз.

Магазин уйимиздан икки километрча нарида бўлса ҳам автобус кутмай зипиллаганча йўлга тушдим. Ишқилиб Дилшод уйида бўлсин-да. Уч-тўрт кун кўрмаганимдан оғайнимни соғиниб ҳам қолгандим. Ҳозир нимани ўқиётганикин?

Магазинга қандай етганимни ҳам сезмабман. Докторга ўхшаб, оппоқ халатда ишлаётган магазинчи Толиб амакига салом берувдим жуда хурсанд бўлдилар. Идишимга ёғ тўлатиб, оғзини маҳкамлаб бердилар-да, дадангни сўраб қўй, кўриниб турсин, дедилар.

Раҳмат айтиб, ташқарига отилдим.

Дилшоднинг уйига кириб, латтадай бўшашиб чиқдим. Бир қариндошининг тўйига кетибди. Ўзимча Дилшод билан кириб Азизадан ўқишга яхшироқ китоб бўлса оламиз, баҳонада куркаларини ҳам кўриб оламиз, деб мўлжал қилувдим-да. Энди нима қилдим? Таваккал деб бораверсаммикин? Азиза бўлса бўлди, бўлмаса буви-си билан гаплашиб, куркаларни кўриб қайтавераман-да.

Азизанинг кўчасига бурилдим. Уйига етай деганим-да ўзи рўбарўдаги ҳовлидан лоп этиб чиқиб қолди. Мени кўрганида ҳайрон бўлдим ё суюндими ҳар ҳолда сал жилмайгандай туюлди.

— Яхшимисан, Азиза? — дедим шоша-пиша. — Қаникуллар яхши ўтаяптими?

— Раҳмат, ўзинг зерикмаяпсанми? Биз томонларга қайси шамол учирди?

— Шундай... магазинга келувдим... Дилшод йўқ экан...

Азиза гапим пойма-пой чиққанидан шарақлаб кулди. У шунақанги чиройли куладики... Шунда юзига сал қизил югуради, яноғида кулдиргичлари ўйнайди, чиройли ва оппоқ тишлари ялтираб кетади. Тишлари марварид доналарига ўхшайди. Бир текис ва оппоқ.

— Гапинг... қизиқ бўлди-ку, — деди Азиза ўзини босиб олиб. — Нима, Дилшод магазинда ишляаптими?

— Э, йўғ-е... — ўзимни тутиб олдим. — Унда ишим бор эди.

— Бир ёққа кетибдими?

— Тўйга.

— Шундай дегин. Мазза қиларкан.

Бирпас жим қолдик. Азизага, сендан ўқигани китоб олмоқчийдим, дейишга тилим бормади. Ниҳоят аранг ютиниб:

— Бувинг уйдадилар? — дедим.

— Бувим? — Азиза ялт этиб қаради. — Бувимда нима ишинг бор, ўзимга айтавер.

Яна қийин аҳволда қолдим. Айтсаммикин ё индама-саммикин? Айтсам яна кулади. Майли, бўлар иш бўлди, кулса кулар.

— Қуркаларингни кўрмоқчийдим.

— Вой, — Азиза яна шарақлаб кулди. — Бундан жаҳлим чиқиш ўрнига ўзим ҳам иршайдим. Жуда чиройли кулади-да, Азиза тушмагур. Силкиниб-силкиниб кулишини кўрсангиз ўзингиз ҳам беихтиёр ёнига қўшиласиз. Азиза шунақа ўзи.

Азиза кула-кула қалққан ёшларини артди-да, гуноҳкордай қаради:

— Кечир, Фаррух, ўзимни тўхтатолмадим. Қуркалар... — у қалқиб кетгандай бўлди. — Қуркалар... учиб кетишди...

— Қаёққа? Тўқайгами? — дедим хангу манг бўлиб.

Азиза ўзини бир амаллаб босиб тушунтирди:

— Бувим Самарқандга кетдилар. Қуркаларни Кўктерақдаги тоғамга бериб юбордик. Ўшаёққа учиб кетишди, тушундингми? Тўқайда нима қилишади?

Тарвузим қўлтиғимдан тушди. Атайлаб келганимда яна омадим юришмади. Азизанинг эсига нимадир тушди, шекилли, мен ҳозир, деганича ён томондаги Ойдин холанинг эшигига ўзини урди.

Чиқишини кутмай орқамга қайтдим.

Уйга келганимда бувим помидор оралаб ўт юлаётган эканлар. Зумда ёнларига тушдим. Товуқ тушмагур печак билан семиз ўтни жуда суяди. Қўй ҳам қанча берсангиз кўрдим демайди. Унисига ҳам, бунисига ҳам ўт бериб, идишларига сув солдим. Кейин товуқхона олдида туриб, ўт ейишларини тамоша қилдим. Қуркалар ҳам шунақа бир-бирлари билан талашиб-тортишармикин?

Эртасига ичкари уйда телевизордан «Оламга саёҳат»ни тамоша қилаётсам дадам келиб кетибдилар. Буни сезмабман ҳам. Бир маҳал айвонга чиқсам ҳовли-

нинг офтобли жойида каттароқ қоғоз қути турибди. Бувим тепасида уймалашаяптилар.

— Нима қилаяпсиз, буви? У қанақа қути?

— Ҳозиргина даданг ташлаб кетди. Қурка жўжалари. Мана энди, ўзинг боқаверасан, қўзим. Хали...

Азбаройи суюниб кетганимдан бувимнинг кейинги сўзлари қулогимга кирмади ҳам. Ҳовлига қандай учиб тушганим ёдимда йўқ. Телевизор солинадиган қоғоз қутининг ичига қарасам учта кичкинагина жўжа. Биттаси оппоқ, иккинчиси қопқора, учинчиси чипор. Шунда, очигини айтсам, мени лақиллатишибди, деб ўйладим. Қутидагилар товуқ жўжаларига ўхшарди-да. Синчиклаброқ яна қарадим. Қўзимга уларнинг тумшуклари ҳам, қанотлари ҳам бошқачароқ кўринди. Тафтим сал босилди. Ичимда, хайрият, деб қўйдим.

Бувим қутининг бир чеккасига озроқ сузма, кўк пиёз ва тухум сариғи ташлаб қўйганларидан қурка жўжалари ўшалардан чўқилашарди. Улар «жирқ-жирқ» қилишар, менга қарашмасди ҳам. Офтоб тепадан куйдираётгани билан ишлари йўқ.

Жўжаларни қўлимга олгим келдию, бироқ, эзгилаб қўяман, деб юрагим дов бермади. Жуда увоққина кўринишарди-да.

Бувим озгина сомон келтириб, қути тубига бир текис сепдилар. Кейин менга тайинладилар:

— Буларга қўл текиза кўрма, товуқнинг жўжасидан ҳам нозик бўлишади. Оёғига жиндай нам тегса ҳам кўтаролмайди. Сомонда иссиққина ётишади. Бир ойдан кейин ҳовлида бемалол юришаверади.

— Хўп бўлади, бувижон.

Бувим белларини ушлаганларича ошхона томонга кетдилар. Йўлда тўхтаб, яна уқдирдилар:

— Қутидаги овқатнинг ўзи бўлади. Тагин бошқа нарса бермагин. Кейин бемалол боқаверасан.

— Хўп.

— Эсингда турсин, қўзим.

Хўп ажойиб бувижоним бор-да. Ийиб кетсалар «қўзим», дейдилар, бирорта ножўя иш қилсам, «туюқсиз», деб уришиб берадилар. Бунақа феълларини билганимдан ранжитмасликка ҳаракат қиламан, айтмасалар ҳам ўз билгимча қарашавераман. Бундан кўпинча хурсанд бўладилар.

Қуркаларга ўзимча от қўйдим. Оппоғини «Оқвой», қорасини «Қорахон», чипорини «Эркатой», деб қақираман. Ҳозирча қутида катта бўлишар, ҳовлига ҳар

куни ўзим олиб чиқиб, офтоброқ жойга қўярдим. Кечаси эса даҳлизда сақлаб, мушук-пушук тегмасин, деб устини оқ дока билан ўрардик.

Бувим билан қуркаларни ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмасдик.

Кунлармиз шу зайилда ўтарди.

Икки ҳафталардан кейин бувимнинг ижозатлари билан жўжаларни ҳовлида бирпас-бирпас ўйнатадиган бўлдим. Ўшанда ҳам офтобли жойда. Улар ҳали кичкина ва нимжон бўлишларига қарамай ҳовлида сал-пал чопишар, учраган қурт-қумурсқаларни чўқишарди. Бувим шунақа пайтларда:

— Хушёр бўл, оёғи сувга тегмасин. Сал жонланганларида айрилиб қолмайлик, — дейишларини қўймасдилар.

Бувимга ҳар гал «хўп-хўп» десам ҳам ўзимча ҳайрон бўлардим. Телевизорда «Хайвонот олами»ни кўрганимизда ёввойи қушларнинг тухумдан янги чиққан болалари сувни писанд қилмай юришади-ку. Қурка нега сувдан қўрқади? Қайтанга иссиқ кунда оёғи сувга тегса маза қилмайдами? Бувим жуда ғалатилар, ҳар нарсадан чўчийверадилар.

Шуларни кўнглимдан ўтказиб турганимда ЭркатоЙ тушмагур сув қуйилган помидор жўягига яқинлаб қолибди. Оқвой билан Қорахон ёнғоқ тагида у-буларни чўқилад юришарди. ЭркатоЙни шериклари ёнига ҳайдагани борарканман озгина улгуролмадим. Бувим айтгани бўлди. Унинг оёқ қўйган кесаги юмалаб, ўзи ариққа тушиб кетди. Югуриб бориб, сувдан олдим. У ҳўл бўлган сарғиш оёқлари совқотаётгандай зирилларди.

Қурисин, деб офтобга ётқизиб қўйдим. Зора иссиқ ўтгандан кейин ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб, чопқиллаб кетса. Бироқ ЭркатоЙ бечора қалт-қалт қилар, оёқлари зириллар, кўзлари ҳам хираллашиб бораётганга ўхшарди. Бундан юрагим чиқиб, бувимни чақирдим:

— Буви, буви, буёққа келинг. ЭркатоЙ...

Бувим ошхонада хамир қораётган эканлар овоз бердилар:

— Ҳаҳ, нима дейсан?

— Қурка... юмалаб қолди.

Бувим лопиллаганча етиб келдилар. Қўллари шундоққина хамир юқи. Қуркани авайлаб олиб, кўзларига яқинлаштирдилар, сўнг қўйлақларига ўрадилар.

— Оёғига сув тегмасин, девдим-ку, туюқсиз.

Ишқилиб, ўнгланиб кетсин-да. Шерикларидан кўз уз-  
ма. Шундан кейин ошхонага қайтдилар.

Юрагим шув этди. Гангиганимдан нима қилишимни билмасдим. Ўзлари емай менга илинадиган меҳрибон бувимни ранжитиб қўйганимдан эзилардим. Эркатоёга ҳам ачинардим. Тузалиб кетармикин? Нимага ғафлатда қолдим?

Бувим курканинг пати қуриганидан кейин шериклари билан қутига солиб, устига дока тортиб қўйдилар. Эркатоё қутининг бир бурчида ётар, емишларга қарамас, саргиш оёқлари билинар-билинемас зирилларди.

Куркага бувим мендан ҳам кўпроқ куядилар. Шундай бўлса ҳам юпатиб қўйдилар:

— Зора эртагача тузалиб кетса. Бугундан ўтиб олса бўлгани...

Айб ўзимдалигидан бир нима деёлмасдим.

Эрталаб туришим билан қутига югурдим. Эркатоё бўлса... ўлиб ётарди.

Томоғимдан чой ҳам ўтмади. Бувим уни ҳовлининг бир бурчагига кўмиб келдилар.

...Оқвой билан Қорахонни авайлаб-асраганимиздан тез катта бўлиша бошлади. Ҳозир каштардай келишади, бир-бирлари билан ҳовлининг у бошидан-бу бошига ким ўзар ўйнашади. Кенг-кўлам ҳовлида ўзлари хон, кўланкалари майдон. Бунга симтўр ортидаги товуклар билан қўйлар ҳаваслари келиб, қарашлари қарашган.

Оқвой билан Қорахон бувим икковимизнинг қўлимиздан овқат ейишади, сира қочишмайди. Силаб-сийпаласак индамай туришаверади. Гоҳо айвонда китоб ўқиб ётсам иккови ҳам ёнимга келади. Силаб-сийпаб, нон-пон едириб, тушириб юбораман. Отларини айтиб чақирсам зумда етиб келишади.

Куркаларнинг ҳовлида чурқ этмай ювошгина юришларига қўни-қўшнилариимизнинг ҳаваси келади. Буларни Дилшод ҳам ёқтириб қолган. Мен ҳам боқаман, дейди. Бувим эса куркаларни ўзидан кўпайтирмоқчилар. Улар бола очса Дилшодга ҳам, қўни-қўшнилариимизга ҳам улашамиз. Шунда маҳалламизда ҳам курка кўпаяди. Мактабимиздаги «Жонли бурчак»ка ҳам совга қилсам, деган ниятдаман.

Бувимнинг уйимиздаги жониворларга овқат бераётганда ўзларича гапирадиган одатлари бор. Кўпинча бувижонимнинг, олақолларинг, еяқолларинг, айланайлар, сенларнинг турган-битганинг хазина, деганларини эшитиб қоламан. Шунда булар, ростдан ҳам хазинами-

кин, деб ўйлайман. Балки, тўғридир. Бувим сира ҳам ёлғон гапирмайдилар-ку.

## ШИМОЛ ЕМФИРИ

Сулаймоннинг сафари қариди.

Унинг Ленинградга бориши ҳам кутилмаганда бўлди. Очигини айтганда ўзи ҳам кўндан бери бу табаррук шаҳарни бир зиёрат қилиб, институтда бирга ўқиган, ҳозирда эса Нева қирғоқларини мустақамлаш ишларига тортилган дўсти Сергейни йўқлашни анчадан бери кўнглига тугиб юардию, бироқ сира мавриди келмасди. Яқинда десангиз мўъжизасимон бир иш бўлди. Сулаймонов ишлаётган лойиҳа институти хўжалик ҳисобига кўчганидан планни ортиғи билан бажарди. Институт раҳбарлари бунда жонбозлик кўрсатганларни тақдирлашди. Шунда Сулаймонов ҳам қуруқ қолмади. Маҳаллий комитет худди дилидаги орзусини билгандай қўлига Ленинградга туристик йўлланма тутқазди...

Мана энди Тошкентга қайтапти. Беш кун ҳам кўз очиб-юмгунича ўтиб кетди. Шаҳарда Сулаймонов кўрмаган жой қолмади ҳисоб, ҳатто Сергей билан Ленинградда ҳарбий хизмат қилаётган жияни Жаҳонгирни ҳам кўриб келди.

Сергей вокзалга бирга келди, юкларини икки кишилик купега жойлаб, қучоқлашиб хайрлашиб, яна ташриф буюришга ваъда олди. Сулаймонов у билан қуюқ хайрлашди. У чиндан ҳам ҳаяжонда эди.

Сулаймоновга бемалол ухлаб кетадиган купедан жой текканди. Энди буёғи қанақа ҳамроҳ учрашида қолган. Шинаванда одам учраса то Тошкентга боргунча зерикмай чақчақлашиб кетади. Мабодо ичимдагини топ, дейдиган камган ва тўнгсўз одамга шерик бўлса урди худо. Сулаймонов шунақа ҳамроҳни бир зум кўз олдига келтираркан юраги орқасига тортиб кетди.

Сулаймонов деразадан ташқарига қараб ўтираркан купега ҳеч ким бош суқмади. Поезд ҳам жўнаш вақти етганидан оҳиста жила қолди.

Бу қанақаси бўлди? Ҳеч ким чиқмади-ку? Нима, ёлғиз ўзи шўпчайиб кетаверадими? Ё кейинроқ битта-яримта чиқармикин?

У, хайр, бир гап бўлар, деб пижамасини кийиб олди.

Кейин боя киоскдан Сергей олиб берган газета-журналларни варақлашга тушди.

Поезд бир меъёрда сал-пал чайқалганича борар, гилдираклардан чиқаётган «тақа-туқ» ҳам унчалар ғашга тегмасди. Бироқ боя вокзалда туришганида Болтиқ денгизи томондан ёпирилган қорамтир булутлар ҳунар кўрсата бошлади. Энди вагон деразасига бири-биридан йирикроқ томчилар урилар, ташқари кулранг тусга киргандай туюларди. Танҳолик, бунинг устига ёмғир қуйиб, борлиқни кўздан яшираётгани Сулаймоновни дилгир қила бошлади...

Купе эшиги сурилиб, хушрўйгина проводник жувон салом бериб кирди. Қўлида қулоқли стакан билан, кўкимтир ликобча кўринар, ликобчада эса ўроғлик қанд билан печенье бор эди. Жувон нарсаларни столчага қўйди-да, хайрли сафар тилаб, сирғилиб чиқди. Эшик унсизроқ сурилди. Сулаймонов «рахмат-рахмат» деганича қолаверди.

Поезд Сулаймоновни атайлаб ва авайлаб аллалаётганга ўхшарди. Беихтиёр ўтган йили Бокуга командировкага борганида Каспийдан теплоходда ўтганини эслади. Ўшанда каютада ётганида теплоход шундай аллаовди шекилли. Денгиз тинчлигидан теплоход силлиққина сузган, китоб ўқиб ётиб, кўзи қандай кетганини ҳам сезмаганди. Ҳозир эса кўзига уйқу келмас, йўл юриб, толиқишга ҳам улгурмаганди-да.

Поезд рўбарўдан ураётган ёмғир пардасини тилганича олдинга учарди.

Сулаймонов газета-журналларни шунчаки варақлаб чиқди-да, иккита майда хабарни ўқиди. Шунда назарида поезд юриши секинлаётгандай бўлди. Станцияга яқин қолгандир-да. Чиндан ҳам поезд силқовланиб бориб тўхтади. Сулаймонов ёмғир суви тинимсиз сизиб турган деразадан боқаркан кўзи сарғиш ғиштин бино тепасидаги «Бологое» деган сўзни аранг илғади. Бу ерда яқинда темир йўл ҳалокати бўлиб, анча-мунча талофат берилганини эслаб юраги увишди...

Столчадаги чой совунқираб қолган, печенье, қанд қимир этмай турарди. Сулаймонов на қиларини билмай мунғайibroқ ўтираркан купе эшиги сурилиб, денгизчилар формасидаги киши билан проводник аёл изн сўраб киришди.

— Бемалол, бемалол, — Сулаймонов ҳамроҳ ҳурматига ўрнидан турди.

Денгизчи қўлидаги нарсаларини юқори полкага

қўйди. Қоғозга ўралган тўрт бурчакли нарсаси ҳам бор эди. Уни авайлаброқ жойлаштирган бўлди. Проводник жувон эса гўё иккала йўловчига гапи бордай қимтиниброқ турарди.

— Айбга буюрмайсизлар, — деди у ниҳоят. Бир секундга коридорга чиқсангизлар жойларингизни тўғри-лаб берардим.

— Яхши, яхши. — Денгизчи Сулаймоновга қаради. — Қаршимасмисиз?

— Мутлақо.

Коридорга чиқишди. Денгизчи биринчи ранг капитани формасида бўлиб, бўйи баланд, савлатли, ёши ҳам каттароқ эди. Чекка сочлари оқара бошлаган, бироқ юзи силлиқ, унда ажин-лажиндан асар ҳам кўринмасди. Қош-кўзи қопқора, йирик кўзлари ўткир ва чақноқ эди.

— Тошкентгами?

— Тошкентга, ўртоқ капитан, — деди Сулаймонов. — Шунда адашмайманми?

— Адашмайсиз, домла, — Капитан Сулаймоновга қўлини узатди. — Шунда тўғри бўладими?

— Бўлаверади.

Енгил кулиб қўйишди.

Сулаймонов чекмасди, капитан ҳам чекадиган одамга ўхшамасди. Ранги тиниқ, бироқ денгизда кўп юриб, шамолларга роса рўбарў бўлганидан юз териси дағалроқ туюларди.

Проводник аёл купедан чиқиб, кираверинглар, дегандай қилди.

Капитан ичкарида узр сўраб кийиниб олди.

Сулаймонов ҳозирда романларда «денгиз бўриси» дейиладиган капитанга дуч келганидан мамнун эди. Шу чоққача ҳарбийлар билан унча-мунча гаплашган бўлса ҳам ҳақиқий денгизчилар капитанини кўрмаганди. Бу капитаннинг ўзбеклиги, гапиришидан тошкентлилиги сезиларди. У қаерда ўқиганикин, неча йилдан бери денгизда сузаркин, қайси юртларнинг сувини ичганикин?

Сулаймонов капитанни тезроқ гапга солгиси келарди. Бордию, у гапиришни истамаса-чи? Бунга мажбур қилолмайдикан.

Купега яна проводник жувон киргани Сулаймоновнинг хаёл қушларини тўзитиб юборди. Аёл капитанга чой, қанд-қурс олиб кирганди. Капитан энди Сулаймонов қаршисида уй кийимида ўтирса ҳам барибир сало-



батли кўринар, унинг ҳам хаёлидан ҳозирда кўп нарсалар ўтарди.

Сулаймонов гапни ўзини таништиришдан бошлади:

— Бир кўрган таниш, икки кўрган қариндош, дейдилар. Ўзимни таништириб қўяй: исмим Соқи, фамилиям Сулаймонов, касбим инженерлик. Лойиҳалаш институтида ишлайман. Биздақаларни ҳозир етакчи мутахассис дейишади. Ленинградга саёҳатга келиб, ёру дўстларни кўриб қайтаяпман. Сизга ҳамроҳ бўлганимдан хурсандман.

— Мен ҳам, — деди денгизчи чехраси ёришиб. — Иسمи-шарифим Толиб Маҳкамов. Денгизчилигимни кўрдингиз. Қани, дастурхонга қарасинлар, домла. Олдин таом, сўнгра калом, деганлар яхшилар. Йўлимиз олис бўлса ҳам зерикмасмиз, дейман.

— Э, бормисиз! — Сулаймоновга капитаннинг гапи ҳам, одамохунлиги ҳам ёқиб кетди. Қулоқли стаканини олиб, совуган чойидан битта хўплади.

— Ленинград ёқдимиз? — сўради капитан чойга қанд ботириб. — Қаерларда бўлдингиз?

Сулаймонов капитан шундай савол беришини кутиб тургандай гапга тушди. Капитан сўзини бўлмайд тинглар, луқма ташламас, ўз ҳолига қўйиб берганди. Сулаймонов Эрмитажда кўрганларини ҳикоя қилишга тушганида чехраси янада ёриша бошлади.

— Сизга кўпроқ қайси суратлар ёқди?

— Мендақа одам Эрмитажни кўришига бир ой ҳам етмаса керак. Рус классикларининг асарларини кўришга улгурдим, холос. Илгари кўрган суратларимнинг оригиналларини тамоша қилдим. Репин, Шишкин, Саврасов, Верещагин, Айвазовский суратларидан ҳамон ҳайратдаман. Сизга айтсам улардаги ранглар жилвасию, ҳаракатни айтиб беришдан ожизман. Ҳар бири ўзига яраша бир олам экан.

Сулаймонов гапираркан капитан бошини қимирлатиб-қимирлатиб қўярди. Бу унинг тасвирий санъатдан яхши хабардорлигини билдириб турарди. Мабодо ўзи ҳам рассом бўлса-я? Бу фикр хаёлига қандай келганига Сулаймонов ҳайратда эди.

— Тўғри гапирдингиз, домла, бу асарларнинг ҳар бирида олам-олам маъно бор. Улар одамларни ҳамон ларзага солаётганига ҳам сабаб шунда.

Капитан жим қолди. Сулаймонов яна гапирса деб турарди.

— Ўзим ҳам кўргазмаларга бориб тураман, — деди

у ниҳоят. — Сиз ҳам буни қадрига етадиганлардан экансиз. Жуда хурсандман.

Сулаймонов ўзини сал ноқулай сезиб, қизаринқираган бўлди.

— Сал ошириб юбордингиз, Толибжон ака, — деди у. — Эл қатори бир ҳаваскормиз. Ушанда ҳам тамошабин ҳаваскор.

— Гапимни тўғри тушунинг, домла. — Капитан Сулаймоновнинг кўзига тик боқди. — Кўрғазмаларга йиллаб яқин йўламайдиган, китоб ўқиймайдиган, гўзаллик тушунчаси тушига ҳам кирмайдиган одамлар йўқ дейсизми. Афеуски, гўзал ҳаёт, ундаги улуғвор ишлардан ҳайратланмайдиган кимсалар оз эмас. Уларнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқликларидан номусларга ўласиз. Мен унақаларни кўзи очик басирлар, дейман.

Капитан нафасини ростлаб олди.

— Яқиндаги бир воқеани айтиб берай. Бироқ буни асло мақтанчоқликка йўйманг. Қайси одам она юртини қўмсамайди. Тупроқ тортади деган гаплар бор-ку. Болтиқдаги оғир рейсдан қайтдим. Уйга келсам радиодан шаҳарда ўзбек рассомлари асарлари кўрғазмаси очилганини хабар беришди. Эртасига учиб бордим. Ундаги суратлар кўзимга оловдай кўринди. Пейзажлар, портретлар, натюрмортлар, графика асарлари... Ошираяпти, демангу бироқ ўзимни она юртим қучоғида юргандай сездим. Ишқивозлик одамни шунақа қўйга соларкан...

— Ўзингиз ҳам қўлга мўйқалам олиб турсангиз керак...

— Йўқ, бу юксак санъатнинг ихлосмандиман, холос. Ман қайдаю, рассомлик қайда! Бироқ унга меҳрим зўрлигини яширмайман...

Сулаймонов ўртага чўккан жимликни бузди:

— Мени кечирасиз, Толибжон ака, тасвирий санъатга шунчалар меҳрингиз бўлатуриб, денгизчи бўлганингизга тушунолмаяман.

Капитан яйраб кулди.

— Жуда нозик жойидан олдингиз, домла. Сизга айтсам денгизчиликни танлашимга ҳам тасвирий санъат сабабчи бўлган.

Сулаймоновнинг баттар ҳайрати ошиб:

— Яна тушунолмадим, — деди.

— Айтиб бераману, бироқ зериктириб қўяманми, деб кўрқаман. Даромади узунроқ.

— Жоним билан эшитганим бўлсин.

— Бу касбни танлашимга ёш рассом Усмон Умаровнинг бир сурати сабабчи бўлган. Сиз бу рассомни эшитмагансиз, албатта.

— Рост, эшитмаганман. Суратлари борми?

— Ҳамма гап шунда-да. Суратлари борлигини ҳам, кимларда эканлигини ҳам ҳеч ким билмайди. Лекин ўзи жуда истеъдодли эди. Агар уруш жувонмарг қилмаганида бутун дунёга таниларди.

Капитан энг қизиқ жойига келганда жим қолди. Сулаймонов нафасини ичига ютганича унинг оғзини пойларди.

Вагоннинг енгил силкиниши, гилдиракларнинг «тақа-туқи» ва ёмғирнинг томни тараклатиши аён эшитиларди.

Ёш рассом Усмон Умаров қаерда яшаганикин, расмлари кимларнинг қўлида қолганикин? Бу саволлар Сулаймоновга тинчлик бермай қўйганди. Капитан эса жим ўтирар, ҳозирда хаёли олис йилларга учгани аниқ эди.

— Мабодо беадаблик қилсам узр, Толибжон ака, — деди Сулаймонов юрак ютиб. — Рассом Усмон Умаровни гапириб, баттар қизиқтириб қўйдингиз.

— Тақдир уни менга рўбарў қилганидан мамнунман. Майли, айтсам айтай. Бироқ юрагингизни кенгроқ қиласиз. Зериктирсам таққа тўхтаيمان.

— Асло, асло.

Капитан шундан кейин жойида бир қимирлади-да, кўзларини хиёл юмганича ҳикоясини бошлади:

— Оламда болаликдан ҳам тотли нарса бўлмаса керак. Ушанда кўрган-кечирганларингиз юракка нақшланиб қолади, кейинчалик хоҳласангиз ҳам, хоҳламангиз ҳам эсингизга тушаверади. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Баъзи бир одамлар ёшликдаги нарсалар эсимда йўқ, дейишса мутлақо ишонмайман.

Афсуски, болалик одамга бир мартагина насиб этаркан. Қани энди табиат тантилик қилса-я, яна бола бўлиб қолсам, дейсиз.

Мен ҳам кўплар қатори болалик йилларини бошимдан кечирганман, роса кўча чангитиб, кўп ҳунарлар кўрсатганман. Тошкентнинг кун ботар томонидаги, йигирма беш километр наридаги Алимбува қишлоғида ўсганман. Ўзи дўппидеккина қишлоқ, аммо анча-мунча таниқли одамлар етишиб чиққан. Ўзбеклардан биринчи чиққан СССРнинг Фавқулудда ва Мухтор элчиси ҳам бизнинг қишлоқдан бўлади, ҳозир барҳаёт, кекса-

лик гаштини сураяпти. Бозорда «тошлоқи» деб сотилдиган, асли исми «Аҳмад қовун» бўлган ширинликда биринчи кўкимтир қовунни еганмисиз? Ушанинг ижодкори ҳамқишлоғимиз Аҳмад ота бўлади. Ўзиям тўқсондан ошиб қазо қилди. Қишлоғимиздан чиққан юзлаб турли касб эгаларини айтмай қўяқолай. Кўпчилигини эл-юрт танийди. Биринчи президентимиз Йўлдош ота Охунбобоев ҳам қишлоғимизга тез-тез келиб турардилар. 1944 йилда Ўзбекистоннинг қирқ йиллиги нишонланганда қишлоғимиз яқинидаги катта ялангликда улоқ бўлган. Ушанда Марказкомимизнинг биринчи котиби Усмон Юсупов улоқни ўзлари отга ўнгариб чиқиб, ўртага ташлаганлар...

Ҳозир Алимбува десангиз ҳеч ким билмайди, фақат қари-қартагларгина эслашади. Ўзим ҳам ёшлигимда Алимбува шу ерлик кексалардан бирортаси бўлса керак, деб юрарканман. Кейинчалик билсам бошқача экан. Алимбува анча йил бурун ўтган ва қишлоғимизга сув келтирган зўр деҳқонлардан экан.

Ҳовлимиз қишлоқнинг ўртароғида, дўнгликда, каттагина боғимиз ҳам бўларди. Қўни-қўшниларимиздан фақат иккитасигина биз билан ёнма-ён туришар, бошқаларининг уйлари бир оз нарида эди. Биз уйда уч киши турардик: бувим, тўққизинчи синфда ўқийдиган Ўринбой амаким ва мен. Дадам билан ойим фақат қишдагина биз билан бирга бўлишар, бошқа пайтлари колхознинг Юқори участкасидан келишмас, дадам у ерда бригадир бўлиб ишларди.

Бувим билан туришимга иккита сабаб бор эди. Бир — бувимнинг уйи мактабга яқинлиги, иккинчиси эса бувимсиз туролмасдим. Бувим ҳам мени еру кўкка ишонмасдилар.

Учинчини тамомлаб тўртинчига ўтган кезларим. Биз таътилга чиққан бўлсак ҳам Ўринбой амаким мактабга қатнаб, имтиҳон топширарди. Бунинг орасида консультациялари, бошқа ишлари ҳам чиқиб турарди. Уйдаги ҳамма иш бувим икковимизга қолган. Амаким Қорахон деган сигиримизни тўқайда боқишни зиммамга бемалол юклаб қўйганди.

Эрта билан чойни чала-чулпа ичардим у тўқайга сигир етаклардим. У ерда ўртоқларим ҳам келишимга кўз тикиб туришарди. Кунимиз ўша ерда ўтар, кечгача минг хил ўйинлар ўйнар, кўнглимизга келган ишларни қилардик.

Тўқай колхоз темирчиси Назар отанинг уйдан на-

рида эди. Унда бир тегирмон сувли сой оқар, қамиш, барди қалин ўсганидан сигирларга мазза эди. Сойда танга балиқ сероблигидан узоқ-яқиндан келган овчилар сира аримасди. Дам олиш кунлари сойни балиқчи босиб кетарди. У ерга ҳатто бир ҳовуч сувни искаб, қанақа балиқ борлигини айтиб берадиган овчилар ҳам келишарди.

Ховлимиздан теварак-атроф қафтдагидай кўринарди. Жануб ёқда колхознинг катта олмазори, кун чиқардаги ҳозир айтганим тўқай анча-мунча жойга чўзилган, шимол томонда эса экинзорлар билан ўн гектарли бедая бор эди. Бедапоянинг ўнг чеккасида қишлоғимизнинг нуруний отахони Зоир буванинг якка кўрғони турарди. Бува эртадан кечгача боғдан чиқмасдилар, мева кўчатлари етиштирар, хилма-хил гуллар ҳам ўстирардилар. Баҳорда ҳаммага кўчат улашар, умрида ақалли битта дарахт кўкартирмаган одам бехосият бўлади, дердилар. Ҳеч ким буванинг айтганини ерда қолдирмади.

Кунботар томонда қўшни колхознинг сув чиқмайдиган, бироқ ғалла экиладиган қирлари кўринарди. Биз баҳорда лола, чучмома, исмалоқ тергани қирга чиқардик, типратикон билан юмронқозиқ овлардик. Типратиконни тутиш оппа-осон, юмронқозиқ эса осонликча қўлга тушмайди. Инига сув қуйсангиз дами қайтиб, буёққа чиқади. Ана ўшанда қўлга туширасиз.

Қишлоғимнинг ўша йиллардаги манзарасини бир умр унутмасам керак. Буни сизга ҳозир нимага батафсил айтаяпман? Чунки денгизчиликка, Ватанга, табиатга меҳр қўйишимга болалигим кечган ажиб масканлар сабабчи бўлган. Бироқ болалигимизга бориб ўша чиройли гўшаларга парво қилмай юрарканмиз. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, дейдилар-ку. Чиллак, чилдир, полка, пойгадан бўшамасдик-да. Кўзимиз очилмагани ҳисоби.

Синфдошларимдан Муҳаммаджон, Эрмат ва Ваҳоб бизга яқинроқ туришарди, ҳар куни бирга бўлардик. Эрталаб нон-пон олиб кетганимдан пешинда уйга келмасдик. Назар амакининг Раҳим деган ўғли аралашиб қолса декчасида халфана қилардик. Ҳар ким топганини олиб келарди. Халфана овқат ўлгудай бемаза бўлса ҳам мақтаб-мақтаб ердик. Болаликда ҳамма нарса ширин ва тотли туюлаверади ўзи.

Қишлоғимиз каттароқ анҳордан сув ичар, у эса Золариқдан бошланарди. Уйимизга яқинроқдаги ҳовуз

хам ўша ариқ сувидан доимо тўла турар, суви баҳор-гача етарди. Моллар ҳам ундан сув ичар, бироқ уларга челақда тutilганидан ҳовуз доимо тоза турарди.

Аваз ва Зулфиқор амакилар бизга девор-дармиён эдилар. Айвонимиз кунгай, ариқ ташқаримиздан ўтиб, қўшниларининг ҳовлисига буриларди.

Ўша пайтларда бизларда ҳам, қўни-қўшнилари-мизда ҳам турли мевалар сероб эди. Ғалвирак ёнғоғимизнинг мағзи шундоққина кўриниб турарди. Устига қарасангиз дўппингиз тушадиган оқ ўригимизнинг тагидан китобнинг қўш саҳифасини эслатувчи колхоз экинзорлари, олисдаги дов-дарахтлар кўринарди. Гоҳ ана шу ўрик тагида ўйнардик. Салқин, доим ғир-ғир шабада бўларди.

Бувим барвақт туриб, сигир соғардилар. Кейин тўқайга йўл олардим. Тарзан деган кучугим кетимдан қолмас, сигир олислаб кетса қайириб келар, гапимга тушуниб, нима десам бажарарди.

Молларимизни гоҳ бедапоя яқинида ўтлатган пайтларимиз ҳам бўлган. Бироқ бир марта роса панд еганмиз. Чилдирга чалғиб, Эрматнинг бузоғи бўкканини сезмабмиз. Бузоқнинг қорни шишиб, қўзлари олайиб, хириллашга тушди. На уёққа юради, на буёққа. Михланиб қолгандай қимирламайди. Буни кўриб, юрагимиз чиқиб кетди, нима қилишни билмаймиз. Пақ этиб, ўлиб қолса-я! Теварак-атрофимизга олазарақ бўлиб турганимизда беда қоровули Турсун амаки келиб қолди. Яқинлашганини сезмабмиз ҳам. Ўзиям жўда баджаҳл киши эди, узоқдан кўрсак қочардик. Амаки, бизларни бузоқни бўктирибсанлар, бадбахтлар, деб койиди, бироқ бирорта-мизга қўлини текизмади. Толдан ярим метрча келадиган таёқча қирқиб, бузоқнинг оғзига керага қилди-да, ўзи етаклади. Бизларга, ҳайданглар, деди. Эрмат, бузоғим ўлиб қолади, деб йиғловди амаки кўзини олайтириб, бақриб берди.

Бузоқни ярим соатча уёқдан-буёққа югуртирдик. Шунда оғзидан ҳовур чиқиб, қорни пасайгандай бўлди, кўзи ҳам жойига келди. Амаки, сув берманглар, ўт едирманглар, деб тайинлаб, бедапоя айлангани кетдилар.

Эрмат бузоғи тирик қолганидан хурсанд эди. Бизнинг ҳам кўнглимиз жойига тушди. Ўша-ўша бедапояга молларимизни йўлатмайдиган ва анча наридан айланиб ўтадиган бўлдик.

Бир куни тўқайда мол боқиб, пешинда ҳовузда чўмиладиган, кейин эса чилдир ўйнайдиган бўлдик.

Ҳовуздан чиқиб, офтобда бирпас ётдим-да, уйга чилдиримга бордим. Уни дон-дун сақланадиган ҳужрага кўярдим. Ушанда ташқари эшикдан ҳовлига кирсам бувим новчадан келган бир йигит билан ялашиб-юлқашаяптилар. Қарасам у йигит шаҳардаги тоғамизнинг тўнғич ўғли Усмон ака. Уларнинг кўришаётганларини томоша қиларканман кулишимга сал қолди. Усмон акам новча бўлганларидан обқашдай эгилган, бувим эса увоққина бўлганларидан оёқ учида кўтарилардилар. Бувим Усмон акамнинг елкасини силаб, шاپатилаб, ҳол-аҳвол сўрар ва кўринмай кетишганидан гина қилардилар.

Яқин бориб, Усмон акамга салом бердим. Алик олиб, қўл узатдилар. Қуюқ сўрашдик. Бувим супага кўрпача ташлаб, Усмон акамни топган-тутганлари билан сийлашга тушдилар.

Усмон акам бувимга оқ рўмол, новвот, пашмак олиб келибдилар. Бундан бувимнинг оғзилари қулоқларига етаёзди. Илойим тупроқ олсанг олтин бўлсин, ота-онанг роҳатингни кўрсин, деб дуо қилдилар. Усмон акам эса кулимсираганларича ўтирардилар. Яқинларига чўкдим. Бувим Усмон акамнинг уй-ичларини қайта бошдан сўраб чиқдилар.

Усмон акам кўп ўтирмадилар. Бир пиёла чой ичдилару турдилар. Бувим шаҳардай жойдан келгансан, болам, ётиб дамнингни ол, десалар ҳам унамадилар.

Ўша пайтларда Усмон акам рассомлар билим юртида ўқир эканлар. Сураат чизадиган дафтарларини ҳам ола келган эканлар. Этюдлар чизардилар-да.

— Қани, оғайни, мени бир айлантириб кел-чи, — дедилар менга қараб.

Ичимда жон-жон деб турганимдан:

— Бедапояга бошлайми ё тўқайгами? — дедим.

Усмон акам ўйлаб-нетиб ўтирмай:

— Ҳозирча тўқайга, — дедилар. — Уёгини кейин кўраимиз.

Бувим ҳангу манг бўлганча турардилар. Йўлга тушарканмиз, шундай жазирамада қаёққа борасизлар, тушмагурлар, деганча қолдилар.

Ҳовуз томонга бир-бир кета бошладик. Аваз амакининг ташқарисидан бедапоя яққол кўринарди. Шу ерда пича тўхтаб, бедапояни тамоша қилдик.

Ҳозирда устида олов сели жимирлаётганидан ўзи ҳам тилларанг туюларди.

Бу чиндан ажиб манзара эди. Гоҳо бедапоядан учган беданалар олисга бормай тушишар, қанотлари қуёшга тўғри бўлганда ялтираб кетарди.

Усмон акам бедапояни жойларидан қимирламай тамоша қилардилар.

Ўзим ҳам уни энди кўраётгандай кўзимни узмасдим.

Пичадан кейин йўлга тушдик. Ҳовузни айланиб ўтиб, Раҳмат отанинг кўчасига бурилганимизда бедапояга негадир яна бир қараб қўйдим. Усмон ака тол соясида дафтарларига ниманидир расмини тез-тез чизардилар. Бедапояга қараб, ўзларича «ажаб-ажаб» деб кўярдилар. Ҳайрон бўлдим. Сўрашга эса ботинолмадим.

Бедапоя шабадада энгил мавжланиб турарди. Усмон акам мени ёнларига имладилар.

Ё тавба, бу қанақаси бўлди? Энди кўзларимга ишонгим келмасди. Боя бедапоя кўзимга тилларангдай туюлганди, энди бўлса кўм-кўк бўлиб мавжланарди. Ҳайрон бўлиб Усмон акамга қарасам сирли кулимеирадилар:

— Қалай, зўрми?

— Зўр. — дедим довдираб.

— Ҳайрон бўлаяпсанми? Бунинг ўзига яраша сири бор. Уни ҳали бошқа нуқтадан кузатувдик. Ўшанда олтинсифат бўлиб кўринганди. Буни нур ўйини дейдилар. Ҳозир эса бошқа нуқтадан қараяпмиз. Бедапоя энди ўзининг асил рангида кўринаяпти, офтоб халал беролмаяпти. Санъат асарларини тамоша қилганда ҳам керакли нуқтани топа билиш керак.

Шунда зўр нарса топиб олгандай қувонишимни кўрсангиз. Бедапоя кўзимга ажиб сирлар конидай туюларди. Икки жойдан икки хил кўринишини ўртоқларимга айтиб, амалда кўрсатиб, бир қойил қилгим келарди. Бироқ ҳозирда бунинг иложи йўқ, Усмон акамни ташлаб кетолмасдим.

Тўқайга бориб, сигирни соялатдик. Суғорсак кўп ичмади. Шундан кейин орқага қайтдик.

Йўлда Усмон акам ногаҳон:

— Денгиз нималигини биласанми? — деб сўраб қолдилар.

Денгизни ўқитувчимиз Собировдан эшитувдим, кўлдан катта бўлишини билардим. Шунинг учун:

— Кўллардан катта бўлишини биламану номлари хаёлимда йўқ, — дедим.



— Дуруст, ҳарҳолда тушунчанг бор экан. — Усмон акам жавобимдан қоникдилар. — Кўл эса ўзларингда бор, тўғрими?

— Тўғри, фақат кўшни колхозда.

Кўлни кўрганам рост, бултур дадам олиб бориб, қайикда айлантиргандилар. Шимолий Тошкент каналига яқинроқ жойда эди.

— Денгизни ўзингиз кўрганмисиз? — сўрадим Усмон акамдан.

Усмон акам сал қизаринқираб жавоб бердилар:

— Денгизда бўлмаганман, бироқ кинода кўрганман, денгизчилар ҳақидаги китобларни ўқиганман. Денгиз жуда катта бўлади, у бошидан бу бошига кемада анча кун юрилади. Бизда денгизлар кўп: Болтик, Қора, Каспий денгизлари. Украинада Азов, кўшнимиз Қорақалпоғистонда Орол денгизи бор.

Оғзим ланг очилиб қолди. Ўзим ҳам сезмаган холда:

— Денгиздан ҳам каттаси бўладими? — дедим.

— Бўлади, у океан, дейилади. Харитага қарасанг кўрасан: Тинч, Атлантик, Шимолий муз океанлари...

Гаплашиб бедапояга келиб қолибмиз. Энди у кўзимга кўкимтир кўринарди.

— Денгиз ҳам мана шу бедапояга ўхшаб, мовий тусда бўлади. Болтик денгизининг суви қахраб раанг, сарғимтир. Қора денгизнинг суви қорамтир туюлади. Уларнинг у чеккаси ҳам, бу чеккаси ҳам кўринмайди. Тўлқинлари бир-бирини қувлашгани қувлашган. Бўронда улар пўртанага айланади, терак бўйи кўтарилиб, сапчийди. Бунда кемалар шикастланади, ҳалокатга учрайди. Катта бўлсанг китоблардан ўқийсан.

Ўшанда ёнимиздаги бедапоя денгиздай кўрина бошлади. Эсаётган шабада уни тўлқинлантираётганга, тўлқинлар эса кўпайишиб, пўртанага айланаётганга ўшарди. Бироқ бу денгизда кемалар кўринмас, унда ҳозирча тўлқинларнинг ўзлари ҳукмронлик қилишарди.

Бедапояга маҳлиё бўлиб турганимда Ўринбой амаким бизларни чақириб қолдилар.

— Юр, укам, — дедилар Усмон акам, — чақиришаяпти.

Усмон акамдан кемалар қанақа бўлиши, уларга қанча одам кетишини сўрамоқчийдим бўлмади. Амаким Усмон акамни жуда соғиниб қолганларидан менга гал бермадилар. Усмон акам кўнглимни кўтардилар:

— Майли, укам, қолган гапларни эртага гапла-  
шармиз.

...Ўшанда учовимиз супада ётдик. Катталарнинг  
гапларига қулоқ солиб ётиб, ухлаб қолдим.

Эрталаб уйғонсам супада ўзим қолибман. Бувим  
ховлида куйманиб юрардилар. Амаким сигирни етаклаб  
кетибдилар. Усмон акамни сўрасам бувим:

— Боғда расм чизаяпти. Чойингни ичиб ол, лекин  
халақит берма, — дедилар.

Усмон акам бедапоянинг ярми яққол кўринадиган  
галвирак ёнғоқ тагида расм чизаётган эканлар. Ўнг  
томонларида ҳар хил бўёқлар. Мўйқаламларини уларга  
навбати билан оҳишта текизиб қўядилар.

Орқа томондан унсиз келдим-да, секингина томоша  
қила бошладим. Мени сезмадилар, деб ичимда суюн-  
дим. Бироқ адашибман. Оёгим толиб, ерга чўкканимда  
илжайиб:

— Сенга денгизнинг суратини ишляяпман, — де-  
дилар.

— Раҳмат-раҳмат, — дедим юрагим қоқ ёрилгудай  
бўлиб.

Ҳаял ўтмай бувим бир даста нарса билан келдилар.  
Патнисда пиёла-чайнак, нон, қанд-қурс, қўлтиқларида  
эса дастурхон.

Бувим ерга дастурхон ёзиб, патнисни қўйдилар.  
Қарашиб юбордим.

— Усмонжон болам, манавилардан олиб-олиб тур-  
гин. Йилдай кунда узилиб қолмагин, болам. Йигит  
нарсасан. — Кейин менга қарадилар. — Акангга ха-  
лақит берма, бирпасдан кейин сигирингни соялатиб  
кел. Амакинг мактабига кетган.

— Хўп, бувижон.

— Илойим омон бўлларинг, болаларим.

Усмон акам берилиб, сурат ишлардилар.

Бувимнинг айтганларини қилиб, пичадан кейин  
тўқайга йўл олдим. Йўлда кетаяпману бутун хаёлим  
Усмон акам чизаётган суратда, ундаги денгизда, кема-  
ларда, тўлқинларда эди...

Тўқайда ушланиб қолдим. Ўртоқларимга Усмон  
акамдан эшитганларимни, бедапоя икки хил кўриниши-  
ни айтиб бердим. Эрмат билан Хайрулла денгиз ва  
океанларда катталиги туюдай балиқлар бўлишини ай-  
тишди. Гапга тушунадиган дельфинлар ҳақида ҳам гап  
бўлди. Эрматнинг дадаси бултур Қора денгизга борга-  
нида кўрган экан. Хайрулла катталиги тоғдай китлар

кемаларни ютиб юборади, девди ишонмадик. Бунинг тўғри-нотўғрилигини Усмон акамдан сўрайдиган бўлдим.

Қунботарга яқин сигирни етаклаб келсам Усмон акам ҳам, амаким ҳам йўқ. Гузарга кинога кетишибди. Кетларидан бормоқчи бўлдим бувимни кўзим қиймади.

Бувим билан алламаҳалгача гаплашиб ётдик.

Эрталаб кўзимни очарканман суюнганимдан кичқириб юборай дедим. Супанинг оёқ томонидаги жоноқи олмага Усмон акам кеча ишлай бошлаган сурат илинганди. Ундаги кўк денгиздаги ёлдор тўлқинларга тўш урганича жадал сузиб бораётган оқ кема нақ ростакамдай туюларди. Шамол кеманинг тутунини таратар, офтоб эса ҳаммаёқни, кема устида чарх уришаётган қушларни ҳам нурлантирганди.

Суратга яқин борарканман тагидаги «Рассом Усмон Умаров. 1941 йил, 22 июнь», деган ёзувга кўзим тушди.

Ўша куни Усмон акамни кўролмадим. Амаким икковлари Юқори участкага дадамни кўргани кетишган экан.

Суратни ўртоқларимга кўз-кўз қилдим. Улар ҳам жуда қойил қолишди. Ўзимни қаерга қўйишни билмас, сурат атрофидан нарига кетолмасдим. Қун қандай кеч бўлганини ҳам сезмадим.

Эртасига эрта билан сигиримни арқонлаб келдим уйдан нари кетмадим. Усмон акамнинг йўлига кўз тутиб, Юқори участка томонга қараб-қараб қўяман. Ўртоқларим ўзлари билан ўзлари овора бўлганларидан қоралари кўринмасди. Негадир ҳовуз бўйидан Юқори участка йўлига қарагим келди.

Ҳовузга етганимда кимдир: «Ҳой!» — деб қолди. Қарасам Раҳмат ота, Усмон акам ва амаким гаплашиб туришибди. Яқинроқ борсам кўринишлари жиддий, гўё бир нима бўлгандай ташвишли боқишади. Усмон акамнинг ҳам қовоқлари уйилган. Салом берсам аранг алик олишди.

Бу орада Тарзан ҳам етиб келиб, оёқ тагида ўралаша бошлади. Нима қилишимни билмай Усмон акамнинг қўлидан ушлаб, юринг, кетдик, дегандай тортдим. Раҳмат ота уйларига судраб турган эканлар. Усмон акам узр айтдилар.

Усмон акамга сурат учун раҳмат демоқчи бўлдим ташвишли кўринганларидан юрагим дов бермади. Амаким ҳам хомуш кўринарди. Фақат бувимгина кекса-

ликларига қарамай тиним билмасдилар, ҳар маҳалгидай ҳушчақчақ ва меҳрибон эдилар. Усмон акам ва амакимдан дадам билан ойимни сўрадилар, кейин дастурхон ёздилар.

Усмон акам бирдан шаҳарга қайтадиган бўлиб қолдилар. Бувим ҳам, ўзим ҳам таажжубда қолдик. Шунда амаким сабабини айтдилар:

— Уруш бошланибди, ойи, уруш...

Бувим бундан сапчиб тушдилар:

— Вой, ўлмасам, қанақа уруш?

Усмон акам Германия деган мамлакатдаги фашистлар бизга уруш бошлашганини тушунтирдилар. Бувим анграйиб қолдилар. Ушанда кўп нарсаларнинг фаҳмига бермасам ҳам Усмон акамнинг:

— Қизил аскарларимиз фашистларнинг додини беришади, — деганлари эсимда қолган.

Усмон ака суратни катта уйимизга олиб кириб, иккала тахмон ўртасига яхшилаб ўрнатиб бердилар. Кейин чемоданчаларидан китоб олиб, менга бердилар:

— Буни тез-тез ўқиб тур. Яхши китоб.

Бувим Усмон акамни гўё қайтиб кўрмайдигандай йиғлаб хайрлашдилар.

Ўринбой амаким икковимиз Усмон акамни тўқайдаги кўприккача кузатиб бордик. Усмон акам ҳар биримиз билан қуюқ хайрлашдилар. Бувим берган тугунни қўлларига тутқаздим. Аранг олдилар. Сўнг «хайр» дея қўл силкиб, йўлдан жадал кета бошладилар.

Ушанда Усмон акамни бошқа кўрмаслигим хаёлимга ҳам келмовди.

Усмон акам берган китоб қўлимдан тушмасди. У ажойиб шоир Пушкиннинг «Руслан ва Людмила» деган поэмаси бўлиб, шундай бошланарди:

Денгиз бўйи ям-яшил чинор,  
Олтин занжир чинор тагида.  
Чечан мушук тун-кун беқарор,  
Айланади теварагида.  
Ўнгга юрса қўшиқ қўйлайди,  
Чапга юрса эртак сўйлайди.  
Мўъжиза кўп у олис ёқда,  
Тонг қолгулик баланди-пасти.  
Сув париси ўтирар шохда,  
Дайдиб юрар саёқ алаvasti.

Китобдаги бошқа талай сатрларни ҳам ёд олдим. Денгиз, оқ кема, асов тўлқинлар, оппоқ қушларни чин дилимдан севиб қолгандим, ҳатто уларни тушимда кўрардим. Гоҳо кучли бўрон ва пўртаналар шовқинидан уйғониб кетардим.

Урушнинг мудҳиш нафаси қишлоғимизга оралаб қолди. Усмон акам биринчилардан бўлиб, кўнгилли равишда фронтга жўнаганларини эшитдик. Дадам, қўшнимиз Аваз амаки ҳам бирин-кетин урушга кетишди. Хаш-паш дегунча қишлоғимиз хувиллаб қолди...

Далада энди қариялар, аёллар ва болалар ишлашарди. Мактабдан далага чопардик, катталарга қарашардик...

Бувим ҳовлимизда боқча очдилар. Урушнинг иккинчи йили амаким ҳам кетди. Ўша йили Усмон акам Қора денгиздаги шиддатли жанглардан бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақида хабар келди.

Мактабда турли командалар ташкил қилдик, кексалар, бетоблардан хабар олар, фронтдагиларга совға-салом тайёрлардик. 1943 йилда Ленинграддаги тенгқурларимизга ҳар хил нарсалар юборганимиз эсимда.

Урушдан дадам ҳам, амаким ҳам қайтиб келишмади. Улар Сталинградда ҳалок бўлишди. Бундай ҳисоблаб қарасак кичкинагина қишлоғимиздан кетган бир юз қирқ тўққиз азамат уйга қайтмабди. Уларнинг номлари қишлоқ марказидаги ёдгорликка битилган.

Уруш йилларидаёқ денгизчи бўлишга аҳд қилгандим. 1947 йили мактабни битирдимувувимдан фотиҳа олиб, Одессадаги денгизчилар мактабига жўнадим. Тўрт йилдан кейин денгиз офицерлари қаторидан жой олдим. Ўшанда Қора денгиз мени илиқ қаршилагандай бўлганди. Ҳар сафар унга қарарқанман Усмон акамнинг нурли сиймосини кўргандай бўламан...

Капитан жим қолди. Унинг ҳикояси Сулаймоновни ҳаяжонлантирганди. Шу вайдан ўртага сукунат чўккан, икковлари ҳам ўзлари билан ўзлари овора эдилар.

Сулаймонов анчадан кейин эс-ҳушини йиғиштириб сўради:

— Қўрмаган жойингиз ҳам қолмагандир, Толибжон ака?

Капитан «ха» дегандай енгил бош ирғаб қўйди. Сулаймонов бирдан питирчилаб қолди:

— Сурат ҳалиям борми?

— Мен қаерда бўлсам сурат ҳам ўша ерда бўлди. Фақат ўшагина менга қишлоғимни, Усмон акамни,

бувимни, бутун авлодимни эслатиб турарди. У менга ҳамиша ҳамроҳ!

Капитан ўрнидан турди-да, юқори полкадаги қоғозга ўралган нарсани очди. Сулаймонов кўзини узмай турарди.

— Мана, ўша сурат, домла!

Сулаймоновнинг наздида купе янада ёришиб кетгандай бўлди. Рўбарўсида ҳозиргина капитан таърифини қилган сурат турар, ундаги денгиз, оқ кема, тўлқинлар ва оқ чорлоқлар худди жонлидай туюларди. Ташқарида қуяётган ёмғир овози эса денгиз шовуллашига ўхшарди.

Поезд олдинга учар, шимол ёмғири тобора авжига чиқар, гўё ташқарида денгиз тўлқинлари бир-бирларини қувиб, пўртаналар ҳосил қилаётгандай эди.

**Насиров Э.**

Н7Н Раис бобонинг набиралари: Қисса: (Ўрта мактаб ёшидаги болалар учун) (Кириш сўзи К. Яшинники). — Т.: Ёш гвардия, 1990. — 160 б.

**Насиров Э.** Тайна чигана. Повесть и рассказы: Для детей ср. шк. возраста.

Ўз2

## МУНДАРИЖА

Қисса . . . . .	7
Раис бобонинг набиралари . . . . .	8
Ҳикоялар . . . . .	119
Илоннинг мехри . . . . .	120
Чигоннинг сирӣ . . . . .	127
Хазина . . . . .	135
Шимол ёмғири . . . . .	142

Адабий-бадий нашр  
Литературно-художественное издание  
Для детей среднего школьного возраста  
На узбекском языке

## ЭРКИН НАСИРОВ ТАЙНА ЧИГАНА

Повесть и рассказы

Мухаррир А. САИДОВ

Мусаввир Б. ХОЛМИРЗАЕВ

Бадий муҳаррир Х. РАҲМАТУЛЛАЕВ

Техн. муҳаррир Ж. НОДИРОВА

Мусаххих С. САЙДОЛИМОВ.

ИБ № 2862

Босмахонага 11.10.89 й. берилди. Босишга рухсат этилди 11.03.90 й.  
Р-07330. № 2 қоғози. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Обыкновенно-новая  
гарнитурада офсет босма усулида босилди. Босма листи 5,0. Шартли  
босма листи 8,40. Шартли кр. отг. 8,82. Нашр листи 8,62.  
Тиражи 45.000. Буюртма 2323. Шартнома 113—89. Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.  
700113. Тошкент, Чилонзор, 8-квартал, Қатортол кўчаси, 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг

Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

Тошкент «Правда газетаси», кўчаси, 41.